

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рағиддинов
Фармон Тошев
Исајон Султон

Хайриддин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нибуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Диляром Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева



УШБУ СОНДА:

СҮ ЧҮСТИОН САҲНИДА

Хосият БОБОМУРОДОВА

ЖАЛ АЙЛАДИ



Мен арзи ҳол этсам ёниб, бу хилда ташналикдан,
Ўксима, деб ғамларимга кўшди ғам, кўл айлади.


Мен-ку васлин орзусида юлдузларни яратдим,
Ўзим кўқда ой бўлдим, ул дилимни қул айлади.

Девоналигин ташбеҳин сўрмангиз Хосиятдин,
Бехабарман, не айласа, шеър билан ул айлади.

НАЗМ

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

КАЙТИШ



Йўл юрарман қуйлаб осуда,
ёришади тобора ичим –
чексизликлар ёйилмасида
ўз-ўзимга етмайди кучим.

Ёмонлик йўқ дунёда буткул,
ўзлигингни англасанг аввал,
ҳар одамнинг қўксини кўрсанг
қалб ёкутдай ёнади ял-ял.

ТАДҚИҚОЛӢ

Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА

ШЕҶРИЯТДА МИЛЛИИЛКИНИ БАДИИЙ АКСИ



Миллий ўзига хослик, юксак ахлоқий қадриятлар, ўзбекона ҳаёт тарзи жозибаси, гўзаллиги, соф ва бегуборлиги ховлиларнинг уйгона бошлиши, уйлар чехрасининг ёришиши, куёвларнинг оталарга тик қаролмасдан юз ювишларида ўз бадиий ифодасини топган. “Сигирларнинг елинларидан Тонгни соғиб олар келинлар” мисралари эса сизнинг баҳт ҳақидаги тасаввурларингизни янада юксалтириб юборади.

Яшар ҚОСИМ

МИНОРАЛАР ӘМАС БУ – ФАЛАККА КАСАМ

Дарҳақиқат, Абдулла Ориповнинг миллат ва Ватан дардларидан туғилган, бекиёс ёшлик шиддати билан битилган ўтли шеърлари, ўзининг эмоционал эстетик мазмуни ва улуғвор кўламига кўра олашумул бадиий кашфиётлари нафақат жонажон ва қадрдон халқи, балки барча олис-яқин кўнгилларда, чин ва самимий сўзга ошно бўлган ҳушёр ва сезгири қалбларда ҳамон акс садо бериб, муттасил янграб келмоқда.



Наргиза УСАНБОЕВА

ҲАСР

СОВҲАНИНГ ПУЛИ

– Ҳилола дугонам. Танидингизми? – деди аёли унинг анқайиб қолганидан хижолат бўлиб.
– Йў-ў-ўқ, – ростини айтиб кўя қолди Мурод.
– Вой, ана танимади, – оғзини лўппи кафти билан ёпиб кулди меҳмон.
– Унақа деманг, хафа бўлади. Энг яқин дугонам. Ҳилол-чи? – эслатишга уринди аёли. – Тўйимизда “свидитилим” бўлган. Сизнинг ўртоғингиз билан бирга, тўртталамиз суратга тушгандик. Ҳалиги ўртоғингиз тўйимиздан кейин ҳам Ҳилолни сўраб кўймаганди. Сиз, “Кел, иккаласининг бошини кўшамиз. Кейин юрамиз, борди-келди қили-и-иб”, дегандингиз.



Po'lat XUDAYBERGANOV

БОЛАЛАР АДАВИYOTTI

Chumchuq

– Ayt-chi do‘stim Abdulla,
Chumchuq qanday sakraydi?
– Shuni ham bilmaysan-mi,
U yurmaydi, hatlaydi.

Qishin-yozin bizlardan
Ketmas sira uzoqqa.
Eh, ilohim tushmasin,
Ovchi qo‘ygan tuzoqqa.



Барҳаёт сиймолар



Қалбимни ёритган оташ бир ҳиссан

ҒАЙРАТИЙ

Хаёлинг

Бахтимнинг лавҳаси икки хилолинг,
Ҳолимни англатди қоп-қора холинг.
Сени деб, кўтарай рангу малолинг,
Туну кун истайман эзгу иқболинг.

Юз очса, тонг чоғи лоларанг шафак,
Юрагим сахфаси қип-қизил варақ.
Билсайдинг севгида мен нақадар ҳак,
Банд этар хаёлим ширин хаёлинг.

Узун тун ҳажрингда чекиб ўтли ох,
Ҳолимдан хабардор кўқда юлдуз, моҳ.
Айрилик оқшоми ўзинг бўл огоҳ,
Кўзларим ўнгидан кетмас жамолинг.

Чаманда ғунчани соғинган маҳал,
Бечора булбуллар ўқиса ғазал,
Ғайратий эсига тушасан ҳар гал,
Ой каби чиройинг, тотли мақолинг.

ҒАЙРАТИЙ – (1902 – 1976). Ўзбекистон ҳалқ шоури. Ўқитувчилар тайёрлаш икки йиллик курсида таълим олган. Ижодкорнинг кўплаб шеърий ва насрый тўпламлари нашр этилган.

Илтижо

Нақадар шиддатли хижрон ғуссаси,
Баъзида эзади айрилик – фироқ.
Бехуда ўтгандай ҳаёт қиссаси,
Ёнмайди кўнглингга ёқилса чироқ.

Розиман бошимга тушса тоғ қулаб,
Хайр энди, сўзини эшитиш оғир.
Сен кетсанг киприкка аччиқ ёш улаб,
Қоламан, юрагим ёнар бир умр.

Хайр энди, сўзини айтар бегона,
Сен ахир меҳрибон, яқин, муниссан.
Ишқ ўтин ардоқлаб бўлдим парвона,
Қалбимни ёритган оташ бир ҳиссан.

Розиман шаънимга айтсанг ҳар хил гап,
Софингир, қийнагил, қилгин маломат.
Кўрганда юзингни, майли, бургил чап,
Зинхор хайр демагил, эй, пок муҳаббат.

Хайр энди, сўзига бормасин тилинг,
Наҳотки, чидаса қийнашга кўнглинг?

Роҳат қуйини тинглаб

Чолғучи, сайрасин қўлингдаги соз,
Фақат ғам менга баҳш этмаган дунё.
Пардангда у тийран роҳатлар парвоз,
Айлансин, эшитган бўлсин маҳлиё.

Сенинг ҳар пардангда Бобур ноласи,
Беркинган, роҳати топилмаган жой.
Ғурбат аламига жом – пиёласи,
Тўлгандир, ўксиган йиғлаб йилу ой.

Муниссан, табиат, сақладик ҳар вақт,
Тифингни урмадинг ва чекмадинг оҳ.
Юракка жойладинг ўзинг муҳаббат,
Роҳатга жўр этдинг, тақдирим гувоҳ.

Совук сим бўлсанг ҳам куйингдир оташ,
Оlamга тарагиб янграр роҳатим.
Бетиним жаранглар, мазмуни – дилкаш,
Тилингдан тушмасин бор ҳикоятим.

Роҳати шу бўлса, шодлиги – чексиз,
Эҳтимол, сифмайди шу кенг оламга.
Тасаввур қилурлар кеча ва кундуз,
Зотан, роҳатларим сифмас қаламга.

Она табиатга

Моҳирсан, қодирсан она табиат,
Шу ҳаёт маскани ёруғ дунёни,
Яратдинг, измингда ранг-баранг ҳикмат
Ва ҳал этдинг сирли қўп муаммони.

Сайр этар конунла шу жафокаш ер,
Мувозанат сақлашга тоғлар яратдинг.
Фасллар ўтади сенда бирма-бир,
Қуёшга парвона янглиф қаратдинг.

Барчаси сендаги тартибга асос,
Ҳаёт мангу экан, режанг бузилмас.
Шунинг учун сенга қўйганман ихлос,
Бир нафас меҳрингдан кўнглим узилмас.

Юракка муҳаббат ўтин ташладинг,
Хижрон-аламлардан айладинг узоқ.
Ёр учун бир умр баҳтга бошладинг,
Ғам солсанг бошимга, ерга оғирроқ –

Бўлурди, курранинг аҳволи забун,
Бечора чекарди қайғу-изтироб.
Мени ташвишлардан сақлаганинг-чун,
Күшдай талпинаман мураббий офтоб.

Ишқим

Ишқим оташи қанот, интиламан самога,
Зангор чўқиллар бўлиб, бирма-бир зинаюя.
Эркин парвоз қиласман, узоқларга – фазога,
Оқ йўл тилаб тубандা, қолур хисобсиз қоя.

Юлдузлар чапак чалиб, чиқадилар пешвоз,
Ҳайрон қолиб, бу оташ қайси туркум парчаси,
Сайр этар дея, менга кўрсатур хурмат, эъзоз,
Ой ҳам аста мўралар, доим очиқ дарчаси.

Эй, ишқимнинг оташи, шунчаларсан муқаддас,
Улуғлаб юксакларга қўтардик, зўр эхтиром.
Илҳақ бўлиб йўлимга қуёш қиласи ҳавас,
Ҳарир субҳ пардасидан боқади айлаб салом.

Сен қалбимни мунаvvар қилувчи оташ нурсан,
Мангулик муҳаббатсан ва инсоний ғуурсан.

Бўлма бепарво

Тун бўлса, бу чексиз олам чироғи,
Кўринар тўлин ой ва унинг доғи.
Ёримга сукланиб доғда қолгандай,
Маъсум жилваланар унинг ёноги.

Ой каби күёшда доғ кўриб шошдим,
Кўзимга ишонмай тўлгандим, тошдим.
Билсам, ёр юзига зулфин сояси
Тушибидир, бир кўриб, наилай, адашдим.

Тараарда зулфингни бўлма бепарво,
Солмагин кўнгилга изтироб, савдо.

Олгин ёдингга

Чумчуклар чирқираб оқшомдан хабар,
Бераркан севгимни дарди бир дафтар,
На бўлгай келсачи раҳминг, эй, дилбар,
Бу ишқим китобин олгин ёдингга.

Чиқсанг сахар чоғи сувга, булоққа,
Хаёлинг сайр этса гоҳо узокқа,
Кўз ташлаб булоқдан оққан ирмоққа,
Кўзёшим селобин олгин ёдингга.

Гул териб юрганда чаманда, боғда,
Аксинг шуълаланса гунча, япроғда,
Таърифинг куйласа булбул бутоғда,
Ғайратий фигонин солгин ёдингга.

Япроқлар


Япроқлар, тинмаган, яшил япроқлар,
Бокира баҳорнинг олтин сатрисиз.
Сиз умр дафтари, асил япроқлар,
Гулшанни анқитган майин атрисиз.

Чаманлар базмида чалгансиз чапак,
Булбуллар ўқиса ширин бир ғазал.
Сизда ўз аксини кўраркан юрак,
Хаётдан завқ олар шубҳасиз тугал.

Бедор табиатнинг фасли, хислати,
Олтин саҳфангизда ноёб дебоча.
Ошиклар қўшиғи, чин муҳаббати,
Мазмуни ўқилур кундуз ва кеча.

Бир йилнинг номаси сизда мужассам,
Сарғайган сатрлар, умр йўлингиз.
Тўймайман сизларга, бокқанда ҳар дам,
Баҳор васфин ёзмиш моҳир қўлингиз.

Бадиий публицистика



Тил давлат отининг тизгинидир

(Эркин фикр)



Баҳодир ҚОБУЛ

ЭНГ КАТТА ҚАРЗ

Тенгсиз Тенгри оти билан.

Энг катта қарз тўғри – сўзни айтиш ва энг улуғ мерос – тўғри тарбия беришдир, демишилар. Холик (Яратувчи) олдидаям, махлук (яратилмиш) олдидаям. Араб лисонининг хурмати, форс забонининг иззати қошимиз устида.

Битигимиздан тилак бошқа тиллардан тилимизга кириб келган, ўрнашган сўз, иборалардан воз кечишга чақириш эмас, балки бу сўзларни билиб, тушуниб, ҳис этиб кўллаш, ҳар бир сўзнинг ўрни борлигини, ҳар бир сўз сизу биздай, довдараҳтдай, капалакдай тирик жон эканлигини, сўз тириқдан чиқишини, сўзлар ичимииздан чиқиб, атрофимизда юришини, унинг ҳам яқин жонажони, узок танишлиги, етти ёт бегонаси бўлишини, бир сўз, товуш, йўтал тус отангизни, бир сўз фақатгина онангизни эслатишини, ўшал сўзларни ишлатиш, эшитиш, билан теппа-тeng кўз ўнгингизда ота-онангиз хотираси жонланишини, сўз атоғлиқ неъмат барчага бирдайлигини, сўз кўнгил мулки, сўздан кўнгил сув ичишини, кўнгилнинг кўнгли тўлишини, сўздан қолиш жондан қолишлигини, шунингдек, унинг ҳам ёши-қариси, ўтқир-ўтмаси, жон багишловчи, жон сугурувчиси, оёқ-кўли бовлиғлиги, чек-чегарасиз кучи борлигини англатиш. Ҳар бир тирик жоннинг ўтмишию бугуни, эртаси бир оғиз сўз устида туришидан туюнтириш. Ҳар қандай уруш-жанжал, давлатлар орасида бўладими, уйда, ишда, кўчада бўладими – барча-барчаси ярим оғиз ўринсиз сўзнинг ортидан бошланишини, бўлганлигини эслатиш ва бунинг олдини олишдан туюнтириш. Ва ҳар қандай кўнгилни кўтарадиган нарса ҳам бир оғиз бегидир яхши гап ортидан келишини ҳис эттириш. Бучуваланган гап-

Баҳодир ҚОБУЛ – 1966 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси, ҳуқуқшунослик факультетларини тамомлаган. “Ўспиринлик”, “Энашамол”, “Энайўл”, “Богдагул”, “Отачироқ”, “Салом, Туркистон”, “Қайроқтош” китоблари муаллифи. Амир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муҳокамат ул-лугатайин”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки ажам”, “Муножот”, “Муншаот” сочма (насрий) асарларини ҳозирги ўзбек бадиий тилига ўгирган.

сўзларимиз Ўзбек аталмиш улуғ элнинг биргина мақолида михланган: “Яхши сўз жон озиги, Ёмон сўз жон қозиги”. Яратган Эгам бошқа жонзорларидан Одамни азиз ва улуғ билиб, фақат унгагина Сўз неъматини берганидан яна бир бор туюнтириш. “Бас, Одам Роббидан сўзларни қабул қилиб олди...”, “Бас, сўзлар Одамни Роббидан қабул қилиб олди”ни биргаликда туюниш. Туюниш буюрилганларга албатта. “Тангри бир кимсани хор қилса, тўғри йўлдан боришга (ўша кимсани) бўйни ёр бермайди”. (...тўғри ишни қилгиси келмайди). Ҳазрат Амир Алишер Навоий айтганларидек, “Сўз инсонни ҳайвонликдан этди жудо, ҳайвонликдан ажратди”. Биз, бугунги ўзбеклар Яратувчи томонидан фақат ўзимиз учун яратилган аталган, берилган тенгсиз Сўз неъматига қандай муносабатда бўлмоқдамиз, уни асраб-авайлаш учун нима қиласяпмиз, нима қилишимиз керак ва нима қилсан Эгамнинг бундай совғасига муносиб жавоб берган бўламиз? Энг биринчи ўринда, ўзбек тили деган Оллохни неъмати фақат ва фақат бизга берилганлигини англаймизми?

Тил нима? Икка жағ орасидаги бир карич суяксиз гўштми ёки бошқами? Ҳар икки маънодаям “Тил тоза - ҳамма нарса тоза, ҳаммаси жойида”. Тил ҳамма нарса дегани. Тилчилар тили билан айтганда, “Ким қайси тилда ўйлар экан, ўша элга тегишилдири. Паспортдаги ёзиқ ҳисобга олинмайди”. Барча касбнинг “ўз тили” бор, у бошқа масала. Бирор бир улус, эл, миллат тили деганда эса ўша миллат ўз давлатчилигига эга бўлса агар, ўша давлатнинг жилови дегани. Жилов бошқа тиллар қўлидаги давлатларнинг эрки ўз қўлида дейиш эса кўпроқ ҳамма нарсани пулга чақадиган тўданинг кўкрак чўнтағидаги гап. Тили бўла туриб давлатчилиги йўқ қавмлар, ҳалқларнинг саноғи учун бир вақтлар ҳисобидаги “уч тийинлик дафтар”ни тўлдириш камлик қиласди. Номигагина давлатчилик; тил бошқа, жилов бошқанинг қўлидагилар ҳам кам эмас.

Улуғ устозлар: Амир Алишер Навоий дунёси билан таништирган Ботурхон Валихўжаев, ўзбек тили ҳайбати ва қудрати не эканлигини мукка тушиб, ҳарфма-ҳарф, товушма-товуш ўргатган Раҳматулла Кўнғуров, Худойберди Дониёров, Бозорбой Ўринбоев; журналистлик шунчаки нон топиш иши эмас, ор-номусга тегишли эканлигидан қўйиниб; мақола ёзиш нималигини, сўз айтиш иш эмас, тиф билан ёнма-ён қадам ташлаш эканлигини сўзи билан ҳам, кўзи билан ҳам уқтирган Аҳмаджон Мухторов, Абдурашид Абдураҳмонов, Анвар Жўрабоевларнинг қарашлари; тириклик билан тирикликини фарқини тушинтирига жидди-жаҳд қилган Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Усмонхон Алимовларнинг назарлари, нафаслари бу қаторларни, сатрларни ёзишга ундали, қўймади.

Мақсадга, ишга ўтсак. Бугунги кун газета-журналларининг тили, яна бир улуғ устоз Абдулла Орипов ибораси билан айтганда, “жонсиздан жонсиз” лигининг сабаблари, шундай бўлиб қолишининг асослари узоқ йилларга, узоқ йиллик ташвишларга бориб тақалади. Янаям аниқ қилиб айтсақ ўзбек тилининг куч-қудратини очик-ойдин, кўриб-билиб туриб, уни “яроқсиз” дейиш учун “Бетингда кўзинг йўқ дея оши пиширилган”, тайёрланган юз эллик йилдан наридан бўён судралиб, талмовсираб, ўзини бирда тентакка, бирда овсарга, тағофилу тараддуд, тайсалга солиб келган, келаётган сиёсатга бориб тақалади. Маълумки, ривожланган тилларни ўргансангиз, мен атайлаб бирон- бир тилни мисол қилиб келтирмаяпман, “Ёзилиши ўша, ўқилиши бошқа сўзлар”, “Ёзиладиган, бироқ ўқилмайдиган”, “Сўз охирида келса ўқилмайдиган” ва ҳоказо деган масалалар бугунги кунгача тилчиларимизга вазифа қилиб берилмаган. “Ўзбек тили талаффуз луғати”ни яратиш ҳақидаги тушунчага қачон етамиз, англаймиз? Адабий тил деб тавсия қилинаётган тилнинг ҳам талаффуз луғати, қоидалари йўқ-ку. “Савод” сўзнинг маъноси эса бор-йўғи бир ҳарфни бошқасига айтайлик “а” ҳарфини “б” ҳарфига уриштириб, “алифбе” деб ўқишишнигина билиш деганидир.

Баҳодир ҚОБУЛ

Маълумки, ҳар бир мавзу тегишли жойлардан тасдиқдан ўтиш керак. Унинг зарурлиги тегишли идоралар тарафидан белгиланиши керак. Ҳаётий зарурлари биринчи синфдан бошлаб, ўз даражасига кўра дарсликларга киритилиши керак. Буни каранг-ки, биргина тилимизнинг жонини белгиловчи, жарангини ташувчи “Ёзилиши бошқа, ўқилиши бошқа сўзлар” масаласи ҳалигача зарур эҳтиёжлардан ҳисобланмайди. Шунинг натижасида ёзилганни қандай бўлса шундай ўқиш талаб қилиниши оқибатида тилимизнинг жарангиги, таровати, оҳангиги, жозибаси, сехри кундан-кунга йўқолмоқда. Радио телевизорни эшитишинг билан йўнилмаган ёғочдай хаёлот қўзларига қарсиллаб санчилади, ўзидан итаради, совутади. Бугунги ўқиш йўриғи, тартиби, талабида овоз чиқарган одам худди мўлтони гапиргандай бўлади. Ҳатто “нинг”нинг “нг”сигача лўлидек ургулайдиган. Чунки у гапиргандага ўқигандага “нг”ни айтиш шарт эмаслигини билмайди. Ва биз бундай гапирганинг юзига бир қараймиз-у, йўлимиздан қолмаймиз. Нима ҳам дея оласиз?! Ваҳоланки, жонли ўзбек тилининг жони бунақа эмас! Унинг минг-минг йиллик йигиси, кулгиси бор. Бу йигилар, бу қувончлар унинг тилидаги товушларда йигилган. Буни илмда товуш тебрануви – интонация дейилади.

СЕНАТОР – ОҚСОҚОЛ, СЕНАТ – ОҚСОҚОЛЛАР ЙИҒИНИ

Энди газет-журналчиларимизнинг ҳар кунлик хабарлари, мақолаларида ишлатиладиган сўзларнинг ўзбеккаси бўла туриб арабча ёки форсчасини ишлатишларига, сўзларни аниқ-тиниқ маъносини билмасдан, эшитганларига кўр-кўрона эргашувларига нима дейсиз? Қишлоқдаям, шаҳардаям бирор кимса кундалик турмушда катта отасига “падари бузрук”, “бобокалон”, боласига “нури дийда” деб гап қўшмайди-ку. Журналистман деб юрганларнинг қўпчилигидан қуйидаги сўзларнинг ўзбеккасини билмайсанми деб сўрасангиз, “Э, бу ҳали ўзбекча эмасми”, дейди қўзлари катта-катта бўлиб. Тил ўрганишдан ортиқ илм йўқ. Тил бузишдан ортиқ ёмонлик ҳам. Мана ўша биз маънисини билиб - билмай, икки гапининг бирида ишлатидаган сўзлар: аввал, аввали охир, авлод, аждод, абадулабад, ақлбовар, аламзада, авлиё, аломат, афшон, барвақт, бардавом, болахона, баб-баравар, баркаш, баҳраманд, барбод, баробар, бой бермок, биродаркүш, бартараф, бузрук, бузруквор, бобокалон, бадном, бадарак, бедарак, бурро, бунёдкор, бисёр, барзанги, бадбўй, батамом, бовар, боз, барҳаёт, бардор, барор, бедор, бемалол, барқарор, барҳам, бастакор, булбулзабон, бадбахт, бурда, бадаҳлоқ, баднафс, бадбашара, бадхулқ, баҳор, ватанпарвар, вобаста, гирдоб, газетхон, гирифткор, гирди, гузар, гўша, гардон, гўшак, гирибон, гардиш, гирён, гумроҳ, густоҳ, дарҳол, даркор, дазмол, (“утюг” дейишга уялмаймизда “ўтлиқ, ўтлуг” дейишга ийманамиз. Утюг ўзи “ўтлиғ”дан олинган), даҳмаза, дурбин, даҳанаки, дарз, дастур, дуоибад, дучор, дорбоз, дудбуро, даргоҳ, дарвоза, дарвазабон, дастурхон, дилгир, душвор, дардисар, даста, дандон, жабрдийда, жонбоз, жомакор, жайдари, жувонимарг, дехқон, жўшиб, жўшқин, жудо, жувонбоз, забардаст, жоҳил, жунбуш, жабҳа, зормонда, заракунанда, зарафшон, зардоб, зиндон, забон, зимистон, заҳархонда, забун, зодагон, ижод, ишқибоз, ислоҳ, ислоҳот, калтабин, китобхон, кушойиш, кушхона, кибр, кўхлик, камнамо, камарбаста, кажрафтор, кушанда, кўрнамак, кор (килмади), калом, кашшоф, калондимоғ, камнамо, кирдикор, китобхон, лаганбардор, лўттибоз, миёна, мунаvvар, маҳбуб(а), мағрур, маҳлук, мушакбоз, монанд, мозий, мурғак, мўйсафид, маргимуш, майхўр, навозанда, намоён, намоёнда, намокоб, нўш, ноёб, ношуд, норасида, нишон, нишона, нимчорак, ниҳоя, надомад, ножӯя, найранг, найрангбоз, наботот, насрнавис, нобуд, намозхон, нурафшон, нуроний, ноёб(дан)-ноёб, омад, омадли, омадсиз,

одамкуш, омухта, охир, обжўш, обдаста, об-ҳаво, пайғамбар, парвариш, падар, пора, пораҳўр, пароканда, панжара, пойдевор, поймол, пойандоз, пой, пойча, поча, пойтахт, пойдевор, пойқадам, пировард, пухта, пойафзал, пешоб, падар, падари бузрук, парвона, пешвоз, пурмаъно, пул, пурхикмат, пойандоз, поён, пайтова, равон, рўшнолик, равона, раҳнамо, раҳна, ростгўй, ришта, рост, роман, раҳбар, расида, рўбарў, рўй (берди), рақобатбардош, рўё, руёб, рўй-рост, рўйхат, сарчашма, саводхон, сарпойчан, саркотиб, сарпо, сухан, сафдош, солнома, сухандон, сохиб, сармоя, савод, саросар, сарбаст, созанда, садпора, сийнабанд, сиёҳ, саргузашт, саргашта, сарзамин, сохиба, сардор, тарихнавис, тавба, таваллуд, талант, танбех, томошабин, уддабурон, умргузарон(лик), умргузар, устазода, фазогир, фарзанд, фаррош, фирибгар, фуруш, хунрезлик, художўй, хушруй, хушбўй, хаспўслаш, худопараст, хўраки, хунук, худбин, хушомад, хомсўз, харидоргир, хушхабар, хонанда, хазонрез, хазонрез(ги), хушомадгўй, хуноб, худотарс, хандон, ханда, хушовоз, худкуш, ўтхўр, сутхўр, судхўр, чорраҳа, чортараф, чилпарчин, чошгоҳ, чойшаб, чорак, шикаста, шикаст(ланганда), шинам(гина), ширинсуҳан, ҳасадгўй, ҳикоянавис, ҳожатбарор, хуқуқбон, ҳолвайтар, ҳақгўй, ҳамкор, ҳамроҳ, ҳайвон, ҳониш, ҳикоя, яқдил, якка, ягона, яловбардор, ғараз, ғаразгўй, ғамхўр... ғуур... қисса, юз тубан, юз карра, юз хотир... Бир сўзнинг маъноси икки тилда устма -уст қайталанадиганларини қўяверинг. Бешпанжа, ўртамиёна, пишиқ-пухта, моҳбалиқ, пулкўприк ва ҳоказо. “Сенатор” – “оқсоқол”, сенат – “оқсоқоллар кенгаши” деганлигини бирор-бир жойда ўқитилмаса... Бир тенгқур зиёлимиз (ўзидан нур, яхшилиқ таратувчимиз) “олқинди” деган сўз бизда йўқ, қаердан келган экан-а” дейди-ки, бу сўзни ишлатган одам айб иш қилиб қўйгандегу у ушлаган оҳангда. Оғзингизга гапни каттаси келади-ю, ўрнига “Ота-бовонг совун кўрган бўлса олиқинди нималигини биласан-да” дейишниям увол биласан.

Оталар ори хурмати айтаманки, юқоридаги сўзларнинг ҳар бирига камида тўрттадан еттигагача синоним, ўрнига-ўрин босадиган сўзларимиз бор, топилади. Халқ тилида, албатта. Бу сўзларнинг ўзбекчалари сифиндидаи бир чеккада йўл қараб турибди. Шаҳарлик дейилмиш сонга, рўйхатга (пропискага) киролмай, эшик тақилласа юраги шувуллайдиган “кишлокдан келмиш”дай. Эртаси куни шаҳарда туриши омонат қишлоқлик мутахассисдай, хунарли устадай, мардикордай. Энг ачинарлиси буям эмас. Йиғлагулиги юқорида айтганимиздай, газета-журналларимизда ишлатиладиган бу сўзларнинг асл маъносини шу сўзларни ишлатадиганлар кўпчилигининг билмаслигида. Билишга ҳаракат қилмасликларида. Кўлидан келган, пул топган истаган одам истаган тилини ўрганиши ҳозирда ҳеч гап эмас. Нимага инглиз, нимага немис тилини ўрганаяпсан, форс тили санга нимага керак бўлиб қолди, араб тилини ўрганиб нима қилмоқчисан, қаерга кетмоқчисан деган саволлар берилган кунларни биз кўрганмиз. Бола ўн тўрт ёшга тўлмагунча араб ёзувини ўрганишига тақиқ қўйилган қаро тушкунларини биз кўрганмиз, суроғини эшитганмиз. У кунлар энди қайтмасин.

Бирор тилнинг туб-мағизларини бошқа тил тушунчалари эгаллаши ўша элнинг хаёлини, бошини, йўлини эгаллади деганидир. Бош-оёқ бошқа тилда чулдираш ва ўзбек тилига еттинчи даражали тилдек қарайдиган, паспортида ўзбек ёзилганларнинг ҳам кўпини кўрганмиз, кўраяпмиз ҳам. Улар бугундан эмас, ўша ўзларига бошқа тилни афзал билган кунларидан бошлаб ўзбек деган қатордан чиқиб кетганликларини бугун бўлмасаям охирги нафасда бир мартаға эслайдилар, инсоф берилгани, албатта. Яхшиям бундайлар сони камчилик.

Оталар, оналар тилида тузилган сўзлар кишини сергак тортиради. Ақлдан олдин қон танийди. Қон ўзига тез сингдиради. Ақлнинг қатламлари шаклланади, томирлари бир-бирига кўл беради, энақорин эс эниш дегани шу бўлади. Чалкаш,

Баҳодир ҚОБУЛ

тусмол, боши-кети йўқ, боши бўлса кети узук тушунча ва гап-сўзларни эшитиш, ёзиқларни ўқишидан элнинг ақли чархланмайди, аксинча ўтмаслашади. Бориб-бориб сув кесмас бир ҳолатга келади. Яқин ўттиз йилдан ортиқ кузатишлар шу хулосага олиб келмоқда. Истаган газета-журналингизни олинг ва унда ишлатилган сўзларнинг сонини сананг. Мингтага ё етади аё етмас. Мен ҳалиям сал қўшиб ёзаяпман. Ҳар ҳолда газетадан чиққанман.

“ҒУРУР” ВА “МАҒРУР” ҚҮРҒУР

Яна ҳам ачинарлиси ўлмас, мумтоз тилимиз бўлмиш Амир Алишер Навоий ёзиқлари, Захириддин Муҳаммад Бобур битикларини тузук-куруқ ўқий олмаслигимизда, “Думалоқ ёстиқ қилиб” ўқисак-да бу битикларда ишлатилган сўзларни деярли мутлақо тушунмаслигимизда. Бунинг сабаби эса бу тилнинг умуман ўрта мактабларда ўргатилмаслигигида. Шунинг оқибатида нари борса бу улуғларнинг отлари ва туғилган вактлари, ёзган ёзиқлари отларинигина биламиз, тамом. Бошқа эллар оталаримизнинг асарларини бутунги жонли тилларига ўгириб, инсоният тараққиётини ўрганмоқда. Биз эса чала-чулпа ўғирмалар, табдилчисидан (сўз ўрнига сўз қўйувчидан) бошқа тушунмайдиган табдиллар билан ўзимизни алдаяпмиз, холос. Улуғ устоз Садриддин Айнийнинг 1919 йил, бундан юз йилдан ортиқ нарида битган сатрлари журналларимиздан бирининг 1991 йил биринчи сонида чоп этилган эди. Ўқиган одам бунда нима дейилганини тушунолмай гарансиб қолади. Мутахассисман деганиям ҳатто. Бу сатрлар билан 1991 йил февраляда танишган бўлсам, чалкаш берилгандиги оғриғи ҳануз кўнгилнинг бир чеккасида юқ бўлиб ётибди. Мен атайн журнал ва бу сатрларни элга тушунтироқчи бўлган олимнинг отларини битмаяпман. Улуғ адаб қаламига мансуб “Амир Темур биноларидан бўлғон Бибихоним харобаси билан мусоҳаба (сухбат)” дейилган тиллодан қиммат сатрларга эътибор беринг.

*Сенмисан! Темурдан авлодинга қолғон ёдгор?!
Сенда дур, Темур нишони, турк шони ошкор.
Сенда рифъат, сенда даҳшат, сенда санъат, сенда шон,
Қисқаси, ўткан кунлар барчаси нишони сенда бор.
Нурағиондир қўёшидек, гунбазинг кўк остида,
Пештоқинг төгдек ер устиндадур устивор...
Сўйла! Охир не учун кўнглим каби ўлдинг синиқ?
Сўйла! Охир не учун кўксум каби ўлдинг фигор?
Этмади, Турон улусми, сенга-да ҳеч эътибор?..
Қилмади ўзбек најжотимиз сенга ҳеч эътибор?..*

Шеърда тушунуксиз деб хисобланган учта сўзга луғат берилган.

Рифъат – юксаклик; фигор – жароҳатли, ярали; најжот – суюниш, шодланиш.

Биринчи ва иккинчи сўзларни ўрнига ўрин қўйиб ўқисангиз мазмуни қисман тўғри келади. Бироқ учинчисини ўрнига қўйиб ўқиб кўринг-чи, нима бўларкан? “Қилмади ўзбек суюнишимиз, шодланишимиз сенга ҳеч эътибор”. Бу нима дегани? Мутахассис тутул оддий ўқувчини хафсаласини пир киладиган, адабиётдан совутадиган ҳолат эмасми? Маълумки, араб тилида најжот сўзининг бир неча маънолари бор, бироқ бу ерда “најжот” эмас “најход” бўлади. Нажод бу – қавм, ҳалқ, эл, улус дегани. Энди тўртовидан бирини најход сўзи ўрнига қўйиб ўқиб кўринг. Биз ўқувчига тўғри йўл кўрсата олмас, тўғри тушунтира олмас эканмиз, асарларни аслини, ўзини бериб қўяқолганимиз яхши, “Қош қўйман деб кўз чиқармай”.

Фикримни яна икки-учта сўз мисолида тиниқлаштираман. Айлайлик, “ранж”, “ғараз” ва “мағрур”, “ғуурур” сўзлари. Бу сўзлардан биринчисини биз “хафа бўлмоқ” деб тушунамиз. Бунинг “Азоб, оғир меҳнат, машаққат”, деган маънолари борлигини илғамаймиз. Иккинчисини “Ёмон ният” деб қабул қиласиз ва учинчисини эса, “Орномус, тўғрилиги учун доим боши тик, кўкси баланд” деб тушунамиз. Бу сўзлар араб сўзларидир. Классикларимиз асарларини ўқиган одам матнда келадиган “ранж”, “ғараз” ва “мағрур”, “ғуурур” сўзларига дуч келганда бугунги кун тушунчаларига мутлақо тескари маъно англатишига ақли етмай, “Бизга оғирлик қиласкан” деганча китобларни бир чеккага суради, ўқишдан кўнгли совуди. Алишер Навоий ва Шоҳ Бобур китоблари варакланмай, вараклансаням наридан-бери, ўлганини кунидан талмовсираб шалдиратилиб яна викор илида каштаси келтирилиб китоб токчаларига кўйилади, тураверади. “Ғараз” деган сўз эса оддийгина “Мақсад, ният, тилак, орзу” эканлигини “душманлик”, “Ёмон ният” дегани эмас деб бирор мактабдаям, бошқа жойдаям ўргатмаган. “Мағрур” ва “ғуурур” эса “Алданмоқ, ўзини ўзи алдамоқлик, чиройнинг чиройига алданмоқ, амалнинг, мансабнинг кучига алданмоқ, бойликнинг кўплигига алданмоқ, алдамоқ, йўлдан урмоқ, мақтаб алдамоқ” эканлигини ўша китоблар билдириса-да, бугунги кун китоблари, газеталари, журналлари бутунлай бошқа нарсани “ногора” қиласи. Йигламай десанг-да йиглатадигани, ўксинмай десанг-да ўксинтирадигани эса “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу сўзларнинг асл маънолари берилган бўлса-да, уни қўлга олиб ўқиш ва ўкувчиларга сўзни тўғри тузиши, тўғри тушунчалар беришни, ўргатишини биз ўзимизни зиё тарқатувчи деб хисоблайдиганлар эп кўрмаймиз. Шева сўзигаям паст назар билан қарамаслик керакки, шеванинг маъноси – йўриқ, тартиб, қоида, одат, услугуб, йўсин демакдир. Жонли тил демакдир. Тилнинг юраги демакдир. Адабий тил ҳам, бадиий тил ҳам жонни, қувватни шевадан олади. Тўғри, қадими, шаклланган шевалар бор, янгидан шаклланаётган шевалар бор. Ҳар бирининг таровати ўзгача. Шунинг ортидан бирини деганини бошқаси тушунмай қолиши ҳолатлари кузатилади. Уларни бир хилда тушуниш учун адабий тил одоб, адаб, тартиб тили, бир гапни барча бирдай тушунадиган тил зарурати туғилади. Олимларимизнинг меҳнатлари қадрига етмаймиз, меҳнатларининг мевасидан самарали фойдаланмаймиз, фойдалана олмаймиз. Чунки илмни ўрнига, тўғриликни таниганни ўрнига отини тўғри ёзолмасаям айтганни қош қайирмай қиласиганлар ўринлашиб қолган. Илм китоб ортидан экан “Ўқитувчи”, “Фан”, “Энциклопедия” нашриётлари кани? Махсус болалар нашриётичи? Уларда шаклланган тизим юки, юқори малакали мутахассислар тарқаб, тўқилиб кетмасидан қайта тиклаш РЕНЕССАНС булоғининг кўзи бўларди. Маълумки, ренессанс УЙГОНИШ, УЙГОНМОҚ деганидир. Босқима-босқич, бехитгина йўқ қилинган нашриётларнинг ўрни аллақачон билинган. Илм кишилари учун “Ўзинг учун ўл етим” йиллари ҳақиқий ренессанс-уйгониш билангина эртароқ тугайдир.

Бу сўзлар мактабда гапирилмайди, ўргатилмайди деб минг соат жавраган билан бир нарса ўзгариб қолмайди. Чунки ўргатаман деганинг қўлида куроли йўқ. Тўғри гап эса, бирор бир мактабга “Изоҳли луғат”лар етиб бормаган. “Изоҳли луғат” олдин неча неча нусхада чоп этилагану ҳозир неча нусхада босилмоқда? Охиргиси уч минг нусхада нашр этилган. Бешовара битта китоб берилгандаям ўрта мактабларнинг сон бошига етмайди. Бошқа зиё масканларини айтманг, ваҳоланки бу китоб ҳар бир давлат бошқаруви идорасининг бошлиғидан тортиб, ёзув ичидағи кичик мутахассисигача, хонасида йўқолмайдиган, уйга олиб кетилмайдиган, куймайдиган, чўқмайдиган “инвентарлар” – сону саноғида турадиган, ҳар куни неча бир бор фойдаланиладиган “жихоз”, “асосий иш куролидан бири” бўлиши керак эмасми? Охиргидан олдинги “Изоҳли луғат”да неча сўздан иборат эди,

Баҳодир ҚОБУЛ

ҳозиргисида нечта сўз берилган” деб ўзингизга савол беринг ва тополсангиз очиб қаранг? Савол берганингизга уялмасангиз бўлди. Ҳар бир соҳанинг ҳар бир ўрнида юқори малакали мутахассис, ўз ишининг устаси, бирорга иш ўргата оладиганлар ишлаши керак. Ўттиз йилдан буён мактабларда, олий ўқув юртларида лотин алифбосида дарс берилади, бироқ ўттиз йилдирки лотин алифбосида “Изоҳли лугат” чоп этилмаганлигига нима дейсиз? Хатосиз ёзишни ёшлар қайси китобга қараб ўргансинлар? Совет мактаби партасида ўтирган биладики интернационал сўзларни кўп ўрганиш рағбатлантириларди. Октябрят, пионер, комсомол, коммунист, активист, социализм дегандай. Ўртада капитализм сўзи оғзидан чиқиб кетиб ўша дарсдан чиқиб туриши сўралган курсдошларимиз ҳалиям бор, Худога шукур, ўша сўзларнинг биронтасини кундалик турмушда ишлатиб кўрингчи бугун. Сиёсат учритган сўзлар қандай бемаврид келган бўлса, шундай бехурмат кетаверадилар. Дунёнинг исталган жойидаги исталган вактидаги ниқталган сўзларни ўрганиб чиқишингиз мумкин. Сиёсатда оқибат бўлмайди. Тил ўргатиш, ўрганиш сиёсати бу энг катта сиёсат. Сиёсат бўлгандаям сиёсатман деганинг отасининг отаси! Сиёсатнинг ҳам қадр-қиммати тилни қадрлашида. “Сиёсат” сўзининг асл маъноси “жазо” бўлса ҳам. Буюк Британия бу асрда ҳам ўз буюклигни асраб қолган давлатдир. Давлат отини ўзбекчага ўгирганда “Буюк Ялангоч, Буюк Яланоёқ” бўлсаем. (Ялангоч Отанинг руҳлари шод бўлсин). “Брексит” - “Чиқиши” отлик умумхалқ овози уни Европа Иттифоқи деган, унга қўшилиш тугул отини эшитса кўпнинг оғзини суви қочадиган Иттифоқдан йигирма йил бирга бўлиб, умумхалқ овози билан чиқиб кетди. Сабаб битта: “Брюсселда, мажлисларда инглиз тилида акцент билан, бузиб гапирилишига, иккинчи даражада қаралишига ва бу нарса миллат онгига секинлик билан таъсирини ўтказишига тоқат қилинмайди...” Инглиз классик тили – Шекспер тилида ҳеч ким қалам юрита олмасаем, бугунги инглиз тилини сақлаб қолиш, бутун дунё нон тили деб қабул қилган бўлса-да, ўз тилини севиш, қўриқлаш шундай бўлади.

МАНИ ДАРДИМ ҚАТТИҚ, БОЛАМ...

Хисобчи дўстимдан “Чораклик ҳисобот” нима дегани дея сўрадим. Гапни орқасини совутмасдан “Кварталний отчет” деди. “Чорак” дегани “Тўртдан бир”, йилнинг тўртдан бирининг ҳисоботи, квартал ҳам фалон тилдан олинган бўлиб тўртдан бири дегани эканлигини билдирганимда кўзлари чақнаб кетди. Бу билан сўзларни бир чеккадан ўзбекчалаштириб чиқиши керак дегани эмас, балки ишлатадиган одам ишлатаётган сўзининг мазмунини билсин, қиласиган ишини билиб қиласин. Шунда қилинадиган ишда сифат бўлади, ишининг оти нималигини билиб қилганга нима етсин демоқчимиз.

Ба..., бе..., но..., на..., ...гоҳ, ...боз, ...бад, ...бар, ...афшон, ...манд, ...сухан, ...фуруш, ...шунос, ...хон, ...параст, ...парвар, ...гир, ...рўй, ...рез, ...бин, ...дор, ...гўй, ...навис, ...кор, ...бон, ...барор, ...роҳ, ...тор, ...бовар, ...зада, ...дийда, ...даст, ...кунанда, ...дон, ...баста, ...хўр каби олд ва орқа қўшимчалар билан тузиладаган сўзларнинг қайси бири ўзбекча эмаслигини кимга айтасан? Камига эндиликда тилимиз мағзини, йўриқ-йўсинини, фикр оқимини оёқ ости қилганча, нима эмиш, рус тилида бор “нарса”лар бетини сидирға сидириб кириб келар хунарини чикарган. Вазира, сардора... “А”ни қўшса “женский род” бўлиб, аёл киши тушуниладигандек. “Вазир” сўзининг биринчи маъноси “айб, айбли, гуноҳ қилувчи” дегани бўлса, лавозимга нисбатан қўлланганда “жавобгар, жавоб берувчи”дир. Айтайлик, Ташқи ишлар бўйича жавоб берувчи, жавобгар. Бунинг бари, барчаси бир журнал ва битта газетанинг биргина сонларидан олинган сўзлар. Мақсад бу сўзларни ишлатувчилар

биринчи ўринда ўзимизда бор сўзларни ишлатсинлар. Боя айтганимдек, юқорида санаб ўтилган сўзларнинг камида учта, салгина изланса, китоб қарабса кўпиде олтиеттидан ўрнига-ўрин ётадиган, тушадиган сўзлар бор. Сал чакки айтилибди-да деганлар ўртага чиқсан. Сўзнинг маъносига қараб, харакатига қараб, вақтига қараб, ким (аёлми - эркакми, ёшли - қарими) айтотганига қараб, замонига, харакатига, жойига қараб дегандек. Ва у сўзларни жой-жойига қўйиб ишлатсангиз ўқиган, эшитган одамнинг тиришган томири ёзилиб кетади, сўзнинг ҳам чирои очилади. Есирнинг тўйига ёр-ёр айтиб келиниб, билмаган гумбара-қарс ўртада жон ҳолатда қайновда, билган талмовсираб, бир чеккада елка қисиб тургандай серраймайди. Жаҳон таржимонлар уюшмаси (ФИТ)нинг 2011 йил Сан-Францискода ўтган XIX конгресси талабларидан бўлмиш “Инглиз тилига инглиз, ... япон тилига япон тилида ўйловчи, ижод қилувчигина таржима қилиши талаб этилиши” талабининг ҳақ эканлигини кўрсатувчи мисолни келтирамиз.

Мана сизга таржима деб берилган ва аслида, табдил дейишга арзийдиган жумлалар. Бизнинг ниятимиз бирорнинг хатосини топиш эмаслиги учун бу сатрлар олинган китобниям, муаллифларниям отларини келтирмаймиз. Маълумот учун айтамизки, таржима – ағдармоқ, табдил – ўрнига ўрин кўймоқ дегани. Ўзбек тили фикр оқими, сўз тузиш қоидасига тескари бўлган араб ва форс тилларидан табдил қилинганда, сўз ўрнига сўз қўйиб чиқилганда “Оёғи енгил қиз”, “Енгил оёқ қизга” айланиши ҳеч гап эмас. Араб ва форс сўзларининг ўрнига сўз қўйилгани, матннинг катта қисми қолдирилгани, фикр ости маъниси тўғри тузилмаганлиги сабабли жарангга бойлигидан жозибали туюлса-да юракка жаз этиб урилмайди. Хаёлни улоқтирса улоқтирадики, сергак тортирмайди. Танишинг: бу табдил деган нарса.

“Гўзал жойларга мағрур бўлма, жаннатдан гўзалроқ жой бўлмаски, Одам билан Ҳаво исённи ўша ерда қилдилар.

Амал қўплигига мағрур бўлма, Иблисникидан ортиқ амалинг бўла олмас, у эса маъльун бўлди.

Илм қўплигига мағрур бўлма, Балъам бин Боурнинг илмидан ортиқ бўлмагайки, у сўнг нафасда дунёдан имонсиз кетди”.

Ўқувчи таржимадан маза, маъни топиши керак. Куруқдан қуруққа ўкиб, гарансиб юрмаслиги керак, нимани тушуниш кераклигини англамай. Энди шу фикрларни тиниқ ўзбекчага, жонли тилимизга ағдарамиз, ўгирамиз. Отабиримиз, қирғизча суйлагенде қотиравиз.

“Чиройли жойларнинг чиройига алданма, жаннатдан чиройли жой топилмаски, Одам Ато билан Момо Ҳаво гапга кирмай, йўриққа юрмай, ўзбошимчаликни, буйсунмасликни ўша ерда қилдилар.

Эзгу, яхши ишларни кўп қилдим дея ўзингни-ўзинг алдама, Иблисникидан ортиқ яхши, савоб амалларни қилолмассан, у яхши ишларни кўп қилдим деган хаёлига алдангани учун қарфишга йўлиқканлардан бўлди.

Кўп китоб ўқидим, кўп илмларни биламан деган хаёлга алданиб қолма, илминг Бильям бин Боурнинг илмидан ортиқ бўлмаски, у илмим ҳамманикidan устун деган хаёлига алдангани учун охирги нафасида дунёдан имонсиз кетди”.

Табдил дейилмиш ва ўғирма, таржима аталмишнинг мазаси фаркини, баҳосини ўзингиз беринг. Бу фикрларнинг мазмун-моҳиятини янаям тўлиқроқ тушуниш учун Куръони Карим тафсири, Алишер Навоий ҳазратларининг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларини ўқиши керак. Бизнинг мақсадимиз матнни ўзбекча ўйлаш ўйналиши бўйича ўғириш, ағдаришни тарғиб қилиш, фикрлар туғилиши, ўйналишини ота-оналар қони билан озиқланган тилда бўлишига таъминлашга, биринчи ўринда ўзимизни-ўзимиз хурмат қилишга чақириш, ўқиган элнинг ўқиган

Баҳодир ҚОБУЛ

нарсасидан яхши тушуниб кўпроқ маъни топиш, манфаатли бўлишига хизмат қилиш бўлганилиги сабабли, гапни кўп чўзмасдан Амир Алишер Навоийнинг “Гурур хусн ила жоҳингта қилмаким қолмас... (Чиройинг ва ҳайбатли, катта амалингга (мансабингга) алданиб қолмагинки, биронтаси қолмас...) ҳикматлари билан қисқа қиласиз.

“ТИЛГА ИХТИЁРСИЗ – ЭЛГА ЭЪТИБОРСИЗ”

Яхши иш ҳам, ёмон иш ҳам тил орқали амалга оширилади. Қулоқ ўргатилгандан кейин, кўз қўнинкандан кейин ариқ очилган ҳисобланади. Кўл ушлаган, оғиз теккан, чўнтақ кўрган бўлса, бу ёғи энди, тамом. Кўтара ташвиш. Жамиятнинг, яъни одамларнинг истакларини, эҳтиёжларини қондириш тизими қонун дейилади. Нафакат одамларнинг, ер, сув, ҳаво, ҳайвонот дунёсиниям ҳукуқлари бор. Улар ҳам қонунлар билан белгиланган. Маълумки қонун сўзлардан иборатдир. Давлатни сўз бошқаришининг белгиси. Қофоз ва қалам нисбий тушунчалар. Тошларга ва ҳоказоларга ёзилган қонунлар бугунги кунда музейларда бор. Кўчалар, жойларнинг “сити” дейилиши, юмшоқ қилиб айтганда, тилга нисбатан ҳурматсизлик, ихтиёрсизлик. Ривожланиш белгиси эмас. Миллий бирликка, давлатчиликка, тилга, оталар руҳига писандсизлик. Ўзликка сотқинлик. Миллий ҳавфсизлик дегани нима дегани? Ўзбекча, содда тушунчага ўғирсак миллатнинг, давлатнинг йўқ бўлиши ҳавфининг олдини олиш, ўзбекликнинг тугаб кетишининг олдини олиш, элни бир-бирига кайраш ҳавфининг олдини олиш, ички ва ташки муросани таъминлаш дегани. Ўзбек ниманинг остида бирлашган? Тилнинг! Бошқа нарса остида бирлашган бўлса, кўрсатинг! Ўзбек деганда биринчи навбатда ўзбек тили хаёлга келади. Инглиз деганда инглиз тили, япон деганда япон тили келгандек. Сотқиннинг-да, садоқатлининг-да асосий қуроли нима? Тил! Тил сотилгандан кейин сотиладиган нарса қолмайди. Бу жудаям-жудаям эски гап. Бироқ бизга бу гаплар эшиттирилмаган, ўқитилмаган. Ўзбек тили илми илм сифатида совет чизиб берган чизиқлардан ҳали чиқиб кетолгани, коммунистлар қоқиб кетган қозиқлар атрофидан узоқлаша олгани йўқ. Чунки биз “Катта арава қаердан юрса кичик арава ортидан юрадиган”ларданмиз. Мен тўрт ҳокимиятнинг ҳам (қонун чиқарувчи, суд, ижро ва матбуот) ноини еган, ҳар бирида камида олти-етти йилдан ичida юрган, иссиқ-совуғини бошидан ўтказган мутахассис сифатида айтаяпман. 1989-94 йилларда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти ижроия қўмитаси, кейин Самарқанд вилоят ҳокимлигига “Давлат тилини амалга ошириш комиссияси”нинг масъул котиби бўлиб ишлаганман. Озодлик эшиги очилган, буюрилган, ота тил қадри тикланиши буюрилган кунларни ўртага тушиб “Андижон полка”ю, “Лазги”га ўйнайдиган эмас, шу кунларни кўраман деб азиз жонини аямаганлар руҳи шод этиладиган, бир кўшовуч ёруғлик умидворларнинг умидини ерга қаратмайдиган, чироғини ёқадиган кунга айланиши керак.

Кўп йиллик орзуласимиз ушалмоқда. Кўрмай, эшитмай ўтиб кетамизми деган хавотирда эдик, йўқ, Худо меҳрибон бўлди, яхшилигини аямади. Ўттиз йил деганда илк бор, биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, дунёнинг биринчи рақамли минбаридан ўзбекча фикрлар ота тилда янгради ва бундан нафақат биз, ўтган ота-боболар, момолар руҳи ҳам қувонгани шубҳасиз. Улугворлик ярашган ...Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалоллиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улугбек, Лутфий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Захириддин Мухаммад Бобур... тилининг бу саҳнага ярашиғлигини кўриб, эшитиб, кўзингиз гилтиллаб, кўнглингиз ҳикқиллабгина тураркан, бу биргина сизнинг

севинчнингиз эмас, қадим ва улуғ элимизнинг асли тоза, шамолини эшитса душман зоти бесаранжом бўлган эр йигитлари, ёвдан туғмас ой-у юлдуз қизлари қонида қайнаган севинчdir.

Тил давлатчилик отининг ҳам жилови, ҳам қамчисидир! Тизгиннинг ўз қўлингда бўлганига нима етсин. Ким қаёққа етакласа кетаверадиган, жилов ўзгалар, ўзга тиллар қўлида бўлишидан Эгамнинг ўзи асрасин. У кунларни ёмон кўрган одамимизга ҳам тиламасмиз. Биз кўрдик, биздан кейингилар кўрмасин. Кўрмаслигининг бирдан-бир йўли ҳам, йўлдоши ҳам Биру Борсан деб элни суюш. Элни сўймоқ унинг тилини сўймоқлиқда кўринади, билинади. Тилласини эмас. Ўз тилини севган элга Ҳақ йўлидан адашмаганлар дейилади. Ҳақ алоҳида сийлаб берган тилини асрашдан ортиқ фидойилик бўлмас. Оталар, етти оталар сўзи, кўзи, ўзи, етти ота-ю невара қўшилишиб яшайдиган боғдир, чамандир, ана шундай бир-бирини тушуниб яшайдиган макондир тил дегани. Асраса, авайласа, албатта. Фалон тилда гапирсам ишим юришиб кетади, еганим олдимда деб ўйландими иш Турк тўрасидаги икки йўриқдан (қонунидаги икки модда) ташқари эмас. “Битта қинга иккита қилич кирмайди”, “Элингиз учун ёт-бегона бўлманг”. “Яхши ипакка, чиройли сўзларга алданманг”. Бегона қачон бегона бўлади, тилни тушунмаганда, албатта. Яратганинг олдида эртанги қунда сўроқ-савол бўладиган кўприкдир бу – ота тил. Ёзик ёзаяпману устоз Абдулла Ориповнинг “мен “роман” сўзидан қўрқаман” деганлари вужуд-вужудни сиркиратади. Сўзнинг асл маъносини, вазифасини, ўз вазифасини қачондир албатта қиласини илғар экансан, товуш тугул сас чиқаришгаям сесканасан. Сиз бир марта “Мен тавба қилдим”нинг ўрнига “Мен Худонинг йўлига қайтдим, айб ишлардан тийилиб тўғри йўлга қайтдим” деб кўринг-чи, ичингизда нима ўзгариш бўларкан? Икки, уч марта, етти қайта айтиб кўрсангиз-чи? Ёки “Мен тавба қилдим” деганда ўзбекча маъноси хаёлингизда теппа-тенг айланиш даражасига етгандачи? Улуғ эл бўлмиш ЎЗБЕКнинг бир матали бор: “Тиф билан ўйнашсалар ҳам тил билан ўйнашмайдилар”. Ўзбек тилида олиб борилаётган телекўрсатувларни эшитар экансан ўзингни қўйгани жой тополмайсан. Эшиттириш давомидаги “Тўппонччанинг передехранители”, рекламадаги “... Бурун инсоннинг асосий жихозларидан”, деган жумлаларни эшитиб “Қаёққа кетаяпмиз зиёлилар” дегин келади. “Жихоз” деган сўз жонсиз нарсаларга нисбатан ишлатиларди, чоғи. “Инсоннинг асосий бўлмаган жихози (?) бормикан?”. Инсон танасига нисбатан “аъзо” сўзи ишлатиларди, шекилли. “...Ер маҳаллий ўғитлар билан парваришланмоқда”. “Ер озиқлантирилади, бола парваришланади, тарбияланади”, деб ўргатадиган ўқитувчиларга қирон келган бўлсаем, қараса бўладиган китоблар бор-ку. Кўча-ю кўйларни тўлдириб, пиёдалар йўлакларигача эга чиккан отидан от хуркарлик ўкув марказларининг рекламасига эътибор беринг. **“БЕПУЛ СЎЗЛАШУВ КУРСЛАРИ” “ІЕІС БИЗ БИЛАН ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГ ЧЎҚҚИСИГА ЭРИШ ВА ЮКСАЛ”**. “Бепул сўзлашув курслари” деганида нима маъни бору “Пуллик сўзлашув курслари” қанақа бўлади? Ўзбек тилига хурмат шуми? Ўзбек тилида бундай гапириш баъзи бир касбу хунарга “ярашса” керагу, бироқ бегона тилни ўзбек тили орқали ўргатаман деб, шу ишни орқасидан нон ейдиган одамларга ярашмайдиган қилиқ ва одамларни андармон қилаётганлари, тилга эътиборсизлик қилаётганлари уят. Бепул сўзлашув курслари деган тушунча инглиз тилидаям, бошқа тиллардаям йўқ. Бўлишиям ақлдан ташқари. “Биз билан ўз имкониятларингиз чўққисига эриш ва юксалиб, кейин чўққига эришилади. Олдин аzon, кейин жаноза дегандай. Чўққидан кейинги манзил бўлмайди. Ярим оғиз гапни тўғри туза олмайдиган ўзбекча ўйламай қўйган ўкув марказларидан нимани

Баҳодир ҚОБУЛ

кутишингни илгаганинг сари совуқ терга ботиб кетасан. Тилни йўқотишдан ортиқ йўқотиш йўқлигини Худони ўзи кўнгилга солмаса қийин эканлиги сезимингдан ўтган сайн янам юк босади. Оталар, оналар кўзи очиқ кетмаслиги, болалари бир ютум ёғлироқ овқат учун тилини сотишга тайёр бўлиб қолишидан Ўзи асрасин. “Ёш китобхонлар” танлови отини “Ёш китоб ўқувчи” ёки “Китоб ўқувчи ёшлар” деб тўлиқ ва тўғри ўзбекча аталса бирорга тегиб кетмаса керак.

Ҳар ҳолда, “...келажаги буюк давлат”, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз” отлиқ китобларни варақлаш, дарсларда чангини чиқариб кўчириш билан етиб келган жойимиз “Камбағалликни тугатиш вазирлиги”ни очиш бўлғанлигини унутмаслик лозим кўринади.

Давлат тили ҳақидаги қонунини амалга ошириш идорасининг ишлаши бир очилиб бир ёпилиши ҳам кўп нарсаларни англатади. Шукрки, не умидлар билан яна қайта тикланганлиги эзгуликка тегишлидир. Бироқ бу идоранинг ўтган йиллардаги ишидан кўнгил тўлмайди. Мазкур идора томонидан нашрга тайёrlанган “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўлланмаси, адашмасам, сал кам ўнинчи марта қайта ва тўлдирилиб чиқарилиши. Ундан 1989-1990 йилларда чоп этилган шу отлиқ китобнинг ҳиди келади. Давлат иш юритуви адабий тилда юритилишидан ташқари хуқуқий-юридик атама-сўзларнинг тўғри ва ўрнида ишлатилиши билан аҳамиятлидир. “Амалий қўлланма”да НИЗОМ-УСТАВни бир тушунча деб берилиши ажабланарлидир. Бир идоранинг ТУЗУГИНИ, яъни НИЗОМИни УСТАВ деб кўрсатмай, ёзмай Адлия идораларига қайддан ўтказишга олиб бориб кўрингчи, нима дейишар экан? Қўлланмадаги бошқа ёзиқларни кўяверинг.

Яратганинг факат ва факат бизга атаб, атайлаб, атайин берган улуғ тортиғи – тилимиз ҳақида сўз кетар экан, гап яна айланиб эл ору номуси Амир Алишер Навоийга бориб тақалаверади. Ҳазратнинг бу борадаги мингдан бир ҳасратлари бўлмиш “Тилга ихтиёrsiz – элга эътиборсиз” демишиларини чалама-чатти тушунганимиздан тасрайиб катта-кичик ванг кўямиз. Бу ҳасрат ўртага чиқиб айтгулик эмас, нафасни ичга ютиб йиглагуликдир. Бу нима дегани? Биргина “ихтиёр” сўзининг тилимизда тўғридан-тўғри ўн беш маъноси бор. Тилимизнинг УЛУҒлигини хис этаяпсизми? Эшитинг: “Эгалик қилмоқ, эрк, хукуқ, бурч, огоҳлик, хоҳиш, истак, хабардорлик, мойил бўлмоқ, хоҳламоқ, танламоқ, сараламоқ, диққат қаратиш, алоҳида эътибор бериш, хулоса қилмоқ”. Сўз таркибининг бошқа сифатлари билан қўшилиб келишини, яна бошқа маънолар яратишини кўяверинг. Ҳазрат ҳасратининг маъниси эса “Тилга эгалик қилмаслик, тилни кўримаслик, тил эртасини ўйламаслик – эл аҳволига эътибор бермаслик, элни назарга олмаслик” бўлади. Шу ўринда Ҳазратнинг Темурий шаҳзода Ҳусайн Бойқаро ва бошқа Темурдан тўраганларга ёзган 127 битигидан иккисини ҳозирги тилимизга ўтириб, Сизга илиндик. Камчиликлари учун узр.

САККИЗИНЧИ БИТИК

(1) Адоқсиз алқовлар ул Яратувчигаким олам бўстонида давлат юритии гулбутасининг, гулдарахтининг ҳар доим ям-яшил туриши, яшиллиги, яшновчилигини тўғрилик дарёсидан сув ичар қилди, токи бу сувдан тўйинган бўлиб ул гулдарахтида ўз қарорида туриши, ўзгармаслик ва узлуксизлик гуллари очилди, очилсин. Ва давлатчилик биносининг йўқ бўлиб кетишга олиб бораdigан оғат ёғин-ёғинларидан қоронғу булут ортига беркитди, яширди, токи бу ёғин селларидан бу бино асосига, остига бузуқлик қўли етмасин.

(2) Ҳакемеки, – ҳар бир шини ҳикмат-билим билан қиласидиган Зот – ҳар

ҳокимни ҳукумат, бошқарув таҳтида ўтиришини истагандан кейин, ҳокимнинг кўнглига ҳоким ўзи қабул қилган ҳукмларини ўзига ёқимли кўргиздими ва ҳар фармон берувчининг давлати асосига муросасасизлик тиладими, катта-кичик билан муроса қилмай, маслаҳатлашмай амалга оширишини ихтиёр этдими; ҳоким эс-хушишининг саййид алмурсалин шаръиатига эргашии гулзоридан, изидан бориши гулларин узганидир.

(3) **Одилеким,** – мутлақ адолат, тўёрилик Эгасикум, – ҳар яхши ниятлик дараҳтига истаган истагини берди, орзулаганига етказди, токи ул дараҳтни эккан киши орзусин мевасин терди, фойдасини натижасини кўрди.

(4) **Сабуреким,** – ҳар ишига қодир Зот бўлса-да, айб қилганларни жазолашига шошмайдиган, балки маълум вақтгача кечиртирадиган, бандаларгаям сабр берадиган, ўта сабрли Зот, – мақсад гавҳарин ҳар томонлама ўйлов, дикқат билан фикрлаш дарёсига солди, токи ҳар ким ул дарёга шўнгисб, дарё тубига етиб бир гавҳарни олсин.

(5) Яратувчи эгам яхшидан яхши, ҳар қандай тозадан тоза,

На бир шоҳдан, на бир гадодан унда кўркүв бор.

Гадони шоҳ этишидан ҳеч бир қўрқинчи йўқдир,

Шоҳни гадо қилмоқ ҳам Унга осондан осондир.

(6) “У ҳеч қачон ўлмайди, ҳар вақт тирикдир, Унинг қадр-қиммати асл, тоза, азиздир, айбу нуқсонлардан холидир ва энг юксак ўринда, олийдир”.

(7) Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул билим гулзорининг нурин ҳодисалар, ўзгаришилар, умр охиркузи шамоли хавфу хатаридан ва ул кўринган гулзор нурин мусибатлар, қайгулар, гуссалар заҳарли кўз қарашидан, зараридан ўз сояси остида, паноҳида асрасин. Барча озод ва эрkin хаёллilar кўнглидан ўткарсанки, нима учун дунёга келган, нима учун келтирган, бу дунёси ва нарига дунёсига фойда, манфаат етсин ва тоза кўнглини барча ул сари тутсинки, ул ишидан мусулмонлар рози ва Тенгри таоло шод бўлсин, қувонсин омин, ё Роббил оламин.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БИТИК

(1) Бу кунларда, вақтда тинч осмонда кумилмагандага юз берадиган, тўсатдан бўладиган ҳодисалардан ва тескари айланувчи дунё юрими, истагидан ўртага яхшигина бузгунчилик, фитна солувчи ва боиша мушкул ҳолатлардан ночорлиги заруратиданким, ул ҳазратнинг кундан-кунга ортиб борувчи давлати ва шарафли зотига юз тутган гавго, тўполон, қиёмат бўлдики, ул сабабдан бу заиф (Навоий ўзини назарда тутмоқда) ҳолига ва тўпалон сабабларидан бу хаёли бўлинганинг (Навоий ўзини назарда тутмоқда) хаёлига юзланди: бу ҳолдан қолган, қуввати кетган қалам ёзишига куч топа олмас, қайси тил мақсадни англатишига, гапирмоқча заррача куч топа олгай.

(2) Аммо Ҳақ таолонинг ул мусибат, оғат, балолардан саломатликда, тинчлик биланхалос қилганилигихабари - бирор нарсани текшириб кўриши, ҳақиқатни ҳақиқат қилиши хабари – етгач ул машаққат ва меҳнатлар эвазига қўйдан кетган нарсани ўрнига қайтарши ва ўринсиз кетган нарсаларни ўрнига келтириши бўлганилигидир.

(3) Бу бўлиб ўтган ишларда агарчи давлат эгасига мушфик, бўйсунганд қулларининг бирор камчиликларни айтиши, таъна қилиши ва кесатиқомуз сўзлашлари маҳалида айтарлари бор эдиким, жонлари гоят куйгандан ва кўнгиллари сабр қилишини лозим топганларидан ҳузурингизда дардларини, арзларини ёйгайдирлар.

(4) Аммо аниқким, бу воқеадан ул ҳазратнинг қимматли ҳаёлларига салгина танбеҳ керак, қимматли ўй-ҳаёллари салгина ўйгонмоги, кўзини очмоғи керак

Баҳодир ҚОБУЛ

ва эътибор ва ҳаётий тажрибаларни ҳосил қилмоғи, тегишили хулоса бўлиши лозим бўлгай, ҳозирда, шу кун, шу пайтда илтимос улким, қайсики ҳеч бир одам эсдан чиқарши, унутишдан холи эмас ва кишилик олами талаби, зарурати билиб билмасликка олиш, кўриб кўрмасликка солиш ожизлиқдан ўзга натижса бермас – ўз авторингиз, юриши-туришингиз, қилигу феълингиз теграсида, тўгрисида яхшилаб ўйлаб кўргайсиз.

(5) Тенгри таоло ҳурматига барча ўтган ишларда ўзингизни айбдор билгайсиз, қила олгунча Тенгри таоло амри билан саййидал-мурсалин шаръининг тескари ишлари – шариатга тескари ишлардан мутлоқ, узил-кесил узоқлашиб, сақланиб, шариатга тўри келадиган, буюрилган ишга жонботин, тиришии билан киришишгайсиз.

(6) Давлат бошқарии кўп сонли, катта, кучли аскарлар, сипоҳлар ҳимоясида бўлмас экан, Яратувчининг манглайдаги ёзиғидан эканлигини билиб, ўзингизни Тенгри таолонинг фазлу қарами ҳимоясига қочиргайсиз. Ва “Ким Тенгрини деса, Тангри у кишини дер” мазмунича ҳақиқий дўст билан суҳбатни ҳаргиз узмагайсиз, ҳар нарсаки бошдан ўтди азал қисматдан эканин билиб, ортиқча гусса тутмагайсиз. Аммо, бошга нима келганда ҳам азал қисматига ҳавола қилиб ўзингизни амр бўлган, буюрилган ишдан, юкланган вазифадан юз бурмагайсиз.

(7) Сиздан султонлар кўнглига кўпроқ озор тушганда, зарар етганда Тенгри таоло паноҳига сизиниб, тамоман халос бўлишларига, мулоҳаза қилиб кўнгил солмагайсиз. Салтанат ишларида иш ҳайрон қолиши даражасига бориб етган бўлиб, барча дикъат билан чуқур ўйлаш, мулоҳаза юритиш ўйларин боғлаб қўйиб, таваккалчилик катта қўчасига кириб-чиқишини, юришини камроқ қилиб, кейин ҳайрон бўлиб қараб қолмагайсиз.

АГАР СЎЗИ ЧИНДУР...

Яна қайтариб айтаман, бу билан мен араб, форс тилларидан тилимизга эл, эш бўлиб кетган сўзларни тозалаш керак демоқчи эмасман. Аксинча, араб, форс тилидан ўзлашган, ўзимизникига айланиб кетган сўзларни тўғри тушуниб ишлатиш керак демоқчиман. Араб тилини билиш, араб хис-туйғусини, дардини билиш, форс тилини билиш форс дунёсини эгаллашдир. Тафаккурни (хар томонлама босиклик билан фикр юритмоқни) ўрганишимизга, фикр юритмоққа муносиб бўлишга хизмат қиласди демоқчиман. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ҳазратлари, ётган жойлари нурга тўлсин, илмларнинг зарури ва заرارлисими вақтида ажратиш, китоб номига лойиқларини ўқиши, кўз нурини асрарш, вақту соғлиқни увол қилмаслик ҳақида куйиниб қулоғимизга қўйганларидек “...одамга жуда кам нарсани билиш буюрилган, жуда кам вақт берилган. Дунёнинг илмини эгалладим деб хаёл қилгандаям, ўша инсон илмнинг бир заррачасини эгаллаган бўлади ёки йўқ. Инсон умри шамни ўчиб ёнганича эмас...”. Шундай экан билар нарсаларимиз тоза, тиниқ нарсалар бўлишини, нима деяётганимизни ўзимиз билишимиз керак демоқчиман. Бу билан мен факат ота тилни ўрганиш керак, бошқасидан узоқ бўлиш керак демоқчи эмасман. Аксинча, ўрис тилини ўрисдан, инглиз тилини инглиздан яхши ўрганиш керак. Керак бўлса, дарс бериш даражасига етишишимиз лозим. Худди, оталаримиз арабларга араб тилидан дарс ўтганларидек, дунёвий ва илоҳий илмларда дунёни ўқитганларидек. Яратган ҳамма элларгаям буюрмаган кўп тилларни ўзлаштириш қобилиятини бизга ато этган. Яратганинг тортиғига муносиб бўлмоқ барча истовчиларга насиб этсин. Энг оғир юмуш тил ўрганиш эканлигини қайталашдан чарчамаймиз, уялмаймиз. Зоро, улуғ устозлардан бўлмиш Расул Ҳамзатов айтганларидек “Тил тилга ёў эмас”. Қайтанга тил тилдан куч-

кувват олади. Тилни тил бойитади. Чиройига чирой кўшади. Бир- бирини ямогини ямайди. Одамнинг ўлік, тириги бўлганидай, тилнинг ҳам ўлиги, тириги бор. Одамдан фарқи эса, тилнинг ўлигиям бошқа тилларга қувват беради, қўл беради. Яратган эгам бизга шундай маконни лойик кўрганки, унда йил ўн икки ойнинг тўрт нафаси ҳам тугал. Элнинг табиати унинг яшаш макони табиатига ўхшаш бўлиши фанда аллақачон исботланган. Чет тилини ўрганишни истаган юртдошларимиз ўша тилни ўша тил эгаларидан зиёд ўзлаштиришлариям бугунги гап эмас. Бошқа элларнинг, айтайлик, бизнинг тилимизни эгалладим деган бошқаларнинг олимман деганиям гапирса гапининг оғзи-бурни сал келишмай қолгани дарров билинади. Еру тупрок, суву ҳаво-макон табиати, ўша макон суви ҳавосидан тўйингани учун одамларигаям юқади. Табиат ўз тартибини, қонунини ўтказади. Одамнинг тутма табиати қонида бўлгани билан унинг диди, фаросати тарбия билан шаклланади. Тарбия эса илм эгаллаш, одобу тартибга бўйсунишдан келиб чиқади. Фан сўзининг икки маъноси бор. Биринчиси – “илм, билмоқ” бўлса, иккинчиси “хийла, сехр”дир. Одамларнинг қиласи иши фаннинг қайси қўлини ушлашини ният қилишида, амал қилишида қолади. Элимизнинг фаҳму фаросати унинг мақолларида тош битикларда ўйилгандек ўрин олган. “Айтилган сўз – отилган ўқ”.

“Энг катта қарз тўгри – сўзни айтиш ва энг улуғ мерос – тўгри тарбия бериш” экан, у ҳам бориб тилга тақалади. Болалар, неваралар оталар тилида фикр юритмас эканлар қарзимни уздим, мерос қолдиридим деган хом хаёлда бўлманг. Тилини ўзгартирганнинг, қўнглини ўзгартирганнинг, ўз тилида ўйлай олмайдиганнинг ватанни ўзгартириш баҳоси учоқнинг бир томонга кетадиган чипта баҳосидир. Тилни унугтан бугун бўлмаса эртага тузиниям унугтиб, тузлиқни оёқ учida кўрсатади. Кўрсатгандариниям кўрганмиз, кўраяпмиз ҳам. Қизикдан қизиги эса уларнинг кўпчилиги “катталар”нинг эркатойлари эдилар.

Битта тилни ўрганиб дунёни, тирикликни илғашнинг имкони йўқ. Янаям қисқа қилиб Ҳазрат Алишер Навоий хаёлига эргашганда “*Ибрию юнонио сурёни ҳам, Ҳинди агар сўрса, билиб ол они ҳам*”. Бироқ битта тилда ўйлаш, фикр юритишни шакллантириш давлат бошқарувида иш юритишдан тортиб, элни, юртни, оталар боши мўралаб турган тупроқни жонботин севишгacha бўлган ҳеч нарсага алмашилмайдиган масалаларни шакллантириши, ҳал этишиям янги гап эмас. Ривожланган давлатларнинг асосий устуни, суюнгани пули, тиллоси, куроли эмас, аксинча эл тили. Эл тилида иш юритишни қонун билган давлат бошқаруви, эл фикрининг хазинаси бўлган тилнинг ривожлангани ва у дахлсиз, сўзсиз-сўровсиз кўриқловга олинганидадир. Бизда, давлат идораларида ишлайдиганларнинг аксарияти нега давлат тилида иш юрита олмайди? Ўзбекча гапиришни исташмайди. Ҳозир уларнинг ёнига тилини унугтишни шараф деб билган “янги ўзбеклар” ҳам қўши билан қўшилган. Чунки уларни ўзимиз шундай қилиб қўйганмиз. Биронта Америкага борсин, Россияга борсин, Францияга борсин, йўғ-э бораман деб кўрсинг, бормасидан олдин ўша ернинг тилини ёдлаб олади. Грамматикасини, орфографисини, синтаксисини, морфологиясини-да қарсллатиб ўрганади. Инглиз тилини оддий америкаликдан ёки (борар жойи тилини) европаликдан яхши билмай кўрсингчи, киритиш ў ёқда турсин, “келавергин” дермикан? Яшайман деса олдин “интеграциялаш”инг азизим, дейилади. Бу ўша давлат тилини ўрган, ўша тилда ўйлайдиган бўл, қонунини, урф-одатини кабул килдингми, “бир қилиғи ортиқ” ҳунарларингни ташладингми, унда келавер дегани. Бу жуда тўғри йўл. “Хар ерни қилма орзу, хар ерда бор тошу тарози”. Бизда нега интеграциялашмайдилар? Чунки Россия империяси, кейин Совет диктатураси Элни ҳалқ даражасига тушириб, абжагини чиқарип, ақл эгаларини таг-томири билан кириб, киртишлаб ташлаган. “Ҳақорат дилни оғритмас...” деганларни хору зор қилиб, бундай

Баҳодир ҚОБУЛ

ўйлаш қандай оқибатларга олиб келишини етти пуштигача етадиган қилиб кўрсатган, кўркитган. Россия империяси, Совет хукумати рус тили кучи билан. Энди қўклайман деганиният вақти-вақти билан “ягоналаш”ни унутмаган. Фақат улар бу сиёсатнинг отини – “ускурмаси”ни “интеграциялаш” деб эмас, унинг ўрнига “ассемляцияланыш” (қўшилиб кетиш) деб дарс ўтди. “Базиси” эса ўша-ўша. Маълумки сиёсатда “базис” ва “устқурма” деган бирламчи тушунчалар бўлади. “Отанг Ҳасани пориг, энанг товони жориг, ота-энани тилини унут, буниси ўргансанг қорин ҳамиша тўқ” деб олдинига очик-ойдин сиёсат юритган бўлса, сал ўтиб, Совет ўзини ўнглаб, босқинчилик малакаси ошгандан кейин “рус тили – дўст тили”, “иттифокнинг барча халқлари қон-кардош, ҳадемай битта тилда гаплашамиз” деб хунар кўрсатди. Шу сатрларни ёзаяпману устоз Эркин Воҳидовнинг болалик чоғларида, Фарғонада, ҳовлиларига оталарига қўшилиб бир гуруҳ одамлар кириб келишганда оталарининг оёқяланг юрган болаларига қараб даб-дурустдан “печему босиком” деганлари, бу гапни комиссиядан қўрққанларидан, уйда рус тилида гапиришмас, болаларига ўргатмас экан демасин деган мақсадда шундай деганларини айтиб берганлари хаёлдан ўтади, битиб кетган битиклари бўй беради. Тилимизнинг тилим-тилим бўлиб сарғайганини биз кўрдик, бундан кейингилар ҳеч қачон кўрмасин. Кўнглилизни икки улуғларимиз хаёллари бир-бирини топган йўлларда сатрлар-ла кўтарамиз.

“Темур тиги етмаган жойни, Қалам билан олди Алишер”.

Ёзувчи, шоири журналистларимиз тилчи, тарихчи олимларимизнинг амалга оширган ишларининг ақалли ярмини қилганлари йўқ. Тилчи, тарихчи, адабиётчиларимиз ишларини ўқигандан кўра ўқимаган ёзарман кўп. Буни уларнинг - журналист, ёзувчи, шоирларимизнинг ёзётган ёзиқларидан ҳам билса бўлади. Уламоларимиз заҳматларини баҳолаш учун эса энг камида уларнинг меҳнат-машаққатларининг ўндан бири билан танишган бўлиш лозим. Муфти Усмонхон Алимовнинг, ётган жойлари нурга тўлсин, ўттиз йилга яқин ўз жигаридек кўриб, яқин олиб, насиҳат қилиб, мактублар ёзиб “...бу китобдан кейин бунисини ўқийсиз, бунисини фалон китобдан кейин, тушуниш осон бўлади” деб совға қилган китобларининг сон-саноғидан келиб чиқиб айтаяпман. Уламо деганда мен бирор зарур асарни ўтирган ёки тафсиру таҳлил қилганларни тушунаман, аслидаям шундай. Бойғизиларни эмас.

Араб тилида “Бидъат” – “янги пайдо бўлган одат” дегани. Диний тушунчада – динга кейин, янгидан қўшилган урф - одат дегани. Бидъати ҳасана – яхши урф-одат; бидъати саййиа – ёмон урф-одат деганидир. Бизда эса бидъат деганда фақат ёмон нарсалар тушунилади. Бу ўқимаганлик, уқмаганликдан бошқа нарса эмас-ов. Бадиъ (бадиий) эса “янги ижод, янги сўз айтиш йўсини, усули” демакдир. Ҳар қандай ёзиқ ҳам бадиъликка, бадиийликка тортмаслиги шундан. Бу асл маъноси. Сўзга сўз қўшилиб келгандаги маънолар товланишини айтмадик. Ожиз сўзимиз сўнггида Яратувчининг Сўзи битилмишнинг қалби – юраги аталмиш “Ёсин”нинг еттинчи оятини тақрорлашни шараф билдик. “Уларнинг қўпларига Сўз (азоб ҳақидаги хукм) муқаррар бўлгандир. Бас, улар имон келтирмаслар”.

Сўз сўзининг Оллоҳ наздидаги маънисини бир сония хам хаёлдан кўтарилимдиганлар сафига қўшишни янаям Ўзидан сўраб қоламиз.

Сиз Сўз айтаяпсизки, демак Сизга кўнглингиз кўтарса АДОЛАТ томон бўлиш хуқуқи берилигинидир. Адолат сўзининг туб маъноси Яратувчининг олдида гувоҳликка ўтишдир. Халқни эл қиласиган китоб-дафтар. Дафтар-китобни таништирадиган ўқитувчи, тарбиячидир. Юрак қони билан ёзилган бадиий асарлар, ўзбек ўй-хаёли, кўнгли ва тили илиа ёзилган бадиий асарларни, ўзбекча рух, қувонч, Яратганинг меҳри – яхшилигини илғагандаги йиғи уфуриб турадиган асарларни ва

эл тарихини кўзи ўйилиб тўкилган илмий битиклар билан таништируви устозлар бўлади. “Устоз отангдек улур” дейилган ўқ ўзидан-ўзи отилмаган. Устозлармизга янги дунё қарашли, ўтмиш яхши-ёмонини унумтмаган, ўрганган, уқсан келажакни яратишларида Яратувчининг ўзи қўлласин, чарчаманглар деймиз. Элнинг адолат билан юзма-юз бўлишидаги масъулиятингизни унумтманг деймиз. Омонда бўлинг. Тангри хор, тўғри йўлдан боришга буйин ёр бермайдиганлардан қилмасин. Катта қарзни узишдан адаштирмасин. Айланиб ҳам, ўргилиб ҳам Навоий бобога қайтаверамиз. Ўзлари айтганлариdek:

*Навоийдан сиз айрилмангизки, зору бенаводурсиз.
Ҳақ ўйлида ким сенга бир ҳарф ўқитмии ранж (азоб, меҳнат) ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж (хазина) ила.
Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур – ким гуҳари маъни анга хос эрур.
(Кимки сўз уммонида эркин сузуучи бўлса -
билки маънолар гавҳари унинг биландир).
Халқ меҳрига яна ё Раб, мени зор айлама,
Айласанг ҳам меҳри ўйқларга гирифтор айлама.
(Э, Худо янаки мени халқни яхшилигига зор қилма,
Зор қилсанг ҳам кўнглида яхшилик ўйқларга ўйлиқтирма)
Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу гурбат ҳавас айлама.
Кўнгил ичра гам камлиги асрү гамдур,
Аlam ийқлиги даги қаттиқ аламдир.
Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,
кўринмас юзи - бўлса ёлгон сўзи.
Менга қиласа минг жафо, бир марта фарёд айларам,
Элга қиласа бир жафо, минг марта фарёд айларам.*

НАВОИЙ НИМАНИ ЎРГАТАДИ?

Бетимизни қаро қилиб, шунча оқ қофоз юзини кора қилишдан мақсад, ният, тилак, айтар гапимиз шулки, хусуси-ю давлат боғчалардан бошлаб Давлат бошқарув академиясига, спорт мактабларидан ҳарбий академиягача ҳар бирининг ёши ва ўзига хослигини зътиборга олган ҳолда, тилимизнинг кадри-киммати ҳақида Алишер Навоий асарлари асосида алоҳида алоҳида, жажжи-жажжи, оғир-босиқ дарслклар битилиб ўқилиши, уқилишини давлат томонидан йўлга кўйилиши лозимлигини билдиришдир. Содда қилиб айтганда “Навоий” фанини, дарслигини ўкув жадвалларига киритишидир. Бундай дарслкларни яратиш эса олимларимиз, ўқитувчиларимиз, амалиётчиларимизнинг қўлидан келади. Бу нарса бугун қилинмаса бир кун, бошка, келгуси бир авлод албатта амалга оширади. Алишер Навоий боладан пошшогача барчанинг кўнглини тушунган ва уларга кўнгилдош, сирдош бўла оладиган шахсиятдир. Яратганинг бизга, туркдан тўраганларга берган туганмас яхшилигидир, бирор эга чиқа олмас яхшилигидир. Алишер Навоийни ўқиган, уқсан одамнинг илғамаган соҳаси қолмайди. Икки ишни эса мутлақо яқинига йўламайди. Бири ёлғончилик ва иккинчиси ўғрилик. Ишонаверинг, қўлингизга Навоийни олинг. Бир кунда бир соат ўқинг, зарари бизга. Бир кунмас бир кун кўз олдингиз чарқ, ярқ этиб кетади. Биринчи бўлиб ўзингиздан, шу вақтгача нега шу ишни қилмаганлигиниздан уялиб кетасиз. Бир коса ёвғон, бир бўлак қотган нон, бир ютум ҳаво устига қурилган устунингиз

Баҳодир ҚОБУЛ

ҳолини англайсиз. Юртни қандай яхши кўришни, унга аталган жоннинг қадрини, ота тилнинг нелигини, унинг ори ота-онадан тортиб, қариндошу куда, ўзингизу ўғил қизингиз орининг йигилгани эканлигини, юрт ҳимояси уйни кўриқлаш дегани эмас умуман бошқа нарса – қулликка, зўравон халқларнинг ниятларини олдиндан илгашга, олдига ташланган гўштли гўштсиз, иликли иликсиз сужекка андармон қилинган олтин занжирли шернинг куни қандай кун эканлигидан, занжир биринчи авралиб бўйинга солиниб, кейин, бориб-бориб, барчаси бости-бости бўлиб, занжир ҳам ҳайф кўрилиб, чунки хаёл пақъос қуллика ўргатилган, ўрганилганидан кейин ечиб олиниб, энди кўзлар ялоқиликни шараф деб билишдан... орланишдан туонтиради.


Навоий нимани ўргатади? Навоий Гўзал сўзни, Гўзал сўзнинг мағзини ўргатади. Навоий Яратганни танишни ўргатади, ўтган кунларни ўргатади, тилни-тўғри гапиришни ўргатади, кўнгул нима эмас, ким эканлигини, сўз қудратининг қуввати қаердан келишини ўргатади, тўғри сўзни, тўғри йўлни кўрсатади, тўғриликни ўргатади. Нафақат бир элни тотув яшашини, барча халқлар кўзу қошдай дўстлиқда, талашмай тинчликда, бир-бирини ғанимат билиб куннинг бетига қараши лозимлигини ўргатади. Эллар элларга душманлиқ учун яратилмаганлигини ўргатади. Ўргатгандаям осмонга чикиб олмай ерда туриб, ёнма-ён, бир тутам ҳавони бўлишиб ўргатади. Тил тагли-тугли миллат, эл, улус, халқларнинг қадри, ори номусидирки, ҳар бир эл тили унинг оти отасининг оти, номи билан аталади. Навоий орли бўлишни ўргатади, сўзни олдирмасликни ўргатади. “Сўзингни олдирдинг, ўзингни олдирдин”. Одамийликни ўргатади. “Одамий эрсанг демагил одамий, Онингким ийӯқ халқ ғамидин ғами”. Давлат отининг тизгинини қачон қандай тутишни, бирорга ҳақингни едирмаслик, бирорнинг ҳақини емасликни ўргатади. Бир тишламни ҳалол топиши лозимлигидан, ўша бир тишлам ҳам феълу ниятингга қараб бўлиниши, белгиланишидан белги беради. Бирорнинг бир тишламнига бирор тиш теккиза олмаслигидан туонтиради. Нафақат бир тишламнинг, бир ютум нафаснинг эрта кундаги сўроқ саволидан одамни ўз бетига ўзини сарғайтирадиган сўзлардан сўз очади. “Бил, аввал Сўз, охир Сўз”. Такрорлашдан, қайтаришдан уялмайман: дарсликлар яратиш эса олимларимизнинг кўлидан келади, келгандаям қарсиллатиб, қайроқдан қилиб кўлларга тута оладилар. Зоро, Ҳазрати Умар розиаллоҳу анҳу айтганларидек: “Оллоҳ насиб қилмайдиган нарсаларни хаёл қилдирмас”. Катта Энам айтганларидек “Ҳаёлга эҳтиёт бўлинг, Балажон. Ҳаёлни сиз бошқаринг, хаёл сизни бошқармасин. Атажонингизни тайинлаган қарз гапини айтаяпман. Ҳаёлга эга чикинг, хаёл эга чикмасин...мен қарзимни уздим, Атажон!”

Сўзимиз якунида маънавият ва маърифат давлат тилини ривожлантириш масалалари идоралари, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари мутахассислари дикқатидан умидвормиз деганимизда тилагимиз тоза. Бошлиқларнинг вақти бўлмаслиги мумкин, мутахассислар ўқиб, кам-кўстини тўғрилаб, қолаверса бу уларнинг вазифалари, бошликлар хузурига таклифлар билан кирсалар йўқ демайдилар деган ишончдамиз. Зоро, икки олам Сарвари деганларидек, “Ҳамиша яхши хаёлда бўлингиз”.

2022 йил 24 январь

...Эслаб қололмадим гулнинг ҳидини

(Илк шеърлар)



**Баҳром
РЎЗИМУҲАММАД**

Кўк кўйлакли қиз

У юрганда – йўллар чароғон,
қизилликка бурканиб дала,
қадамидан бўлур машъала –
чарос кўзи мавжланган замон.

Ёнар эди ёноқлари ҳам...
Ипак сочи кора қаймоқдай
елкасида товланган ҷоғда
хар юракка ташларди қадам.

Оқ навога йўғрилган хилқат,
у гул эди қизга айланган,
фоят нафис табассум билан
қараганда забт этарди қалб.

У адашди, алам бехуда,
парчалади ногоҳ ғурурин,
юлдуз нури дея ой нурин
гўё кўрди сувда – кўзгуда.

Рұҳим ичра термилар элас...
О, табиат, уйғотма уни,
севгимизни илк баҳор қуни
яшил тусда эсга олсанг бас.

1980

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факултетини тамомлаган. “Товуисиз қадам”, “Теракка яқин юлдуз”, “Икки нур”, “Давсаман”, “Қундуз сарҳадлари” каби шеърий тўпламлари нашир этилган.

Қайтиш

Умрим гулин терувчи шодон,
мен серҳайрат, завқпараст сайёх,
кўз – қуёшдан узилган шабнам,
қалб – кўксимга михланган фараҳ.

Сакраб ўтгум қўлмаклар оша,
ҳув кенгликлар жилоланса шан,
булоқларга шивирларман боз:
факат, факат кенглик истайман.

Кўланкалар қочур ёнимдан,
мовийликка тутқунман асли,
ва вужудим шаффоғ, зангори
ҳаво билан тўлиқ муттасил.

Йўл юрарман куйлаб осуда,
ёришади тобора ичим –
чексизликлар ёйилмасида
ўз-ўзимга етмайди кучим.

Ёмонлик йўқ дунёда буткул,
ўзлигингни англасанг аввал,
ҳар одамнинг кўксини кўрсанг
қалб ёқутдай ёнади ял-ял.

1980

Кўзлар

Бу дунёга келиб кўрмадим
қиз кўзидан ортиқ сехрни –
узр сўрар гўзаллигидан
тиниқ кўзлар кулиб меҳрли.

Шундай кўзки – гўё кўзгудай,
қорачикқа илкис тик қараб
сувратингни томоша ҳам қил,
гар истасанг сочингни тара...

Кимлигингни айтиб беради
қорачиклар – сокин ифода.
Ишонасан,
чунки кўзлардан
тиниқ нарса йўқдир дунёда.

1980

Тош

Оқиб кетгиси келади тошнинг
балиқларга қўшилиб
енгил,
узоқ-узоқларга оқиб кетгиси.

Дарё
қаҳ-қаҳ отар
мовийранг билан
харсангтошлар теварагида.

1982

Тинчлик

Дубулғани
гултувак деб ўйлади
ниш отаётган уруғ.

Оппоқ орзулари ила
кўмилган жангчининг
қирмизи қонин эмиб кўкарди гуллар.

Энди ўша гуллар
ва мовий осмон оралиғида
сукунатдан бошқа ҳеч нарса йўқдир.

1983

Кумушранг гул

Кумушранг, момик гул тушимга кирди,
алвон уфқдан сирғалиб тушди,
алвон уфқда йўқ эди туман.

Энг майда гиёҳгача
акс этди тушимда.
Тонггача яшади момик гул...
оҳ, эслаб қололмадим гулнинг ҳидини.

1984

Сарик гул

*Cariq gulni ёмон кўрадиган
... исмли қизга*

1

Гулнинг ўзи танлаган эмас
бемор юзи каби бу рангни,
шу боис отсангиз таъна тошини
барибир тупроққа тушар тошингиз.
Бунча гўзалликка ўчсиз одамлар,

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

ҳатто тинч қўймайсиз гулни ҳам,
нағислиги бошига етади унинг.
Заминдан шарт юлиб эркинлигини
совуқ шишаларга қамаб қўйишар –
буниси – қизил гул, бу-чи зангори...
жўжа очаётган қушга тегмайди ҳеч ким,
сиз-чи, парво қилмай фунчаларига
бу нафис вужудни хазон қилдингиз.

2

Икки илдизи бор одамнинг
бир илдизи тақалар сув, нон, ҳавога,
иккинчиси қоя оралаб
келиб туташади сирли булоққа
унда қайнаб ётар гийбат қозони!
Келинглар, ичамиз ўша булоқдан –
бусиз яшаш мушкул. Уни ичайлик
чанқасак қайтамиз яна орқага.

3

Бу – менман. Қиёфам – мана,
юрагимдан битта товуш чиқармай туриб
сизга термиламан – шу пайтда кимдир
мени севиб қолар. Бошқаси эса
нафрат-ла тикилиб нарига кетар.
Нега? Ахир бу лаҳза
тилим ҳаракатга келгани йўқ-ку?!
Ёки сўзлаб юбордимикан
мендан рухсат олмай қиёфам?

4

Рухим оғрир. Умримдаги ҳар нуқсон
унга келиб тегар харсанг сингари.
Муқаммал одамни учратсан дейман –
унга қараб тузалиб кетардим балки?
Аммо, у бормикан? Муқаммал бир зот?
Бўлса қаерларда дайдиб юрибди?
Балки олисда, биздан юксакда,
нурли бир қояда чордана куриб
чумоли ҳолатин кузатган каби
Ёки қўғирчоқ ўйинига лоқайдлик билан
уйкули кўзи-ла қараган янглиф
бизнинг устимиздан қулаёттандир?!

Агар шундай бўлса, унинг кулгуси
барча кулгулардан йирик шубҳасиз.
Бир парча тушсами бу қах-қаҳадан
бошимизга тушса мабодо, дарров
хилма-хил фикрлар уйгониб қолар.
Кейин-чи? Юз берар энг катта шовкин,

хамма огох бўлар. Миллион йил аввал
бизни излаб чиқкан аждодлар саси
қонимизда акс-садо берганда борми
шу шовқин ул зотни бўғиб ўлдирап.

5

Отқулоқни унутиб қўйдик-ку ахир,
бир куни қулоги ичида пинҳон
оппоқ ёки мовий ғунчалар тугса
ерда илдизи ҳам қолмасди унинг.
Отқулоқнинг тили йўқ ҳозир,
демак, ғунча тугаётган гулларнинг бари
аста-аста ҳайқирап экан –
унинг овозини эшитган киши
орқасига қайрилиб қарап, термилар.

6

Бу – мен. Агар кўзингизга қиёфам
хунукроқ кўринса менда гуноҳ йўқ.
Ихтиёрим бўлса сизга ёқиши-чун
танлаб олар эдим нафис либосни –
гўзал қиёфани, сермаъно кўзни,
ҳеч вақт сизникидан юқорироқка
кўтарилимайдиган бурунни... бари-барини
ўз фикрим, ўз ақлим измига тушиб
чертиб олар эдим битта-битталаб.
Мени адо килар бу дард бир куни,
кўзгуга қарайман, бу кўзгу ахир
минглаб қорачиқдан таркиб топган-ку?
Гўё телба, телба сингари
ҳар кун ҳайқираман худа-бехуда.
Майли, отқулоқман, майли сариқ гул
сизга осойишта умр бермайман.
Келинг, ҳайқирайлик. Бу овоз ахир
барча товушларни шишира бошлар.
Агар тепадаги мукаммал вужуд
эшитса, якинроқ келиб бемалол
бизга бармогини бигиз қилганча
кўрсатиб беради
энг тўғри йўлни.

1984

Тошбақага савол

- Бунча имиллайсан, тошбақа?
- Мени тушунардинг тошдан ясалсанг.
- Қайга элтяпсан бу тошни?
- Билмайман,
билмаганим учун элтяпман уни.

1984



Абдураҳмон ЖҮРА

Масофа бир қадам аслида

* * *

Сен менинг кўрарим, яхшилигимсан,
Тунлари куйлатган баҳшилигимсан.

Ердан олинган ҳақ тупроғимдурсан,
Тонгларда уйғотган титроғимдурсан.

Хеч кимса англамас нолаларимсан,
Кипригим кўрмаган жолаларимсан.

Сен менинг жарангдор овозимдурсан,
Жондан ортиқ қўрган қофозимдурсан.

Шайтонни даф этган созимсан-ку сен,
Фаришталар тутган жойнамозимсан.

Сен менинг аталган исмимда борсан,
Инсонларни севган жисмимда борсан.

Парилардан гўзал малагимдирсан,
Кўкда кўрингувчи камалагимсан,

Сен ахир юракқа бекитганимсан,
Хижронни курашда йикитганимсан.

Абдураҳмон ЖҮРА – 1961 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) филология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Ўзимни излаб”, “Согинч лаҳзаси”, “Сийратим” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Бу дунёда топган озоримдурсан,
Шукронда аталмиш дилрозимдурсан.

Ҳамма аламларни ортга отгайман,
Бирибир мен сени излаб топгайман.

* * *

Сен гулларнинг ифоридирсан,
Яхшиларнинг туморидирсан.
Яшамоқнинг маъноси сенда,
Кексаларнинг дуоси сенда.

Сен баҳорнинг гулларидасан,
Ошиқларнинг дилларидасан.
Сен булбуллар навосидирсан,
Тонгларнинг хуш сабосидирсан.

Юлдузларнинг жимирилаши сен,
Япроқларнинг шитирлаши сен.
Сен боҳорсан, гулсан, чечаксан,
Сен барчага бирдек кераксан.

Атиргулдан таралган ифор,
Ҳар юракда сенинг исминг бор.
Адашдимми йўлимдан гоҳ-гоҳ,
Ўзингдирсан барига гувоҳ.

Пок дилларга етказ хатимни,
Ва англатгин мухаббатимни.
Мехр бериб англатиб қўйгин,
Юракдаги садоқатимни.

Майли гоҳи ёлғиз қолсам ҳам,
Шеърларимда борим мужассам.
Номинг ёллаб қиласан хузур,
Борлигингга беадад шукр.

Таскин

Етиб келдим умрим ярмига,
Дардга тўла юрагим билан.
Хувуллаган бекатга етдим,
Мен интилган поездлар кетган.

Осонига қайрилмадим, рост,
Гарчи билдим яшашнинг йўлин.
Ортга боқсам етмайди овоз,
Олдга юрсам етмайди умрим.

Абдураҳмон ЖҮРД

Сиз нўноксиз, айблар дўстим,
Бир улов йўқ, дейди пичинглаб.
Хизматимда бўлса қанийди,
Турса бундоқ тойдек гижинглаб.

Мени тинч қўй, ўртама дейман,
Ёқмаса гар кўрсатма карам.
Умр бўйи бўлдилар ҳамроҳ,
Хаёлий баҳт, хаётый алам.

Ҳаловатсиз жон қийналса ҳам,
Тирикликнинг неъмати насиб.
Ҳар не бўлса шукр қил, эркам,
Аллоҳ шуни кўрган муносиб.

* * *

Тонг чоғида дилни фориғлаб,
Кўлларимни очдим дуога.
Сен ўзингдан бегона қилма,
Ошно қилгин нурга, зиёга.

Ўтганларнинг рухини ёдлаб,
Кўзларимдан оқди дув-дув ёш.
Яратганга илтижо қилдим,
Яна юзин кўрсатсин қуёш.

Шу фурсатда руҳим покланиб,
Яратганинг меҳрини туйдим.
Фаришталар қўнди елкамга,
Толеимга шукронга айтдим.

Кенгликларда кўзда ёш билан,
Момо ерни айладим тавоғ.
Онажоним ўргатганидек,
Ҳар кунимни безади савоб.

Майин эсган тонгги шаббода,
Ором берди озурда жонга.
Қут-барака ёғилди шу дам,
Она юртим ўзбекистонга!

Бугуннинг гапи

Хабардорсан омад ўзинг,
Бехабарсан офат ўзинг,
Биродарим хушёр бўл!

Биз Ватанинг посбонидирмиз,
Ҳамиша тинч осмонидирмиз,
Биродарим хушёр бўл!

Онгга таъсир қилар ғанимлар,
Үлжা кутган қалтафаҳмлар,
Биродарим хушёр бўл!

Ҳасадгўйлар висир-висири,
Миш-мишларнинг онгга таъсири,
Биродарим хушёр бўл!

Осон ишнинг ўзи борми айт,
Нечун тунлар қидираман байт,
Биродарим доим хушёр бўл!

Огоҳ этсам, очсан кўзингни,
Маъносини англа сўзимни,
Қадрдоним хушёр бўл!

Дастурхонга қара, шоҳона,
Бари сара, бари шарқона,
Жон жигарим доим хушёр бўл!

Гофилликнинг охири кулфат,
Огоҳликда мужассамдир баҳт,
Суянганим доим хушёр бўл!

Тушуниб ет менинг ноламни,
Асрой олгин ўзинг болангни,
Кўз гавҳарим, доим хушёр бўл!

Ватанимиз хур Ўзбекистон,
Тупроғи дур, гул Ўзбекистон,
Паҳлавоним, доим хушёр бўл!

Бедорликда

Тўғри айтдинг, баҳтни интиқ кутганим рост,
Битта дўстни излаюрман бўйимга мос,
Иста мени баҳтли қилгин, сочингга ос,
Излаганим қайлардасан, излаганим.

Сени кутиб соchlаримга қиров инди,
Бирор билди, кимдир эса мендан кулди,
Қандай азоб чекканимни қофоз билди,
Излаганим каердасан, излаганим.

Ўзи гувоҳ, сўз изладим бедор тунлар,
Остонамга келиб қолди ёруғ кунлар,
Бир кун баҳтин топажакдир ташна диллар,
Излаганим, сизлаганим қаердасан?

Абдураҳмон ЖҮРӘ

Кирқ пардан ортидаги ҳуснинг гўзал,
Ҳуснинг майли, булоқ мисол ҳулқинг гўзал,
Умр бўйи йиққаним бол, қанду асал,
Қайлардасан, излаганим, қайлардасан!

Жонимга ўт туташиди-ку шивирингдан,
Шивирингдан минг бор ширин дилсирингдан,
Шукр дея қувондим-ку борлигингдан,
Қайлардасан, излаганим, қайлардасан?!

Кел, йўлингга интизорман, келгин излаб,
Ёки қайга борайин мен дилим бўзлаб,
Ўзимни сен, излаганим изин сизлаб,
Чорляпман, кела қолгин излаганим!

Шукронা

Ўсган ҳар гиёхингга,
Ҳам тошу тупроғингга,
Чексиз шукронা бўлсин!

Кимиrlаган жондасан,
Ҳар фараҳли ондасан,
Чексиз шукронা бўлсин!

Япроқлар шитирига,
Ёмғирнинг шивирига,
Чексиз шукронা бўлсин!

Камалак жилосига,
Кушларнинг навосига,
Чексиз шукронা бўлсин!

Товус таманносига,
Атиргул оросига,
Чексиз шукронা бўлсин!

Булбулнинг навосига,
Сокин тонг сабосига,
Чексиз шукронা бўлсин!

Ўсган тулурайхонлар,
Атиргуллар – ойхонлар,
Чексиз шукронা бўлсин!

Сен гўзалсан шунчалар,
Юз очган гулғунчалар,
Чексиз шукронা бўлсин!

Ўсган ҳар гиёхингга,
Ҳар қарич тупроғингга,
Биздан дуолар бўлсин!
Барчаси мангу бўлсин!

Чорлайсан қалдиғоч табассумини



Азиз САЙД

Тонгда

Кузда куз билан тунаган дарахт
Баҳор күйлагини кияркан шошиб,
Тұзғиган сочига шамол тароқчи,
Тун ойна тутқазар сандигин очиб.

Куз қол деб ёлворар ойни күрсатиб –
Биз чиқиб кетамиз ўша туйнукдан.
Ёлғончи баҳорнинг нурин күрдингми
Күйилиб келмоқда эски чойнакдан.

Зангори денгиз бор осмон буржида,
Уйимиз бүлади сузиб юргувчи.
Шарқираб оқаркан момогулдирак
Чархпалак қурамиз терс айлангувчи.

Яшинга минамиз – мангы оқ отим,
Борамиз тушларнинг қароргоҳига.
Юлдузлар тақаркан феруза узук...
Бизларни күмишар ишқ даргоҳига.

Кузнинг зорларини тингладиу маст,
Баҳор күйлагини кийди у дарахт..

Азиз САЙД – 1961 йилда туғилған. Тошкент давлат университетининг (жозирғы ҮзМУ) журналистика факультетини битирған. “Чилтор”, “Дили қани Бедилнинг”, “Ғойибдан дўст билан сұхбатлар”, “Вақт манзили” номли китоблари чоп этилған.

* * *

Сўрадинг, гуноҳим нимадир менинг.
Денгизнинг сувида не гуноҳ бўлсин,
Сен – “борса хатар”нинг дарвозасига
Жодугар лаҳзалар боғлаган тилсим.

Умринг равоғида хотир тугилган,
Тугунни ечасан шамолни чорлаб.
Япроқдек ёйилсанг қўмсаб баҳорни,
Дилинг шод қиласи ёмғирлар авраб.

Олис-олисларга нигоҳинг йўллаб,
Чорлайсан қалдирғоч табассумини.
Эслайсан қонингга чечаклар сепиб
Оқизган муҳаббат талотумини.

Йифлайсан тошларга бошингни қўйиб,
Ухлайсан, тушингда руҳинг парвози.
Қирларга турналар қўнган пайтида
Уйғотиб юборар эчки овози...

Факат мен тилсимга банди халоскор,
Занжирим қон рангли бандидан гулнинг.
Уч десам, учмайсан, қанот сўрайсан:
– Эй Худо, гуноҳим нимадир менинг.

Денгизнинг сувида не гуноҳ бўлсин...

Эй...

Кўйиб юбор қафасдан қушни
учиб кетсин денгизга майли –
Сочганингдай аламларингни
севмаган қиз қўнгли туфайли
Барибир қуш сайрамас сенга

Сўнг ташвишдан бўласан озод
дон-сув демай хотиржам
қафасингни олиб қол майли
топилади ўзингга ўхшаш
чийилаган каламушлар ҳам
Барибир қуш сайрамас сенга

Тунги ҳикоя

Тун кора ароба – юлдуз ташийди,
Ортидан қолмайди тиламчи шамол.
Чигиртка жар солар – олинг ноёб мол,
Келинчак дараҳтлар ошади девол.

Савдогар бу осмон сүрар дараҳтдан
Күйлаги яширган олмаларини.
Ой йиглар йўргаклаб тунда тўкилган,
Дараҳтнинг исмсиз болаларини.

Биринчи апрель

Осмонларга чорлаганда кўз
Қанотига ишонган рухим
Рақс тушган оловлар ўчган.

Ишқ ҳарфида ёзилган исмим
Ташналигин қондирган ойнинг
Лабидаги бўёқдан кўчган.

Энди мени алдай олмайсан.

Ғунчалаган дараҳт шохида
Япрогида, куртакларида
Изи бордир шамол тишларин.

Юрагимни талаган ари
Санчаётир ҳамон тинмасдан
Кўзёшимга ботган нишларин.

Энди мени алдай олмайсан.

Қалдирғоч ҳам эшигин очган
Тумшуғида пуч ёнғогини
Тишлаб келган ўғри қушларга.

Мен бир пайтлар сув ичган чашма
Аҳду вафо ҳакида ҳар тун
Кўшиқ айтар қаламушларга.

Яна келдингми, биринчи апрель,
Энди мени алдай олмайсан...

Март

...га

Шамол увиллайди, чархлар тўхтаган,
Қалдирғоч дўйонин кетган тамбалаб.
Ўтган карvonларнинг изидан умид
Хотира ипларин борар яллиглаб.

Нигоҳ бисотида бир тўп изгирин,
Зулмат чангалида каламушлар шод.
Деворлар силкинар, фарёди нураг –
Елкаси бир тегиб ўтибди ҳаёт.

Кечикиб келибмиз, кетмоқда баҳор
Кўм-кўк соchlари-ла тўлдириб жомни.
Апрель чиқиб борар ой арқонига
Суртиб қайтиш учун сен тўккан қонни...

* * *

Мен сизни севаман, шамоллар,
Бойчечак исини пуфланг қўзимга.
Титраган пардани қўтариб қўйинг,
Юрагим қўкариб етсин бўғзимга.

Мен сизни севаман, юлдузлар,
Ҳасрат чангларини ютинг юзимдан.
Ойнинг нурларидан ичиринг кизга,
Ҳеч кета олмасин сархуш тушимдан.

Мен сизни севаман, балиқлар,
Тангалар тўшангиз денгиз тагига.
Ҳилпираб чўкканда оппоқ булатлар,
Исмини ёзинглар сувнинг баргига.

Мен сени севаман, эй қуёш,
Киприкка боғлаб қўй сирдош шамолни.
Юлдузга далда бер, куйлаб келтирсин
Баҳорга алданган қизни – хаёлни...

* * *

Яна қаршимда қоғоз,
Деразада соялар рақси.
Узокда йиғлаган бир овоз –
Алданган юракнинг акси.

Бахтиёр одамлар ҳақида
Шеър ёзишим керак.
Кимдир хүштак чалар құчада,
Кимнидир бўйнига солинар билак.

Кўнглим қолади дараҳтдан ҳам
Хиёнатни яширгани-чун.
Сўнг тасалли излайман ўзимга –
Ахир бу қофоз, ташқарида тун...

* * *

Занжиру кундалдан вассаю синжи,
Мен – хона, маҳрамсир куйга тўламан.
Сирлар товоғида бир ҳовуч майиз,
Пинҳона соғиниб бандин узаман.

Мушкулинг күш-о-о-д
бўлсин, ё омин,
Хуноба дил ш-о-о-д
бўлсин, ё омин.

Сангтарош ҳамалнинг нури пойтеша,
Юракка йўл очар тоғни тарошлаб.
Ишқечон гуллаган чоги намозшом,
Ғам келар сочини чилторга боғлаб.

Наво қилсанг д-и-и-л
тўлсин, ё омин,
Нигоҳ солсанг г-у-у-л
бўлсин, ё омин.

Гуноҳим дараҳтин шохларин қирқиб,
Бир сават тўқийман – бахт учун коса.
Сабр сахросида дор тикиб елдан,
Мен сени чорлайман – ишқ учун оссанг.

Жоним олсанг ж-о-о-н
кулсин, ё омин,
Ёдим ичсанг ж-о-о-м
тўлсин, ё омин.

* * *

Шодлик қозонининг қирриндиси ғам,
Менинг кўзим қора, кўзларим қора.
Пазанда тақдирнинг капгири синик,
Юлдузлар қоврилар қоп-қора.

Кўлим узатаман юрак тубига,
Куйган каптарларим қаноти қора.
Тақдирим тандири ҳамон тутайди,
Йиллар лов этади, йўллар қоп-қора.

Бу нима зиёфат, эй қодир Худо,
Ёрнинг кўзларидан караб чорлатдинг.
Куйган таомингни олдимга кўйиб,
Унинг нигохини кимга қаратдинг.

Сен юборган сурат

Хиёбон
Гулнинг бутогида учта қуш.
Бироз совқотган. Кўзлари намроқ.
Бири тишлаб олган
Тоғларнинг рақсию садоларини.
Бири тумшуғида авайлаб турар
Минорлар чайилган дарёларини.
Бири руҳнинг боғидан териб
Келтирган гулларнинг нолаларини.

Исиниб, исиниб нафасларига
Зиёфат қилдилар бир-бирларини.

Малак дафтар очди, намлик кўз билан
Ўқий олмадилар тақдирларини...

Хиёбон
Гулнинг бутогида... икки қуш.
Бироз совқотган. Кўзлари намроқ.
Осмон денгизида тўфон ялаган
Кема чайқалади...
Сен чорлаяпсан – учайлик кўкка,
Эй гулнинг ноласи, мадорим камроқ.

* * *

Мен ўша –
баҳорлар келганда гул япрогида
ифорли куйлардан гулханлар ёқиб,
дилин очмаган.

Нега сен мени кутмадинг?

Мен ўша –
шамоллар ўтганда күм-күк соchlарин
юзимга, кўзимга, лабимга суртиб,
йиглаб чопмаган.

Нега сен мени кутмадинг?

Мен ўша –
чақмоқлар саф қилиб юлдуз қавмини
пайдо этганида дилдузлик рақсин,
нигоҳ солмаган.

Нега сен мени кутмадинг?

Мен ўша –
юзингга қирқ битта пардан ташлаб
хаёллар шахридан бир ўтганингда,
бўзлаб толмаган.
Нега сен мени кутмадинг?

Мен ўша –
қалдирғоч кўзида суратинг кўриб
адашиб келгандан руҳ кулбасидан,
сени топмаган.

Нега сен мени кутмадинг?

Мен ўша...

Хотира

Бир кун оппоқ
оппоқ қорлар босган дарадан
лўлилар кириб келди қишлоқка
Бир зумда
билмадим қай бир панада
тўпландик
кўчалар хўжайнлари
қизарган бармоқлар тишлаган
юм-юмалоқ қорчалар билан
хайдаб юбормоқчи бўлдик жуда узоққа
биринчи эшиқдан уларни

Улар келар эди
ёғий карвонидай ҳайиқмай секин
йўлнинг ўртасида турадик бизлар
ўн икки нафар йиглоқи бола
Даҳшатлар кўмилган хуржунларидан

узмай күзларни
кузатар эдик
эшаклар устида ўтирган
лўли қизларни

“Уринглар уларни”
дея қичқирди
кўзида ёш билан каттамиз Эркин
Қорлар уча бошлади лўлилар томон
Йиги қарғиш додлаш билан
корларимиз учрашди
гўё Синдбод карвони
кароқчига тўқнашди

Лекин улар келар эди
Ёв кувган карвондай тўзиб
Қочдик йиғлоқ болалар
дарвозалар ортига
Биз итларни ташладик
тасмаларини узиб
Ватан химоясига

Итлар қайтиб келдилар
шом тушганда қишлоққа
ҳайдаган эдик бизлар
лўлиларни узокқа

Ёшлик қолди орқада
йиллар ўтиб кетдилар
Бир марта ҳам келмади
эшак минган лўлилар
Эшиитамиз
биз қувган узокъларга
бориб туармиш улар
Фол кўтармиш одамларнинг
келажагини
Айтар эмиш аниқ бехато
ғам шодликнинг келажагини

Ҳар йил яна оппоқ
оппоқ қорлар қоплар дарани
Яланғоч эшаклар изгийди
түёқлари билан ковлаб
битмайдиган ярани
Қонаган хотира қийнар бизларни
эшаклар устидан тополмай
итлар қувган
лўли қизларни

Хали ўлмайман

Нега ташқарыда турибсиз
Тортинманг
Асли бегоналарни мен ҳам қўймайман
Уялманг ялангочлигингиздан
Буларнинг ҳам кийимлари йўқ – сўзлар
Мен кийим тикяпман меҳмонларимга
Пича сабр қилинг ўртоқ азроил
Хафа бўлмадингизми
Биз ўртоқ деймиз ватандошларни
Сўнг бирга кетамиз
“Ўлим”нинг кийимини тикиб бўлайн

* * *

Айро бўлган йўллар яна
юрагимда яра-яра,
Адо бўлган хунлар мени
тўлдиради яна-яна.

Мен ўзимни йўна-йўна
соя бўлдим хаёлимга,
Бой бердим мен, балли дединг,
гадо бўлдим ағёrimга.

Гувуллаган денгиз эдим,
ёмғир каби сочилидим,
Ёпиқ эдим, сирли эдим,
қабр каби очилдим.

Кув-кув этди, қушинг менга
уясини бермади,
Зув-зув этди, ўқларини
кўнгилгинанг термади.

Киприкларинг йиртди мени
куйларимни, кўкрагимни,
Айттолмайман, яширгайман
музлаганим, куйганимни.

Во узилдим йўқ бандимдан,
тошдайин тўкиламан,
Во узилдим, ҳеч ким мени
тикмади, сўкиламан.

Остонангта етти йифи,
шамол қувиб кетти уни,
Юрагимга бердим дуо,
күзинг олиб кетти уни.

Айро бўлган йўллар яна
юрагимда яра-яра,
яра-яра, яра-яра...

Рондо

Қиши тошини ча-қа-ди
Тоф бошини чай-қа-ди
Ой қошини қо-қа-ди
Баҳор келиб қол-ди-ми

Эчки дўмбир ча-ла-ди
Кўзи зўлдир ма-ра-ди
Гулни ўлгур я-ла-ди
Баҳор келиб қол-ди-ми

Ари сирға та-қа-ди
Бўри қирға о-қа-ди
Итни бурга ча-қа-ди
Баҳор келиб қол-ди-ми

Сувни ариқ ал-дай-ди
Майса ёриқ я-май-ди
Сирни балиқ ас-рай-ди
Баҳор келиб қол-ди-ми

Туя ялпиз чай-най-ди
Тунни кундуз қий-най-ди
Кафтда денгиз қай-най-ди
Баҳор келиб қол-ди-ми

Ташбехсиз

Хаёлларим тўзғиди бирдан,
Ўйларингни туйди юрагим.
Таъқиб этар нигоҳим бир дам,
Фарёд билан қочар кўзларинг.

Бекингани топмади паноҳ,
Ахир тушди кўзинг кўзимга.
Кучоқлашди шул икки нигоҳ,
Пичоқ урди ўйинг ўйимга...

Кон тиркираб юрагим бўзлар,
Севги ўлар пойингда боши.
Азадорми у қотил кўзлар –
Томчи-томчи оқар кўзёши.

Сени кутиб...

Ёмғир ёғар –
йиртилар хаёл
Осмоннинг
чил-чил ойнаси –
кўлмаклар
сапчийди
дайди ит мисол

Ёмғир ёғар –
шиддатли мезон
тикади
кўзгунинг
лахтакларини

Ёмғир тўхтар –
Куёш мезанадан ўқийди аzon
Қалдирғоч
чугурлар
тилакларини

Ювош тортар
дайди ит
Хаёллар
чокидан тикилар

Синган ойнада
куёшнинг акси
висолга етишган
шамол кўзидан
кўкарган
хўрсиник тўкилар

Хатолар

Биз хато қиласиз
Довдираб қолиб.
Сўнг ётиб ўйлаймиз:
“Ҳаётнинг сабоғи –
Хатолар –
Такрор бўлмас энди
Ёддан чиқмас адоги...”

Тасодиф. Ваъда ва Алдов.
Яна довдирашлар
Тўлқинидамиз.
Бесубут руҳимиз
Алғов ва далғов.
Яна кўхна тарих –
Хато ва афсус.
Юракда қарғишу
Лаънатлар қолдирган
Қонли яралар ҳам
Тушади қуриб –
Ҳарорат вақтнинг
Ойинасидан.
Шундай келаверар
Кетма-кет улар.
Биз ётиб ўйлаймиз
Яна:
“Ҳаётнинг сабоги
Хатолар...”

* * *

Эй, яшашдан чарчаган оғриқ,
Чиқиб кетмоқчимисан энди юракдан –
Тез-тез санчаяпсан найзаларингни.

Эй, томирда ҳориган қоним,
Тўхтаб қолаяпсан, манзил яқинми –
Эшитмай қўйдим ларзаларингни.

Эй, гуллашдан чарчаган баҳор,
Хайр хуш қилдингми ошиқ кузингга –
Қолдириб сарғайган майсаларингни.

Эй, олисга отланган қушим,
Сафар қаридими, ичай сўнгти бор –
Саробга лиқ тўла лаҳзаларингни.

Эй, олисга отланган қушим,
Йўқлик денгизидан сўраб бер фурсат –
Артишга улгурай кўзёшларингни...



Отамнинг уйига ўхшайсан, Ватан

Барно СУЛТОН

Унут

Юрагимга юкла ҳамма айбни,
Йўллар айро экан майлими, кетсам.
Ерга тушмайди-ку осмон узилиб,
Ё мени унутсанг, ё мен унутсам.

Сенга зор, интизор боққанларга бок,
Айро-айро экан бу йўллар нетай.
Эслаб дилгинангта тушмасин титрок,
Ё мени унут сен, ё мен унутай.

Еллар келтирдилар хатларингни кеч,
Қўй, мени овутма, садағанг кетай.
"Сени унумайман", дема, дема ҳеч,
Ё мени унут сен, ё мен унутай.

* * *

Бунчалар тотлидир ишқнинг азоби,
Бунчалар ҳам тотли бўлмаса хижрон.
Кўшикдай туюлар ҳар ох-фигони,
Фироқда айтилган ҳар сўз бир достон.

Барно СУЛТОН – 1975 йилда тугилган. Жиззах педагогика билим юртини битирган. Унинг "Согинч", "Шукрон", "Дераза ортида", "Ёлғизликка сизинган шоир" номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

Хаёт денгизида ишқ бизга кўприк,
Сенга ошикаман, югуриб, елиб.
Иккига айрилган битта вужудмиз,
Бир бутун бўламиз бир куни келиб.

Оқ булут

Осмон тўла оқ булут,
Оппоқ парлар кезмоқда.
Осмон эмас бу денгиз,
Оқ кемалар сузмоқда.
Осмон тўла оқ булут,
Оқ орзулар кезмоқда.

Отамнинг уйига ўхшайсан, Ватан!

Номинг айтар ҳар бир юрак уришим,
Асли, кўксим ичра яшайсан, Ватан.
Хаддим сигиб борсам яйрайди кўнглим,
Дўстимнинг уйига ўхшайсан, Ватан.

Хилолсан сен кўкни мунаввар этган,
Сендан шуъла олиб ёндим мен, зотан.
Беминнат бағрингга бошимни қўйсам,
Отамнинг уйига ўхшайсан, Ватан.

Боғимизга келганда баҳор

Тонгдан олдин ясаниб олди,
Юрагимда уйғонган наҳор.
Жилгалар ҳам жилдираб қолди,
Боғимизга келганда баҳор!..

Айвонимда меҳмондир қушим,
Ўнг бўлгандек сахарги тушим.
Бошим узра учдими, хушим?
Боғимизга келганда баҳор!..

Унутилди бир зумга ғамлар,
Эсга тушди баҳтиёр дамлар.
Тўлди дилда тўлмаган камлар,
Боғимизга келганда баҳор!..

Яратганга шукур, деб, шояд,
Куртакларда ўқийман оят.
Сенга кўзим тушди ниҳоят,
Богимизга келганда баҳор!..

О, муҳаббат

Билсанг, соғиндим ёмон,
Айт, кетдинг қайси томон.
Излаб рангимдир сомон,
О, муҳаббат!

Ишқим осмон устуни,
Ёнар чиқмай тутуни.
Қачон кўраман уни,
О, муҳаббат!

Жудоликка кўнмас дил,
Кўнгил узолмас буткул.
Очилақол ҳаётгул,
О, муҳаббат!

Кўнгил қаримас бироқ,
Милтиллайди шамчироқ.
Тинмаган қайнар булоқ,
О, муҳаббат!



Софганинг пули

Икки ҳикоя



**Наргиза
УСАНБОЕВА**

Ун қопидан тикилган оқ сумканинг тутқичи оғир юқдан узилгудек тортилиб, қўйи томони эса гўё ўргимчак тўридек ёйилиб кетганди. Шахноза сумкани ерга қўйиб, аввалига тўртбурчак, унинг устидан “X” шакли солиб тикилган тутқични яна бир бор кўздан кечирди. Тутқич тикилган жойидан эмас, пастроғидан иплари тортилиб, сийраклашиб ночор ахволга келиб қолганди. Қанақасига дош берсин? Савил рўзгорни деб унга олти кило картошка, икки кило гуруч, бир кило мош, бир кило шолғом, макарон ва бир ярим килолик идишда ёғ ҳам жойланган бўлса.

У иккинчи сумкага назар солди: тўрт кило пиёз, уч кило сабзи, икки кило шакар, бир кило гўшт...

– Бу сумка ҳам енгил эмас-да! – пицирлади у. – Макаронни бунисига сола қолай...

Макаронни у сумкадан бошқасига ўтказгач, ёқасининг ички томонига қадалган тўғноғични олиб, сумканинг йиртиламан деб турган тутқичига қистирди: “Ҳарна ушлаб туради...”

Сўнг шу икки зилдек халталарини кўтарганча яна ўша дўкон қаршисига борди. Юкларини ерга қўйиб, шамдек қотган белини авайлабгина тикларкан, атрофга разм солди. Бозор доимгидек гавжум: ўнг томондаги раста ёнида бир эркак оёқ кийим кийиб кўряпти, сал наридаги аёл ҳозиргина куртка кийдирган ўғлини гоҳ ўнгта, гоҳ сўлга буриб томоша қилияпти, анув сақич чайнаб, атрофга бепарво боқаётган сотувчи қиз қўлидаги бир даста пулни елпифичдек ўйнатмокда, ўткинчи одамларнинг баъзиси харидордек дўконларга олазарак мўраласа, баъзиси концерт ёқмаган томошабин каби расталардаги молларга энсасини қотириб нигоҳ ташлайди.

Шахноза қайта эгилиб, сумкаларини кўтарди-да, зина каби ясалган узун ва баланд пойабзал растаси тагига ҳафсала билан жойлади. Кейин қатор тизилган оёқ кийимларига боқди. Тепа қаторда турган маҳси кўзига оловдек кўринди. Ўзи сезмаган ҳолда жилмайганча, унга кўл чўзди.

– Қирқ беш минг сўм... “Кожа”! – дарҳол туфлинни астойдил артганча мақташга тушди сотувчи йигит.

Наргиза УСАНБОЕВА – 1978 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Ишқ ва андуҳ оғушида”, “Ёргуғ кунни соғиниб” қиссалари, “Учинчи тақдир” романи чоп этилган.

– Биламан. Мана булари... – қўлидаги маҳсини қўйиб, бошқасини ушлади Шахноза.

– Улар оддий. Йигирма минг сўм туради. Ўн саккизга бервораман.

– Йўқ, мен бунисини оламан, – ҳалиги теридан ишланган, қалтагина, пишиқ, ҳаттто “замог” ҳам ўрнатилган замонавий маҳсини яна қўлига олди у.

– Эсладим, аввал ҳам келгандингиз-а? – аёлнинг юзига тикилди сотувчи.

– Ҳа, қачон бозорга келсам, бир қараб кетяпман. Сотилиб кетмасин, ишқилиб. Ўн кундан кейин эримнинг туғилган куни. Унгача яна бир марта бозор қилгани келаман. Олиб кетаман, ўшанда...

– Ҳозир олинг. Битта шу қолган. Яхши нарса тез сотилади, – аёлнинг олишига ишонч ҳосил қилгач, янада жонланди сотувчи.

– Ҳозир пулим етмайди-да. Қолаверса, йикқанимнинг ярмини уйда қолдирганман. Ёнимда тўққиз мингми пулим бор. Бугунги бозордан орттирганим. Эримга шуни совға қиласай, деб ҳар бозорга чиққанимда пулни тежаяпман: савдо гарларни “Арzonроқ беринг” деб безор қиласаман, нарсаларни ҳам бир кило, ярим кило кам оламан. Бир-икки сўм коляпти, Худога шукр. Ишламайдиган, уйда ўтирган аёлга қийин экан. Бошқаларга совға олмоқчи бўлсам, эримдан оламан, пулни. Лекин эрим учун ўзидан ололмайман-ку!

– Нимага маҳси олмоқчисиз? Қарими, эрингиз? – турмушнинг залвори аллақачон панжа босгани билан юзларидаги гўзаллик нуқси ёрқинроқ акс этиб турган аёлга ғалати қаради сотувчи.

– Йўғ-а? Ўзимдан уч ёш катта. “Метан”да ишлайди. Машиналарга газ қуяди. Кечалари ҳам қолади. Этикдан кўра, бу маҳсини ковуш билан кийиб олса, мазза-да.

– Вой, янга-е! Эрингизни бунча эҳтиётламасангиз? Жуда севасизми, дейман! – кулиб юборди сотувчи йигит.

– Севмай бўладими? Болаларимнинг отаси. Болаларим учун, мен учун совуқда ишлайди-ку! – ҳам ғуур, ҳам меҳр билан деди Шахноза.

– Шу гапингиз учун ҳам маҳсини олиб қўяман, – сотувчи йигит маҳсини олиб, раста пастидаги пул солиш мақсадида ясатилган жавонччанинг эшигини очди. – Мана, шкафчага жойлаб қўйдим. Келасиз, олиб кетасиз. Яна арzon қилиб ҳам бераман. Қирқ берсангиз бўлади.

– Ўттиз беш, – ростмана савдолашди Шахноза.

– Ўттиз саккиз, бошқа тушмайман. Бу яхши мол, янга! Сиз келгунча қирқ икки-қирқ уч минг сўмларга ҳам сотиб юборишим мумкин. Лекин сиз учун мана, олиб қўйдим.

– Бўпти, – хурсанд бўлди Шахноза. – Албатта, олиб кетаман!

Жувоннинг юзида балқан мамнунлик танига ҳам куч бергандек бўлди. Сумкаларини дадил кўтариб, кета бошлади. Тўрт-беш қадам юри-ю, таққа тўхтади. Чўнтагини кавлаб, пулини санади: тўққиз минг саккиз юз... Саккиз минг сўмни ажратиб олиб, ортига қайтди.

– Манг, ортиқча пулимни бериб кетай. Шунда сотмаслигингизга ишонаман!

Йигит пулни санаб, бош иргади:

– Бўлди янга, ўттиз минг сўм олиб келсангиз бўлди, бервораман!

Шахнозанинг кўнгли энди буткул хотиржам бўлиб, қалбидаги байзо орзуси ушалаётганидан чехраси ёришиб кетди. Ҳатто бозор сумкасининг тутқичи узилиши мумкинлигини ҳам унутиб, уйига элтадиган таксилар томон шитоб билан одимлади.

Наргиза УСАНБОЕВА

Уйга келганида уч боласи аллақачон мактабдан қайтган, кенжә укаларини ҳам күшниникидан олиб келиб улгуришган эди. Янги қурилған, сирти ҳам чала сувоқ қилинған, баъзан кўзига катта ташвишнинг битмас макони бўлиб кўринадиган уйи ҳам негадир кўзига чиройли, бекам туюлди. Тинмай думини ликиллатиб оёқ тагида ўралашверадиган, тумшуғи ингичка, жуссаси кичкинагина кучук ҳам нақадар ёқимтой!

– Менга нима олиб келдингиз? – беш ёшли кенжатои қаршиисига югуриб келди.

– Сенгами? Ие, маҳси билан бўлиб, сенга “кукуруз” олишни унубман-ку! Ма, пул бераман, ўзинг дўкондан оларсан! – димоги чоғ она чўнтағидаги охирги саккиз юз сўмни боласига тутқазди. – Минг сўм таксига бердим, саккиз минг маҳсига, тўғри... Ол!

Олиб келган нарсаларини жойлаб ҳам улгурмай, меҳмонхонага кирди. Деворлари оддийгина қилиб оқланған, фақат катта ва ёргулиги меҳмонхоналигидан дарак бериб турган бу хонада кийим жавонидан бошқа жиҳоз ҳам йўқ. У жавонни очиб, эри камдан-кам киядиган костюмининг ички чўнтағига қўл суқди. Пулни олиб санади: “Йигирма бир минг сўм!”

– Учта бозордан орттирганим бу. Бугун зўр тежаган эканман! – хурсанд бўлди у. – Туғилған кун учун бозорлик қилгани борсам, яна тўқиз минг сўм bemalol орттираман...

Аёл эрининг теридан ишланған, ичи момиқли, иссиққина маҳсини ковуш билан кийиб ишга хурсанд кетаётганини хаёл қилиб, қувониб кетди.

Қиши кунлари кун бўйи тик оёқда туришнинг ўзи бўладими? Ўтган йили этик сотиб олиб бир кун ҳам киймаганди. Оёғи музлаб, бурнидан сув оқиб, йўталиб кириб келди. Ўшанда эртасига ёқ ўзи ҳалиги маҳсининг оддийсидан сотиб олди. “Отабоболаримиз билади-да, зўр нарса экан”, дерди ҳар куни. Лекин барибир теридан ишланмагани панд бераркан. Бу йилига худди чўққа кўмилған картошкага ўхшаб “пўсти” арчилиб қолди, шўрлик маҳсининг. Болаларининг отаси эса сифатлисидан яна олишга кўзи қиймай, ўшани кийиб юрибди. Шу ҳолида ҳам этиқдан иссиқ эмиш. Агар Шаҳноза теридан тикилған сифатлисини совға қилса борми? Аввалига эри кийиб кўради, сўнг “Пулни йўқ қилиб нима қилардинг?” дейди-да, гириҳ тишларини кўрсатиб илжаяди. Уни бошэгасига бепарволикда, эрини эса тошдан қаттиқлиқда айблаб фаммозлик қилувчи кўшни хотинларнинг эса тили бойланади.

Шуларни ўйларкан, аёл бир энтикиб қўйиб, рўзгор ишларига шўнғиб кетди.

Ҳаш-паш дегунча ўн кун ўтди.

Бугун эрининг туғилған куни. Эри ишга кета туриб бозорлик учун пул беради. Шаҳноза тежаб-тежаб, нархларни тушириб-тушириб бозор қилса бўлгани, совға тахт!

– Вақтлироқ келиб, бозорга ўзим бирга борсаммиカン? Сенга қийин бўлади. Аёл бошинг билан юк кўтариб юриш... – деди эри эрталаб куйинчаклик билан.

– Йўғ-е, дадаси. Бошқа нима ишим бор менинг? Ўзим бораману, келаман. Сиз bemalol ишингизни қилаверинг. Ўзи биз учун совуқни-совуқ, тунни-тун демай ишляяпсиз... Фақат сал эртароқ қайтсангиз бўлди. У-бу ким келиши мумкин.

– Туғилған куним-ку, жавоб беришар... – деди эри. – Бошқаларга берган-ку!

Эр шундай дея кийингани жавонли хонага кириб кетди. Шаҳноза эса нонушта ҳозирлашга тушди. Бир пайт кийиниб кириб келган эрига қараб тили айланмай қолса денг. Чунки эри ўша – Шаҳноза пул яширган, ора-сира авайлаб киядиган костюмини эгнига илиб олганди-да.

“Пулни нима деб оламан, энди?” шалвиради Шахноза.

– Нега буни кийдингиз? – деди охири.

– Туғилган куним-ку! Ишхонадагилар йигилиб табриклишади, рўдапо бўлиб турсам, бўлмас... Ие, буни қара хотин. Бир пайтлар чўнтағидаги пулни олмай, осиб қўйган эканман, – деди эри ички чўнтакдан ҳалиги пулни чиқариб.

Сўнг санашга тушди.

Эри пулни санагани сари, Шахнозанинг кайфияти тушиб борарди.

– Йигирма бир минг сўм экан. Яхши бўлди. Бозор-ўчарнинг пулига қўшамиз...

Шу билан эри олинадиган нарсаларни хисоб-китоб қилиб, етмаганига ўша йигирма бир минг сўмни қўшди. Кейин Шахнозанинг қўлига пул тутқазди-да, ўзи ишга кетди...

АЁЛ СИЙРАТИ

Одам ўта чарчаганида кўзига ҳеч нарса кўринмай қоларкан. Айниқса, Муродга ўхшаб кўп пул топиш илинжида, кеча-ю кундуз ишласа. Шу даражада ҳориб келадики, баъзида болаларининг овози қулоғига карнай фат-фати, аёлинники эса қизимаган ноғора бака-бакидек ёқимсиз эшитилади. Қулоғини коматга келтиради.

Яна Муродни ёмон ота ва эр деб ўйламанг. Агар шундай бўлса, эрталабки соат саккиздан кечки саккизгача дўконда сотувчи, кечки ўн иккidan эрталабки олтигача салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи цехда оддий ишчи бўлиб ишлармиди?! Албатта, бу меҳнатлари оиласининг ёригини ёпиш учун-да!

“Рўзгоримда кемтиклик бўлмасин, хотиним бошқалардан кам кийинмасин, болаларим ўртоқлари орасида мунғаймасин”, дея ширин уйкудан кечиб ишлайди у. Ёмон томони, уйга келган пайтида кўзига фақат ёстиқ кўринади. Бошқа нима ҳам бўлсин? Кечки соат саккизда дўкондан чиқиб, уйга келиб, овқатлангунича соат миллари юргилаб тўққизга бориб қолади. Бунақа пайтда вақт шунаقا тез югурадики...

Тўққиздан ўн бир яримгача ёта солиб, ухлаб олади. Сўнг ярим тунда иккинчи ишхонасига йўл олади. Очиги, салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи цехдаги юмуши у қадар мушкул эмас. Елим идишларни ичимлик тушадиган жўмракка тутиб турса бўлгани. Қанча идиш тўлдирганига қараб, маош тўлашади. Кўп эмас, кам эмас бир ойда бу иши учун тўрт юз минг сўмлар атрофида маош олади. Сотувчилиги учун эса саккиз юз минг сўм. Мана шу икки жойдан топган даромади рўзгор аталмиш форга амаллаб етади. Ҳалиям хотини пишиқ. Шу пулдан ҳам орттиришга, йиғишга ҳаракат қиласди. Чунки яшаётган уйи бир хонали.

– Ҳеч бўлмаганда икки хоналига алмаштирасак, зўр бўларди, – дейди Зилола баъзида жамгарганларини санай туриб.

Бирор жойда ишламаса, уйга бир сўм олиб келмаса ҳам меҳнатини қадрлаётганидан, уни авайлаётганидан Мурод хурсанд бўлади.

Шуркки, ишдан келиши билан дастурхон ёзиб, овқатини олдига қўяди. Кейин жойини солиб, болаларни жим қиласди: “Бўлди, жим ўтиинглар, даданг ухлаб олсин, “смен”га кетади!”

Бири олти, бири тўрт, кейингиси икки ёш бўлган кичкинтойларни жим қилиш осон эмас. Баъзида энди кўзи ширин уйкуга илинган пайти Зилоланинг шанғиллагани эшитилади:

– Мен нима дедим, сенга? Жим ўтирасанг ўласанми? Даданг ухляяпти, ахир, мол!

Наргиза УСАНБОЕВА

– Ўв, ўзингнинг овозинг болаларнидан ҳам ошиб тушябди, – тўнғиллаб қўяди Мурод.

Унинг овози уйқу аралаш чиққани учун Зилола эшитмайди ҳам. Койишда давом этаётган одам қаёқдан ҳам эшитсин??!

Эрталаб ҳам шу аҳвол. Келади, овқатланади ва ухлайди.

Мурод кам дам олганим сабаб, Зилола финг этмай уй юмушларининг барчасини ўзи бажаради. Уйнинг ҳамма икир-чикири унинг бўйнида: бозорлик қилишдан тортиб, жўмрак тузатишгача...

Уларнинг ҳаёти узун йўлдаги араванинг ғилдираги каби шу зайл бир маромда айланаверади. Бунга кўнишиб ҳам қолишганди. Токи уйга кутилмаган меҳмонлар келгунча...

Ўша кун Мурод уйига одатдагидек тили осилиб кириб келди. Дўконга янги моллар келгани учун тушликкача уларни ташишга анча вақт ва куч сарфлаганидан силласи қуриганди. Подъезд эшигидан кириши билан эшитилаётган шовқиндан ўзини йўқотди. Болаларининг фала-говури подъездга ҳам эшитилиб турганди-да!

– Дугонам келган, дадаси... – эшикни оча туриб шипшиди Зилола.

– Яхши бўлибди-да! – деди Мурод парво қилмай.

Лекин уйга киргач, негадир аёлни танимади. Оқ-сариқ, тўладан келган, икки юзи қип-қизил, гавдали бу меҳмон аёл хотини билан ёнма-ён турса асло дугонасига ўхшамасди.

– Хилола дугонам. Танидингизми? – деди аёли унинг анқайиб қолганидан хижолат бўлиб.

– Йў-ў-ўқ, – ростини айтиб қўя қолди Мурод.

– Вой, ана танимади, – оғзини лўппи кафти билан ёпиб кулди меҳмон.

– Унақа деманг, хафа бўлади. Энг яқин дугонам. Ҳилол-чи? – эслатишга уринди аёли. – Тўйимизда “свидитилим” бўлган. Сизнинг ўртоғингиз билан бирга, тўрттalamиз суратга тушгандик. Ҳалиги ўртоғингиз тўйимиздан кейин ҳам Ҳилолни сўраб қўймаганди. Сиз, “Кел, иккаласининг бошини қўшамиз. Кейин юрамиз, борди-келди кили-и-иб”, дегандингиз.

– Ҳа-а-а, сиз ўша Ҳилоламисиз? – деди Мурод эслагандек бўлиб. Чунки ўша қиз билан бу аёлнинг орасидаги фарқ уни чалғитаётганди.

– Ҳа, турмушга чиқдик, иккита болани туғдик. Катта хотин бўлиб кетдик-да!

“Жуда ка-а-атта хотин бўлибсиз-да”, деди ичида у ва ювингани кириб кетди. Чиққач, овқатини еясолиб, ухлаш учун жой қидирди. Одатда бунақа пайтда болалари балконда бўлар, ўйнаб бўлгач, газ плитаси кўчирилгани ҳисобига болалар хонасига айланган, аслида ошхона бўлган маконларига кириб ухлаб қолишарди. Мурод эса ягона хоналари бўлган залга кириб, хотини ҳозирлаб қўйган жойга чўзиларди-ю, ширин уйкуга кетарди. Бугун меҳмон борлиги сабаб, овқатни балконда эмас, залда еди. Ётиб ухлай деса, жой ҳозирланмаган. Оғзини каппа-каппа очаркан, Зилолага маъноли қараб қўйди. У дугонасининг ёнгинасида ўтириб олиб, аллакайси сийқаси чиқиб кетган сериални ўзгача иштиёқ билан томоша киляпти. Худди янги фильм кўраётгандек бир-бири билан муҳокама ҳам қилиб қўяди.

– Бугун иш кўп бўлди. Роса чарчадик, – деди у томоқ кириб оларкан.

– Дугонам бир келиб қолибди, пича ўтиринг. Ёзилиб кетай деб келган. Эри одам эмас экан. Урмоқчи бўлибди, уни. Осон эмас унга ҳам. Кейин болаларнинг хонасига кириб ухлаб турарсиз... – деди Зилола телевизордан кўз узмай.

Мурод икки аёлнинг телевизор томоша қилишига бироз термилиб ўтиришга мажбур бўлди. Сўнг тағин минғирлади:

– Сизлар сериал кўраверинглар, мен чиқдим, у хонага.

Болалар хонасида кенжатой ухлаб ётган экан. Унинг ёнига чўзилди. Қани ухлай олса? Ахир ўзининг тўполончилари қаторига меҳмоннинг ҳам иккита чапоғони кўшилган бўлса. Балкондан тўрт боланинг бақир-чақири, залдан сериалнинг овози келиб, тўғри миясига урилаётганга ўхшарди. Зўрга кўзим илинди, деганида болалардан бири хоначага югуриб кириб, капалагини учирарди. Худди ўзининг мустаҳкам ини қолиб, мусичанинг ҳилойи уясига келиб қолган қалдирғочдек омонат ётарди у. Хуллас, ўша куни дам ололмади. Кўзига ёстиқ кўриниб, зўрга кечки ишига кетди. Бунақада ишлаб бўлармиди? Бир неча марта идишни тўғри тута олмай, ичимликни тўкиб юборган пайтлари бўлди. Қандай ишлаганини билмайди. Хуллас, тонгда уйга келса, хотини балконга жой қилиб кўйган экан.

“Ишга кетишида чой ичарман”, дея ўзини ўринга ташлади-ю, яrim соатда кўзғалишга мажбур бўлди. Чунки Зилола газ плитаси ёнида тиқир-тиқирини бошлади. Кейин дугонаси ҳам чикди. Ундан кейин болалар. Бунақада ухлаб бўлармиди?

Мурод ўзини идора қила оладиган даражада эмасди. Кундузи дўконда оғзи очилишдан, кўзлари юмилишдан чарчамади. Бўкиб ичиб олган алкашдек чайқалиб, кўзини очолмасдим. Савдода адашиб ҳам кетди.

“Бора солиб, овқат ҳам емай ухлайман. Ҳеч нарса қизиқтирмайди мени. Аввалоси, Зилолнинг дугонаси кетгандир, ҳам...”

Ширин хаёллари билан подъездига қадам қўйди-ю, азада йиғлаётган аёлларнинг овозини эшигандек кайфияти тушди. Ҳамон ўша шовқин, ўша тўполон кўчагача эшитилиб турарди. Ўзини зўрлаб, жилмайишга ҳаракат қилиб уйга кирди. Хотини дархол овқатни олиб келди. Лекин ухлаши яна кечиқди.

Эртасига эса овқати ҳам кеч келса денг. Дугонасидан андоза олаётган Зилола ундан кейинги кун эшикни ҳам кечикиб очди. Яхши нарсаларни ўрганаётган бўлса ҳам майли: тирноқ ўстириш, сочни сарғайтириш, қошни бир йил кетмайдиган қилиб бўяш, киприк эктириш...

Хуллас, оддийгина, меҳнаткаш, мулоҳазали хотини бир ҳафта ичидаги ойнага қарашдан, пардоздан бўшамайдиган танноз хотинлар қаторидан жой олишига оз колди. Тағин нима дейди денг.

– Дадаси, кўпроқ пул топмасангиз бўлмайди. Бу сафар ҳар ойдагидек пул жамгариб қололмадим. Болалар катта бўляптими?

“Бир ҳафтада болалар катта бўлиб, кўп овқат еб қолармиди, овсар? Беш жондан саккиз жонга айланган бўлсак, яна сен гўзаллик салонига пулни совуриб келаётган бўлсанг!” – дея бақиргиси келди Муроднинг.

Афсус, аёлининг дугонасига тегиб кетмасин деб, ичига ютди. Кўнгли нозикмиш. Эри хафа қилавериб, инжиқ қилиб кўйганмиш. Ҳеч бўлмагандан бизникида яйраб яшаб турсин эмиш...

Шунақа гаплар келдики...

Охири бўлмади. Пайтини пойлаб аёлига шивирлади:

- Дугонанг кетмайдими? Бир хона уйда сиқилиб кетдик-ку!
- Жи-и-им, эшитиб қолади. Аразлаб келган. Эри урмоқчи бўлибди... – кўзлари катта-катта бўлиб ўта эҳтиёткорлик билан шипшиди Зилола.

- Нима? Бизникига аразлаб келадими? Отасиникига борсин... – тутақди Мурод.
- Отаси ўлдиради-да! Номус қиласи. Қайнонаси ҳам тинмай ўғлини ёнини олармиш. Ҳилолани танбалликда, эпизиликда, бефаросатсизликда айблармиш...

- Тўппа-тўғри “диагноз” кўяркан, лекин қайнонаси...
- Жи-и-им! “Эрим излаб қон бўлсин, тавбасига таянсин”, дея атай бизникига келган. Фақат онаси билади, бу ердалигини...

Наргиза УСАНБОЕВА

– Эри мазза қилиб ўтиргандир, бир ўзи-и-и. Хоҳласа ухлайди, хоҳласа овқат ейди. Ёнига борсам бўларкан... – хўрсиниб олди Мурод.

– Сабр қилинг! Бир умр қолмайди-ку, шу ерда. Бошига ташвиш тушганда!

– Мен-чи? – тишланиб деди у.

Бу гаплар хотинига таъсир ҳам қилмади. Дугонасидан яхшигина гула кўтартгани учун ғамхўрлиги ўрнини бадгирлик эгаллаб бормоқда эди. Дугонажони эса кетай демайди. Бора-бора Муроднинг тоқати тугаб, “уф” тортадиган, болаларга бақирадиган ҳам бўлди. Қани, таъсир қиласа... Қизариб ҳам қўймаса денг.

Хотинини сиқувга олди. Йўқ, уям дугонаси каби безга айланган. Тўзиган уй, уст-боши кир болалар, кам ғазо бўлиб қолган эр ҳам ғужурини қайнатмайди. Тўйга шошаётган раққосадек кўзгу олдидан кетгиси келмайди. Кийимлари ҳам аллақандай бараҳна.

Муроднинг чарчаётгани, кам дам олаётгани хаёлига ҳам келмайди. Аламдан ваннахонадаги нарсаларни тарақ-турук қилиб ҳам, хотинини койиб ҳам кўрди. Фойдаси йўқ...

Очиғи, унинг уйга боргиси келмай қолди. Лекин қаёққа ҳам бораради?

– Озиб кетдинг, болам... – деди бир куни цехда қоровул бўлиб ишлайдиган Қодир бобо. – Ишинг оғирми?

– Э-э-э, сўраманг... – Мурод дардини тинглайдиган одам топилганидан хурсанд бўлиб кетди. Кейин қўшнисини анчадан буён кўрмаган гийбатчи хотиндек отахонга яқин ўтириб, дардини айтди.

– Шуниям ўйлаб юрибсанми? – деди бобо кулиб. – Бунинг йўли осон. Хотинингни ёнида ўша дугонасини мақта! Қарабсанки, унинг ўзи дугонасини даф қилади...

Мурод умрида бегона аёлларга мулозамат, хушомад қилмагани учун бу иш кўлидан келишига ишонмади. Лекин уйга боргач, кўзига ҳеч нарса кўринмади. Аста хотинига деди:

– Дугонангга “дом” ёқди. Чиройи очилиб, озиб ҳам қолдими-е! Ишқилиб, келганидан анча гўзаллашди... Ё, аввал эътибор қилмаган, эканманми?

Эридан ҳеч бунақа гапни кутмаган Зилола ғалати қарааш қилди. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. Мурод ҳам бўш келмади. Алқандоз каби ўзини тетик ва хушчақчақ тута бошлади. Эртасига дастурхон устида Ҳилоланинг ўзига деди:

– Божа сизни кўрса, қайтадан севиб қолади. Очилиб кетяпсиз. Ҳар кўрганда танимай қоляпман. Аввал ҳам гўзал эдингиз, энди янаям...

У хотинини гезарib қолганини сезди. Аммо атай Ҳилоладан кўз ололмаётгандек тутди ўзини. Дам олгани чиқиши билан орқасидан Зилола эргашди:

– Ҳа-а-а, икки кундан буён дугонам кўзингизга чиройли кўриниб қолдими?

– Чиройлини чиройли дейди-да! – минғирлади у.

Эрталаб эса атай аёлининг дугонажонига бир қараб олиб, Зилолага хайрни ҳам насия қилиб чиқиб кетди.

Кечки пайт ҳар доимгидек ишдан хориб қайтганида эса на кўзлари, на кулоқларига ишонмай қолди. Подъездга етганда тўхтаб кулоқ тутди, уйига. Т-и-инч. Эшикни тақиллатиши билан аёли гул-гул яшина бутиб олди:

– Яхши келдингизми, дадаси? Овқат тайёр! Сизам чарчаб кетдингиз. Овқатлангандан кейин ётиб ухланг. Ўзи бўладими, кеча-ю кундуз ишлашнинг. Ҳилола ҳам жа бефаросат чиқди. Амаллаб думини тугдим. Тавба, боришга бошқа жой қуриганми, унга? Аразлагунча, эрингнинг кўнглига қара! Ўтинг, дадаси...

Кулгиси қистаганиданми, хурсандлигиданми Мурод лаб-лунжини йиғиштира олмай қолди...

Шеъриятда миллийликнинг бадиий акси



**Раъно
ФАЙЗУЛЛАЕВА**

Сирожиддин Сайид шеърияти ўзининг халқона оҳанглари, фикрлашга, ўйлашга даъват этадиган оҳорли ташбехлари, соф миллийлик уфуриб турган жилолари билан ажралиб туради. Бу оҳанглар, бу ранглар шеъриятда жаҳон адабиётидаги тамойиллар, поэтик идрокнинг янгича ёндашувлари, адабий жараёндаги турли оқимлар, эврилишларга қўшилиб, ҳаётни, воқеликни ўзига хос, ҳам миллий, ҳам умуминсоний мезонларда акс эттириб, янги куч, жозиба, ҳайрат ва ҳаяжон билан бериш кудратини оширади.

Атоқли мунаққид Умарали Норматов таъбири билан айтганда, “...сўз санъатининг ижтимоий, мағкуравий қимматини, шахс эрки, юрт озодлиги, социал адолат учун кураш воситаси эканини назарда тутган ҳолда, у инсониятга Аллоҳ инъом этган қудратли маънавий қурол, инсон ҳаётининг моҳиятини ташкил этувчи жамики гўзал туйғулар, қадриятларни асрар қолиш воситаси эканини, сўз санъатининг неча минг йиллик тарихи ҳам, бугунги тажрибалари ҳам, жумладан, янги ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари, 90-йиллар, янги аср бошидаги ютуқлари ҳам тасдиқлайди”¹.

Ҳақиқатдан ҳам, XX аср 80-90-йиллари ва ҳозирги асримиз бошларида ўзбек шеъриятида пайдо бўлган янги тўлқин миллий озодлик туйғуларининг баланд

1 Норматов Умарали, Янги ўзбек адабиёти, ўқув қўлланма, Тошкент, “Университет”, 2007 й. Б.21.

Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА – 1985 йилда тугилган. Навоий давлат педагогика институти докторанти. “Кўнгил мавжлари”, “Рангин туйғулар” шеърий тўпламлари нашир этилган.

Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА

янграши, янги поэтик тимсоллар вужудга келиши, поэтик бадиий талқинларнинг янгича кўриниш ва товланишларини намоён этди.

“Ўзини эркин инсон сифатида англаш ва топиш, инсоннинг, инсонийликнинг янги мавқейига қўтарилишига анча кучли интилишлар Мухаммад Юсуф, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Қутлибека Раҳимбоева, Шарифа Салимова, Сирожиддин Сайид, Абдулла Шер, Иқбол Мирзо, Тохир Қаххор, Мирза Кенжабек, Фахриёр каби оташзабон шоирларнинг ёрқин, фикрчан, замон ва инсон ранг-баранг тўлқинлари барқ уриб турган шеъри намуналарида юзага чиқди”², деб қайд этганди мунаққид ИброҳимFaфуров.

Сирожиддин Сайид шеърларида бу олам товланишлари, сиру синоатли мўъжизалари шунчаки борлиқнинг ялангоч суратлари эмас, балки қалбда ҳайрат, ҳаяжон, титроқ уйғотадиган сехрли сўзлари бўлиб, ўзига ром этади. Миллий ғурур, халқ турмуши, ҳаётининг ўзига хослиги, асрлар давомида сайқал топган анъаналар, ўлмас қадриятлар биргина сўз, оддий бир бадиий деталь воситасида шеърхон шуурига таъсир кўрсатади, унда бадиий сўзга ихлосни оширади. Шоир ижодида бундай шеърлар кўп ва уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Ҳар бир шоирнинг баҳт тўғрисида ўз тасаввури, ўз бадиий талқини бўлганидек, Сирожиддин Сайид бу туйғуни ҳаёт икир-чикирлари, ташвишу қувончлари орасидан баҳт деса арзигуллик умр парчаси сифатида топиб, кўзга тўтиё этиб, ёруғ ва ҳароратли тимсолларда тортиқ қиласади. Ана шу биргина парчада ҳам нон ҳидини сезасиз, сут хидидан маст бўласиз, күёшнинг юксаклигидан, тонгнинг мусаффолигидан юрагингиз қалқиб кетади. “Мана шу – баҳт!” демайди шоир, уни қалбан ҳис этасиз. Буни шоирнинг “Баҳт” шеъридаги “Уйланган йигитлар бу йил бунча кўп” сатрлари ёқ англатади. Бу сўзлар ҳар бир уйда битта келин ва тўйдан ёдгорлик – чимилдиқ борлигига ишора, шукrona бўлиб, киши хаёlinи узок-узоқларга олиб кетади. Яна келин тушган ҳовлиларда сигирлар ҳам бор, уларнинг ёнларида бузоги... Бу ҳаёт абадийлигига, яралиш, яратиш шаънига айтилган олқиши, бу чинакам баҳтни шарафлаш эканлигини англайсиз. Шеърни ўқиганингиз сайин баҳт моҳияти катталашиб, йириклишиб бораверади ва шу баҳтни бир парча нондек узиб олиб, қўйнингизга яшириб қўйгингиз келади:

*Ҳовлилар уйгона бошлар оҳиста,
Ёриша бошлиайди уйлар чехраси.
Куёвлар юз ювар уялинқираб
Оталарга қаролмасдан тик³.*

Миллий ўзига хослиқ, юксак ахлоқий қадриятлар, ўзбекона ҳаёт тарзи жозибаси, гўзаллиги, соф ва бегуборлиги ҳовлиларнинг уйгона бошлиши, уйлар чехрасининг ёришиши, куёвларнинг оталарга тик қаролмасдан юз ювишларида

2 Faфуров Иброҳим, Кейинги ўн беш йил ичиди, “Мангу латофат”, бадиалар, рисолалар, 2-китоб, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, Тошкент, 2008 й. Б. 264.

3 Сайид Сирожиддин. Сўз йўли. Икки жилдлик танланган асарлар, 1-жилд, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2008 й. Б. 28.

Шеъриятда миллийликнинг бадиий акси

ўз бадиий ифодасини топган. “Сигирларнинг елинларидан Тонгни соғиб олар келинлар” мисралари эса сизнинг баҳт ҳақидаги тасаввурларингизни янада юксалтириб юборади.

Шоирнинг ризқ яратувчи, ҳаёт абадиyllигини таъминловчи тириклик манбаи, Ватан тимсоли – ўчоқ ҳақидаги “Ўчоқлар” шеърида ҳам миллатпарварлик рухи юқори. Ўчоқдаги олов – куч-кудрат, жўшқинлик, ҳаётга муҳаббат рамзи, унда олов бор экан, демак ҳаёт абадий, демак юрт, Ватан хамиша собит ва қудратлидир, маъносини англатаркан, шоир бундан ғуурланади, қайга борса ҳам уни ўчоқлар кутиб олиши, улардаги гуриллаб ёнаётган олов қалбига туганмас завқ-шавқ солишини ифодалайди:

*Тоштова, лойшувоқ ўчоқларида
Ҳисор тоғларида жисмгина
Осудалик бўлиб ёнар оловлар.
Эртак атрофида ўтирган мисол,
Офтобда қорайған озгин болалар
Унинг атрофида ўлтирад, тунда
Шеробод чўлида, ёлғиз ўчоқда
Аланга чайқалар, порлар милтирад,
Милтирад, милтирад...
Ўчмагин, ёнгин!
Ўчмангиз оловлар, ўчманг, ёнингиз!
Рухни қамраб олсин осойишталик⁴.*

“Шоирнинг қалбida етилиб, ҳис-туйғу билан уйғунлашса, шеърда таъсирчан шаклга тушиб, муносиб оҳангини топса, ундаги сўзлар эриган темир томчиси каби бошқалар қалбини ўртаб юборади. Чунки шоир ўз шеърида қалбини очиб, унда уйғонган турфа туйғуларини тақдим этади ва айни ҳиссиётлар бошқалар кўнглига кўчиб, акс садо беради”⁵, дейди мунакқид Абдулла Улугов. Сирожиддин Сайиднинг аксар шеърларини шеърхон шундай қабул қиласиди. Шоир юрагида қайнаган, пўртанага айланган туйғулар бўрони қалбини забт этади, бир шеър таъсири анча вақтгача уни сергаклантиради, безовта қилиб туради. Шундан бир шеър мутолаасига қайта-қайта мурожаат қилгиси келаверади.

Аслида Ватанинни севиш, уни мадҳ этиш ёқа чок этиб, ҳайқириш билан бўлмайди. Ватанинни севиш мумкин бўлган чизгиларни топиш ҳақиқий истеъодд эгаларигагина насиб этади. Она тупроқнинг ҳар бир зарраси, тоғу тошлари, шамоллари, бўронлари, дарёлари, ирмоқлари шоир қалбини титратади, чўккиларда сакраб юрган оҳулар, адирларда шошиб оққан жилгалар, тунги осмон юлдузлари шивири, ойнинг маъюс табассуми, қуёшнинг тийиқсиз қийқириғи қофозга шеър бўлиб тўкилади. Ҳикматлар, сабоқлар, саволлар Ватан суратини дилга чизади. Бирор мисрада Ватан дейилмаса ҳам кўз ўнгингизда Ватан бор бўй-басти билан

4 Сайид Сирожиддин. Сўз йўли. Икки жилдлик танланган асарлар, 1-жилд, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2008 й. Б. 28.

5 Улугов Абдулла. Қалб ҳодисаси. “Ўзбек адабиётшунослигига таҳлил ва талкин муаммолари” республика илмий-назарий анжумани материаллари. Қарши. 2016 й. Б. 54.

Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА

намоён бўлади, бу Ватани керагича сева олмаганингиз, керагича унинг борлиги, ягоналигини ҳис этмаганингизга ўқинасиз, уяласиз. Шоирлик шу: ўз дардларига шеърхонни ошно этолса, шеър олдида, адабиёт олдида турган қарзини уза олган бўлади. Бундай шеърни яратиш эса осон эмас ва ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ватанинг поэтик образини яратиш учун унинг тарихини, одамлари яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналарини, миллий қадриятларини яхши билғанларгина бунга эриша олади.

...Эслайман Боботоғ этакларини,
Бандиҳон даштлари келар ёдимга.
Уларнинг кўксидаги тошлар,
Сурувлар,
Подалар сочиғлан ноталар каби.
Минг хил қўшиқ асрар улар мен учун –
Менга ёқадиган қўшиқлар!⁶

Халқимизнинг шундай урф-одатлари, миллий анъаналари, ахлоқий қадриятлари борки, булар бизнинг неча минг йиллик маънавий-маданий меросимиз сифатида яшаб келмоқда. Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, оиласпарварлик, ҳаё, ибо, андиша беҳад қадрланиши ҳамиша умуминсоний қадриятлар ичидаги эътироф этиб келинади. Бизнинг оддий қишлоқларимиз, одамларининг дабдабалардан холи содда ҳаёт тарзи, меҳнаткашлиги, миллий анъаналарни кўз қорачигидай авайлаб-асраб келаётгани билан эса ҳар қанча фаҳрлансан арзиди. Сирожиддин Сайид шеърларида бу фаҳр-ифтихор ёрқин рангларда шуълаланиб туради, улардан тараған сўз ифори шеърга ташна дилларни сархуш қиласи. “Чавандозлар” шеърини ўқиб, шу туйгуларни ҳис этиш мумкин.

Қадимдан отлар инсоннинг дўсти, оти бор йигит мард, ғолиб саналган. От инсон бажарадиган барча ишда унга мададкор. У ер ҳайдайди, ҳосил йигади, чавандознинг толмас қаноти. Узун киши кечалари уйга келган меҳмонлар ҳам фақат от ҳақида сўзлашади, болалар отлар тўғрисидаги ҳикояларни завқ-шавқ, ҳайрат билан тинглашади. Аммо отлар бажарадиган кўп ишларни эндиликда қудратли техникалар бажаряпти. Отлар ҳақида болалар эшитган ҳикоялар қолдими фақат? Йўқ, отлар ҳамиша инсоннинг дўсти бўлиб қолади. Отни эъзозлаш, ардоклаш зарурлиги, у ҳақдаги чавандозлар гурунги, бир-биридан ажойиб ва гаройиб ҳикоялар келгуси авлодларга ҳам этиб бориши керак. “Чавандозлар” шеърини мутолаа қилган шеърхон шу каби узоқ-узоқ ўйларга чўмади, тўғриси, шоир шундай ажиб таассуротларга берилишга мажбур этади.

“Қора кўзли Гулпари”, “Болалик. Қўшни қизи Гулпари” шеърларидаги халқона мисралар дилга мусиқадай ўтириб қолади. “Дўппи”, “Кориннинг суви” шеърлари эса чуқур ижтимоий моҳиятга йўғрилган.

“Дўппи”да кимгадир атайлаб тикилган дўппи совғалар дўконида туриб қолгани, чет элдан келган меҳмонлар қўлларига олишиб, ҳайратга тушишгани, аммо уни харид қилишмагани, вақт ўтиб, ўзига аталган дўппининг ҳақиқий эгаси

6 Сайид Сирожиддин. Асаллар. 1-жилд, Шеърлар, достонлар, насрий оҳангларда. “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент, 2018 й. Б. 61.

сотиб олгани, уни қишлоқقا келиб мақтагани, сўнгра мактабдаги байналминал клубга совға қилгани, улар эса бу дўппини ўзлари хат ёзишиб турадиган хориж давлатларидан бирига юборишгани айтилади. Шундай қилиб, дўппи Будапешт ё Парижда, ё Лондонда қай бир мактаб клубида Ватанини соғиниб ётганлиги маълум бўлади. Булар шунчаки айтилмайди, балки чуқур изтироб, надомат билан сўзланади. Ахир миллий бош кийим тақдири кимнинг юрагини орзиқтириб юбормайди?

“Кориннинг суви” шеърида ҳалқ орасида кўлланадиган бир иборанинг ижтимоий моҳияти очиб берилади. Бир пайтлар онасидан “Кориннинг сувини кимиrlатмасанг, қорнинг қайдан тўяди”, деган иборани эшитган Эшонқул етмиш йил ҳаловат билмайди, аммо қорни тўймайди, қорнида сувдан бошқа нарса кимиrlамайди. Чунки тузум нобоп эди, меҳнат қадрланмасди, ҳаловат билмай ишлаган қолиб, хузурини текинхўрлар кўрарди. Ҳалқ ибораси бекорга тўқилмаган, у ҳаёт ҳақиқати, аммо бу ибора моҳияти чинакам ҳаётийлик касб этиши учун тузумнинг нобоплигига чек кўйиш лозим эди. Шеърда бу фикрлар айтилмасада, зукко шеърхон сатрлар орасидан ана шу нидо, аччиқ ҳақиқат, фош этувчи қудратга эга исённи ҳис этади.

Сирожиддин Сайид фикрчан шоир. Унинг шеърларида миллий оҳангларга йўғрилган ҳалқона қараш билан бирга жаҳон шеърияти ўлчамлари билан белгиланадиган хусусиятлар, “онг оқими” кўринишлари бўртиб туради. Шу билан бирга шоирнинг сўз санъати жозибасини ҳис этиш, миллий урф-одат ва анъаналарнинг поэтик талқинини ҳаёт ҳақиқати билан бадий идрок этишга ундаш маҳорати ҳам юкори.

Маълумки, қадимги ёзма манбалардан то шу кунгача яратилган шеърий асарларнинг барчасида ҳалқ оғзаки поэтик ижодининг у ёки бу даражада таъсири бўлиши, шеъриятда фольклор мотивларининг акс этиши асар ҳалқчиллигини ошириш, бадий сўз қудратини янада ёрқин намоён этишга хизмат қилади. Сирожиддин Сайиднинг ҳалқона оҳангларда яратилган шеърларининг таъсир кучи, уларда айтилган фикрларнинг миллий залвори айнан шу жиҳати билан ажralиб тургани учун ҳам кадрлидир.

Тохир ҚАХХОР

Бирлик

Асардан парча¹



ҚАЙЛИҚ

Қайлиқ танла ўз юртингдан, сўрагайлар: “Қайлиқ қайлиқ?”

ЖАНОЗАДА

Ўлим охират кўпригидир.

Устун одам бир-биридан; лек дунёга бўлмас устун.

ТУШУНТИРИШ

Бўри қилган ишларини ёзмайди мактаб бўри.

СПАРТАК

Ўлкадор бўл, ўлка қур; кетгин – бўлса ўлка дор.

ҲАР НЕНИНГ

Ортиғи хасталиқдир; даво – билим, ор тифи.

ОНАСИНИ КЎРИБ ҚИЗИНИ ОЛ

Қабиҳ она қизига ҳам иш ўргатар қабиҳона.

ОНА-БОЛА

Қайнотасиз ичкуёвни шўрва қилиб қайнотасиз!

ҲАЁТ СИРИ

Илик – сир, тўқ тут доим, ҳаёт сири иликсир.

БИР МИХ

“Ўй қурсанг, хотинга бир мих қоқтирма, мен қурдим дер”.

Қоқилмасин бир михи, эрта жоним қоқилмасин.

АБУЛҲАСАН*НИНГ БҮЙРУГИ

Киркинг бир бўл, кирқ қароқчи, шу юртни киркинг киркинг!

**Абулҳасан – “Минг бир кечা” қаҳрамони.*

ТАРИХ МАЙДОНИДА

Қўр-қутимиз оз бўлса-да, кўп Алпомиш, Қўрқутимиз!

БИЗНИНГ ЁВҚУР

Ёв, қур бор тузогингни, бузар, ўтар бизнинг ёвқур!

ТОШ, БЎРОН

Тошбўрон бўлди жадидлар – тинма, увла, тош, бўрон!

ОДАМ ОТА ФОЯ БИЛАН ЯРАТИЛГАН

Кўр унди улкусиз юртда, кўзсизликлар кўрунди.

МИЛОШЕВИЧ ВА ЮГОСЛАВИЯ

Юртуни ўтди талаб, ҳеч унутмас юрт уни.

¹Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

АДАШИШ

Кўй-мас авом дейману, у кўйлигин ҳеч қўймас.

УЛУҒБЕК

Етти қўкни фикр этиб, шони етти қўкка етти.

ҚОРА – ЖОХИЛ

Яарсиз сўз дейсиз, иш йўқ; сиз нега ҳам яарсиз?

ТОГЛАНГАН ЮРАК

Тоғлар кўринса, юрак тоғланар – ўзин тоғлар!..

ОХИР

Очтири, қўйларинг, чўпон; тўйдирап – охир очтири.

БУ ЮК

Буюк эди у замон, бу замон оғир бу юк.

ТЎҒОН

Тўғон қурди Ленин, ошди Закий Валидий Тўғон.*

**Куш, бургут англамида.*

АДАБИЁТ ҚАРОҚЧИЛАРИ

“Мұхокаматул лугатайн”ни ўқиркан

Ўқингиз ўтмас менга, тозик, тотлар, ўқингиз.

БУТЛАР

Бутлар ҳар ким ўзин; йўқса эзар бутпарст, бутлар.

ЁШ ҚАРҒА

Сўроққа тушсанг, қоранг ёзиларми, сўр, оққа?

ШАҲАРДАН ДЎРМОНГА ҚАЙТИШ

Ювиндим чанг шовқинда; жимлик, мени юв, индим.

СОФАР

Соғармисан, майни сун; ё йўлтўсар, соғармисан?

ИЛОН

Ёт-мас, ўз илонимиз чақар бизни, тинч ётмас.

ХОИН

Курт бошини эгиб ўйлар: “Қандай есам қуртбошини?”

БОҒЛАНМАДИ

“Саҳрода учган бўз қушлар гулнинг қадрини на билсин?”

Боғланмади сахро; бизга сахройи ҳам боғланмади.

ЖАҲЛУ ЖУҲАЛО

Изласак, одам чиқмас; энди итни изла, сак.

БЕШ БАРМОҚ

Беш бармоқ ер бир-бирини бўлмаса ош, бешбармок.

ЎЛЧАК*

Тортдим халол, харомни; кўплардан қўлим тортдим.

**Ўлчак – тарози.*

ЙЎЛЛАР

Йўллар сўзин айтирмаса, инсон ўзин қаён йўллар?

ТУГАЁТГАН ТУШ

Тушинг отдан, дерлар эрта; мансаб – тугаётган тушинг.

ТУРКИСТОННИНГ ИЛК ШОИРИ

Чу-чу дер отинг чинлар; чучук сўзли ўзан Чучу.

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ ДЕНГИЗДА

Ўки дуо, неъматдир елкану, кема ўки.

Тоҳир ҚАҲХОР

ҚАНИ У ФИРОТЛАР

“Ол, Ғиротлар бўлса, мин!” “ Йўқ... қолибди олгир отлар”.

“ЧИФАТОЙ ГУРУНГИ” АЪЗОЛАРИ

Қоралар миллатчи деб бизни ёт, ичи қоралар.

УБАЙДУЛЛОХОН ВА МИРАРАБ

Кўйма қулоққа лофни, сенда-ку барча кўйма!..*

* *Мирараб ўз мавқеийдан, хон ишончидан фойдаланиб, хонлик бойликларини яширинча ёмби қилиб, беркитиб юрган ва бу охир фош этилган.*

ҚОРАДОРИ

Қорадори – ҳаётингнинг осилажак қора дори.

БОҒДА

Боғ ичиндан келди пари, тутдим эгнин боғичиндан.

ТУЗУКМИ, БУЗУҚ

Ўйнаш-кулиш ёқимлидир, ёш танламас яхши ўйнаш.

ТОР ЧУВАКЛИ

Чувак жонон кийиб келди тору кичкина чувак

КЎЗИ ТҮҚ ЧУМЧУҚ

Чумчук кўз солмас – атроф чаман-чаман чумчуқкўз.

ЎЙ

Очиқ кўнгил элдан уял – бўлсин ишинг очик, кўнгил.

КЎНГИЛ ҚАРИМАС

Чоғимда – яшаяпман ҳамон ёшлик чоғимда.

ЭСКИ ДУО

Улоқ чоп; тўнингга тушмасин улоқ.

СИБИРДАН СУРГУН НАЪРАЛАРИ

Тўхтасин Жалоловга

Кўм, “улуғлик” бизни, лек қолмас бу иш кўмулуғлик!

КАФАНСИЗ КЎМИЛГАНЛАР

Шукрулло акага

Қорақиш ер бизларни; оқ кафандир қора қиши.

ЭҲСОН

Этинг қочиб, озибсан, деб кулгунча эҳсон этинг.

ШАЙХЗОДА ВА ТУРМА ҚОРОВУЛИ

“Қалам беришингизни сўрайман...”

Мисранг, шеъринг керакмас! Ишла, мана, лом – мисранг!

ЖОН БОЗОРИ

Жон бозори бундадир, йўқ бунда ҳеч жонбоз ори.

ҚОРА ҚОРЛАР

Қори оқ дер; лек қора золимнинг ёмғир, қори.

ТУРОН

Овлоқ Турон олти юз йил бўлди ёвларга овлоқ.

ТУРКИСТОН ЭЛЧИСИ

Тур тоғида Туркистоннинг Мусо каби Тур тоғида.

БЕШ ЁҚА

Туркистоннинг беши ўлкасига

Ёқадир бирлашмаган, бир ёқани ёқадир.

ЧУВАШ

Чуваш – бир турк улуси; чорликда иш оти – чуваш.

ДҮКОНДОР

Дүкондорга – эрксиз юртда – айланар ҳар дүкон дорга.
ЧОРЛИКДАГИ ТОШКЕНТ

Үрда бөгіда

Кир, мас мужик, кир маржа; ерлик халқ бунга кирмас.
ЯЛАНГОЁҚЛАР

Чүф олинг! Чүф, ўт пурканг, шу майдонда чүголинг!
РҮСИЁЛИК

Рўсиёлик келиб босди, қулликда бўлдик рўсиёлик.
ЎРОҚ-БОЛҒА ҚАРШИСИДА

Чўкич-болға, ўроққа боқ; арақ қўлига чўк, ич!
ШЎРО ЧЎЛҚУВАРИ

Чўл оқланди, яшилланди; ўртада кўплар чўлоқланди.
КЎСАК ЧУВИШ

1960 йил, қуни

Чувалтирдинг кўсагингни, хақ бермай, сўз чувалтирдинг.
ЎЗБЕК-СОВЕТ ЧЎЧҚАБОҚАРИ

Чўчқа боқар гоҳ одамга, гоҳ унга чўчқабоқар.*
ЙИГ ОТА ҲИКМАТИ

Йигитдир қўрқоқ, ялок, у инсондан йиг итдир.
БАЛИҚ ОДАМЛАР

Кўрдим, гаранг, соқовдим, кўр: етмиш йил нелар кўрдим!
ТАЙГАДАГИ ВАСВАСА

Кор, овул йўқ; ўт, ўчок йўқ; нечун шунча қоровул?
КИМДАН НЕ ҚОЛДИ

Кирим, ўлим – Сталиндан, Хрущевдан қолди Кирим.
УЧ ЮЗ МИЛӢӮН ХАЛҚ ВА КЎРҚУВ

Кўр – кутилган ичида ўчмас; у – кўркутилган.
БЕШБАРМОҚ ТОҒЛАРИ ВА ҚИБРИС

*ТМТчи ёзувчи Исмоил Бўзқуртга**

Оқденгиз, от қора сувинг, қоқ Қибрисга оқ, денгиз!..

(*ТМТ-Шимолий Қибрис республикаси қурилишида
қатнашган ватанпарварлар ҳаракати, Турк
муқовамат ташкилоти)

ЕР

Ерда қолган, кетган хафа; шундан барин бу Ер ер-да.
ЭНГ СЎНГИ КУН

Кўркум кетар; ўчар бу ўт; ўрним узра қолур қўр, кум.
ЯРАЛАР

Яралар – фикрим; ўлмас; мендан сўнг-да яралар.
ЁЛҒИЗЛИК

Ўрамунгдан* ўтганимда бўлди юрак ўра мунгдан.
* Ўрам – кўча; эски ўзбекча.

ЙЎЛДА

Қайир, қинғир йўлдан қайтар, нафсингни қайир.
ШЎРО ЎҚУВЧИЛАРИ

Теримга ҳайдаб ҳар куз, сомон тиқдинг теримга.

Тоҳир ҚАҲХОР

ЙИЛЛАР КЕТДИ

Тепалаб ўтдик, йиллар кетди эзиб, тепалаб.

ТАҚДИР

Тақдир бўлгач шум, ёмон, ёмондан келур тақдир.

ИГНАЛАРИНГ

Ол қонли қўзимдан игналаринг ол!

МУСТАФО ЖАМИЛ ҚИРИМЎҒЛИ*

Тотарсиз қолмас Қирим – юрт тотини тотарсиз!

**Қирим элининг қаҳрамони, йўлбошичи; Тошкентда, Янгийўлда яшаган.*

ЭГАСИ ЎЛГАН БОҒ

Болталанган боғ ҳувуллар... гул таланган... бол таланган.

БАРМОҚЛАР, ТУРК ЭЛЛАРИ

Бўғим-бўғим, айри-айри яшарлар бўғим, бўғим.

СЕВГИЛИМ

Эшиксиз тошуда қолдим... баҳтим очар эшик – Сиз.

МИЛ

Мил-мил дунёнг не қилгай ажал кўзга чеккач мил?

ҚЎРҚУЛАР

Қўрқулар бу ҳаётда... ўлгач тугар қўркулар.

ИНСОНГА СУЯНМА, ЎЛАДИ

Орқалар ўтиб кетар, шаънинг қолар, ор қолар.

БИРЛИК

Бирлик бўлмас ўргада қилсалар бир лик, бир лик.

ЎҚИШГА КИРИТИЛГАН БОЛА

Толиб бўлди хизматларда “танкаси зўр” шу толиб.

ҚИЗИЛИШТОН

Тўқ-тўқ қилиб, гоҳ дўқ қилиб, қийнама очни, эй тўқ.

ТАНҚИД

“Буюк” деб замонанинг эшагига ортилган бу юк.

ҚОРАНГ

Қоранг ўчгай ҳалқ қўзидан, тарихдан-чи, ўчмас қоранг.

ҚЎНГИЛ БУРЧИ

Қўнгил бурчи қоронгидир, узилмади кўнгил бурчи.

ШАЙДО

Ўтиб турай эшигингдан, бор айбингдан ўтиб турай.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўртоғ хусусийлашса, ўртадан чиқар ўр, тоғ.

АҚЛ ТИШИ

Ақл тиши чиқди, бироқ бир кўп иши ақл тиши.

ОҚ ТЎРА*

Оқ тўра шўх балиқларга қирон солур, оқ тўр, а?!

** Оқ тўра – арабча ахлоқ сўзининг эски ўзбекчаси.*

ИШЁҚМАС

Алчайиб ётдинг шунча, тур, ишга туш ал чайиб.

ОЛҚИШЧИ

Олқишиблик этдинг, ўтди ёз, куз, энди – ол, қишиблик!

ТИН ОЛ

Олтин олдинг ётмиш йил, саксонда ол тин.

ҚАРМОҚ БИЛАН БИРЛАШИБ

Чаваклар қармоқ билан чүртани хам чаваклар.

НОМЗОД

Ха, лим бўлди гадой тўрванг, мансабни бўшат, Ҳалим!

ЁМБИ

Ёмбилар кўп; қайга кетар – ёмчи билар, ём* билар.

* Ём – ўтмиида узоқ йўлларда от совутиши, алмаштириши учун қурилган бекат; бу туркӣ сўз русчага ҳам ўтган, ям, ямицик тарзида қўлланилади.

ЦЕКЛАР

Чеклар, долларлар кўп; эга бўлмаганни чеклар.

ШОДЛИК КУЙЧИЛАРИ

Ўрим сочни кўйлашди бошланганда бошга ўрим.

КЕНГАШЧИЛАР* ҚУРУЛТОЙИ

Битирди нутқин ўқиб, олқиши қулоқни битирди.

* 1920 йилда советларни кенгашчилар дейилган.

РОБИНЗОН

Бекит сувдан ўзингни – яша беденгиз, бекит.

КУРАШ

Кураш – бошқа; булар иши қор кураш ё гўнг кураш.

ТЎНГИЗ

Тўнгиз бу, қолар ундан тўнгизлиқ, кирли, тўнг из.

ЗИНДИҚ

Худосиз бир художўй бу: ҳар хонга дер: “Худосиз!”

ҶАНОТСИЗ САНЪАТКОР

Калтакесак бўлиб яшар, бор-буди шу: калта, кесак.

БЕЛБОФ

Боғладим белбоғингни – чўл кўнглимни боғладим.

МАНГУЛИК СУВИ

Ёш тўкма, ич обиҳаёт – ўлгунгача кўрингин ёш.

ЗАРДОР

Зардор – ўта бой одам, бойлиги унга зар дор.

КИНОЯ

Адашдим, кароқчилар баҳшисига адашдим.

ШЎРОВИЙ ТАДБИР

Оқ артув, қора артув – шу маданий оқартув.

ЮВОШ ЭШАК

Охир кўп, бошинг кўтар умринг бўлмасдан охир.

САЛОМГА АЛИК ШУМИ

Чоптириди элни боладай; эл бошига чоптириди.

ҚАЛАМИГА СУЯНГАН ОДАМ

Ҳаромидан узоқ юрди; хор яшади ҳар омидан.

КЎКЛАМ

Ғунчалабдир гуллар ҳам; ёнимда бир ғунчалабдир.

ЙИЛДАН ЙИЛ БОШҚА

Чўқар қовун эккан бу йил, дўлни сўкиб, ғамга чўкар.

Тоҳир ҚАҲХОР

ЧИНОҚЧИ

Юз ийл ўтиб, қайтармиди чиноқчида* бўлса юз?

*Хонлик давридаги ёлланма теримчи.

ҚАРҒИШ

Ўл, армонлар битмас энди, юртни босди ўлармонлар!

ТУЗ ҲУРМАТИ

Туз ҳурматин эсланг, ироқ Ироқдаги Тузхурматин.*

*Тузхурмати – Ироқ туркманлари яшайдиган шаҳарлардан бири.

ҚАЙТА ҚУРИШ

Қайта қуриш – кимларгадир гуллаш, кимга қайта қуриш.

ТАЖАНГ ВА ЎЛПОНЧИ

Ўлаксадан кутулмасанг, бадтар бўл, э, ўл аксадан!

ИНСОФ

Минг бошингдан бир бош қолмас инсоф кетса мингбошингдан.

БАХТСИЗ

Қайталовчи экан дардим – таламади қай таловчи.

ВИСОЛ ЭШИГИ

Ўт, аканг бор, ўйнаб-кул; ёрилмасин ўтаканг.

ҚАЙЧИҚУДА

Қай чиқуда чиқолмасдан туриб колди қайчиқуда?

ПОРАХҮР

Порачи дам ураг диндан, тополмайдир пора чидам.

ПАҲПАҚ

Паҳ-пақ сўз ўқин отар мўлжалсиз, мижғов паҳпақ.*

* Паҳпақ – демагог.

БОЙОТАЛАР

Куриб уй, ё қилиб боғ-роғ, юришибди қариб-куриб.

ЯМОҚ ЧОПОН

Ўттизлаб хотин қўйди, яшаб ўтди ўт тизлаб.

ЁЛГИЗ ОВЧИ

Ўт, овчилар ўтиб кетди; йўқ чўпон, ўтовчилар.

КОСИБЛИК ШАРТИ

Бекасам тўн кий-кийма, ишни бажар бекасам.

ҚОРАНИ ОҚ ЁЗУВЧИ

Бетинг борми, шундай ёзсанг, китобингда бетинг борми?

КОСМОПОЛИТГА

Ўч, кин бўлмаса ёвга, дафтаримиздан ўчкин!

ФИЙБАТ

Қаричлаб ўтирарлар: бир қарич тил, бир қарич лаб.

ПУЛ ТОПИШ ЙЎЛИДА

Ўқланди, ха, ўқдай учди; сўнгчув тушди – “ўқланди”.

ДЎҚ

Қайнатма шўрвани қўй, ош қил; қоним қайнатма.

ИМЗОСИЗ ХАТ

Қийиб олдинг ҳаққимизни; оз-моз ҳақ бер, кўзинг қийиб.

РЕКЛАМА

Юзта лаб, юзта сийна; сотувда – бор юз талаб!

ОВДА

Қарғажийда,* сенга қолди куним... қарға, қарға, жийда.

*Еввойи жийда.

ҮРТОГЛИК ҲАЗИЛИ

Күй шуларни, күй сүйиб еб, бари бўлиб қолган күй.

ТУРКИСТОН ЗУЛУКЛАРИ

Юмма-юмма таларлар, кеча-кундуз кўз юмма!

ТУРКЧИ ЮРАКДОШЛАРИМ

Юрак дош бериб яшар, бордир минг-минг юракдош!

СЎФУТ ҚАРОҚЧИЛАРИ

Ё Қангдан кел, ё Сирдан, итдай олар ёқангдан!

БЎЛУВЧИЛАР

Қизилбошлар туркни бўлди, Туркистонни “қизил” бошлар.

ДАЛДА

Ют! Қизиқсиз, дема; бил, ҳаёт йўқ ютқизиқсиз.

ЗАРУР

Ўқдон бору, ўқ-ёй йўқ; урушда зарур ўқ, дон.

ОЛҚИШ

Ботирдинг, киличингни ёв қонига ботирдинг!

БЕЛБОҒ

Қайиш ҳам белбоғ бўлур – миллатдошингга қайиш.

КИТОБЛАР

Бу – Юм, бу – Кант, Арасту; Эшматга керак буюм.

ҚАРИЛИК

Боғ бўлгай оёғингга узоқ-яқин, мулк, уй, боғ.

ЖУҲУД ТАБИБНИНГ БУЮРГАНИ

Боқтириб тузалмасанг, күй сўйиб е, боқтириб.*

*Мўскўвда Сталин билан ишилаган Н.А.Муҳиддинов касалланиб, даво тополмай юрганда, бир жуҳуд табиб, ота-онанг еган нарсани е, деган ва у киши шу боис тузалиб кетган экан.

БУРАМА

Бурама* тушмас ерга бурамангни бурама.

*Бурама – болт.

ТУЗАЛИШНИНГ ТЎХТАШИ

Оғриқ турса, енгилса – тузалмай қолар оғриқ.

ТАНИҚЛИ БИТ

– Бирорларнинг қўлтигида битдай яшаши тубанликдир.

– Cassiқ бўлса-да, қонини сўриб яшаши мазза-ку.

Бит-динг қўлтиқлардаги, қанча бағишлиов битдинг?

СУР БАЛИҚ

Сур балиқ, илинасан, килинасан сурбалиқ.

ОВРУПОЧА ЯНГИ НИКОҲ

Бу Лутланди, у Лутланди, Оврупоси булутланди.

МАҲАЛЛА ТУЗУГИ

Ёймачи бўл кўчангда, четда гап-сўз ёйма-чи!

ДЕВ

Бармоғин нўқиб тўсар элнинг ҳар ён бармоғин.

Тоҳир ҚАҲХОР

БОҒЛИҚ

Боғлиқ сувни оч, қўшни, қуримасин шу боғлиқ.

БОТИРЛИК

Ботурчилик – ёвни урмоқ; яъни бот-бот урчилик!

ЧОРВОҚ СУВОМБОРИ

Тўғон – бургут отди улар; биз бунда қурдик тўғон.

ҲАЯЖОН

Етти аъзом титраб-титраб, жоним чиқмоққа етти.

ТИЛАНЧИ

Куруқ йўтал бўлди қавминг, ҳей, бойвачча қуруқ! Йўтал!

ШЎРО НОВАТОРЛАРИ

Яланг дала... ялангтўшсиз... Микрофонни ўпинг, яланг!

КЎЗГУ

Кўркамлигинг туйдинг, энди бошқалардан кўр камлигинг.

ҚАРҒАЛАР

Қарғалар халқ ҳаққини еган донгдор қарғалар.

ГЎЗАЛЛИК – КЎЗ НЕЪМАТИ

Бодлерга ўхшатма

Гўзал сонсиз; бўлмагайлар ҳеч бири ҳам гўзал сонсиз.

ОҚЛИК

Қолоқлик, яхши бор! Кел, сен қол, оқлик!

ЮРТИМНИНГ БОЛ ЕРЛАРИ

Бол ерлар, олтин ерлар очилса, эл бол ерлар.

ЯХШИ БОЛА

Бол-а, бол-а бу бола!

РАУФ ПАРФИ

Тонг отганда ўлди шоир – “ўқларин тонг отганда”...

БОҒЛИ ОДАМ

Боғлиман, тўқман; бундан кетсан, йўли боғлиман.

ОТ

Оting ёмон чиқса-да, чиқмасин ёмон отинг.

БОЗОРЧИ

Тушум озайган сайин озайди уйқум, тушум.

ҚУТУРИҚ

Тўймас кутуриқ хотин – ҳар куни унга тўй-мас.

ЭЛХОН ХУЛАГУ

Кўй улус, эзилдинг, кўйлигингни кўй!

*Хулагу – 1217 – 1265 ийлларда яшаган, Чингизхоннинг невараси;
форсларни, арабabboсиylарни енгиган, турк мамлуклардан
енгилган. Мусулмонларга нафратининг сабаби онасининг насроний
мўгул эканлигига дейишади. Ўрта ва Яқин шарқда ҳукм сурган.

СТАЛИННИНГ ЖАБРДИЙДАСИ

Сўктим жумбоқ чокини, девордаги расмни сўктим.

КЎРИНИШ

Қирлаганда от, тепадан кўринадир кир лаганда.

ҚАЛИНЛИК

Қалин олган келин билан яшар қалин.

ЧАЙҚОВЧИ ХОТИН

“Учта лағмон ейолмаса, уч талоғман!”

ДҮНЁ ИШЛАРИ

Күригин босар темирчи; амрчи бошлар күригин.

ХАЁТ ШАФҚАТСИЗ

Түрда кучли; кучсиз түрда.

ФАЛОКАТ

Күргулик ҳар яхши кун; ёмон кун – бир күргулик.

ҚИНФИР ИШНИНГ ҚИЙИФИ

Үтакеттан қанжиқ бўпти, деди бундан ўта-кетган.

ҚИРДА

Моча қочар, қувадирлар, шимарилган почамоча.

БЎШАНГ

Ҳам мол эди, ҳам эшак, бир умр бўлди ҳаммол.

ҚИЗ КЎРДИ

Қизкўрди, тўй яхши ўтди; тўнгичига қиз кўрди.

ЎЗИНГГА ИШОН

“Қирқ томиринг!” дейди иблис; баъзан иблис – қирқ томиринг.

ХИЖРАТ

“Зулмдан қутулишингиз учун Ерни кенг қилиб қўйдик”.

“Чопинг бошни!” деса золим, бошқа ёққа қочинг, чопинг!

ҚИРОЛИЧА

1920 йиллар

Қир, олича Туркистонда қўпdir; йўқdir қиролича.

ЖАЛЛОД

Чопа-чопа келар қонхўр, тўймас бошлар чопа-чопа.

ЭРКИН СЎЗ

“Хеч бир ҳукуматга ва пулга қарам бўлмаган матбуот эркинdir”. (А. Камю; ЎЗДЖТУ Ҳалқаро журналистика факультети деворидаги ёзув)

Қирол билан ишим йўқ; кимса демас: “Тоғ ол, қир ол!”

ТАДБИРСИЗЛАР ТАДБИРИ

Бўшанг бўлма, профессор; порахўр дер: “Ишдан бўшанг!”

МАРС

Ха, ётсиз, ёвсиз ер йўқ, бўлса-да у хаётсиз.

ВАЪДАБОЗ

Лозим, дединг, бажармадинг – кийиб юр энди лозим.

ЭКИНЧИ

Кирим-чиқим деб югурдим... қўтир бўлдим ювмай кирим.

КУЙДУРГИ

Куйдурги чиқсин тилингга! Алладинг шунча, куйдурги!

ЭСКИ СУЮКЛИК

У таниб қолганди... бу ҳам қолди утаниб.

ҚОЗОҚ ХОНИМ ДУОСИ

Йўқолмасин сиз-бизимиз; бор олсину йўқ олмасин!

Тоҳир ҚАҲХОР

АРАБ МАҚОЛИ

Чоптири туяңгни; қистаса, туяңгдан тушмай чоптири.

БИР МУАЛЛИФ ЧОРЛОВИ

Ҳомий-сомий тополмадим; кел энди, эй, Ҳомий, Сомий!

УЛФАТ ТИЛАГИ

Юз-юз қилгин юз ёшгача, фақат қолсин юзингда юз.

ЭСКИ ЎЗБЕК ВА ЯНГИ ЎЗБЕК

Қирчанғи етар бизга; керакмас қиши, кир, чанғи.

ФЕЛЬЕТОНЧИ

Ҳоким Тўр англар сени; қочар ҳоким, тўранглар.

ДАВЛАТ МУЛКИ

Ҳисобдор билар... нетсин, бўлар сўнгги ҳисоб – дор.

ОЧКЎЗ

Ҳар ис димогин тортар... ҳар исда* ҳозир ҳарис.

* *Ис – худойи маъносидা, шева.*

ҲОВЛИ

Ҳовли қиши чоғи хунук, деб сотсанг бўлар ҳовлиқиши.

ОҒРИҚ

Чиркинликдан кўз толаркан, бош айланар чир кинлиқдан.

ФАРҚЛИ КАСБЛАР

Бу икки юз зот чиннисоз; жиннисоздир бу иккиюз.

ТАНБАЛ

Чиқишиз ўйларни от; тур, кўчага чиқ, ишсиш.

МАҚСАД ЙЎЛИДА

Кесма йўлдан тез борай деб йўлдошлар бошин кесма!

ХАТ

“Чигатой гурунги”дан “Қизил қалам”га

Чалдириб най чалаларга бизни йиқитдинг чалдириб.

ИККИ ТУР ЮРТДОШ

Чаноқ терар чаноқчиси; ялоқчиси тутар чаноқ.

ШЎРОСИНИ СОФИНГАНДА

Чорлар даври ўтиб кетди; чорпааст у ён чорлар.

УЗУК

Узук таққан билан баҳтсиз: эр узоқда, умид узук.

ЯССАВИЙЧА БИТИК

Туш аро ё ўнг аро ўлим бошга тушаро.

ТАРАФКАШ ТАРИХЧИГА

Сомонингдан лоф урма, сўйла нақд сомонингдан.

КЎРЎҒЛИ ВА ГЎРЎҒЛИ

Қирот, Фирот келмаса, менга шу адир, кир – от!

ЎЗБЕК ТИЛИ

Тил ингандир етти кўждан, тил деб жонлар тилингандир.

ТОҒДАН ТУШГАН

Товлама бизни – тоғни гоҳ “кўҳ” деб, гоҳ “тов”лама!

ҚАТЛ ЭТИЛГАНЛАР

Чека-чека зулмингни, айтмолмай кетдик, “ЧЕКА”.*

*ЧК – шўроларда давлат хавфсизлик ташкилоти.

ЎЗИНГДАН БАЛО ЧИҚСА

Ғул, омлар* боғлар элни, юртни сотар ғуломлар.

* *Fул – кишиан; ом – оми, авом.*

УЙ

Кур уйингни кўнглингга мос, яшамассан икки қур.

АМИРЛИК ЙИҚИЛГАНДА

Ҳақ талаб кетилди, қолди бунда фақат ҳақталаб.

ФИРИБГАР

Фирибгар ўлиб қолар беролмаса фириб гар.

БУРЖУЙЧА ЎЙ

Фукаро оқ, кора дейсан; бари бир гўр, фу, каро!

ҲАР ЗАМОН

Ува*да ким кўшк қуар, кимдир титар увада.

* Ува – ўва, ўба, овул; водий.

СЎНГИ МАКТУБ

У зоринг ўтиб кетди кўролмай гул узоринг.

ҚАРИ ВАЗИР

Бўри эзар қарисин, қариси ҳам барисин

Ет миш-миш, ҳақ фарқига – ёшинг етмишга етмиш.

СОТҚИН

Инингга писурсан сен тош отсалар инингга.

КУТИШ

Узумзор ичра мен зор; бок, бир дона узум зор.

БЎХТОНЧИ

Тош босмас гап-сўзинг, бас, ўрадай оғзингга тош!

ҲАСАД

У қувсиз, дер; бу қувсиз, дер; аммо бари уқувсиз!

ҚОЗОН

Қозон тўлсин десанг – тириш, мазлум бўлма, ҳақ қозон!

ОИЛА

Тўққиз товоқ келмагунча ўтирап бўлиб тўқ қиз.

СОВУҚ ТЎЙ

Тор тиқ этмас; жимлик чўкар; тарқатилар яна тортиқ.

ХОТИНОШИ

Хотиноши* юртда йўқдир, уйда қолди хотин оши.

**Тўракўргон туманидаги қишилоқларда бундан қирқ йил олдин суннат тўйи уч кун бўлар, иккинчи кун бутун қишилоқ хотин-қизлари хотиношига чақириларди: эндиликда тўйлар қисқарib, у удум унумтилди.*

ТЕМУРНИНГ ЮРТИДА

“Хосилининг олтидан биридан олтидан бирини солиқка олдим”.

Қолдик хосил чўғи билан биз ҳам тикланиб қолдик.

ОФИР КАСБ

Хазинадор ўртада; икки ёни – хазина, дор.

ПАРАНЖИ ТАШЛАШ ЙИЛИ

Хотин, қизлар очик юрса, кўпаймасми хотин қизлар?

Тоҳир ҚАҲХОР

САХИЙ МУМСИК

Үнтанга, ол, ўн танга!

ФИРҚАДОШЛАР

Тонишдинглар талонларда; йиллар ўтиб, тонишдинглар.

СИЁСИЙ ОНГ

Бу ва улар чолни кўриб дейди бува.

ЭСКИ ҚОЛИП

Қол, ип, ортиқ чирмайверма! Етар, шунча эзди қолип.

МУНОФИҚ

Кийдириб тўн сўзига ўтди халқни “кийдириб”.

ЭСЕР

Шу қисир ватанни деб қурашдикми – шу қисир!

АЗОБЛИ КУНЛАР

Кундош кўрган кунинга кулар... лек бермас кун дош.

КЕКСА УЛФАТЛАР

Майдон бизга қолибди, увол бўлмасин майдон.

ҲАР КУН

Бошимуштлагич битта, бироқ лак-лак майда бош муштлагич.

ТАВФИҚ НАЙЗАН*

Кўр-дим, кўр бўлсам ҳам, неларни кўрдим.

**Машиҳур турк шоири (1878 –1953) мавлавий; найзан; шеърда қабиҳи малиҳ устаси.*

ТОБУТИМ

Тобутим кўрсанг, кўринмас ҳеч бошимдан то бутим.

ЁШЛАР

Той-мас булар, аргумоқ, ёвни босмоқдан тоймас.

ЭШАК ЎША, ЭШАКЛИК ЎША

Тўқимоқ ёлғон иши, дер, бу қора тўқим – оқ.

УЧИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ

Теп Адан, Мисру Лубонони АҚШ деган тепадан.

ГАНДИ ВА ҲИНДИСТОН

Ўт, қазилган чоҳга тушмай; бу хукумат ўтқазилган.

НАТИЖА

Қоплаганлар юртни ўлса, ўлмас – қолар қоп, лаганлар.

СОБИҚ ВАЗИР

Қалъя билмас – чиқдинг, тушдинг; ўчогингга, бор, ўт қала.

ДЕВОРНИНГ ҚУЛОГИ ВА ИНСОНЛИК

Ор – тиқ этса, кўрқасан! Қуёндан ниманг ортиқ?

ЧАҚИР, ТОШЛАР

Чақир тошлар солиб оғзингга, адолатни чақир!

ҚОРАСОН

Қорасондан ўлди сотқин, бироқ ўчмас қора сондан.

БИР ШАХС

Денг: изни, йўлни бир шахс ўзгартар – ҳатто денгизни!

ЭРАНЛАР

Улоқ кийиб яшаса-да, эранлар чопар улоқ.

ҲАЛОЛ БОЙ

Туя күр – эшит: ўтарми нина тешигидан туя?*

* “Ҳалоллик билан катта бойлик орттириши мумкинми?” деда сұрашы ҳазрат Мусодан, у: “Нина тешигидан туя ўтмас”, деди.

ТАРАҚҚИЙ ВА АГРАР ЎЛКА

Қирғич укоқ учирар у; бунинг қўлида қирғич.

БОЙЛИККА ТАШВИҚ

Юпқа бўлса отанг қўли, ейсан қуруқ нону юпқа.

ҚЎМОНДОН

Лак-лак ҳалқинг бўлса, йўқса бир лак аскар – оғзингга лак!

СУРБЕТ

Жиндай ўтириб кетай деб, ўтириб олди жиндай.

ЎЛПОНЧИННИНГ ЎРНИ

Ўлтирасан минг-минг жонни, яйраб-ўйнаб ўлтирасан.

ҚЎПНИНГ ҚАРҒИШИ

Тойил, деб қарғадилар, ўлди ўтмасдан то йил.

НАПОЛЕОН ВА ДАВРИ

Тўп қуритди у замонни; бу чоғни – сиёҳ, тўп-тўп...*

* Кўмондоннинг “Феодализмни тўп қуритди, капитализмни сиёҳ қуритади” сўзига ишиора.

МАТБУОТ

Кўр, неча минг кўнгилни оғритар бир кўнгли кўр.

ЎРТАДАГИ ИТ

Юксаклик – орзум, кўймас ўртадаги юк – саклик.

БОЙВАЧЧА

Юзталаб ичай, сўнгра ўпай – тайёр юзта лаб.

ЯХШИ ЖОНОН

Қошига бор, қаратмаса қовоғига-қошига.

ТУЛ ГЎЗАЛГА ҚУТЛОВ

Бекам, бекли бўлинг ва бундан сўнг яшанг бекам.

ФЕЛЬБЕТОН

Ёқди мойдай олгани; топширгани жонин ёқди.

ОЛТИН ОФАТ

Бу зар бутун дунёни бузар.

ОНА – БИР ДАВЛАТ

Ҳокимона яшар бола – бошида бор ҳоким она.

ОСМОН

Чархтоши ўтмишда қолди; бошда ҳамон Чарх тоши.

ҚАРИЛИК БАХТИ

Қутқариш бор: юртда яшаб, юзга кир – баҳт, кут қариш.

ЁШ ШОИР

Ҳижолат бўлмай десанг, емасин ҳеч ҳижо лат.

ҚЎЛГА БҮЙРУҚ

Қўлёзма бу – ким ўқири ким сотар; қўй, қўл, ёзма!

НОНҚЎР

Нон, кўр, мана, е, дейсану пушаймон қилар нонқўр.

Тоҳир ҚАҲХОР

ЎЗГАРИШЧИ

Кулча бўлар қул боласи; дема менга: “Фикринг кулча!”

ТУЛ ДУНЁ

Кўйди-чиқди дунёси бу; бу дунёни қўйди, чиқди.

1920 ЙИЛЛАР

Қочоқлардан безди замон; “Қоч қизилдан!” “Қоч оқлардан!”

ПАКАНА ФИТНА

Гиринг-сиринг қилиб юриб, кавлар бу қурғиринг сиринг.

ЧАТОҚ

Юр, ит, ахир дўстимсан; шу қанжиқни йўлга юрит!

ҚЎЙ БОЗОРИ

Кўйжаллоб, ишинг чатоқ; жалб этишни қўй, жаллоб!

ГОСТРАБАЙТЕР

Чақа қилма юрагингни топай дея беш-ўн чақа.

ТУТҚУНЛАР

Чипқон чиқди жонларга, юракларда чип-чип қон.

ЧАҚМОҚ

Яшин, қоч бу зулматдан, менинг кўксимга яшин!

ТАВАККАЛЧИ

Чек ёзиб бер милийўнга, майли, минг йўлга қўй чек!

ЁШЛАРИМИЗ

Чироқсиз қолмас бу ер, ёшларимиз, чироқ – сиз.

ЮЗИШ

Юзишни билган билан тенгdir билсанг юз ишни.

КЕСАТИҚ

Кўп ур, сур даврон энди, зотан қилдинг кўп ур-сур.

УРУҚ

Уруқ, элни, миллатини унутганларни – ур, уқ.

МУСТАБИДНИНГ ЮЗИ

Уюлди қовоғи бир – минглаб жасад уюлди.

ИНГРАР

Қарағанда сталинлар, инграр Сибирь, Қарағанда.

МАЗЛУМ ЮРТДОШЛАР

Ватансизлар, бизга қарши ватанда руҳ ва тан – сизлар.

ФИКР ШАРОБИ

Пардаласун уни қўллар; шоир, уни парда-ла сун.

ЁФИЙЛАР

Оқ ит-ди, кора ит-ди, ўзбек қонин оқитди.

ЎТАКАНГ ЁРИЛСИН

Ўт, аканг – хоин, билиб қўй, ёрилса ҳам ўтаканг.

ҚУВ ВА ҚЎРҚУВ

Қўрқув кувни қўрқитар... Ичингда ёнмас қўр, кув!..

ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИДА

Излаганлар из қолдирар; қолмас сиздан из, лаганлар.

КЕМА ВА КИРИТ ОРОЛИ

Кирит, кўпни киритдинг, энди бизни ҳам кирит.

ЎЗИГА ХОН

Кулхон ёқ, келсин хонлар; айқириб ўйна, кул, Хон!

РИНД

Оқ ароқ, оқ! Қора дунём оқарсин сенда оқароқ!

ЕР

Ер устида, остида не борки, бир-бирин ер.

УРУШДАН КЕЙИНГИ ОЧЛИК

Сил инди, құтири инди, сүңг күзёшлар силинди.

ТОШОЙНА

Тошойна, мен тошолмадим; сен мен учун тош, ойна!

ПОРАХҮР

Юзингни олмагунча кулдирмассан юзингни!

ЧАНГҚОВУЗ

Чанғофиз, сени чалмасин ирқи чала, чанг оғиз!

ТИЛ УЧУН КУРАШ

Икки тил бўлсин деди иккюзли, ниишонпаратлар...

Тақиқ этти тилимиз, қўксидা нишон тақиқ.

ЧЎПЧАК

Ёкут, олтун келса, келар яхшига ҳам баҳт ё қут.

ЧАЛАНГ

Чалангни биламан, у билмас гулдаста – чаланг*ни.

**Чала – мусулмонликни қабул қилган жуҳуд; ярми туркӣ, ярми боиқа элат мансуби; чаланг – форсий гулдаста сўзининг эски ўзбекчаси.*

СОЦИАЛИЗМ ВА КАПИТАЛИЗМ

Ҳазил

Тикиш яхши тик турмасдан; анча қийин бироқ тик иш.

ТАҚА

Тақа айбинг бошқаларга, әшакка тақилган тақа!

ИНТИЛИШ

Ёношди чўққиларга – паст-баланд қир, ён ошди.

ҚИЙИФИ ОЧИЛГУНЧА

Ол, чоғим – замоним, ол! Ҳамтовофинг олчоғим.

ДАРСХОНА

Бўр ким, тахта ким – билар ҳатто бошдаги бўрким.

САБРИМ

Тош қин унга ясадим; сўнгра ҳайқирдим: “Тошқин!!!”

СИНОҚ

Син, ов қиломасант, син! Ҳаёт – ҳар куни синов.

ОТНИНГ ҚАЙИШИ

Қайиш, әшакникимассан; ўзингниги қайиш!

ЭРКАКНИНГ БУГДОЙИ ВА ХОТИН МАКРИ

Туя-туя ун қилар у; мақрин ташир қирқта туя.

КЎРГИЛИК

Момо талоқ, қизи талоқ; тул ҳовлиси момоталоқ.

ИБТИДОЙИ ТУРМУШ

Унгур, ғордан чиқарсан, ишон, эй ўсиб-унгур!

УШАЛМАГАН ОРЗУ

Оломон дер: “Бир кун ўчим оломон”.

Тоҳир ҚАҲХОР

БИР ЙЎЛНИНГ ОХИРИ

Сўнг учи кўринди – умид, азоб сўнгучи...

АСЬАСАЮ ВАСВАСА

Тан танасин, рухин билмас; кўр руҳизлар тантанасин.

ЛЕРМОНТОВ

“Прощай, немытая Россия,

Страна рабов, страна господ”.

*Ювуқсиз шу ватаннинг кирин сен-да юв, уқсиз!

* *Алвидо, Россия, эй нопок макон,*

Жаноблар маскани, қуллар диёри” (Х. Гулом т-аси)

ШОИРНИНГ ҚУВОНЧИ

Ёзилди дард кўнгилда – яхши бир шеър ёзилди.

МАҲАЛЛИЙЧИ

Ёқтиридинг беш-ўнтангни; юз умрни ёқтиридинг.

ҲУРИНОВСКИЙ

Хур-ди энди улуслар; ит уларга қараб хурди.

ПАХТАДА

Терим бошланди, ҳақим берилсин қотмай терим.

АЙНИГАН ДЎСТ

Совурдинг иссиқ кўнгилни; йиллар ёдин совурдинг!

ЎТМИШ

Уй кумдан тикланмоқда... уйготмангиз уйқумдан.

СОЧИҚ

Сочиқ, тарқоқ улусларда соч супурги, кўл сочиқ.

ТАРИХИЙ ФОЖИА

Қийинди бўлди бутун; зотан ямаш қийин-ди.

ХОТИНУ ЭРКАК

Боши бўши кўнглинг овлар, бош оғритар боши бўши.

ҚАЙТА ҚУРИШ

“Тиклатиш керак ҳақни!” дер тик эстон, тик латиш.

ЎТ БЎЛ, СУВ БЎЛ

Ёнма-ёндир ярап-зарап; ўт бўл, сув бўл – ёнма, ёндир!

ЁМОННИНГ БҮЙРУГИ

“Чал қанчаси йиқилса ҳам!” деди ётиб чалқанчаси.

ЎТ

Ўт ёқар бу ўтлар, бил, жаҳаннамлик!.. Нари ўт!

SMS

Тилсимсиз замон бўлмас; сўзлашурлар тил, симсиз.

КЎРАЙЛИК

Енгил ташда ғўдаймоқ; ичкарида ёвни енгил!

ШАРҚ, ФАРБ ВА ИНКИВИЗАТОР

Ёқкувчи дўл, ёмғир бўл, бўлма одам ёқкувчи.

БИЛДИНГ, БИРОҚ

Туйдинг, билдинг ёвлигини... бироқ уни қачон туйдинг?!.

ЎҒУЗХОННИНГ БОШКЕНТИ

Қора курум босган онглар билмас қайда Қоракурум.*

*Корақұрум – катта шаҳар дегани;

Үгезхон Қорақұрумдан кейин Яссини ҳам бошкент қилған.

ТҮНЮҚУҚ БИТИГИДАН

Чинқириш бошқа бўлар бошланганда чин қириш.

ЧОФИНГ

Чоғинг паст бўлар доим бўлмаса миллий чоғинг.

ОЛТИН ТОМЛИ УЙ

Қолоч* олтин томли уйни очди; деди: “Тўқ, қол! Қол, оч!”

*Колоч – ўгуз достонлари қаҳрамони; қолоч-қалач ургузининг бошлиги.

ТУРКЛАРНИНГ ИЛК ЧОДИРИ

Тикди Туркхон* илк чодирни – турклар учун жонин тикди.

*Туркхон – туркийларнинг илк отаси.

ЭРАНЛАР

Олмас, кумуш, олтинлар... эранлар бирин олмас.

УЛУҒ ТУРК ОТА ЎГИТИ

Олтин ёй, уч ўқ сенда – шарққа, ғарбга олтин ёй!..*

*Ўгуз достонларига кўра, Турк Ота тушида кунчиқардан кунботарга туташган олтин ёйни кўради; ўгипларига ўқ отишни буюрди, улар очуннинг ҳар ёёгига қараб кетадилар – туркларнинг дунёга тарқалиши афсонаси ва тарихи унга боғланади.

ҚАЙИ УРУГИ

Қайи*ни эгиб бўлмас, у – туркнинг тик қайини.

*Қайи – қиёт; эски турк уруғи; ўлкамизда ўнларча Қиёт аталган қишилоқлар бор; Беруний, Чингизхон, Усмон Гозий каби машҳурлар шу қавмдан чиқкан.

ТАНИҚЛИК

Таниқлик одам, қўрқма, тарихга эт таниқлик.*

* Таниқ – гувоҳ.

АНДАЛУСИЯДА МУСУЛМОН ТУРКЛАР

Қуртоба ва қимиз ичиб келдик, салом, Қуртоба!

ЎТ ОТА ВА ЎТ ОНА

Ўт, ота, деб жеркима, ўчокда бор Ўт Ота.*

*Эски турклар инончига кўра, уйни, ўчоқни бир Ўт Ота ва бир Ўт Она қўриқлаган.

ТҮЙИМ

Тўйим бўлди, уйим тўлди; яшаб ўтдим билмай тўйим.*

(*Тўйим – арабча қаноат сўзининг эски туркчаси)

ЭХРОМЛАР

Эх, ром этди Шумэр юрти, Мисрдаги ҳар эхром!

БЎРКИМ БОШСИЗ ҚОЛМАС

“Тотсиз турқ, бошсиз бўрк бўлмас”* – бу сўз сал тотсиз.

*М. Қошғарийдан. Тот – миллатини йўқотган турқ; форслашган, араблашган, чинлашган, руслашган ва ҳоказо.

ТУРКИСТОНДА АРАБЛАР, МИСРДА МАМЛУКЛАР

Араб-а бу, сўра, айтар, қайси тилда араба.*

*Үтмиида туркестонликлар шарқقا борди, шумэр, мамлук бўлди; Туркестонга келган араблар бухоролик, қашқадарёлик бўлди – тилларини унуди.

ҚУРОЛ СОТУВЧИ

Кур, ол, дунё сеники; бу учун керак қурол.

СҮЮНБЕКАГА МАКТУБ

Бошкурт, татар дўстдир асли, орани бузди бош курт.

ШИРОК

Қирилиб кетманг... кетай елкамга тоғ, қир илиб...

ЭҲСОН САОДАТИ

Эҳ, сонсиз баҳтсиз инсон яшаб ўтар эҳсонсиз!

ИНШООЛЛОХ

То бутинг юриб тургай, узоқдадир тобутинг.

КУНЛАРНИНГ КЎМИЛИШИ

Гум онинг, гум соатинг, гум кунингдир гумонинг.

АКА-УКАЛАР ҚУДДУСДА

Кал Исоси, Ийсоси бошқа – масжид, калисоси.

ҚИЁМАТДА, ТОГЛАР ЮРА БОШЛАГУНЧА

Қимирламаскан булар, қимирла, маскан!..

МОТУРИДИЙ

Гуноҳга бир ботса – мўъмин бўлса-да – у гуноҳ кабир.

ЖИНОЯТЧИНИНГ БИР ТУРИ

Жиноят қилиб бот-бот, ўқир (бўлиб жин) оят.

ТУРКИСТОН ҚОВУНИ

Бир тилим – ўзбек; қозоқ, қирғизу туркман – бир тилим.

ТЕМУР МАЛИК

Эгасиз қолар юрт – гар бошни ёвга эгасиз!

ТУРКИСТОН ҚЎШУНИ

Қўшуни Туркестоннинг бўлсак, одамга қўш уни.

ЎҒУЗХОН ВА КЎҚБЎРИ

Афсонага кўра, Ўғузхоннинг жони ой ёғдусидаги

Кўқбўри шаклида кўқдан индирилган.

Бек индим, хон индим, бугун қаён бекиндим?

ТУРКИСТОНЛИК ГЎРЎФЛИ

От кўтарган қўлида у – Гўрўғли деб от кўтарган.*

** Қафқаз ва Туркия Кўрўғлиси билан Туркестон*

Гўрўғлисида ўхшаши ва фарқли томонлар кўп. Масалан, туркиялик Кўрўғлиниң ҳайкалини отлиқ, қўлида соз тутган тарзда яратишган. Менимча, туркестонлик Гўрўғли отлиқ, қўлида қилич ва қалқон ушлаган шаклда яратилиши керак, чунки у 120 га кириб ўлгунгача қилич-қалқонни ташламаган.

ПАРКЕНТДАГИ СЎҚОҚДА

Сўқоғингдан кетолмайман кўз ололмай сўқоғингдан.*

**Сўқоқ – кўча; сўқоқ – олакийик; “Кутадегу билик”дан.*

ҚУМДА ЎТИРГАН ОДАМ

Қаш бошинг: ким – Қашқани, Қашқарни қурган у Қаш?

ЭЛБИЛГА

Эл билгани шу: эслармиз улуғ она Элбилгани.*

* Элбилга – ўтмишидаги улуг юртдошларимиз Билга ва
Култегин хоқонларнинг онаси.

ОФИРЛАШУВ

Оғирлашди хон қулоги; эл иши-да оғирлашди.

ПАЙФАМБАР НАЙЗАСИ

Сунгуси Сулаймоннинг сенга оғу сунгуси!

СЕМИРАМИДАНИНГ АКАСИ

Куритибди осма кўприк; оч эл шўрин қуритибди.

ЭЛЛИК

Эллик турк эли бирлаш, ўзингдан чиқсан эллик.*

* Эллик – элнинг, яъни давлатнинг эгаси, қирол.

ҚЎРҚМАС ЭЛ

Қўрқут, ёв, бу эл қўрқмас: тирик Алпомиш, Қўрқут!

ТЎМАРИС ВА КИРНИНГ БОШИ

Ботирдим қонга бошинг, эй форс, сендан ботирдим!

ҚЎКТУРК ОТАСЎЗИ

Хитой қўринса, бўлади хит ой.

ҚЎМОНДОН БОБИР

Синдургай барча ёвни – қиличин Хинду Синд ургай.

ХОРУН АР-РАШИД АМРИ

Кур ит эмган ўғриларга бир зиндонки, барин қурит!

УРУШ ВА НАТИЖА

Устун чиқди Наполеон – минглаб тўп бўлди устун.*

* Вандим майдони, ўлжага олинган 1200 тўндан ясалган устунлар.

РОБЕСПЬЕР ТАҚДИРИ

Хукуматдор бўлди, сўнгра бўлди унга хукумат дор.

БОЛҚОН УРУШЛАРИ

Тахт бўл тахтсиз яшашга, ийқилгай эрта у тахт.

УСМОНЛИ ТУРКЛАР

Чўқиндик, дема бизга; уч китъага чўқ индик.

ҲАР ЭЛНИНГ ЎЗ ҚЎШИФИ БОР

“Хушламайдир форсилар бизни айғон туркуни”. (А. Яссавий)

Туркуни ёмон деса, яхши қўрмас турк уни.

“ТУРКИСТОН” УЧҚУЧИ

Уч, куч юртни, юрагим – уч, эй кишансиз учқуч!

ҚАРАМЛИҚДА

Чаккамиз юз йил томди, емирилди чаккамиз.

ИСМОИЛБЕК ҒАСПРАЛИ

“Тилда, фикрда, ишида бирлик”.

Тилдош қозон-ўчоқ берар – суюб, суюк тилдош қозон!

МУСТАМЛАКА ВА ДУО

“Тошкент масжидларида адолатпаноҳ
чорподишиоҳ ҳазратлари ва оиласлари ҳақига дуо
ўқилди...” (“Туркистон вилоятининг газети”дан)

Руҳонийдан чиқса даллол, лол қоладир руҳ онийдан.

АБУЛФАЙЗХОН ВА БУХОРО

“Тахт бир қонхўр оғочодир...”

Тоҳир ҚАҲҲОР

Бошқариш ҳам жонга тегди; келди бизга, бош, қариш...
БОЙҚУШ

Тунар бойқуш Туркистонда; Туркистонни бойқуш тунар.
РҮДАПО ВА ДУКЧИ ЭШОН

*“Жиҳод қилмагунча, елкамизга минган
бу рӯдапо ўрусадан қутулиши йўқ”.*

Ўтмас бўлдик юртимизда; кўчамиздан ит ўтмас.

1905 ЙИЛ 9 ЯНВАР, ПЕТЕРБУРГ

Сўз эркинлиги қурбонларига

Тўпланганлар бу майдонда “Сўз бер!” дея тўпланганлар.

СИФИНОҚ

Сифноқ истаб борсам, афсус, ўлик шаҳар экан Сифноқ.

ХАЁТ

Ха, ёт кўп бир ўлкада кўлкада ўтар ҳаёт.

ИСТИБДОД АСОРАТИ

Чиритилган эл бўлаги фикрига-да чирит илган.

ҒУР, УР

Ғур, ур – шонли турклардан нега мен қилмай ғурур!

ТОТАЛИТАР ЎЛКАДА

Йўксил кўп бўлган юртда дейолмас ҳеч ким: “Йўқ сил”.

ЦЕНЗУРА

Тикилганлар Тангри томон оғзи ип-ла тикилганлар.

ТУТҚУН

Дер: “Аза, тўй-томуша кўринмас... йўқ дераза”.

ЧОРПАРАСТ

“... қавлагани чўпи бор.”

Чорчўп ичида онги; қўлда чор берган чор чўп.

НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТИ

Бошсизлик бўлган ерда чиқар низо, бошсизлик.

МУНАВВАРҚОРИ ДУОСИ

Тузингиз шундай давлат – бўлсин эрк нон-тузингиз.

ҚЎҚОН МУХТОРИЯТИ

Тўздирилди мухторият – эл дўзахда тўздирилди.

МУСТАФО ЧЎҚДАЙ

Ўтиндим “Туркистон!” деб, тунингизга бўлиб ўт индим!..

ИСТИБДОДНИНГ ИККИ ДЕВОРИ

Дучор эдим бир чорга, бошимга келди ду чор.

ЎҒУЗХОН, ФИТРАТ ВА БОШҚАЛАР

“Унитаз” ҳажсвияси муаллифига

Унит: Азлар, Ўғузлар кетди... қолди унитазлар.

ОҒАПАРАСТ

Чинакам юртчи демас: “Рус – буюк оғам, чин – акам”.

ШЎРО НОВАТОРЛАРИ

Яланг дала; ялангтўшсиз; микрофонни ўпинг, яланг.

ПАХТА НАРХИ

*“Пахта ўзбек халқининг кафанидир”, Ињомжон
Хидиралиев, Шўро ҳукумати вазири, 1928 йил.*

Тойланди от, қази берди; чақа пахта тойланди.

ЛЕНИН ВА СТАЛИН ОРАСИ

Бошқалатди бошлиқларни; кесиб, анча бош қалатди.

УЧ ҚОТИЛ* АЙФОҚЧИСИ

Чақмоқ, қаматмоқ ишинг – бошингга тушсин чақмоқ!

* Repressиячи “тройка”.

1938 ЙИЛ ЯНВАРИ

Чопа-чопа минг-минг башни байрам келди чопа-чопа.

СТАЛИННИНГ ҚАЙЧИСИ

Қийдими кўзи унинг – халқлар жонин қийдими?!

ЕЖОВ

Бошқармоқ одил бўлса, бошлар емас бош қармоқ.

ТУРКИСТОН ЛЕГИОНЕРЛАРИ

Чангалида руснинг қул-ди; ўлди фашист чангалида...*

*II жаҳон урушида асир тушганларни шўро ҳукумати “Ватан хоини” ҳисоблагани, 29.VII.1929 йил. Женева битимига кўра асирлар ҳолини яхшилашни олмонлардан талаб қиласагани учун 200 минг туркистонлик ҳарбий асирдан 190 минги қурилиб кетган.

ПЎЛШАДАГИ КОНЦЛАГЕРЬ

Юзтубан ётар қурбон – отар, ёқар юз тубан.

ШОИРНИ ЎЛДИРГАН НАФРАТ

...Сибирда ҳақсиз хўрланган шоир, “Сенлар учун шъер ёзадиган қўлларимни музлатаман, кестириб ташлайман”, дея ҳайқирди ва шундай қилди. (Усмон Носирни кўрганлар сўзи.)

Ёзмайин шулар учун!.. Келур кўклам, ёз – майнин...

АЙФОҚЧИННИГ ХАБАРИ

Қисирлабдир бу юрт томи, хотинлари қисирлабдир.

МУҲАРРИР ВА МИЛЛИЙ ЁЗУВЧИ

“Босмачи сўзин ў chir!” “Босмачини босма-чи!..”



Замон билан ҳамнафас жанр

**Айимхан
ЭШНИЯЗОВА**

Йил ҳикояларини сарҳисоб қиласар эканмиз, адабиётимизнинг салмоқли жанрига айланган ҳикоячилигимизда адиларимизнинг самарали ижод қилаётганини, янги юрилмаган йўллардан юриш, бугуннинг маънавий қиёфасини ёритувчи, натижали баҳс-мунозаралар, таҳлиларга турткага бўладиган масалаларни қаламга олишга интилаётганини кузатдик.

Адиларимиз томонидан ўтган йили юзга яқин катта-кичик ҳикоялар даврий матбуотимизнинг турли нашрларида эълон қилинди. Ишимиз сарҳисоб тарзида бўлғанлиги учун уларнинг ҳаммасига тўхтала олмадик, баъзиларини фақат санааб ўтиш билан кифояландик.

Ўтган йили ҳикоячилиқда “Адабиёт ва санъат” газетаси пешқадамлик қилиб, 40 дан ортиқ ҳикоялар эълон қилди. Шулардан жанр имкониятлари ва бадиият конуниятлари асосида яратилган. Жаббор Эшонқулнинг “Шовқин”, Кўчкор Норқобилнинг “Қизил денгиздан салом”, “Ресторанда”, Холмўмин Ёлдоровнинг “Айрилиқнинг олтинчи куни”, Нормурод Норқобиловнинг “Акукалар”, Асад Асиљнинг “Ёлғиз учган кабутар”, Нортўхта Қиличининг “Номозшом хаёли”, Ортикали Намозовнинг “Қантаки ўрик”, Наби Жалолиддиннинг “Шунчаки ватанпарвар” ҳикояларини таъкидлаш жоиз.

Байрам Алининг “Кутилмаган ташриф” ҳикоясида дўст хиёнати, икки дўстнинг бир қизга қўнгил қўйиши Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси сюжетини эсга солади. Воқеаларни қаҳрамонлар диалоги асосида ёритади. Адип ҳикояга бош қаҳрамон сифатида ёзувчи образини танлаган бўлиб, воқеалар ҳикоя ичida ҳикоя шаклида айтилади. Асар қаҳрамони – йиллар ўтиб дўстига қилган хиёнатни тан олган, ботинидаги изтиробни ўз асарида айта олган Бердиёр Исмат. Унинг фалсафаси “...табиат ходисалари – тақдир илоҳий”. Табиатда нима содир

Айимхан ЭШНИЯЗОВА – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*). 1985 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида магистратура босқичида таҳсил олган. “Хурийд Дўстмуҳаммад: анъана ва услуб” номли илмий монография муаллифи. Мақолалари республика ва хориж матбуотида эълон қилинган.

бўлмоғи керак бўлса, юз бериш ҳақиқатини инсон тақдири билан муштаракликда кўради. Ёзувчи ҳикояни ҳам шу фалсафа асосида номлайди. Асарда ҳаловатдан изтиробни афзал кўрувчилар нафратга лойик дея ўз виждонига таскин бераётган инсон қиёфасини кўришимиз мумкин.

Шодикул Ҳамроевнинг “Тушимдаги оловхон” ҳикояси Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан кувилиши архитепига асосланган. Илон тимсоли азалдан алдаб-авровчи, Оловхоннинг воситачиси. Архитепда эса шайтон илон қиёфасида жаннатга киради. Ҳикояда Шайтон меҳробдан жой олган жонзот, оловдан яралган (Оловхон), кудрати дунёни титратадиган беназир зот, оловдан яралгани учун дунёга ҳарорат бағишлайди, ақли бутун, кўзи очик қаслар унга интилади, бу дунёning саодатига эришиш учун унинг этагини кўзларига сурадилар дея таърифланади. Унинг вაъда қилган саодатига эришиш учун унга қалбингиздан жой беришингиз лозим. Оловхон – лаънатланган маҳлук. Ҳикоя инсонга ойна тутади. Шайтон ҳар доим меҳроб, яъни қалбимизнинг эгаси бўлиш, ўз измига бўйсундиришга ҳаракат қиласи. Ш.Ҳамро ҳикоянинг ечимини китобхонга хавола қиласи. Инсон Оловхонни маҳв этадими ёки унга кўнгил тубидан жой берадими ёзувчи билмайди. Ҳукмни инсоннинг ўзи чиқаради.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Дардингни олай” ҳикоясида бугунги кундаги инсонийлик мезонининг энг улуғи бўлган меҳр-муҳаббат ўринини бепарволик, сохталик ва юзакиликка бўшатиб бераётганини ўзига хос услугуда талқин қиласи. Асар сюжети Эркин Аъзамнинг “Чапаклар ва чалпаклар мамлакатида” киссасини ёдга солади. Ўзга юрга саёҳат қилган, ҳаммани ҳайратга соладиган қаҳрамон Тошқул юрт соҳибида кибр-ҳаво, беписандлик ва викор, “ичида дарди бор”лигини хис қиласи, кўради. Ҳикояда Тошқул одам ичини бехато кўриш-билиш борасида устаси фаранглардан эди дея таърифланади. Тошқул инсониятнинг тупроқдан яралгани, қадами ердан узилмаслигини истаганидан дардингни олай дейди.

Муртазо Қаршибойнинг “Эл-классико” ҳикоясида футбол иштиёқманди бўлган икки қаҳрамоннинг сухбат асосида китобхон, бадиий асар, босма нашр учлигининг бугунги кунига назар ташланади. Бугунги китобхонларни қизиқтираётган бадиий асарлар, уларнинг мавзу-мундарижаси, нашриётларнинг ғариблигини енгил кулгига қоришириб беради. Зиёли қатламнинг обруси тўкилмаслиги учун нашр этилаётган китобдаги хатони тузатишдан кўра, ёлғон маълумотни ҳақиқатга айлантириш йўлига ўтгани, устоз ва шогирдлар киёфалари ёритилади. Ёзувчининг фокуси оддий қоровулнинг иккита китобдаги камчиликни тезда илғагани ва унга оқилона ечим топа билганига қаратилган.

Бадиий ижод оламига қадам қўяётган ёш ижодкорларимиз ҳикоялари сон жиҳатдан анчагина бўлса ҳам, салмоғи қувонарли эмас. Ёш ижодкорлардан Ирода Бекмуродованинг “Кимdir” ҳикоясини алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Асар қаҳрамони фарзандсиз, аёлининг таъбири билан айтганда гуноҳкорлиги учун фарзанд кўрмаган, тавба-тазарру килиши лозим бўлган инсон. Унинг гунохи ўз айби учун дўстини қаматди, хотинини уйдан ҳайдади. Қилмишлари олдида ожиз қолган инсоннинг виждони билан юзма-юз қилган савол-жавоби. Ҳикоя қаҳрамонининг хulosаси Назар Эшонқул “Қора китоб” асари қаҳрамонининг қарашларига яқин, яъни “Кўнглим супасида шундай улуг суд бўлиб ўтди”. Қаҳрамоннинг гуноҳлари имзосиз хатларда ёзилади. Ҳикояда Кимdir қаҳрамоннинг ички “мен”и, яъни у ўзига ўзи тикилиб турган ўзим эдим дейди.

Устоз ижодкорларимизнинг таваллуд саналарига бағишлаб, “Маҳорат мактаби” рукни остида Аскад Мухторнинг “Кўк тош”, Омон Мухторнинг “Суратдаги

Айимхан ЭШНИЯЗОВА

йўлбарс”, Ўткир Ҳошимовнинг “Одамгарчилик” каби энг сара ҳикоялари ҳам берилган.

Йил давомида “Ёшлик” журналида 20 та ҳикоя чоп этилган. Ёш авлоднинг изланишлари қувонарли, албатта. Янгиликка интилган ҳамда анъана асосида ютуқларга эришган ижодкорларимизнинг ҳикояларига тўхталиб ўтамиз. Муяссар Тиловованинг “Табиб” ҳикоясида (5-сон) одамгарчилик, фидоийлик ва дард тасвири берилган. Пандемия даври, оғир шароит, синовли дамда инсоннинг ўзлигини сақлаб қолиши, оломон психологияси, инсон табиатидаги эврилишларни ўзгача тарзда ёритган. Қишлоқда тарқалган ўлатнинг авж олиши, табибининг чорасизлигини ишонарли тасвирилаган. Умрини инсонлар деб яшаган чинакам инсонга ҳам қарилик, ҳам қасаллик соя солган, қувватини тортиб олган, шундай ҳолатда ҳам табиб Тўра муллани инсофга келтириш учун уйига боради. Мулланинг қилмишлари уни ларзага солади, табиб йўлда вафот этади. Адиба синовли дамда инсон маънавий ва руҳий қиёфасини яхши очиб берган.

Фарруҳ Жабборов “Топар ойи” (11-12 - сонлар) ҳикоясида ичкиликка муккасидан кетган, руҳан кучсиз инсон изтироблари тасвириланади. У усти юпун бир қиз, уч ўғилнинг олдида боши эгик ота, хотинининг олдида қарздор эр, ҳар доим ширақайф дўст. Ҳикоя қаҳрамонининг исми Эгамқул бўлса ҳам, у Яратганинг эмас, хўжайинининг, нафснинг қули. Эгамқул жамиятимиздаги оиласига, болаларига ҳам эгалик қилолмайдиган, фикрсиз, қўрқоқ, муте инсонларнинг умумлашма тимсоли.

Хозирда бу дунёни тарқ этган ёш қаламкаш Азиз Нурнинг “Йўқолаётган дунё” ҳамда “Бахт манзили” (9-10 - сонлар) ҳикоялари маиший мавзуда ёзилган. Ҳикоялар сюжети анъанавий шаклда бўлиб, унда оддий инсонлар ҳаёти, уларнинг ички олами, қалб кечинмалари, олондан юқори тургувчи, шу билан бирга, баҳт манзилини ўзга жойлардан қидирган, қалб кемтиги бор бўйича тасвириланади.

Жасур Кенгбоевнинг “Нимадир йўқолди...” (9-10 - сонлар) ҳикоясида инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётгани ота ва ўғиллар муносабатида акс этади. Ҳикоянинг тугуни Нурмат отанинг йўқолиб қолиши ва кенжа ўғилнинг жон куйдиришларидан бошланади. Фарзандлар отанинг дилини оғритган. Нурмат отанинг куйидаги гапларида ҳикоянинг мағзи жамланган: “Кеча онанг тушимга кириди. Негадир безовта... Раҳматли ўзи билан меҳр-оқибатни ҳам олиб кетгандай”.

Ҳикоянинг сюжети Нормурод Норқобиловнинг “Ададсиз азоб” қиссасини эсга солади. Қиссада бойлик сабаб Нодир чолнинг фарзандларидан кўнгли ўксайди. Нодир чол ҳам тоғда адашиб вафот этганда ити Оққуйруқ ёрдамида топишади. Ҳикояда эса Нурмат отанинг оёғи синиб тоғда адашиб қолганда ити Олапар орқали уни кутқаришади. Ҳикоя хотимасида Нурмат ота косадаги гўштни итга илинади. Унинг ҳаётини ити сақлаб қолган эди. Нормурод Норқобиловда ит образи орқали асосий фокус жонзорларнинг ички олами, инсонга садоқатига қаратилса, Жасур Кенгбоев ҳикоясида ота ва фарзанд ўртасидаги йўқолиб бораётган меҳрни акс эттирувчи восита вазифасини бажарган.

Холиёр Сафаровнинг “Мағлубиятидан ғалаба” (9-10-сонлар) ҳикояси анъанавий йўналишда ёзилган бўлиб, илмнинг қудрати, илмли инсон қадрланиши тасвириланади. Равшан оддий, аммо китобхон дурадгор. Ҳаёт унга илм олишга, олий даргоҳда ўқишга имкон бермади. Ҳикоя номи ва воқеалар ривожида қарама-қаршиликлар кузатилади. Ёзувчи мағлубиятдан ғалаба, дурадгордан голиб китобхон, армондан умидни яратади.

Шавкат Дўстмуҳаммаднинг “Бойбованинг болалари” (8-сон) ҳикоясида танлаган мавзу, тил ва тасвир услубида ўзгачаликка интилаётгани яққол кўзга ташланади. Ҳикоя қаҳрамони ровий “Ўлимдан гўзаллик қидирадиган, мол бўғизлаётганда кўзидан ёш чиқадиган, ўлимолди жониворнинг қонталаш кўзидан нафосат қидирадиган” қассоб Ғаниқул. Унинг Бойбоваси – амакиси.

Бойбованинг невараси келажакка умид тимсоли, яъни қўркув банди қилган ўрта бўғиннинг уйғоқ шамоллар эсганидан дарак берувчи сарин шамоли, мағзи тўлиқ меваси. Ҳикоя мавзуси, тили ва тасвир услуби жиҳатдан Жавлон Жовлиевнинг “Кўркма” романига ҳамоҳанг. Роман ва ҳикоядаги қаҳрамон ўзлигини англаган, елкасида аждодлар юки бор танланган ёшлар.

Гўзал Рўзиеванинг “Шамоллар макони” ҳикоясида (3-сон) бобонинг хотираси ва хотира муқаддаслиги макон-жой воситасида акс этади. Ҳикоя тили содда, тушунилиши осон, сабр-матонат, борига қаноат, тинимсиз меҳнатнинг самарасиз эмаслиги, меҳнатнинг тўлови яхшиликлар келтиришини акс эттиради. Ҳикоя китоб оламига кириб келаётган ёш авлодни рухлантириб, келажакка умид уйғотишга хизмат қиласи. Шу маънода ёшларимизнинг шу мавзудаги ҳикоялари ҳам ўзини оқлади.

Журналда устоз ёзувчиларимиздан Қўчкор Норқобил “Бу ёғи қандоқ бўлди” (3-сон) ва Зулфия Куролбой қизининг “Боболардан ривоят” (8-сон) тарихий ҳикоялари берилган. Қўчкор Норқобил “Бу ёғи қандоқ бўлди” ҳикоясида бугунги куннинг киёфасини сафардаги сухбат асосида ёритади. Ҳикояда йўл асосий гояни очища деталь, худди инсон ҳаётининг маълум бир даврига ўхшайди. Йўлга чиққан иккита ишхона ходимига отахон ҳамроҳ бўлади. Бу дунёнинг тасодифларга бой эканлиги, инсоф, одамгарчилик ҳали қадрланишини эътироф этади.

“Шарқ юлдузи” журналида 2021 йил давомида 21та ҳикоя чоп этилган. Бу ҳикоялардан рамзий-мажозий ва психологик тасвиirlарга асосланган Шарифжон Аҳмаднинг “Хонамдаги уқубатгул”, Миродил Жўраевнинг “Еттинчи ўлчам”, Абдулла Бобоёровнинг “Арава тортаётган одам” ҳикоялари ҳамда анъанавий йўналишдаги, майший масалалар акс этган Нормурод Норқобиловнинг “Ёзнинг биринчи куни”, Абдураҳмон Иброҳимнинг “Саратоннинг сарик ёзи” ҳамда “Ўзганинг дарди”, Салим Ашурнинг “Бугуннинг ҳикоялари” туркумидан “Алдамчи қиши”, Турсунмурод Эрматовнинг “Хокисор” ҳикояларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ражаббой Рауповнинг “Таҳлика” (8-сон) ҳикояси қатағон курбонлари хотирасига бағишлиланади. Қатағон даврининг таҳликаларида инсоннинг ўзлигини сақлаб колиши, тузумнинг кўзига тик қарагани учун умри азобда ўтган она ва оила қурмай яшаётган сингил Малика, қўркувнинг қулига айланган, саводсизлиги туфайли ўз укасининг ҳаётига зомин бўлган aka Асад ферма образларида аксланади.

Мансур Инъомнинг “Қамал” (2-сон) тарихий ҳикоясида мўғил хони Чингизхоннинг гўзал ва беҳисоб бойликларга эга Ахсикент қалъасини эгаллашга бўлган иштиёқи ҳамда ишончли саркарда Жўба Нўённинг қалъани қамал қилиш воқеалари тасвиirlанади. Ахсикент қалъасининг хукмдори шоҳ Исмоил душманга қарши мардонавор курашади. Жўба Нўён қалъани оолмагач, хийла ишлатади, Зебогулдан фойдаланади. Зебогул ўз ота-онасининг, халқининг юзига оёқ қўйган, ҳаётнинг аччиқ синовларини бошидан кечирган аёл. Зебогул душманнинг халқини нобуд қилишига, юртини вайронага айлантиришига имкон яратиб берди. Ҳикояда ёзувчи мардликни куч билан енгib бўлмаслиги, хиёнат, сотқинликнинг тўлови, синовли дамда тўғри йўлни танлай билишнинг аҳамиятини қамал асосида ёритади.

Айимхан ЭШНИЯЗОВА

Салим Ашурнинг “Бугуннинг ҳикоялари” туркумидан берилган “Алдамчи қиши”, “Эркин”, “Театр” (6-сон) ҳикояларида шиддаткор даврда инсоннинг турфа қиёфасини сўзда чизади. “Алдамчи қиши” ҳикоясида касал одамнинг шолғомдан даво излаши, шолғом олишга пули етмаслиги, одамлардан меҳр-оқибат, ишончнинг йўқолиб бораётгани тасвирланади. “Эркин” ўқишига иштиёқи баланд қишлоқ ёшларининг ҳаётидан ҳикоя қиласди. Асар қаҳрамонининг исми Эркин бўлса ҳам, қишлоғига, ижтимоий мухитига, ота-онасига банди қилинган. Эркин уйидан ўз порлок келажаги учун қочади, аммо ёшлиги сабабли қатъий журъат етишмайди, қишлоғига қайтиб кетади. Ҳикояда ўқишига интилган, келажагини ўзгартиришга ҳаракат қилаётган умидли ёшлар тасвирланади.

Таклиф ва мулоҳазалар:

1. Йил ҳикояларида асосан кундалик муаммолар, майший масалалар, шу билан бирга тарихий мавзулар қаламга олинган. Кўпчилик ижодкорларда миллат дарди, инсон ўзлиги, қалб кечинмалари, руҳий тўлғонишларни ифода қиладиган изтироб, ҳаяжон, ҳайрат етишмайтгандай.

2. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чиқкан ҳикояларнинг мавзу мундарижаси асосан майший мавзуда бўлса ҳам, шайтоний нафс, инсоний дард, оломондан юқори турувчи китобхон қиёфасини ўзгача услубда ёритилаётгани, шу йўналишда адилларимиз бадиий топилмалар асосида тасвирга янгиланишлар киритаётганини кузатдик.

Шу билан бирга ҳақиқатнинг юзига тик боқишимиз лозим. Юртимизнинг энг олд даврий нашри бўлган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чиқкан ҳикоялар сон жиҳатдан салмоқли, аммо сифати, жанр талаби, мавзу-мундарижаси нуқтаи назардан ўзини оқламайди. Ҳикоя деб номланган, аммо бадиийликдан йироқ яратиқлар ҳам берилган. Уларнинг сони кўплиги сабабли тўхталишни лозим топмадик. Ҳикоя яратувчи муаллиф ҳикоя жанрининг талабларини билиши, бадиий асар муаллифнинг юзи эканлигини эсдан чиқармаслиги лозим. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, менимча, ижод оламига энди кириб келаётган иқтидорли ёшлар ҳамда китобхон оммасининг бўйидан баланд энг сара ҳикояларни танлаб бериши лозим.

3. “Ёшлик” журналидаги ҳикоялarda тарих ҳақиқати, ўзликни англаш, меҳр-оқибат, уруш асоратлари, бугунги таълим тизимидағи қусурли жиҳатлар, ер сайёррасининг рамзий маънода аждарга айланаштадиги, ота-боболари хотираси макон ва замон билан ҳам боғлиқлиги, таҳликали дамларда инсоннинг синалиши каби қатор муаммолар бадиийлик мезонлари асосида ёритилган. Ҳикояларда ютуқ билан биргаликда қиёмига етмаган, пишиб етилмаган, қалдан ҳис қилинмаган жумлалар, фикрлар талайгина.

4. “Шарқ юлдузи” журналида тарихий ва майший мавзуларда янгича тафаккурга ундовчи ҳикоялар чоп этилган. Кўйилган муаммо, ёзувчининг тасвир маҳорати, маънони рамз ва метафорада ифода этиш жиҳатдан анча муваффақиятли ҳикоялар яратилганига амин бўлдик.

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, “Услуб ўзгармаса, дунёқараш, ҳаёт мураккабликларини бадиий идрок ва ифода этиш йўсинлари ўзгармаса, шу йўлда турфа тажрибаларга қўл урмаса, бундай ёзувчи нафақат миллий адабиётда лоақал ўз ижодида ҳам бирор янгилик яратиши амримаҳол”, деган эди. Биз кегусида миллат дарди, улкан дард билан йўғрилган, инсон тафаккур кенгликлари акс этган ҳикоялар яратилишига умид қиласмиз.

**Эртакларда ҳайвонот
оламига тақлид
товушлар**



**Муқаддасхон
ТАЙЛНОВА**

Ҳозирги кунда ўзбек адабиёти дурдоналарининг хорижий тилларга таржима қилиш, ўзбек халқи сўз санъати ва маданиятини чет элларда тарғиб этиши ишларига алоҳида ургу бериш билан бирга хориж тилларидаги асарларни она тилимизга ўгириш борасида ҳам қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, удумларига эга корейс ҳалқ эртакларининг ҳам ўзбек тилига таржима этилаётгани қувонарли. Аммо корейсчадан ўзбекчага ўгираётган таржимондан ўзига хос маҳорат талаб этилади. Чунки корейс сеҳрли эртакларида айнан ҳайвонлар товушига тақлид ўзбек тилида бошқача жаранглаши бундай товушларни китобхонга айнан энг муқобил вариантда берилишини талаб этади.

Одатда, сеҳрли эртакларни бошқа эртаклардан фарки, унда иштирок этадиган образлар, сюжет, макон ва замон тушунчалари шу эртак яратилган мамлакатларнинг жойлашган географик ўрни, иқлими, ҳалқининг урф-одат ва анъаналари таъсири билан фарқланади. Ҳар бир ҳалқ ўз фантазияларини жонлантириш орқали китобхонни жалб қиласи. Айниқса, ҳалқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган эртаклар тарбиявий аҳамияти билан ҳам эътиборга молик хисобланади. Бу жихат кўпинча сеҳрли-фантастик эртаклар, хаёлий уйдирмалар, ҳайвонлар ва қушлар оламининг тилга кириши, эзгуликнинг ғолиб чиқиши билан характерланади.

Сеҳрли эртаклар қаҳрамонлари “сюжет” билан боғланган тарзда доим “сеҳрли ишларга”, “сеҳрли жойларга”, “сеҳрли нарсаларга” йўлиқадилар. Катта-катта қўрқинчли ва даҳшатли тилсимларни очадилар. Бундай эртаклар қаҳрамонлари

Муқаддасхон ТАЙЛНОВА – 1993 йилда туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик университетини битирган. Унинг “Шу диёрнинг қизиман”, “Болалик – Гуллолалик”, “Камалагим бор менинг” номли шеърий тўпламлари, “Гуллар мамлакатининг шаҳзодаси” номли корейс ҳалқ эртаклари таржимаси, “Uzbek translations of flora and fauna in Korean magic fairy tales” номли монографияси нашрдан чиқкан.

Муқаддасхон ТАЙЛНОВА

мурод-мақсадига эришишида уларга кўп ҳолларда сеҳрли нарса ва предметлар, ҳайвону қушлар кўмак беради. Сеҳрли эртак қаҳрамонлари ўз душманларига қарши кураш ёки бошларига тушган кулфатлардан турли ғайритабиий йўллар орқали кутуладилар¹.

Масалан, ўзбек сеҳрли эртаклари ичидаги “Семурғ”, “Илон пари”, “Кенжаботир” каби эртаклар заминида ибтидоий дунёқарааш, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонларни муқаддас билиб, уларга топиниш асосий ўрин тутади. Бунда жонсиз нарсалар жонлантирилади: ер, сув, тош, тоглар тилга киради, қаҳрамонлар билан ўзаро мулоқотда бўлади. Ёки инсон тошга айланади, сеҳр ечишганда эса яна асл ҳолига қайтади.

Ўзбек сеҳрли эртакларида айик, бўри, бургут, илон, аждар, дев, алвасти, жин каби персонажлар мисолида мифологик тушунчаларнинг белгилари сакланиб қолган. Шунинг учун ҳам эртакда ҳикоя қилинган воқеалар ҳозирги кун тингловчиси ва ўқувчиси томонидан “ёлғон” деб қаралади. Ана шу уйдирмалар ибтидоий тушунчалар мажмуигина бўлиб қолмай, балки ижодкор халқнинг яхши турмуш, эркин меҳнат, ёрқин келажак ҳақидаги орзу-истакларнинг рамзий ифодаси ҳамдир².

Худди шу каби корейсларда йўлбарс, тошбақа, аждархо, айик каби ҳайвонлар эртакларда фаол қўлланилади. Йўлбарс – ақлли, мард, кучли қиёфада, аждархо – доно, тез қарор қабул қилувчи, тўғри сўз бўлса, тошбақа – сабрли ва меҳнаткаш жонивор сифатида тасвиранади.

Қадим-қадимдан корейслар йўлбарсни ҳайвонлар шохи, деб атайдилар, чунки қуруқликда яшовчи барча жонзотларнинг ҳокими саналмиш йўлбарс куч-кудратда тенгсиздир.

Йўлбарс образи корейс мифологиясига минг йиллар олдин кириб келган бўлиб, буни қадимги даврларда тошларга ўйилган тасвиirlар ҳам тасдиқлайди. Ўшандан бери бу ҳайвон қиёфаси рамзий маънога эга бўлиб, давлат тимсоли сифатида қабул қилина бошланган. Шу боис қўпинча йўлбарс тасвири уйлар эшиклари, жангчилар зирҳларига туширилган, унинг ёғоч ва тош ҳайкаллари яратилган. Кореяда йўлбарс тоғлар ва горлар соҳиби ҳам ҳисобланган.

Айнан шу жиҳатни ўзбек эртакларида бўри тимсолида ҳам кўриш мумкин. Аммо корейс эртакларида бўри очкўз ва ваҳшний қиёфада ҳам тасвиранади.

Корейсларда йўлбарс рамзи илк маротаба “Тангун” афсонасида тасвиirlаниб, унда йўлбарс ўз жасорати ва куч-кудрати орқали олижаноб ҳайвон мақомини олган. Мазкур афсона орқали корейс этносининг шакланиши ва қадимги қабилаларнинг йўлбарсга эътиқод қилганликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Корейс эртакларида кўпинча подшоҳ аждархо, унинг яқинлари, зодагонлар ёки жангчилари йўлбарс қиёфасида тасвиirlанган³.

Корейслар фикрига кўра, йўлбарс нафақат жасоратли, балки сеҳргар ва очкўз ҳамдир. (“Йўлбарс ва найча”, “Келишган йўлбарс”, “Куёш ва ой” корейс эртаклари.)

Йўлбарс иштирокидаги бир қанча корейс эртаклари мавжуд: “호랑이가 준 요술 보자기” – хоранг-га чунёсул пожаги (“Йўлбарснинг жодуси”), “호랑이 형님” – хоранг-и ҳеонгним (“Йўлбарс оға”), “팔죽 할머니와 호랑이” – патжуг ҳалмеонива хоранг-и (“Қизил ловия пиширувчи буви ва йўлбарс”), “해님과

1 Тўлабоев О. XX аср ўзбек фольклоршунослиги антологияси. – Тошкент, 2017. – 56-б.

2 Муродова М. Фольклор ва этнография. Тошкент.: Алоқачи, 2008. – 61-б.

3 Хан В.С. Корея тарихи. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 15-б.

달님” – ҳаенимгва талним (“Күёш ва ой”), 호랑이와 꽃감 – ҳоранг-ива коткам (“Йўлбарс ва ўтин”), 호랑이 뱃속 구경 – ҳоранг-и баес-сог гугеонг (“Йўлбарс қорнида саир”)⁴ шулар жумласидандир.

“호랑이 뱃속 구경” – ҳоранг-и баес-сог гугеонг – (“Йўлбарс қорнида саир”) эртагида ҳам жуда баҳайбат йўлбарс қорни оч ҳолатда бир қишлоққа келади ва уч дехқонни аравалари билан ютиб юборади. Дехқонлар жон сақлаш максадида йўлбарс қорнида олов ёқиб, унинг гўштини пишириб ейишади. Бундан йўлбарснинг мазаси қочади ва йикиласди. Дехқонлар эса пайтдан фойдаланиб, унинг ичидан чиқиб кетишади. Қишлоқдаги барча бу воқеадан ҳайратга тушиб, очкўз йўлбарснинг жазо олганидан хурсанд бўлишади.

Шунингдек йўлбарс меҳрли, жасоратли қиёфада ҳам “호랑이 형님” – ҳоранг-и ҳеонгним (“Йўлбарс оға” эртаги) тасвиirlанган. Кунларнинг бирида йўлбарс овга чиқади. Дала бўйлаб кетаётганида бир болакайни учратиб қолади. Болакай онаси касал эканини, уйга овқат олиб бориш кераклигини йўлбарсга тушунтиради. Йўлбарс болага раҳми келганидан йиғлаб юборади ва ўша кундан бошлаб болакайнинг уйига уй ҳайвонлари гўштини ташлаб кетадиган бўлади. Болакай йўлбарсдан миннатдор бўлиб, онасига ғамхўрлик қиласди. Ушбу эртакда йўлбарс матонати, саховати шу зайлда ифода этилади.

“호랑이가 준 요술 보자기” – ҳоранг-га чунёсул пожаги (“Йўлбарс жодуси”) эртагида ҳам йўлбарс жуда меҳрибон, раҳмдил, атрофдагиларга ёрдам қўлини чўзувчи образ сифатида шаклланган. Эртакда йўлбарсга бир одамни ўлдириш буюрилади. Йўлбарс ўша одамни пинҳона кузата туриб, “Тогда яшаётган йўлбарслар шу совуқда қандай яшаётган экан, уларга қийин”, деган таъсирили гапини эшигтгач, бу одамга меҳри жўшиб кетади. Эртасига у одам мен ҳақимда ҳам қайғурди, деб унга рўмолча совға қиласди. Бу эртакда йўлбарс яхши инсонларга тажовуз қила олмаслигини, аксинча қўлидан келганча уларни қўллаб-куватлашни афзал кўришини ифодалайди.

Сехрли эртакларда ҳайвонлар товушига тақлид жуда кўп учрайди. Таржимада эса бу товушларни ҳар бир халқ ўзига хос тарзда беради.

Тақлид – ўзбек тилининг муҳим ифода воситаси. Бу ифода мазмун билан табиий боғланишга эга. Товушга тақлид – жонивор, нарса ва ҳодисалар пайдо қилган товушга тақлид қилиш натижасида пайдо бўлади.

Масалан, физиологик товушга тақлид: “қах-қах”, “хур-хур”, “хир-хир”, “миёв-миёв” ва ҳоказо.

Ҳайвонлар товушига тақлид: ўзбекчада ит "вов-вов", корейслар учун – “멍멍 – монг-монг”, мушукка нисбатан ўзбекча “миёв-миёв”, корейсларда “야옹야옹 – яонг-яонг”, йўлбарс ва шерга нисбатан ўзбекчадаги “иррр”, корейсларда “어흥어흥 – эохеунг-еохеунг”, курбақага тақлид ўзбекларда “вақ-вақ” бўлса, корейсларда “개굴개굴 – гаегулгаегул”, ўзбекча ва корейчада қўй-қўзи товуши бир хил “매에에 – мее” тарзида қўлланилади, хўрзозга нисбатан ўзбекча “ку-ку” бўлса, корейсларда “꼬끼오 – коккио”, ўрдакка нисбатан “ға-ға”, корейсларда “꽥꽥 – квек-квек”⁵ ҳисобланади.

Куйида корейсча эртакларда учраган ҳайвонлар товушига тақлид сўзлар ва уларнинг ўзбек тилидаги таржималари келтирилган:

4 Филимонова Е.Н. Символика животных в переводных произведениях. М.: МАКС Пресс, 2004. – С.3.

5 Пак Л.В., Касымова Ш.С. Корейский язык. – Тошкент, 2016. – 115-б.

Муқаддасхон ТАЙЛНОВА

Очкўз қиёфасидаги йўлбарс рамзи⁶ – ҳаева тар-и доен ону-и (“Ой ва күшга айланган ака-сингил”) эртагида ифодаланган бўлиб, унда йўлбарс йўлида учраган бир аёлни паққос тушириб, фарзандларига ташланади. Аммо кўкка илтижо қилган болалар узун арқон орқали осмонга чиқиб кетади. Йўлбарс ҳам арқондан чиқишига уринади, лекин йиқилиб ҳалок бўлади. Шундан сўнг, корейсларда осмонга чиқиб кетган ака-сингилларнинг бирини ой, иккинчисини күёш сифатида қарашади. Кўриниб турибдики, йўлбарс ваҳший сифатида тасвиранади, бироқ сўнггида жазоланади:

“어느 날, 엄마가 떡을 팔고 집으로 돌아오는 길이었어요” (еонеу нал, эзммага ттеог-еул палго жиб-еуро тор-аонеун кир-иеос-еоё).–

“–어 흥~ 떡 하나 주면 안 잡아먹지~”. 갑자기 무서운 호랑이가 나타난 거예요” (еохеунг~ ттеог ҳана жумеон ан жаб-амеогжи~”). Кабжаги мусеоун ҳоранг-ига натанан геоеё).

Таржимаси:

“Кунлардан бир куни она гуручли пирогни сотиб, уйига қайтаётган эди”.

“Ирр, битта гуручли пирог берсанг, сени еб қўймайман”. Бирдан йиртқич йўлбарс пайдо бўлди”.

Бу ерда йўлбарс овозига берилган тақлид сўзнинг корейс ва ўзбек тилларида турлича талаффуз қилинишини кузатиш мумкин. Яъни, корейс тилида “어 흥” (охинг) тақлид сўзи ўзбек тилига таржимада “ирр”, деб берилади. Бу ерда тақлид сўзнинг таржимада ўзаро лексик мувофиқ келмаслиги кузатилади. Ваҳоланки, “Таржима жараёнида вужудга келадиган лексик муаммолар, уларнинг тўлиқ, қисман ва умуман мос келмаслик даражаларини ўрганиб чиқиш, тўлиқ лексик мувофиқсизлиқда қўлланиладиган методларни тўғри қўллай билиш таржима сифатининг ошишига қўмаклашади”⁷.

“팔죽할머니와 호랑이”⁸ – патжуг ҳалмеониwa ҳоранг-и (“Қизил ловия пиширувчи буви ва йўлбарс”) эртагида йўлбарс қизил ловия экиб кун кўрадиган кампирга зулм қилмоқчи бўлади. Кампирнинг оҳ-воҳидан дўстлари унга ёрдам беради ва сўнггида йўлбарсни жазолаб, дарёга улоктиришади:

“어 흥! 이 제 당신을 잡아먹겠다!” – “eoхеунг! иже тангсин-еул жаб-амеоггетта!”

Таржимаси:

“Ирр, энди сизни тутиб ейман”

Яна бир “사자의 꾀”⁹ сажауи ккое (Сажае кви) – “Шернинг макри” номли эртакда ҳийлагар шер сигирларни паққос тушириши ҳикоя қилинади. Корейс ва ўзбек тилларида ҳам шернинг товушига тақлид йўлбарс товуши (корейсча “어 흥” эохеунг -охинг ва ўзбек тилида “ирр”) билан бир хил берилади:

“어 흥! 결국 누렁 소와 겹정 소는 사자의 꾀에 넘어가 사자에게 잡혀 먹히고 말았어요” эохеунг!’ геолгуг нуреонг сowa геомжеонг сонеун сажауи ккоее неом-еога сажа-еге жабхео меогхиго мар-асс-еоё.

Таржимаси:

“Ирр! Охир-оқибат, малла ва қора рангли сигирлар шернинг ҳийла-найрангига

6 http://18children.president.pa.go.kr/mobile/our_space/fairy_tales.php?srh%5Bcategory%5D=07&srh%5Bpage%5D=3.

7 Раҳмов F. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент, 2016. – 97-б.

8 http://18children.president.pa.go.kr/mobile/our_space/fairy_tales.php?srh%5Bcategory%5D=07&srh%5Bpage%5D=3.

9 Ўша сайт.

тушиб қолишиди ва шер уларни тутиб еб қўйди”.

“개굴 개굴! 청개구리”¹⁰ (гаегул гаегул! чеонг-гаегури) – “Вақиллаган қурбақа” эртагида она қурбақанинг изтироби ва ўғлининг қулоқсизлиги тасвиrlenади. Қурбақа овозига тақлид корейс ва ўзбек тилларида турлича талқин қилинишини қўйидаги мисоллар орқали кузатиш мумкин:

1. “개굴 개굴! 친구들아, 놀자! (гаегул гаегул! чингудеур-а, нолча!)

Таржимаси:

“Вақ-вақ дўстлар, бирга ўйнайлик!”

2. “개굴 개굴! 이제 엄마 말 잘 들을게” (гаегул гаегул! иже эомма мал жал терил-сулге).

Таржимаси:

“Вақ-вақ, энди онамнинг гапларига қулоқ соламан”.

3. “개굴 개굴, 엄마! 엄마! 개굴 개굴!” (гаегул гаегул, эомма! эомма! гаегул гаегул)

Таржимаси:

“Вақ-вақ, онажон! Онажон! Вақ-вақ!”

Бу ерда “개굴 개굴”(гаегул гаегул) тақлид сўзи “вақ-вақ” тарзида берилди.

“소처럼 커지고 싶은 개구리” (socheoreomkeojigo sип-еун гаегури) “Новвос каби катта бўлишни истаган қурбақа” номли эртакда қурбақанинг баҳайбат қиёфада бўлишга интилиши, аммо сўнггида қорни ёрилиб кетиши тасвиrlenган:

“음매에~ 황소 울음소리에 땅이 쪄렁쩌렁 울렸어요” (eummee~ хвангсо ур-еумсорие ттанг-и жжеореонгжжеореонг уллеосс-еоё)

Таржимаси:

“Mee, новвоснинг овозига ер зирилаб кетди”. Новвос овозига тақлид сўз “음매에” (eummee) “мее” тарзида ўзбекчада берилди.

Кўриб турганингиздек, корейсча эртаклардаги ҳайвонлар товушига тақлид сўзлар ўзбекча таржимада турлича жаранглайди. Юқорида келтирилган мисолларда ҳам бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Қолаверса, эртаклардаги ҳайвонот олами икки халқ маданиятида турлича тасвиrlenанишини ҳам пайқаш мумкин.

**Шаҳодат
ИСАХОНОВА**

ГАВҲАРШОД БЕГИМ

ёхуд қиёмат ўйини

Тарихий роман¹



Балхда тўсатдан юз берган воқеалар Абусайд мирзонинг режаларини ўзгартириб юборди. Абдулатиф мирzonинг ўғли Абдураззоқ мирzonинг сирли ўлимидан сўнг, инилари Аҳмад мирзо ва Муҳаммад Жўкий мирзолар акаларининг хуни учун бош кўтаришган, бу вазият эса Абусайд мирзога тиш қайраб юрган душманлари учун яхши баҳона бўлган эди. Абусайд мирзо Ҳирот аёнлари ва уломаларидан бир гурухини саройга чорлаб, сафар боисини баён этаркан, маслаҳат солди. Аъёнлар ҳам унинг хавотирида жон бор эканлигини, бу жанжал бартараф килинмаса, бирваракайига барча молу мулк ва мамлакатидан айрилиш хавфи туғилишини, бунинг устига Ҳирот тахтига кўз тикиб, пана-пастқамда пайт пойлаб юрган шаҳзодалар учун ҳам айни муддао бўлишини англаб туришарди. Озарбайжон ва Икки Ироқ мамлакатининг жиловбардори мирзо Жаҳоншоҳ Астрабоддан то Сабзаворгача бўлган ерларни эгаллаб, Исфароинни бошкент этганича, яна Ҳирот тахтидан умидвор, Искандар туркмоннинг ўғли Малик Қосим эса амир Халил билан иттифоқликда Сеистонни забт этган, Сарахс қалъаси амир Абдуллоҳ Пирзод кўлига ўтган эди. Дунё ганжлари сақланаётган Имод қалъасига Шоҳ Махмуд мирзо билан амир Бобо Ҳусайн эга чиқишиган эди.

Хоразм, Даشتி Қипчоқнинг Ибир, Сибирь вилоятларида сарсон-саргардон кезган шаҳзода Алоуддавла мирzonинг ҳам Ҳирот тахтига даъвогар бўлгани “Салтанатда малик наслесиздир, унда оталик ҳам болалик ҳам йўқ” нақлида айтилгани каби ўғли Султон Иброҳим мирzonи суюнтириш ўрнига, қайғуга ботирган эди. Лекин аъёну авомнинг фикрига кўра тахтга, Алоуддавла мирзо муносаброқ эди. Ҳирот саййидлари, қозилари, маволиий ақобирлари, амирлару беклари уни Соқ Салмон ноҳиясида кутиб олишиб, улуғлаш шартларини бажо келтиргач, Султон Иброҳим мирзо ноилож, лашкарлари билан Тахти Малиқда туришни ихтиёр этган эди. Лекин ота-боланинг қувончи узоққа чўзилмади. Шодлик торининг навосоз оҳанглари баланд пардага кўтарилий деганда унинг умидбахш иплари узилди. Абусайд мирзодан енгилган Алоуддавла мирзо ўғли билан Боҳарз ва Ҳавоф вилоятини ўзига маскан тутганича, Ҳиротга хуфялар йўллаб, раият қўлласа, адолат ва марҳамат эшикларини яна очишни изҳор этишган эди.

Ҳирот тахтини бир муддат эгаллаб турган Жаҳоншоҳ Қора Юсуф туркмон авлодининг каттаси эди. Озарбайжонни учинчи бора фатҳ этган Шоҳруҳ мирзо бу мамлакат салтанатини унга бағищлаган эди. Мирзо Жаҳоншоҳ ҳам хоқони сайд-

¹Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

нинг вафотига қадар тобелик мақомида турди ва хизматкорлик камарини ечмади. Қизини Султон Мұхаммад мірзога бергач, то шахзода шаҳодат шаробини ичгүнича, Хуросон мұлкига құл чўзмади. Абулқосим Бобур мірзо ўлимидан кейин Форс ва Ироқ мамлакатларини, сўнгра, Мозандаронни фатҳ этди. Алоуддавла мірзо таҳтга ўтирганини эшигтгач, марҳум куёвининг амирларидан Пирзод Бухорийни доруга сифатида Ҳиротга жўнатиб, сувлар лойқаланишини кутмоқда эди. Уларнинг барчаси “Ўзига хон кўланкаси майдон” бўлган ҳукмдорликни даъво қилганларича, бўйинларига тобелик мақомини илишни хаёлларига ҳам келтирмасди.

Абусайд мірзонинг Балхга жўнаши ҳақидаги хабар бир ҳафтадан бери қайғунинг зўридан умисизликка тушиб қолган ва йиглайвериб адойи тамом бўлган Руқия Султон бегимга илинж багишлади. Лекин ўзини аллақачон маликанинг во-лидаси, улуғ ҳукмдорнинг қайноаси ва Боги Сафиднинг эгаси сифатида тасаввур эта бошлиган Бегика бегим гап уқадиган алпозда эмасди.

– Шул сафар ҳам гапимга кирмасангиз, ўзимни осамен! – деди қизининг, “Волидам, гаплашиб олишимиз керак”, деган калимасини эшигтан Бегика бегим хурраси учганича, қатъий қилиб.

Руқия Султон бегим зудлик билан тайёргарлик қўрилаётган тўйни тўхтатиш учун бир ҳафтадан бери ўзини ҳар кўйга солиб қўрмоқда эди. Ҳар нарсадан баҳона топиб йиглар, дод солар, овқат емас, кечкурунлари эшигини қулфлаб оларди. Кўриқчилик қилаётган канизак қизлар Руқия Султон бегим ҳақидаги гапларни оқизмай-томизмай етказиб туришарди.

– Кимга “йўқ” демоқчи бўлаётганингизни билаётимусиз?! Олий ҳукмдор Абусайд мірзога-я? Олов бирлан ўйнашмоқчимисиз, сиз нодон қиз? Ақлингизни ишлататирилмисиз? Оддий шахзода бўлса майли, ўйлаб кўрур эрдим! Сиз ўзингизни ким чоғлаётирсиз?

– Мен ўзимни ҳеч ким чоғламадим ва ҳеч нарсани даъво ҳам қилмасмен! – баттар қайсарланди Руқия Султон бегим.

– Унда ҳолингизга қараб иш туting, пошшо қизим! Ҳар гўзал қизлар борки, аниг чўриси бўлишга зор! – деди Бегика бегим “тўзаллигинга мағурланма” дегандай пичинг билан.

– Зорлар тегақолишсун! Лекин мен ул мірзога тегмаймен! – йиглаб юборганича, очиқ эътиroz билдириди Руқия Султон бегим.

– Оҳ, Тангри! Оҳ, Яратган Эгам! Нечун мени бунчалар баҳти қаро қилдинг?! Қайси гуноҳларим учун? Бул кунимдин кўра ўлганим яхши эрмасму?! Тегмасангиз, тегманг, ундин нарига ўтиб кетинг! Майли, мен ўламен! Ўт қўямен ўзимга... Осамен... Мени бошқа қўрмайсиз, қутуласиз! – ҳаяжони зўридан Бегига бегимнинг ранглари оқариб, ағдарилиб тушди.

Руқия Султон бегим волидасининг шунақа қилиқларига ўрганиб қолгани учун, “Мени қўндириш учун атай қилаётир”, деб ўйлади ва бошида бир пас ағрайиб турди. Лекин Бегика бегим кимир этадиган аҳволда эмасди. Ранги докадай оқариб кетган, пешонасидан тер оқарди. Қўрқиб кетган Руқия Султон бегим унинг қўлларидан ушлади. Бегимнинг бармоқлари ҳам муздай эди. У овоз бериб, канизак қизларни чакирди. Югуриб келишган қизлар бегимни хушига келтиришга уринишиди. Лекин муолажаларнинг нафи бўлмади. Шундан кейин қизлардан бири Гавҳаршод бегим билан табибга югурди.

Абдулатиф мірzonинг ўғли Абдураззоқ міrzonинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб, қайғуга ботиб ўтирган Гавҳаршод бегим канизакнинг гапини эшитиб, ҳатто ўрнидан туролмай қолди. Қизнинг қўлларига осилиб, жойидан қўзғаларкан, лаблари базўр пичирлади.

– Оҳ, Тангрим-а! Синовларинг тугамадиму?!

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Улар келганида Бегика бегимни ётоқхонасига ётқизиб қўйишган, бегим кўзини очгани билан гапиролмасди. Хона ичи дориларнинг ҳидига тўлган, табиб бурчакда яна аллақандай дори тайёрларди. Унинг сирли қараши ва юзининг жиддийлигидан бегимнинг касали оғирроқлиги сезилиб турарди.

– Ахволи қалай? – деди Гавҳаршод бегим табибининг ёнига бориб, хавотир ичидা.

– Ҳозирча аниқ бир нарса деёлмаймен, маҳди улё маликам, – табиб дориларни бир идишдан иккинчи идишга чоғишигаркан, унинг юзига қарамай, жавоб берди. – Ичирган доримнинг таъсиридин кейин маълум бўладур, менимча, юрак хасталиги...

Гавҳаршод бегим волидасининг бошида кўзёши тўкиб ўтирган Руқия Султон бегимни саволга тутди:

– Сиз ёнинда эдингизму, нечун бул ахволга тушмиш? – деди Гавҳаршод.

– Мен... – волидасининг ахволидан қаттиқ изтиробга тушиб ўтирган Руқия бегимнинг кўзларидан тирқираб ёш отилди. – Мен айбормен, малика бибим... – Мен... Ҳаммасига мен айбормен!

– Сиз? – ҳайрон бўлган малика канизакларга “чиқинг” ишорасини қилди. Канизаклар бири-кетин чиқиб кетишгач, у Руқия Султон бегимни табибдан узоқроқقا етаклади. – Сиз, нима қилдингиз? Ёхуд бирор бир сўз дедингизму?

– Ҳа, бундай бўлишини билмадим, билмасдин сўзладим... – Руқия Султон бону титроқ кўллари билан кўзёшларини артаркан, жавобидан Гавҳаршод бегимнинг ҳам жаҳли чиқиб кетишини ўйлаб, бир лаҳза иккиланиб турди-да, кейин секин шивирлади, – “Тегмаймен” деб эрдим...

Гавҳаршод бегимнинг юзларидан Руқия Султон бегимнинг сўзларига хайриҳоҳлиги ҳам, норозилиги ҳам сезилмади. Малика бибисининг ҳолати Руқия Султон бонунинг кўнглида умидга ўхшаш бир илинж уйғотди.

– Мен... Малика бибим, аларга тегишини хоҳламаймен... – деди ниҳоят Руқия Султон бегим юрак ютиб. – Фақат шул нарсани айтдим...

Гавҳаршод бегим Бегика бегим томонга қараб олди. Бибисининг бу қарашида “Волидангни нима қиласен, унинг ахволига қара”, деган ифода бор эди. Руқия Султон бегим кафтларини юзига босганича, яна йиғлай бошлади.

– Юринг, ҳовлига чиқайлик, бафуржа гаплашурмиз, – деди Гавҳаршод бегим унинг елкасидан кучганича, табибга ишора қилиб.

– Йўқ, малика бибим, ҳозир волидамни ёлғиз ташлаб кетолмаймен... – деди Робия Султон ва Бегика бегимнинг ёнига бориб, унинг кўлларини ушлаб, силади.

Волидаси нимадир демоқчи бўлиб, лабларини қимирлатди, лекин яна овози чиқмади. У қизининг бармоқларини сиқиб, нигоҳи билан ниманидир ишора қилди. Жияклари сарғайиб кетган кўзлари хуши жойида эмас одамникiday олайди. Руқия Султон бегим волидасининг ишорасига тушунмай, Гавҳаршод бегимга қаради.

– “Ёнимда ўтири” деётир, – деди Гавҳаршод бегим унга ва табибга юзланди: – Асири ўқиб келмоқчимен. Бирор нарса керак бўлса, одам юбора билурсиз.

– Хавотир олмасдин бора беринг, маҳди улё, – деди табиб. – Бегимнинг ахволлари мен ўйлаганимдин кўра, яхшироқ, иншоОллоҳ кечга яқин ўзларига келиб қоладилар.

– Омин! – деди эшикка юзланаркан Гавҳаршод бегим ва бир ахволда ҳовлига чиқди.

Гавҳаршод бегим Руқия Султон бегимга, “Ёнимда ўтири” деётир деб ёлғон айтганди. Бегика бегим нигоҳи билан Гавҳаршод бегимга ишора қилиб, “Ёнингдагини йўқот”, деб имо қилганди. Руқия Султон бегим ҳам буни англаган, лекин маликани хижолатга қўймаслик учун ўзини тушунмагандай қилиб кўрсатган эди.

“Тавба, нега одамлар шундай эркан-а?.. – ўзига-ўзи савол бериб борарди кўнгли қирилган Гавҳаршод бегим. – Ҳатто энг яқинларинг ҳам? Сен аларга тўғри йўл кўрсатасен, алар эрса тўғри йўл қолиб, эгри йўлдин кетишадур. Энг ёмони юрган йўлларининг эгрилигини билганларидин сўнг ҳам бул хатоликлар учун ўзларини эрмас, бошқаларни айблашадур. Сен борингни берасен, ҳеч нарсангни аямайсен, алар эрса оддийгина, текингина меҳрни ҳам кўзлари қиймайдур?”

Дарбоза томонидан эшитилган йифи овозидан Гавҳаршод бегимнинг хаёли бўлинди. Қоп-қора кийинган аёл, кўксига муштлаганича додлаб, ичкарига киради.

– Мени ўлдиринг! Мени чопиб ташланг, маҳди улё маликам! – аёлнинг овози Абдулатиф мирзонинг волидаси Ҳусн Нигор бегимнига ўхшади. Гавҳаршод бегимнинг юраги орқасига тортиб, қадамини тезлатди.

– Оҳ, Яратган Эгам, яна не бўлди? – деди аёлга пешвуз чиқаркан қайгули хабарлардан юраги безиллаб қолган Гавҳаршод бегим.

Аёлнинг овози Ҳусн Нигор бегимга ўхшаса-да, афт-ангорининг сиёги йўқ, кирмизи ёнокли оппок юзлари сўриб ташланган ҳусайнини узимдай бужмайиб қолган, қалдирғоч қанотини эслатувчи кора қошлари ўрнига сурилган қалам кўзёшларини артиши жараённида суркалиб, қингир-қийшиқ ҳолга келганди. Тишлари тўкилгани боис, қалин лаблари ингичка тортган, ияги туртиб турар, бежирим қирра бурни озганидан қоқсуяк бўлиб қолган юзида сўппайиб кўринарди. Тасаввурида Ҳусн Нигор бегимнинг илгариги ҳусни қолган Гавҳаршод бегим кўзларига ишонмай, “Гўзал аёл ҳам шунчалик ўзгариши мумкинму”, дея унга ҳайронлик билан тикилди.

Ҳусн Нигор бегим сўзланганича, ўзини маликанинг бағрига отди. Кўксига қоқсуяк, қовурғалари саналиб қолган қаттиқ тана ботган Гавҳаршод бегимнинг кўзлари беихтиёр, ёшланди.

Яқинда Абдулатифнинг ўғли Абдураззок мирzonинг азасига борганда нега Ҳусн Нигор бегим йигилганлар ичида кўринмаганлигининг сабабини энди англади.

– Ҳаммасини мен ўлдиридим, маликам... Менинг қарғишиларим ўлдириди... Абдулатифимни барчангизга, ҳатто, қиблагоҳига қарши гиж-гижлаган ҳам менман! Йўқса, ул жўмард шаҳзодам бул қадар мудҳиш қилмишга журъат этмас эрди... Анинг бутун разилликларига мен сабабчимен! Мен айтмасам, сизни зиндонбанд этиши шаҳзодамнинг хаёлига ҳам келмас эрди. Менинг йўл-йўриғим туфайли шўрлик ўғлоним шул ишга қўл урди. Сизнинг ва давлатпаноҳ ўғлонингизнинг казоси, “Барча ғам-андуҳларимни аритадур, мен ҳам ҳукмдор ўғлонимнинг волидаси сифатинда яйраб яшаймен”, деб хаёл қилибмен. Менинг ўшал кора ниятларим, разил шовгумларим эрса, ўзимга эрмас... Ёлғизгина Абдулатифимга, набираларимга урди ва урмоқда... Онанинг қарғишини энди тушундим, энди ақлим етди, маликам... Оҳ, бул дунёning маънисини фақат жуда кеч англадим... Шул боис, қолган авлодларимни ҳам йўқотмаслик учун останангизга бош уриб келдим. Мен баҳти қаро муштипарни кечиринг, афв этинг, маликам... Оёқларингиз гардини кўзимга тўтиё этай! Сочларим йўлларингизга супурги, қўлларим ўчогингизга косов, танам пойингизга пойандоз бўлсун! Фақат сиз мени кечирсангиз бас, маликам!

Улар кичик меҳмонхонанага киришганда ҳам Ҳусн Нигор бегим дийдиёдан тўхтамас, бир гапириб-бир йиглар, ора-чира атрофга, девордаги палакларга, нақшинкор болору вассаларга юздан ортиқ шам ўрнатилган олтин қандилларга хўрсинибгина, ҳайратли нигоҳ билан бир кўр кўз ташлаб кўярди. Абдулатифнинг вафотидан кейин унинг хотини ва болаларини қарамоғига олган ва Боги Зоғондаги боғчаларига кўчириб келган Гавҳаршод бегим Ҳусн Нигор бегимнинг ҳаёти ҳақида ҳам улардан эшитар, лекин ўзини кўрмаган эди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Сизни Самарқандга қилган ўшал ташрифингиз кунлари мен ётган зинданга келишингизни жуда кутгандим... – деди Ҳусн Нигор бегим ниҳоят йифидан ҳориб, кўзёшлари тийилгач. – Келганингизда хаётим балки бошқача бўлар эрдиму, ёхуд пешонамга ёзилгани шулмиди, билмадим. Нима бўлганда ҳам сиздин миннатдормен, раҳмат, маликам. Мени ўлимдин олиб қолдингиз... Лекин мен бул яхшилигинизни ҳам билмадим. Ичимдаги шайтонни ўлдира олмадим... Биласизму мен нечун келишингизни хоҳлаган эрдим?

Гавҳаршод бегим “билимадим” дегандай унга савол назари билан ҳайронона тикилди.

Ҳусн Нигор бегимнинг соккасига ботган қоп-қора кўзлари аламли чақнади, унинг кўзларигина ўша-ўша, лекин у ҳам совуқ тортганди. У жим турганида боши асбаданми хиёл чайқалар, гапира бошлиши билан тўхтарди.

– Чунки... Бошимга тушган бул балоларнинг сабабини сизга айтмоқчи эрдим, асл ҳакиқатни билишингизни истаган эрдим... Ҳакиқат эрса... – Ҳусн Нигор бегим беихтиёр, озиб, териси устухонига ёпишган ва остидаги кўкиш томирлари чувалчангдай бўртиб чиққан кўлларини қайчи қилиб, қарсиллата бошлади. Унинг бу қилифи асаби бузилган одамнигига ўхшар, ўзи эса буни сезмаётган эди. – Балки ишонмассиз, маликам, балки, бул гаплар сизга ақлдин озган одамнинг хаёллари тўқиган чўпчакка ўхшаб кўринур. Не деб қабул этсангиз ҳам ихтиёрингиз... Лекин мен, тўридин гўри яқин қолган собиқ келинингиз, Оллоҳни гувоҳ қилган ҳолда сизга ростини сўйлаётимен... Сабаби шулки... Ўшал куни ҳаммомга кечроқ бориб эрдим. Маликалар ювинадиган хонанинг эшиги ёпик, хизматчи қизларнинг ҳам бирортаси кўринмасди. “Ҳеч ким келмаган бўлса, эшикни эртароқ кулфлаб кетишгандур”, деган хаёлда, канизаклар ювинадиган ҳаммомда чўмилмоқчи бўлдим ва кириш хонасининг эшигини тортиб кўрдим. Қарасам ул хона ҳам берк. Ҳайрон бўлиб, орқамга қайтдим-да, ўзимдаги калитни олиб келиб, эшикни очдим. Ҳаммом ҳамон қизиб ётар, иссиқ сувдан кўтарилаётган буг даҳлизни ҳам тўлдирган эрди. Ечиниш хонасига кийимларимни қолдириб, чўмилиш хонасига қадам ташлашимни биламен қулогимга эркак ва аёлнинг кулгуси эшитилди. Мен аларни Шакар бика бирлан Улугбек мирзо деб ўйлаб, ўелиб кетдим. Чунки олампаноҳ ҳаммомга келгандаринда атрофда одам бўлмас эрди. Худди атай, пойлоқчилик қилгани келгандай, ўзимни айбордor санаганча, зиппа орқамга қайтмоқчи бўлдим. Лекин ичимда туғилган ғалати бир қизиқиш, мени фикримдан қайтарди ва мен беихтиёр, ички бир қизғанч ва рашқ бирлан уларни кузата бошладим. Улар бир-бирларига сув сепишар, баданларига совун суришар, сувнинг шовқинида менинг шовуримни эштишмасди. Бунинг устига буг шул қадар қуюқ эрдики, бир қадам нариндаги нарсани ҳам аниқ кўриб бўлмасди. Шул боис, бошда эркак ва аёлнинг кимлигини аниқ таний олмадим. Шарақлаб кулган Шакар биканинг овозидан кейин эркакнинг қаҳқаҳаси эшитилгач, анинг овози олампаноҳ ўғлонингизнига ўхшамаслигини пайқадим. “Бегона эркак” деган фикр хаёлимга келди-ю юрагим орқамга тортиб, қўрқанимдин, даҳлизга тисарилдим ва шоша-пиша кийина бошладим. Шул пайт Шакар биканинг мен томонга келаётганини илғадим ва жон ҳолатда ўзимни эшикка урдим. Чунки ичкарида бўлсам, гувоҳни йўқотиш учун қўрқув таҳликасинда иккаласи мени ўлдиришлари аниқ эрди. Орқамдин югуриб чиққан Шакар бика: “Ҳусн Нигор бегим, ҳеч нарсани кўрмадинг... Йўқса, ўзингта қийин бўладур... дея бақириб қолди... Эркинликка чиқиб олгач, ўзимни босиб олдим ва улар ўтадиган йўлакнинг пана жойига яширганимча, эркакнинг кимлигини билмоқ учун пойлай бошладим. Лекин ҳаммомдан иккита аёл чиқди. Эркак ҳам аёл кийимини кийиб олган, рўмоли юзларини деярлик ёпиб турар эрди. Шундин сўнг, ул мегажин менинг гуллаб қўйишимдин қўркиб, йўқотишга ҳаракат қила бошлади ва бошимга

ўшал қаро кунларни солди... Лекин ўлими олдидин келиб, мендин кечирим сўради. “Тавбангни пишириб е, сени ҳеч қачон кечирмаймен”, дедим юзига. Менинг кечириш-кечирмаслигим нимани ҳал қиладур, билмаймен, лекин барибир ани кечирмаймен... Чунки тухмат қилгани бир сари, мени баҳтсиз ҳам этди ул хиёнаткор. Олампаноҳ ўғлингиз эрса, менинг гапларимга эрмас, анинг тухматларига ишонди... Ани жонидин ортиқ севган хотинини ёмон отлик қилиб, қўзига чўп суққан хиёнаткор аёлга баҳт ато этди...

Хусн Нигор бегимнинг чуқур кўзлари ёшга тўлиб, қорачиқлари кўринмай қолди ва боши яна чайқала бошлади.

– Баъзан тиллар ҳам, кулоқлар ҳам алдайдур... – деди Гавҳаршод бегим унинг гапларидан юраги вайрон бўлиб. – Мен сиз ҳақингиздаги гап-сўзларга ҳам ишонмаган эрдим...

– Қасам ичсан ҳам ишонмадингизму? – қошлари чимрилганича, лаблари титради Хусн Нигор бегимнинг. – Ўз кўзларим бирлан кўрганмен, ахир!

– Ҳар кимнинг қилмишига яраша, ҳар гуноҳнинг вазнига яраша жазо бор! – деди ўзи учун ноҳуш сұхбатни давом эттиргиси келмаган Гавҳаршод бегим.

– Ё, тавба, ҳеч ким мени эшитгиси келмайдур! – қўлларини яна беихтиёр, қайчи қилди Хусн Нигор бегим. – Майли, нима ҳам дердим, Худога солдим!

– Аҳмад мирзо ва Муҳаммад Жўкий мирзолардин хабар бўлдиму? – деди Гавҳаршод бегим мавзуни ўзгартириш учун. Чунки икки мирзонинг Абусайд мирзога қарши оёқланаётгани унинг ҳам қулоғига етиб, хавотирга тушганди. – Абдураззок мирzonинг ўлими аларга сабоқ бўлиши керак эрди... Алар ёш жонларини хатарга кўшишаётгандаридин хавотирдамен!

– Махди улё маликам, Абдураззок мирзомизни ўшал конхўр заҳарлатгани аникку! Тузимизни еб тузлиғимизга тупурган ул кас ҳамма нарсамизга эга чиққани етмагандай, энди болаларимизга кўз тикаётир! – Хусн Нигор бегим Гавҳаршод бегимнинг гапидан ҳайратланиб, унга ёвқараш қилди, лаблари fazabdan қийшайиб, оғзидан тупук саҷраганича, эътиroz билдириди. – Нечун инилари оёқланишмасун! Анинг хунини жигарлари олмаса, етти ёт бегоналар сўрайдирму?

– Хунини олмоқ бирлан мурод ҳосил бўлса, майли эрди... Чунки сувнинг оқимида қарши сузмок, ўзини балога гирифтор этмоқ бирлан баробардур. – Гавҳаршод бегим афсус оҳангода бош чайқади. – Заарнинг қай еридин дўнсанг-да, фойдаси бор.

– Инсон фақат фойдани кўзласа, йигитлик шаъни қаерда қоладур? – деди Хусн Нигор бегим ва бармоқларини яна асбий қарсиллата бошлади.

– Йигитлик шаъни хунда эрмас, аклдадур! – деди унинг гапи ёқмай Гавҳаршод бегим “Сен ҳам шаънни билиб қолдингму” дегандай иддаоли оҳангда.

– Абдураззок мирзони заҳарлатган ул малъун анинг иниларини тирик қўядирму? – Хусн Нигор бегим қайчи бўлган панжаларини бир-биридан айириб, қўл силтади, – Ёхуд ўзларини ҳам заҳарлашларини кутиб ўлтиришсинму?

– Ҳар бир нарсанинг давоси вакт ва сабрдур... – деди Гавҳаршод бегим ўкинч билан гапни калта қилиб, “Овқатдан ҳабар олай-чи”, деган баҳонада ўрнидан қўзғалди. Хусн Нигор бегим доду фарёд билан тавба-тазарру этган бўлса-да, жавоблари-ю юз-кўзларидаги ифодадан ўша калтабинлиги ҳамон қолмагани, ҳатто бошига тушган шунча фожиалардан ҳам хулоса чиқармагани шундоккина сезилиб турарди. Малика унинг ахволига ичи ачиса-да сұхбатни давом эттиргиси келмади.

* * *

Рамазон ойининг боши эди. Гавҳаршод бегим саҳарлик қилишга уйғонаркан, кўраётган туши таъсирида кўзларини очгиси келмай, қовоқларини қайта юмди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Хаёлини банд этган воқеалар тушида эмас, ўнгида содир бўлаётгандай эди... Боги Зоғон саройида кимнингдир тўйига тайёргарлик кўрилар, муҳандислар тилларанг ва кумушранг хаймалар, харгоҳлар, баргоҳлар ва саропардалар куриш билар овора, хунарманд усталар эса курилган иншоотларнинг тепасига қуш ҳам учиб ўта олмайдиган даражада маҳобатли ва кунгурулари баланд куббалар ўрнатишмоқда эди. Болохонали чоҳортоклар Рум дебоси-ю Чин зарбофтлари, Самарқанд баҳмали-ю Бухоро зардўзилари билан безатилган, улардан тараалаётган ёғду қуёш нурларида кўзларни қамаштириб, жилоланаарди. Ҳар бир чоҳортокда хонандалар хуррамлик палосларини ёйганларича, шодлик дастурхонларига қувонч нағмаларини сочмоқда, уд, чанг, арганун, дуҳул, нодир, таблақ, сурнай, кўшнай, Бағдоду Ҳирот тамбурларидан тараалаётган хусравий оҳанглар юракларни гоҳ маҳзун, гоҳ хушнуд этганича, жунбушга келтириб, кўкка ўрларди. Полвон келбатли Бойсунгир мирзо ҳар доимидай усталар ишига аралашиб, баргоҳнинг шифтига нақш солар, катта ўғли Алоуддавла мирзо жилмайганича, қиблагоҳининг ишини кузатарди. Унинг кичик ўғлонлари Султон Муҳаммад мирзо билан Абулқосим Бобур мирзолар чоҳортокнинг болохонасида созандаларнинг куйларидан сел бўлганларича, шоҳмот ўйнашарди. Бу даврада ёлғиз Абдулатиф мирзогина кўринмас, унинг ўғли Абдураззоқ мирзо давра айланиб, қиблагоҳини изларди.

Тўрдаги кўшқда эса савлат тўкиб, хоқони сайд Шоҳруҳ мирзо ўтирап, ўғлонлари Улуғбек мирзо, Иброҳим Султон мирзо, Жўкий мирзо, Суюргатмиш мирзолар ўнг тарафида, набиралари эса чап томонидан жой олишган эди.

Шоҳруҳ мирзонинг кейинги хотинлари Тўти бегим билан Мулкат Оғо бегимлар маликалару канизаклар қуршовида кўшкнинг қаршисидаги саропардада эди. Маликалар бир-бирлари билан эҳтиром сақлаб сухбат қуришар, қулоқларни қоматга келтириб янграётган яллалар сасидан уларнинг овози эшитилмасди.

Шоҳруҳ мирзо Тўти бегимдан кейин Хизр Ўғлоннинг қизи Мулкат Оғога бегим уйланган эди. Мулкат Оғо бегимнинг биринчи эри Умаршайх мирзо вафот этгач, соҳибқирон Амир Темур икки фарзанди билан бева қолган келинини кенжা ўғли Шоҳруҳ мирзога никоҳлатган, кундош устига яна кундош ташвиши тушган Гавҳаршод бегим эса дарди дунёси коронги бўлганича, унча-мунча маликалар дардини дастурхон қилиш у ёқда турсин, ҳатто юрак ютиб икки оғиз калима айттолмайдиган бош малика Бибихонимнинг хузурига арзга борган эди. Ўша қилигини эсласа, Гавҳаршод бегим ҳалиям уятдан ерга кириб кетай дерди.

Бибихоним йиглайвериб хун бўлган келинининг аҳволини кўриб, уни бағрига босганича, пешонасидан ўпид, ёнига ўтқазди ва шарбатлар билан сийлади, келишининг сабабини ўзи билиб турса ҳам, ташрифининг боисини сўради.

– Улуг бибим... – кўзларидан яна ёш тиркиради Гавҳаршод бегимнинг.

Биринчи фарзанди Улуғбек мирзо туғилгач, саройдаги мавқеи кўтарилган Гавҳаршод бегим Бибихонимга юрагини тўкиб солди:

– Улуг бибим, бошимга яна кундош балосини ёғдиришаётирлар... Энди чидолмасмен... Юрагим бардош бермайдур... Кетамен... Ахир бул не ҳаёт...

Бибихоним аламдан лаблари пирираб учайтган Гавҳаршод бегимнинг олмадай қизарган ёноқларига, кўзёш ҳам ярашган ўтли кўзларига бир лаҳза жимгина термилиб турди.

– Ҳа, чиндан ҳам бул не ҳаёт? Бул не умргузаронлик? – Бибихонимнинг ажинлардан холи кулча юзларига изтироб қалқиб, ўрнидан қўзғалди ва унинг тепасига келди. – Ҳа, кетмоқ керак... Кетмоқдин бошқа илож йўқ... Яхши, мен ҳам сиз бирлан кетамен, бирга кетурмуз! Кундош балоси менинг ҳам бўғзимга келди! Шунча йил бул азобга қандай чидадим, билмаймен?! Ох, ўлмаган жоним менинг...

Бибихонимнинг оғзига тикилиб қолган Гавҳаршод бегим унинг гапларидаги

мантиқни англагач, ҳайрон нигоҳини қаерга яширишни билмай, қизариб-бўзарди.

– Узр, бибим, мен... Майли, мен борайқолай... – деди базўр Гавҳаршод бегим ва олов бўлиб ёнаётган ёноқларига кафтларини босганича, кетмоққа чоғланди.

– Нечун кетмоққа қарор қилдингиз, гапларим маъқул эрмасму, пошшо келин? – деди Бибихонимнинг кўзлари кулиб.

– Мени афв этинг, улуғ бибим... – Гавҳаршод бегим гуноҳкорона бош эгди. – Мен густоҳфаҳм...

– Йўқ, йўқ, келин... Бунга фаҳм-фаросатнинг алоқаси йўқ! – деди Бибихоним Гавҳаршод бегимнинг елкаларидан тутиб, бағрига босаркан. – Биз севган инсонларимизни қизғансак-да, ўзгаларга раво кўролмасак-да, аларни ташлаб ҳам, алардин қочиб ҳам кетолмаймуз! Зеро, кетмоғимизнинг ниҳояси йўқотмоқ, йўқотмоқнинг охири эрса ўлмоқдур...

Оғир, босиқ, яхши тарбия кўрган Мулкат Оғо бегим ўзи ҳам кундош нималигини билгани учунми ёки иззатталаб эмаслигиданми ёки эри шаҳзода Умар Шайх мирзони севгани боисми, шаҳзода Шоҳруҳ мирзога кўпам эътибор бермас, кўп вақтини эргашма болалари билан ўтказарди. Шоҳруҳ мирзо ҳам ўзидан саккиз ёш катта ва яқингинада келинайиси бўлган Мулкат Оғо бегимга қиблагоҳининг сўзини қайтаролмагани учун уйланган, бегимнинг болалари билан оворалиги унга ҳам маъқул тушган эди. Эргашма болаларининг каттаси Искандар мирзо ўн ёшда, кичиги Бойқаро мирзо энди бир ёшга қадам кўйган, бунинг устига жуда инжиқ эди.

Мулкат Оғо бегимнинг қиблагоҳи Хизр Ўғлоннинг волидаси номи чиққан табиб эди. Бувиси ҳар доим ўғлига шифоҳона очиб беришини сўрар, ўғли ваъда берарди-ю, лекин курби етса ҳам одамларнинг гапидан қочиб, қурилишни четга сурарди. Набираси соҳибқиронга келин бўлгач, бувиси Мулкат Оғо бегимни кистовга олди. Мулкат Оғо бегим шаҳзода Умар Шайх мирzonи бу ишга кўндирганида эса Оллоҳнинг иродаси устун келди. Унинг орзуси яна ушалмай қолди. Шоҳруҳ мизо Хуросон давлатига эга чикқандан сўнг, Мулкат Оғо бегим унга ўз орзусини айтди.

– Элни ўйлаган хукмдор энг аввало анинг оғирини енгил қиладур, – деди маликасининг гапи маъқул келиб, уни қувватлаган Шоҳруҳ мирзо. – Хукмдор калимасига маликалар ҳам дахлдорурлар. Чунки яхши хукмдорларнинг яхши маликалари вазир мақоминда бўладурлар. Шоҳона либослару, олмос тақинчоқлардин, тўкин дастурхонлару базму жамшидлардин бошқасини билмайдиган маликаларнинг дунёга фақат ейиш-ичишу ўйин кулгу учун келган аёллардин фарки бўлмайдур. Оллоҳ раҳматига олган улуғ бибимиз Бибихонимдин не қолди? Яхши ном! Яхши ном қайси амаллари учун берилди, биласизму? Аларнинг яхши амаллари кўп эрди. Лек энг яхши амаллари масжид ва мадраса курганлари бўлди! Ул мадрасаларда таълим оладургон толиблар аларни бир умр дуо қиладурлар. Худди шунингдек, шифоҳона солмоқ ва беъморнинг, яъни, мазлумнинг дуосини олмоқ энг эзгу ишлардин ҳисобланадур ва мадраса бунёд этмоқдин кам эрмасдур. Қанча маблағ керак бўлса, ёрдам этадурмен, маликам.

– Ташаккур, олампаноҳ, лек мен ул иншоотни ўз маблағимдин қурмоқ истай-мен... – деди Мулкат Оғо бегим миннатдорлик билдириб. – Қиблагоҳим ва волидам қилган совғалар ҳамда маҳримга берилган маблағлар етиб ортадур!

– Савобингизни биздин қизғандингиз-а?! – кулди Шоҳруҳ мирзо.

– Асло, олампаноҳ, истасангиз бахшида этурмен! – қизариб кетди Мулкат Оғо бегим.

– Астағфируллоҳ, ҳазиллашдим, маликам! – унинг қўлларини ўпди Шоҳруҳ мирзо.

– Зеро, сиз қилаётган савоблар олдинда бизники ҳечдур... – миннатдор бўлган Мулкат Оғо бегим бошини Шоҳруҳ мирzonинг елкасига кўйди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Мулкат Оғо бегимнинг шифохона қуришга рухсат олгани қулоғига етган Гавҳаршод бегимнинг ҳам юрагига ўт тушди.

– Олампаноҳ, менинг ҳам мадраса қуришимга изн беринг! – деди Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ мирзога. – Мен ҳам мадраса қурмоқчимен. Эсингиздаму, улуғ бибимизга ҳавас қилиб, “Оллоҳ етказса, мен ҳам бибимизга ўхшаб мадрасалар қураман”, деб эрдим.

– Эсимда, – бош иргади Шоҳруҳ мирзо, – Кутламоқдин бошқа сўзим йўқ. Жуда яхши ўйлабсиз, Мулкат Оғо бегим опангиз ҳам шифохона қурмоқни ният этибдурлар.

– Эшитдим ва бул хушхабар менга ҳам қанот бағишлади, олампаноҳим!..

Мулкат Оға бегим шифохонадан кейин иккита ҳаммом, “дорулҳадис” номли хонақоҳ, Ҳиротдан саккиз фарсаҳча узоқликда, Амударёга бориш йўлида битта работ қурдирган, элнинг дуосини олган эди. Уни қаддини буккан, эрта қаритган гам эса шаҳзодаларининг беоқибатлилиги бўлди. Шаҳзодалари Искандар мирзо билан Бойқаро мирзоларни Шоҳруҳ мирзо қарамоғига олиб, уларга оталик меҳрини берган бўлса-да, икки ўғли ҳам кейинчалик унга муҳолифатлик қилишибди ва қилмишларига яраша жазоланишибди. Шоҳруҳ мирзодан туғилган Суюргатмиш мирзо исмли шаҳзодаси қиблагоҳининг севимли фарзандларидан эди, унга Ғазнин мулки суюргол қилингач, Мулкат Оғо бегим ўғли дароҳида яшаш истагини билдириди ва Балҳда улкан мадраса қурдирди. Суюргатмиш мирзо маърифатли, илм инсонларига ҳомий шаҳзода эди. Лекин дардмандлик маликанинг сўнгти ўғлидан ҳам жудо этди. Ўғлидан қолган уч ўғил набиралар билан яшаган Мулкат Оғо бегим Кобулда, минг тўрт юз қирқинчи йили вафот этган, Шоҳруҳ мирзо унинг нашъини, хурмат-эҳтиром билан Балҳдаги ўзи қурдирган мадраса мақбараасига дағи эттирган эди...

Маликаларнинг нигоҳи Гавҳаршод бегимга тушгандай дувва ўрниларидан қўзғалишибди ва таъзим билан давранинг тўридан жой кўрсатишибди.

“Алар дунёдан ўтишмаган эрдиму?” давра томон юарракан Гавҳаршод бегимнинг хаёлига шу ўй чақмоқдай урилиб, қадамлари беихтиёр, сустлашибди. “Ёхуд мен ўлдимму? Качон қазо қилдим?”

– Волидам... Менинг меҳрибоним... – шаҳзода Муҳаммад Жўкий мирзонинг овози Гавҳаршод бегимнинг хаёлини бўлди. – Маҳди улё маликам... Дунё гўзалларининг султони...

Жўкий мирзо шаҳзодаларининг бешинчиси, Гавҳаршод бегимнинг учинчи ўғли эди. У ёшлигидан нимжон ва касалманд бўлиб ўсанлиги учунми Гавҳаршод бегим уни аяр, айниқса, Шоҳруҳ мирзо унга ҳаддан ортиқ эътибор берарди. Улғайгандан сўнг ҳам унинг болалиқдаги аразчи ва жizzакилиги қолмаганди. У ҳам бошқа шаҳзодалар каби ақл ва нақл илмидан яхши таҳсил олган бўлса-да, ҳарб ва сиёsat илмидан анча заиф, лекин бошқа шаҳзодалар каби ҳукмдорликка даъвоси катта, Шоҳруҳ мирзо ҳар замонда эркалаб “валиаҳдим” деб айтадиган сўзни қулоғига исирғадай тақиб олган эди. У қўп йиллар Гаримсер ва Балҳ вилоятининг ҳокимлигини бошқарган эди.

Шоҳруҳ мирзо биринчи бор оғир бетоб бўлганида валиаҳд шаҳзодалар Иброҳим Султон ва Бойсунгур мирзолар оламдан ўтган, Улугбек мирзо эса Самарқанд таҳтида қоим, шу боис, Жўкий мирзони таҳтига ворис сифатида қолдиришибни истаб, деёнвон амири Жалолуддин Ферузшоҳдан Муҳаммад Жўкий мирзога байъат қилишини амр этган эди.

Ўғлининг соғлиғидан хавотирланган Гавҳаршод бегим эса ўша заҳотиёқ эрининг бу гапига қарши чиқади.

– Олампаноҳим... Кўнглимнинг салтони... – деди Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ

мирзонинг тўсатдан қабул қилган қароридан ҳайратланиб. – Сиз тўгри қарор қабул қилдингизму?

Дард билан олишаётган Шоҳрух мирзонинг рангпар юзларига, нурсиз кўзларига англаб бўлмас бир изтиробли ифода қалқди. Чин чегараларидан то Мисру Рум ноҳияларигача, Ҳиндистону Туркистон ерларининг поёнигача фармонига тобе, рубъи маскуннинг диловари бўлган, жаҳон саркашлари оти жиловини марҳамат умидида тутган, гардани йўғонлар хоки пойини кўзига тўтиё этган хумоюн зот Гавҳаршод бегимнинг саволига жавоб беролмай жим қолди. Унинг алғов-далғов хаёлларидан не кечди, неларни фикр этди, ўзи-ю Яратгандан бошқа ҳеч ким билмади.

– Янглишму? – деди иситма зўридан қовжираган лабларини базур қимирлатиб.

– Ул бизнинг фарзандимиз... Ул жонимизнинг бир парчаси... Лек... – англатмоққа уринди Гавҳаршод бегим. – Янглиш десам хато бўладур, лек аниг жони, умри менга керак... Ҳукдорлик анинг...

Шоҳрух мирзонинг кўзлари уни англағандай бир йилт этди-ю, лекин жавобга жуфтланган лаблари кўнглига келган сўзларни тилига чиқаролмади.

Шоҳрух мирзонинг ёнидан дарди дунёси қоронгу бўлиб чиқсан Гавҳаршод бегим девон амири Жалолуддин Ферузшоҳга мулоҳазаларини айтди.

– Олампаноҳнинг амрини бузмоқ... – Гавҳаршод бегимнинг гапи оҳангидан мақсадини тушунган амир Жалолуддин Ферузшоҳ кўрқиб кетганидан бир сакраб тушди. – Йўқ, йўқ, бошим кетадур, маҳди улё маликам... Шунча йил сидқидилдин килган хизматларим ҳавога учадур!

Паҳлавон келбатли амир Ферузшоҳ ўзининг теран ақли-ю, ўқир зехни, адолатли сиёсати-ю, гўзал феъл-атвори билан нафақат Шоҳрух мирзонинг балки, саййидлару умаролар, фуқаролару барчанинг кўнглини олган, ҳар бир вилоятда қад кўтарган хайрли иморатларга: масжиду мадраса, хонақоҳу мақbara, ҳаммому работ, йўлу ҳавзалар қурилишига бош-қош бўлган, салтанату оиласага садоқат билан хизмат қилиб келаётган амирлардан эди.

– Инсоннинг феълини, даражасини, нималарга қодир эрканлигини, яхшилигу ёмонлигини ёлғиз волидаси биладур, амир... – деди Гавҳаршод бегим уни тинчлантирмоққа уриниб.

– Сиз ҳақсиз, маҳди улё маликам, лек, шаҳзода Жўкий мирзонинг феълини биламен, мирзо мени хароб этадур... Хонумонимни куйдирадур...

– Феълини билганингиз учун сизга сўйлаётирмэн... – мулоҳазали қилиб гапирди Гавҳаршод бегим, “Ёлғизингни ёмонласанг, ётнинг меҳри кўтаришур”, дейишган улуғларимиз, ани ёмонотлиқ қилмоқчи эрмасмен. Мен аниг бул инжиқ феълини соғлиғи боисидин деб билганимдин тушунтируммоққа уринмоқдамен...

– Оҳ, бошим сизга фидо бўлсун, маликам... – надомат билан хўрсинди амир Жалолуддин Ферузшоҳ. – Демак, қисмат ҳукми шундай... Қисматдин қочиб қутулиб бўлмайдур...

– Волидам, ҳоқони сайд ўлдиму? – деди эшикдан кираётган Муҳаммад Жўкий мирзо дарғазаб қиёфада, салом-аликни ҳам унатиб.

– Нима? Қачон? – қўрқиб кетган Гавҳаршод бегимнинг ранглари бирдан оқариб, ўрнидан сапчиб турди. – Ҳозиргина тирик эрдилар-ку! Оҳ, Худойим...

– Тирик бўлиб тўрда йўқ, ўлик бўлиб гурда йўқ бўлибдур бечора, қиблиагоҳим! – Жукий мирзо қўлларини мушт қилди. – Сиз учун аллақачон ўлибдур ҳоқони сайд, сиз ўлдирибсиз ани!

Гавҳаршод бегим нима гаплигига энди ақли етди.

– Шаҳзодам... Менинг қувончим... – кўзларига ёш тўлди Гавҳаршод бегимнинг. – Билурсиз, мен сизни ҳаммадин кўра...

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Ёлғон! Ҳамма гапларингиз алдов! Қувончингиз кимлигини, ҳаммадин кўра кимни яхши кўришингизни исботлабсиз, раҳмат сизга, волидам! Сиз учун қасалванд, ношуд, итнинг кейинги оёғи, исталмаган пайтда дунёга келган бир ўғил эрканмен! – Жўкий мирзо асабийлашганидан бўйин томирларичувалчангдай бўртиб, кекирдаги ўйнаганича, маликага ғазабнок тикилди. – Тўхтанг, балки тукқан ўғлингиз эмасдурмен, шундай эрмасму? Ё, Оллоҳ, нега шул фикр аввалроқ ақлимга келмади эркан-а? Ҳа, ҳа, бир бечора канизакнинг ҳароми етимчаси бўлсан керак!

– Астағифуруллоҳ! Оллоҳдин кўркунг! – ўғлининг таънасидан Гавҳаршод бегимнинг этларигача титраб кетди.

– Оллоҳдин кўркунг?! – Жўкий мирзо юраётган ерида шартта тўхтади. – Менга айттаётимусиз шул гапни?! Сиз, ўзингиз қўрқасизму Оллоҳдин?!

– Мен кўрқамен... – деди Гавҳаршод бегимнинг овози титраб.

– Қўрқасиз?! – Жўкий мирзо кўлларини мушт қилганича, деворни муштлай бошлади. – Қўрқкан одам ажал бирлан олишаётган хоқони сайднинг васиятини бузмайдур! Бундай қилишга журъати етмайдур!

– Сиз аввал менинг сўзларимни тингланг! – Гавҳаршод бегим от устида кечакундуз йўл босганидан ҳориб-толган ўғлининг уйқусизликдан қизарган кўзларига маъюс тикилди.

Муҳаммад Жўкий мирзо воқеалар тафсилотини кимдантур чала-чулпа эшитгач, ҳатто уст-бошларини ҳам алмаштиришга сабри чидамай, волидасининг хонасига юргурган эди.

– Мен сизнинг сўзларингизни ҳамиша тинглаганмен... Лек энди қулоқ осмаймен! Эшитишни ҳам истамаймен! – салласи қийшайган бошини чайқаганича, волидасига хезланди Жўкий мирзо. – Менинг баҳтимга ўлмай қолсалар, бул қилмишингиз учун қиблагоҳимнинг ўзларига хисоб берурсиз, ҳали!

– Омин, Оллоҳим шифои комил берсун... – Гавҳаршод бегим ўғлидан аччиқтизиқ гапларни кутган бўлса ҳам бу қадар важоҳат билан ташланишини тасаввур ҳам килмаганди.

Жўкий мирзонинг озғин, узун гавдаси хона ичидатинмай айланар, қўллари бигиз бўлганича, гоҳ пасда, гоҳ тепада ҳаволанар, унга ҳайрону лол термилиб қолган Гавҳаршод бегимнинг юзига қарамасди.

– Олампаноҳимизнинг амрига зид иш қилган амир Жалолуддин Ферузшоҳнинг эрса, онасини қўзига кўрсатамен!

– Мен сизни, соғлигингизни ўйлаб қилдим бул ишни! – бу сафар Гавҳаршод бегимнинг овози баланд ва зардали чиқди. – Ҳукмдорлик сиз ўйлаганчалик осон иш деб ўйласангиз хато қилурсиз, шахзодам!

– Ҳукмдорликни менга лозим кўрган қиблагоҳим анинг осон ёки енгиллиги ни сизчалик билмайдиларму? – баттар асабийлашди Жўкий мирзо. – Ёхуд қариб, ақлларини еб қўйибдуларму?

– Биладур, лек, менчалик билмайдур! Шундай, шахзодам, салтанатнинг ошини ҳам, тошини ҳам еган волидангиз кўпроқ биладур, бул таҳт сизга равому, йўқму? – кўзлари ёшланди Гавҳаршод бегимнинг. – Боболаримиз айтишган, “Бир онанг эл, бир тананг эл”, деб. Бул калиманинг магзини чақсангиз, мени тушунадурсиз, чақолмасангиз ёзиқ...

Жўкий мирzonинг қизарган кўзлари олайиб, доимо кўкариб турувчи юпқа лаблари яна нималардир демоқقا чоғланиб, асабий титради. Лекин айтишга журъати етмади, шекилли, қандай шитоб билан кирган бўлса, худди шундай шитоб билан чиқиб кетди.

Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ мирzonинг ёнига кирганида, шахзода қиблагоҳининг кўлларини юзларига босганича, ийғларди. Шоҳруҳ мирzonинг кўзлари юмуқ, ранг

қочган юзларини билинар-билинмас тер босган эди. Жўкий мирзонинг кўзи эшикдан кираётган волидасига тушса ҳам жойидан қимиrlамади.

– Ҳалал берманг... Маҳди улё малика... – деди бўғиқ овозда. У ҳамиша, “Маликам”, дерди. Бу сафар, “Малика”, деди иддао билан.– Қиблагоҳим бирлан видолашшиб олай...

Жўкий мирzonинг волидасига аразли ва пиchinг оҳангida гапирганидан хижолат чеккан табиб Гавҳаршод бегимнинг ортидан чиқди.

– Маҳди улё маликам, мирзомизнинг гапларига парво қилманг... – таскин берди табиб. – Сизнинг зарурат юзасидин қилган танловингиз тўғридур, шаҳзодамизнинг юраклари салтанат юкини кўтаролмайдур... Оллоҳ насиб этса, хоқони саидимиз ҳадемай тузаладурлар ва мен бул фикримни аларга ҳам сўйлайдурмен...

– Омин! – деди Гавҳаршод бегим кўнгли бўшаб ва хонаси томон юрди.

Табибининг гапи ўнг келиб, кўп ўтмай, Шоҳруҳ мирзо оёққа турди-ю, лекин амир Жалолуддин Ферузшоҳ кўркан ва башорат қилган кунлар ҳам ҳақиқатга айланди. Аламига чидолмаган Жўкий мирзо Саййид Имодуддинга унинг бор фаолиятини тафтиш қилишини буюрди. Бундай зарба бўлишини кутган лекин уни кўтаролмаган амир кўп ўтмай, тириклик жафоси-ю хунхор замона фитнасидан озод бўлди...

– Волидам... – Биламен, ўшал кун сизнинг қалбингизни ноҳақ қирдим... – Жўкий мирзо худди йигитлик чоғларидаги каби навқирон, озғин чеҳраси тўлишган, кулиб келарди. – Қиблагоҳим киби тарбият берган амир Жалолуддин Ферузшоҳнинг умрига завол бўлганим учун ўзимни кечиролмаётирмен...

Гавҳаршод бегим унга қучогини очиб, елкаларини тутмоқчи бўлган пайт кўллари ҳавода муаллақ қолди...

* * *

Совчиликдан келган шайхулислом Хўжа Тафтазани билан амир Шерҳожининг жавобидан ёш йигитлардай кувониб кетган Абусаид мирzonинг кайфияти бирдан кўтарилди. Уч кундан бери Балҳдаги воқеаларни эшишиб дарди дунёси қоронғу бўлгани етмагандай, кеча Ҳиротга етиб келган бош маликаси Малак Буға бегим унинг уйланиш хабарини эшишиб, дийдиёсини бошлаган ва кечки нонуштани ҳам заҳар қилган эди.

Малак Буға бегим валиаҳд шаҳзода, ҳозир Самарқанд таҳтига ворис сифатида қолдирилган Аҳмад мирzonинг волидаси эди. У бошқа малакалардан ёши каттароқ бўлса-да, сарвдай тик ва бўйчан гавдаси хисобига ёш кўринар, кулча юз, бодом қовок, кўзлари хиёл қисиқ бегим шоирлар тарифидаги гўзаллар сарасига кирмаса ҳам, истараси иссиқ, гаплари билан сухбатдошини ўзига жалб қила оларди. Бегим ўзига жуда эътибор берар, семириб кетмаслик учун овқатдан тийилар, пардоз-андозни ҳам пардозчи қизлардан кўра яхшироқ қиларди. У Абусаид мирzonинг кетар чоғидаги, “Ҳиротни кўлга киритсан маликалардин факат сизни чорлаймен”, деган гапларини эслаб, йўлга ҳам бир дунё ширин хаёллар билан чиққан ва кун санаб, қушлардай учиб келаётган эди. Фирузобод дарбозасидан Ҳиротга кирган Малак Буға бегим шаҳарнинг гўзал табиати ва манзараси, бир-биридан гўзал ва муҳташам иморатлари-ю масжиду мадрасалари Самарқанддан тамомила фарқ қилишини кўриб, кўзлари қувнади ва йўл-йўлакай юрагида туғилган анчайин хавотир, “Бегона шаҳарда яшай оламанму”, деган ҳадик бирдан йўқолди.

Малика учун “Боги Шаҳр” саройи ҳозирланган эди. Кейинги олти ой бадалида тўрт шаҳзоданинг салтанати девонига айланган маҳоватли сарой талотўплар ва талошлар ичидаги қолиб, анча уринган, бир ойдан бери таъмирлаш ишларини олиб бораётган усталар уни илгаригисидан ҳам кўркамроқ тарзда пардозлаш-

Шаҳодат ИСАХОНОВА

ган эди. Тўрт дарбоза орқали кирилувчи саройнинг йўлаклариға қайроқи тошлар нақш бериб тўшалган, йўлак четларига экилган анвойи гулларни, боғчалардаги буталару, нина баргли гаройиб дараҳтларни бегим биринчи маротаба кўриб туриши эди. Ҳаяжондан ўзини йўқотаёзган Малак Буға бегим йўл кийимларини алмаштириб, ювиниб-тараниб, улкан саройни обдон томоша қилгач, энди тамадди қилишга ўтирган чоги уни танимаган ҳиротлик хизматчи қиз ёнидаги шеригига тўй тадориги-ю келин ҳақида гап очиб қолди. Шеригининг ранги ўчиб, тўй муносабати билан эрталаб ишга олинган ҳиротлик қизга, “Жим бўл”, деган маънода ишора қилса ҳам ҳиротлик қиз тушунмай, гуллаб қўйди. Кўрқиб кетган шериги, “Унга қўшилиб, мен ҳам гап эшитиб қолмай”, деб ўйлади шекилли, қўл силтаганича, дарров чиқиб кетди.

– Тўй? Кимнинг тўйи? Ким ул келин? – сергакланиб ҳиротлик қизни саволга тутди Малак Буға бегим.

– Ҳазрати олийлари бирлан Руқия Султон бегимнинг тўйлари! – деди бегимнинг важоҳатидан кўрқиб кетган ҳиротлик қиз ва шеригининг имо-ишоралар билан чопиб чиқиб кетишининг сабабини сал-пал тушунгандай сергак тортди. Лекин бўллари-бўлиб, бўёғи тўкилган, гап тилдан чиқкан эди.

Малак Буға бегимнинг оғзида-оғзида, бўғзида-бўғзида қолди, қўлидаги шарбат идишни улоқтирганича, хосхонасига югуриб кетди.

Абусайд мирзо воқеаларнинг бу тарзда эврилишини ўзи ҳам билмаган, “Яна уйланаман”, деган гап эса тушига ҳам кирмаган эди. Боғи Сафидга учинчи маротаба борган куни Руқия Султон бегими боянчада кўрди-ю, оромини йўқотди. Лекин совчиларга маҳди улё биринчи боришлиридаёқ розилик боришлирини кутмаган, ҳатто кўнишларига ҳам ишонмаган эди. Бош маликасини эса Ҳиротга бу гаплар ўртага чиқмай чорлатган эди. Чорлатганининг боиси, Ҳирот сари оёқланган кунлар уни йўлдан қайтаришга уринган завжасига эришган ютуқларини қўрсатиб қўймоқчи, мақтамоқчи эди. Унинг Ҳирот тахтига даъвогар бўлишини Малак Буға бегим бошданоқ ёқтиргмаган, ҳатто, жанжаллашиб даражасигача ҳам етган эди.

– Ҳар нарсанинг чеки чегараси бор, давлатбошим... – дея олдин майнинлик билан сўз бошлади ўшанда Малак Буға бегим. – Шунча нарсага эришганингиз етмайдирму? Аввал шуларнинг шукрини қилсангиз бўлур эрди. Энди Ҳиротга қўл чўзсангиз, одамлар не деб ўйлашадур? “Нону туз берган устозининг тахтини олган эрди”, дея қанча маломат қилишиб эрди. Энди...

– Нону тузини меҳнатимга яраша еганмен! – бош маликасидан бу тарзда жавоб кутмаган Абусайд мирзонинг юзлари гезарип, унинг гапини шарт кесди. – Ақлингиз етмаган ишга бурун суқманг, маликам! Мен сизни ҳурмат қилганим учун суюниб қолади деган маънода фикримни бўлишдим, холос, йўқса, маслаҳаттўйларим жуда кўп!

– Кўп бўлгани бирлан алар тўғрисини айтишга қўрқишадур, мен эрса хато қилишингиздин қўрқамен! – деди ҳамон гапидан қайтмай, Малак Буға бегим.

– Қўрқа-қўрқа кўп нарсани бой бердик, энди эрса қўрқманг, ҳаммаси мен орзу қилгандек ва айтгандек бўлададур! Худога шукр, ниманики орзу қилган бўлсан эришаётирмен. Бул сафар ҳам, иншоПolloҳ ўзингиз гувоҳи бўладурсиз! Ҳиротни қўлга киритсам, маликалардин факат сизни олиб кетамен! Сиз ҳам қундошлар балосидин тамом кутулурсиз!

– Орзу бирорвларнинг ҳалокати эвазига қилинмайдур! – деди Малак Буға бегим жаҳли чиқиб ва Абусайд мирzonинг жим қолганини кўриб, надомат билан давом этди: – Маҳди улё маликамизнинг олдинда не деган одам бўласиз? Сиз ўёлмасангиз ҳам мен ўёламен, ерга кирамен...

– Э, э, ҳа, айтгандай, сиз ҳам тархонлардансиз-а? Найман момонгизга қайшишаётирмусиз? – пичинг аралаш масхаралагандай, заҳарханда кулди Абусайд мирзо.

– Найманликлари учун эрмас, алардин кўп рўшнолик кўрганлигим учун айтаётирмен! – деди Малак Буға бегим ҳам бу сафар зарда билан. – Сиз кўрмадингизму? Раҳматли Улуғбек мирзо қилган яхшиликларни ҳатто энг яқин қариндошларингиз ҳам раво кўришмаган! Бунинг устига қиблагоҳим мени ул зотнинг хурматларидан сизга берганлар!

Амир Ўрда Буға тархон Улуғбек мирзонинг энг хурматли тархон амирларидан эди. Бойлиги ҳам хонларнидан қолишмас, Улуғбек мирzonинг маслаҳатгўйи тўртта бўлса, ўшаларнинг бири эди. Шу боис, номига шаҳзода-ю ўзи мирқуруқ Абусайд мирzonинг қизига талағор бўлганини эшитиб, елкаси тиришганича, совчини қайтарган, ўртага Улуғбек мирзо тушгач, қош қайтара олмаган эди.

– Ё, тавба?! – Малак Буға бегимнинг гапига муносиб жавоб тополмаган Абусайд мирzonинг паст тушишдан бошқа иложи қолмади. – Найман зотидай аймоқпаст уруғни кўрмадим! Ўгрисини “ўғри” десанг, “Йўқ, у тўғри”, деб сенга зомбирдай тармашишади. Бир ҳисобда бул хислат ҳам яхши... Қани энди ҳамма уруғ ҳам бирбирига ана шундай қайшиб, жон куйдиришса...

– Яхшиму, ёмонму мен бор гапни айтгандай, маликам! – деди мақтовидан бегимнинг энсаси қотса ҳам эгар қошлари ёйилди.

– Сиз ҳамиша бор гапни ва тўғри гапни айтасиз, маликам! – деди мақтовига туз кўшиб, маликанинг оғзига урди Абусайд мирзо.

...Пешинда Ҳиротга етиб келган Малак Буға бегим тўй дарагини эшитиб, шайтонлаб қолганлиги ҳақидаги хабар қулоғига етган Абусайд мирзо бош малика билан бўлиб ўтадиган савол-жавоблардан юраги пўкиллаб, вақтни алламаҳал қилиб, ҳузурига йўл олди.

– Ҳали мени тўйингизга чақирдингизму? – деди йигидан қўзлари қизариб кетган Малак Буға бегим эшиқдан кираётган Абусайд мирзога зардали овозда.

– Ҳа, тўйму? – аёл зотини одам ўрнида кўрмайдиган ва хотинлари-ю канизаклари билан расмий муомаладан бошқа умуман тузук гаплашмайдиган Абусайд мирзо қайнотасидан ҳайниқибми, ёки ёқтириб уйлангани учунми биргина Малак Буға бегим билан ҳисоблашар, ақлли ва зийрак бегимнинг баъзи жихатларига тан берар ва ён босарди. – Шундай бўлиб қолди, маликам...

– Шундай бўлиб қолдиму, ёхуд шундай қилдимму? – деди титраб Малак Буға бегим. Унинг хиёл қисиқ қўзлари баттар қисилди.

– Қайбирини тўғри деб билсангиз шул! – деди бегимнинг пешгирилик қилаётгани ёқмаган Абусайд мирзо бу гал амона оҳангда. Унинг жаҳли чиқса, ўнг мўйлаби учча бошларди.

– Тушунмадим, сиз Ҳиротга юрт олгани келдингизму, ёхуд хотин олганиму? – кўзлари отилиб чиққудай бўлиб олайди маликанинг. “Кундош балосидин кутулитирамен” деган ваъдангиз шулму?

– Юрт ҳам оламен, хотин ҳам оламен! – бегимнинг гапидан жони чиққан Абусайд мирзо хўроздай хурпайди. – Мусулмончиликда бунга йўл берилган!

– Мусулмончиликда аларни эплаш ҳақинда ҳам ёзилганму... – деди маънодор қилиб узиб олди Малак Буға бегим. – Шунча хотун, шунча канизак, алар етмайдиму?

– Э, э, ҳали эплай олмаганга ҳам чиқдикму? Қизиқ, қайбирингизни эплай олмаган эрканмен? – деди бегимнинг гапи нафсониятига теккан Абусайд мирзо қолган гапларига эътибор бермай.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Баъзи қундошларимизнинг гапларига қараганда, ётоқларига олти ойда ҳам бир маротаба кирмас эркансиз... – деди бошқалар тилидан гапириб Малак Буға бегим, аслида ўзининг ётоғига ҳам эри жуда кам келарди.

– О, тасанно, раҳмат сизга! Кимнинг ёнига неча маротаба кирдиму, кимниги кирмадим ҳаммасининг ҳисобини олиб юрган эркансиз-да! Лекин ўшал қундошларингизнинг номини айтсангиз, жавобини берур эрдим, кийналишибдур бечоралар. Ҳаммолгаму, аравакашгаму тегиб олишса, ўшал хотин кўрмаганлар аларни ҳар куни керагидин ортиқ эплашур эрди! – деди қизариб кетган Абусаид мирзо. – Мабодо, сизда ҳам шул фикр бўлса, сизга ҳам шул жавоб, маликам!

Абусаид мирзо шундай деганича, хонадан отилиб чиқди. Ҳай-ҳайлаганича қолган хотинининг гапига эътибор ҳам бермади. Баҳонада дийдиё-ю йифи-сигидан асаби бузилмай қутулганига шукр қилди. Бунинг устига совчиликдан қайтган шайхулислом Ҳўжа Тафтазани ва амир Шерҳожи уни саройда кутиб ўтиришган эди. “Баттар бўл кампир, эплаш қанақалигини кўрсатиб кўямен сенга... Феълингга яраша олурсен. Бир умр эпланмай, ўтиб кетасен... Валиаҳднинг волидаси бўлмаганингда энг аввал сенинг жавобингни берур эрдим!” деб сўкинди Абусаид мирзо йўл-йўлақай маликанинг гапи жонидан ўтиб.

Шайхулислом билан амир Шерҳожининг жавобларини эшигчач, чиройи очилди.

– Момомиз сарой масаласига ҳам кўндиму? – деди оғзи кулогига етган Абусаид мирзо.

– Кўнмай иложи қанча? – жилмайди амир Шерҳожи.

– Лекин қайнона бўлмишингиз Бегика бегим дўпписини осмонга отдилар, менимча... – гапни давом эттирди шайхулислом. – Маҳди улё ҳали жавоб бермаслариданоқ, сизни дуо килганларича, розиликларини билдирилар! Менинг назаримда қизлари бирлан бирга яшашни мўлжалладилар-ов!

– Шундайму? – мамнун энтиқди Абусаид мирзо. – Бул фикр янаем яхши. Чунки бизнинг маликаи олия бирлан кичик маликанинг бир саройда яшashi бўри бирлан охунинг тириклигига менгзайдур. Лек маҳди улё момомизнинг сукутларини қандай тушунмоқ керак, розилик аломати деб фаҳмласак бўладирму, амир, ёхуд... Сиз нима дейсиз?

– Менинг назаримда, алар рози эрмаслар! – шайхулисломнинг томоқ қиришига қарамасдан таъкид билан жавоб берди амир Шерҳожи.

– Рози бўлмасалар, бирорта ҳовли топиб, секингина кўчириб кўйишими мумкин, – деди Абусаид мирзога унинг жавоби ёкмай.

Амир Шерҳожи энди ялт этиб, шайхулисломга қаради. Шайхулислом йўлда келатуриб, “Амир, маликамизнинг сукут қилганини айтмай қўя қолайлик, олампаноҳнинг жаҳллари чиқиб, бечоранинг кўч-кўронини йифишириб, кўчага ҳайдаб юбормасун яна. Қари маликамиз бундай муносабатни кўтара олмайдур”, деб огоҳлантирган эди.

– Аслинда, сукутни ризолик деб тушунса ҳам бўладур, олампаноҳ, – амирнинг жавобини тўғриламоққа ҳаракат килди Ҳўжа Тафтазани. – Зеро, абира ўзлариники, бунинг устига бирга яшаб туришибдур. Шул боис, кўчиритирилса, одамлар ўртасинда ҳар хил гап-сўзлар кўпайиб, кичик маликамиз бирлан орангиздаги муносабатларга ҳам зарар етмасмикин, ишқилиб...

– Бул гапингиз ҳам тўғри. Ҳар ишнинг икки тарафини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Йўқса, айтганингиз киби йўқ ердин муаммо чиқиши мумкин, – деди Абусаид мирзо шайхулисломнинг гапини маъқул топиб ва Малак Буға бегим билан бундан кейин бўладиган муносабатларидағи хавотирини ҳам қистириб ўтди. – Аёлларнинг феълини билурсиз, кундош деган гапни эшитишса, шайтонлаб қолишадур... Шул

боис, тўй куни аниқ бўлгунига қадар, борди-келдиларнинг хидини чиқармай турганимиз маъкул. Унгача ё ўзи босилиб қоладур ёхуд бирор йўли топиладур. Жуда қиличини қайраса, ортига жўнатурмиз!

* * *

Гавҳаршод бегимга марҳамати учун миннатдорлик билдиргани ва шу баҳонада шеърларини Алишербекка беришни ваъда қилган Руқия Султон бегимни ҳам кўргани келган Салима бону бехос тўй харакатлари устидан чиқиб қолди. Боғи Сафид саройининг ҳовли-ю, боғчаларида хизматкорлар тиним билмай ишлашар, икки хизматчи аёл тош қайроқли йўлакларни супурав, иккитаси ювар, биртагай йигитлар боғча ва гулзорлардаги буталар ва дараҳтларнинг бачки шохларини қирқмоқда, уларга Бегика бегим бош-қош эди. Салима бонуни кўриши билан қовоғи уюлганича, ўзини кўрмаганликка оладиган Бегика бегимнинг бугун чиройи очик, ҳатто, узоқдан бўлса ҳам юргилаб, унга пешвоз чиқди.

– Хуш қўрдик, Салима бону, қадамларига ҳасанот! – деди қучоқ очиб кўришаркан Бегика бегим кувончли оҳангда.

– Ҳорманг, ҳорманг, йўл-йўлакай маҳди улёмиздин бир хабар олай деб кирган эрдим... – деди Салима бону тортинибгина. У, “Рахмат айтгани”, деб оғиз жуфтланган жойида, “Балки, келини бехабардур”, деган хаёлда дарров гапини ўнглади. – Маросимнинг устидин чиқибмен, шекилли...

– Маросим эрмас, тўйнинг устидин чиқдингиз! – Салима бонунинг ингичка лаблари табассумли ёйилиб, янаем юпқа тортди. – Илоё, сизга ҳам хонзода келинлар насиб этсун! Яқинда Руқия Султон бегимингизнинг тўйи бўладур, шул боис, саройни тартибга келтираётган эрдик.

Руқия Султон номини эшитиб, Салима бонунинг юраги бир қалқиб тушди. Киприклиари пирпираб, гапга жуфтланган лаблари бир-бирига ёпишиб қолгандай овози чиқмади. Ўнг кўлидаги тугунчани чап қўлига оларкан базур:

– Муборак бўлсун, – деди овози титраб.

Унинг ҳолатини кузатаётган Бегика бегим Салима бону куёв кимлигини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганини, лекин журъати етмаганини сезиб:

– Олампаноҳимизнинг ўзлари харидор бўлдилар! Нима ҳам дердик... – деди кейин жавобидан ўзининг кўнгли тўлмади, шекилли, дарров гапини тўғрилади, – “Нима ҳам дердик” эрмас, Оллоҳга шукр, ой қизимизнинг баҳти бор эркан, олам подшоҳи олампаноҳимиз ўзларига тенг кўрдилар! Баҳтли-тахтли бўлишсун! Она-ларнинг биргина орзузи фарзандларининг баҳтини кўрмоқ, шундай эрмасму, Салима бону? Худо хоҳласа, сиз ҳам яхши жойлардан келин қилурсиз. Ўзим бош бўлиб, қиз танлашшамен! Иброҳим Султон мирзомга деб кўз остига олиб кўйган қизларим анчагина... Ҳаммаси катта охурнинг фарзандлари, бири бўлмаса бирини сизга илинамен!

Хизматкор йигитларга нимадир керак бўлиб, уларнинг сухбати бўлинди.

– Маҳди улё маликамиз хос хоналаридалар, бемалол кираберинг! – деди хизматкорга эргашаркан Бегика бегим Салима бонуга. – Сиз бирлан хайрлашмаймен, бир пасдин кейин мен ҳам кирамен, маслаҳатли гапларим бор!

Кайфияти бузилиб, руҳи тушган Салима бону тугунчасини бу қўлига алмаштирганича, хос хона томон юраркан кўзи беихтиёр, боғча тарафга бурилган қизга кўзи тушди. Уни Руқия Султон бегимга ўхшатди, юраги ҳаприқиб, синчиклаб, қаради. Ўша! Ўғлонининг оромини ўғирлаган қиз! Елкасини тўлдириган қоп-қора соchlари ҳарир рўмолининг остидан тақимини ўпид бораради. Салима бону бир хаёл уни чакиргиси, тўхтатгиси келди. Лекин онаси кўрса қиёмат қўпишини ўйлаб,

Шаҳодат ИСАХОНОВА

фикаридан қайтди. Алишербек уни бултур Ҳусайнбек Бойқаронинг тўйида кўриб, ёқтириб қолган эди. Феруза бегимнинг меҳмонларига қарашиб юрган тўй куни Салима бону ҳовлида ўғлининг имлаб чакираётганини илғаб, ташқарига чиқди.

– Волидам, чарчаб қолмадингизму? – деди куёвнавкарлар сафида келинникига бориш учун чиройли кийиниб олган Алишербек. Унинг эгнидаги либослари қоматига шунчалик ярашган эдики, билмаган одам куёв деб ўйларди. Ўғлининг ҳам кўркам ва келишган куёв бўлишини тасаввур этган Салима бону қувонганидан ичиди “туф-туф”лаб қўйди.

– Одам тўйда ҳам чарчар эрканму? – деди Салима бону ва ҳаваси келганини ўғлидан яшириб ўтирумади. – Куёвнавкарлик сизга жуда ярашибдур, Оллоҳ нисиб этса, янаги йил ўзингиз ҳам куёв бўладурсиз! Энди эътиrozларингизга қулоқ осмаймен!

– Топган келинингиз ёқмаса ҳамму?! – ҳазил аралаш кулди Алишербек.

– Энди ёқадиганини топамен! – деди Салима бону ўғлининг елкасига уриб.

– Шунакаму, унда ҳозиргина меҳмонхонага кирган оқ юзли, пушти кўйлак кийган қизнинг кимлигини билинг-чи, волидам... – деди Алишербек овозини пастлатиб ва юzlари қизариб кетди. – Бегика бегим бирлан бирга келишиб эрди...

– Бегика бегим бирлан қизлари Руқия Султон бегим келиб эрди... – деди Салима бону. Чунки Феруза бегимнинг қизлари билан иноқ Руқия Султон бегимни уларнида кўп бора кўрган ва у билан ҳамсуҳбат бўлган эди. Руқия Султон бегим ўзига ҳам ёқар, лекин хонзодалиги учун уни келин қилиш хақида ўйлаб кўрмаган эди. – Ул бегим жуда ақлли ва саводли хонзода. Бунинг устига яхшигина шеъру газаллар ҳам ёзадур. Менга ўқиб берган, жуда чиройли қораламалар.

– Шеърлар ёзадур, ростданму? Нечун менга сўйламадингиз? – Алишербекнинг кўзлари ёниб, волидасини четроққа тортди, – Унда... Бегим ҳақинда яхшироқ билинг-чи!

– Бугун тўй, сизлар ҳам ҳали замон келинникига жўнамоқларингиз керак. Яхшиси, уйда бафуржа гаплашурмиз, – деди Салима бону ўғлининг кўнглини хотиржам қилиб.

Ўша куни она-бала иккаласи алламаҳалгача гапашиб ўтиришди. Алишербек гарчи ўз оғзи билан Руқия Султон бегим “ёқди” демаган бўлса-да, волидасининг бегим ҳақидаги гапларини жон кулоги билан эшитар, гап бошқа ёққа бурилгудай бўлса, дарров яна у ҳақдаги мавзуга қайтарарди. Алишербек ҳеч қачон волидасига ишқ-муҳаббат ҳақидаги шеърларидан ўқиган эмасди. Ўша куни навкарликдан қайтаётиб, йўл-йўлакай ёзган газалини ўқиб берди.

Ўғлининг тенгдошлари ўн тўрт- ўн беш ёшлиаридаёқ фарзандли бўлишаётганини эшитган Салима бону ҳам икки йилдан бери унга қиз қидирар, энди топдим деганида эса Алишербек дарров ҳафсаласини пир киларди.

– Саводи бор эрканму? – дерди ҳар гал онасига Алишербек ва “йўқ” жавобини эшитиб, савол-жавобларни шу билан тўхтатарди.

– Савод чиқаришга ҳар кимнинг ҳам қурби етмайдур, болам, – деди охирги ма-ротаба совчиликдан қайтган Салима бону унинг хонасига киаркан, ўғлининг савол беришига ўрин қолдирмай. – Қиблагоҳи ўзимизга ўхшаган беклардин эркан. Волидасининг ҳам чехраси очиқкина, гап-сўзлари маъноли, қуда қилсан арзийдур.

– Қизини кўрдингизму? – янги fazal устида ишлайтгани учун волидасининг гапларига унчалик эътибор бермай, жавоб қайтарди Алишербек.

– Ёзувингизни бир пас қўйиб туринг, болам, бул ахир, турмуш масаласи... – совчиликдан мамнун ва бир дунё таассуротлар билан қайтган волидаси хафа бўлиб,

қошларини чимириди. – Бул турушда тогаларингизга тортмасангиз бўлди, ишқилиб, аларнинг ҳам топган гапи “саводлиму?” Саводлиси қилган ишни саводсизи бажара олмайдирму?

– Узр, волидам, бул гапларимни инжиқликка йўйманг, чунки масала бошқа ёқда. – Алишербек волидасининг аразлаганини кўриб, пат қаламини кўйганича, волидасининг ёнига келди ва елкасидан қучиб, мулозамат аралаш тушинтиришига ўтди. – Мисол учун сиз, саводлисиз ва сиз билган нарсани ҳар ким ҳам билмайдур, тўғриму? Мен сиздин олган билимларимни ҳатто, баъзи бир мударрислар ҳам беришолмайдур. Мен масаланинг шул томонини айтиётирмен, холос. Менинг фарзандларим билимли бўлишлари учун нафақат қиблагоҳлари, балки волидалари ҳам саводли бўлишлари керак. Чунки мен асосий билимни қиблагоҳимдин эрмас, сиздин олганмен...

Ўша куни ҳам куёвнавкарликдан ҳаяжон билан қайтган ўғлони билан сухбатлашаркан, юрагини севинч билан бирга ғалати изтироб эгаллаганини яшириб ўтирамади.

– Факат... Руқия Султон бегим хонзода бўлса... Бизни тенг кўришармикин... – ўғлининг кўнглига тегишини билса-да, ўз мулоҳазасини очик айтди Салима бону.

– Насиб... Волидам... – деди кулиб Алишербек, сўнг, жим қолди.

– Руқия Султон бегимнинг шеърлари яхши эрканму? – деди Салима бегим ўғлининг куёвнавкарликдан қайтишгач, Феруза бегимнинг қизлари-ю дугоналари ўтирган даврага кириб, мушоира қилишганини эшитиб. – Ҳусайн Бойқаро мирзонинг кичик опалари Оқо бегим ҳам инилар киби шеър ёзар эрканлар-а, биласизму?

– Биламен, ҳар иккисининг ҳам шеърлари ёмон эрмас. Лек, Руқия Султон бонунинг кораламалари анча кучли эркан... Хоҳласангиз ўқиб берамен. Алар менинг “Ўлтургуси” номли ғазалимга мухаммаслар ёзишиб эркан... – деди ҳаяжондан қизарип кетган Алишербек.

– Жон қулогим бирлан эшитамен! – суюниб кетди Салима бону. У ўғлонининг қизлар ёки шоира қизлар ҳақида ҳеч қачон бу қадар ҳаяжон билан гапирганини эшитмаган эди.

– Дедилар: “Сени, эй, масти жсон кўзи хумор ўлтургуси,
Ўлтурмагай душман, vale ҳажрида ёр ўлтургуси”,
Билмам, нечук бўлгай бул иш – бир ўйқни бор ўлтургуси,
Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,
Усрик чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.
Васли – ғамим, шулдир камим, тожимдур ишқ, мулким – адам,
Кас билади келганлигим, ер билмади, боссам қадам,
Дам урди кўз-қоши, агар васлини дерсам, дамбадам,
Гар заъф ила ожизлигим кўнглига рагме солса ҳам,
Бошимга етгач, секретиб, беихтиёр, ўлтургуси.
“Оҳ”лар билан отин деган онимга юз минг шукр эрур,
Кўзлаб кўзин кўздан равон қонимга юз минг шукр эрур,
Ёнгай ёногим, келса гар ёнимга, юз минг шукр эрур,
Васли аро гар ўлтурур жонимга, юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.
Билмас киши: кулса кўзи, қоши аниг не қасддаким,
Қасди аниг ҳар дил, гулу тош, қум, хазону хасдаким,
О, растаким жонлар аниг кўйида, ул орастаким.
Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,

Шаҳодат ИСАХОНОВА

*Ҳажер ўлса, гам куйдургуси, васл ўлса, ёр ўлтургуси.
Дил байтига, ҳар сатрига гулгул очибдур оразин,
Гул масть улибдур атрига, гулгул очибдур оразин,
Дебман: “Мұхаббат ахлига гулгул очибдур оразин,
Дерлар: “Навоий қатлига гулгул очибдур оразин,
Күргунча они, войким, бул хорхор ўлтургуси.*

...Мухаммасни эшитиб, Салима бону ҳам Рукия Султон бегимнинг истеъдодига ёқа ушлаган ва ўшандан бери худди уни эрта-индин келин қилиб туширадигандай, бегимга атаб сарполар, тақинчоқлар йиғиб қўйган эди. Икки сандик тўққизлигини Абусайд мирзонинг сарбозлари олиб кетишган кун, худди келинининг ўзини ўғирлаб кетишгандай дод солиб йиглади. “Демак, Ҳудо бекорига кўнглига солмаган эркан. Жигарларининг кўргилиги-ю, ҳамма нарсасидан мосуво бўлгани етмагандай, ўғлининг орзусига ҳам кўз тегди... Ғам бир келса қўша-қўша келади деганлари шулмикин? Ўғли бечора ҳали нима кўрган эрди, унинг ёшгина бошига шунча ғам ёғилаёттир?! Кўтара олармикин?” Шундай хаёллар билан ўйга ботган Салима бону кириб келганида, Гавҳаршод бегим тасбех ўтиради.

Гавҳаршод бегимнинг нигохи унинг маҳзун чехрасига тушиб, турмоққа чоғланди.

– Кўзгалманг, маҳди улё! – Салима бону шундай деганича, Гавҳаршод бегим билан кўришиб, елкасига бош қўйди.

– Хуш кўрдик, келинг, бону! – ёнидан жой кўрсатди Гавҳаршод бегим. – Тинчомонмусиз?

Салима бонунинг ўпкаси тўлиб келаётгани учун жавоб қайтаролмай, йиғлаб юборди.

– Оҳ, маликам, ўзингизнинг ғамингиз етмагандай, бизни ҳам ўйладингизму? – ҳиқиллаганича Гавҳаршод бегимнинг қаршиисига чўқди Салима бону. – Оллоҳ рози бўлсун сиздин! Кўчада қолиб эрдик...

– Фиёсиддин баходир не деётири? – ўйчан кўзларини Салима бонуга тикканича, уни чалғитмоққа уринди Гавҳаршод бегим.

– Бегим бизни ҳам Сабзаворга чорлаётирлар. – қўлидаги тугуни эсига тушган Салима бону уни очиб, ичидаги патирларни олиб, хонтахтага қўйди. – Пиёзли патир ёпиб эрдим, арзимаса ҳам сизга илиндим. Ифторлик қилурсиз.

– Кўлингиз дард кўрмасун! – уни алқади Гавҳаршод бегим – Не қарорга келдингиз?

– Кўч-кўронимизни йиғиб кетмоқдин бошқа иложимиз йўқ... – деди Салима бону андуҳ билан.

– Алишербек келмадиму, ҳозир қаерда?

– Ўғлонимиз ҳамон Машҳади шарифда, – яна кўзлари ёшланди Салима бонунинг. – Қандай замонларга қолдик, маликам! Дод айтарга доддоҳ йўқ-а! Бул мирзо Алишербекка ҳам кўз тикиб, хонумонимизни кўйдиришидин кўрқаётирмен... Жигарларимни зинданбанд этгани етмагандай, бегим бирлан ўғлонимни ҳам шубҳа остига олган эрмуш!

– Абдураззок Самарқандий, “Алишербекни Абусайд мирзо девонига чорлаёттири”, деган эрди-ку? – хайрон бўлди Гавҳаршод бегим.

– Менимча, бул тузоқ. Аслинда, Ҳусайн Бойқаро мирзо бирлан дўстликлари боис, ўғлонимдин ҳам шубҳа этаётирлар. – ўз гумонини тилга чикарди Салима бону. Сўнг, Рукия Султон бегимнинг тўйи эсига тушиб, секин гап очди. – Ўз ғамим бирлан бўлуб, куёв бирлан қутлаш ҳам ёдимдин кўтарилибдур, маҳди улё маликам, қўша қаришсун! Келин-кўёвнинг баҳтини берсун!

– Омин! Айтганинг келсун! – юзига фотиҳа тортди Гавҳаршод бегим. “Ғам инсоннинг эсини киравли-чиқарли қилиб қўядур”, дейишса ишонмаган эрдим, маҳди улё маликам, бошимга тушгач, билаётирмен. – Хижолат чекканича, давом этди Салима бону. – Гапимни нимадин бошлаб қаерда тугатаётганим ҳам эсимдин чиқаётир. Минг бора узр, маҳди улё маликам, ўзингиздин ҳол-аҳвол ҳам сўрамабмен.

– Бизнинг ҳолимиз не бўлур эрди, – маъюсгина бош иргади Гавҳаршод бегим. – Шоқолларга таланганд шерлар ҳолиндамиз...

Гавҳаршод бегимнинг гапи оҳангидан тўйдан ҳам норозилиги сезилиб турарди.

Салима бону, “Руқия Султон бегимни охирги маротиба кўрармикин”, деган хаёлда атрофга аланглаганича, турмоққа чоғланаётган вақти катта патнисда ширинлик-лар кўтариб канизак қиз Ойпопук кирди.

– Бегика бегим бериб юбордилар, – деди Ойпопук ва патнисни унинг олдига кўйди. – Тўйдин тўпикча эркан, сизни ҳам тўйга етказсун! Бир кўйлаклик матосини келинингизнинг сарпосига кўшар эркансиз. Олампаноҳнинг тўққизидин эрмуш...

Салима бонунинг юраги зирқираб, дуо қилганича, ўрнидан қўзгалди. Эшикка етганида Ойпопук унинг тугунига яна нимадир солди-да:

– Эҳтиёт бўлинг... Руқия Султон бегим бердилар... – деди сирли қилиб.

Салима бону то уйига етгунича, жонини ҳовучлаб келди. Айниқса, сарой дарбозаси ёнида уймалашиб турган навкарларнинг ёнидан ўтгунича қора терга тушди. Бир навкар ортидан юриб, “Тугунингизни кўрсам бўладирму?” деганида хушидан кетай деди. Лекин дарров ўзини тутиб олди. “Марҳамат, бул олампаноҳимизнинг тўққизларидин совфа эркан... Бегика бегим, “Тўйдин тўпикча”, деб бердилар деди, лекин ўзи тугунни янам махкамроқ бағрига босди. Навкарнинг ёнидаги шериги хушёрроқ экан, мўйлабини маъноли учирди-да, “Ўтказиб юбор”, деди.

Уйга кирганидан кейин ҳам худди орқасидан бирор кувлаб келаётгандай, эшикни кулфлаб, тамбалаб олди. Волидасининг афт-ангори-ю талвасали ҳолатини кўриб, ўғли Дарвешали ҳатто қўрқиб кетди.

– Сарбозлар яна келишаётирму, волидам? – деди унинг ҳам юрагига ваҳима тушиб.

– Йўқ, ўғлоним, тинчлик, қўрқманг... – Салима бону нафас ростлашга ҳам сабри чидамай, шоша-пиша тугунни очди.

– Вой, вўй бунча кўп ширинлик! – тугундаги ширинликларни кўриб, Дарвешали қувониб кетди. Тугунда машҳад ҳалвоси-ю, Шибирғон ширин кулчалари, Дамашқ қуробаси-ю Самарқанднинг соч ва лабзи ҳалволари, парвардаси ва пашмаги бор эди. – Соч ҳалвоси менга!

– Ҳаммаси сизга, болажоним! – Салима бону тугундаги рўмолга ўралган қоғоз ўрамини олиб, ёруғроқ жойга борди.

– Ростданму? – Дарвешали ширинликларни бирма-бир кўра бошлади. – Ўзингиз емайсизум?

Салима бону қўли билан “йўқ” ишорасини килиб, рўмолли ўрамни ечди. Ўрам ичидағи тўрт буқлоғлик қоғозга, “Салима бону устозимга”, деб ёзилган эди. У қоғозни авайлаб очди. “Ассалому алайкум, устоз! Яхшимисиз? Узр, сўрашгани чиқа олмадим, сизга кўринадирғон ахволда эрмасдим... Ушбу қораламаларимни Алишербек оғамга кўрсатмоқчи эрдим, келсалар бериб қўйишингизни рижи этамен. Сизга меҳр бирлан Руқия Султон бегим”.

Салима бегимнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. “Ё, Тангрим! Нечун ҳаёт бул қадар терс ўгрилмиш? Нечун толе заволга юз тутмиш?” У Руқия Султон бегимнинг шеърларини бағрига босганича, ўтириб қолди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Волидам, йиглаётирумусиз? – онасининг кўзларидаги ёшни кўриб югуриб келган Дарвешали унинг елкасидан қучди. – Тогаларимни осишибдирму?

– Астағифурллоҳ! Оғзингиздин ел учирсин, илоё! – кўзёшларини артганича, ўғлига ўгирилди Салима бону. – Бундай қабоҳатли сўзни қайта тақорорламанг! Ким айтди сизга бул гапни?

– Кўчадаги болалар! – Дарвешали мунгайганича бошини эгди.

– Алар бирлан ўйнаманг деган эрдим-ку, сизга! – ўғлини койиди Салима бону.

– Ўшал кундин бери ўйнамаётирмен! – гуноҳкорона йиғламсиради Дарвешали. – Лек аларнинг ўзлари ҳам мен бирлан ўйнамас эрмуш. Қамбар дўстимга, “Алар пошионинг душмани, аларнинг ҳаммасини осишадур, сен ҳам Дарвешали бирлан ўйнама”, деган эрмуш. Бизни ростдин ҳам осишадиму, волидам?

– Алар бекорларни айтишибдур! – деди Салима бону ва ҳар куни қўчага югурадиган ўғлининг уч кундан бери нега ўйнагани чиқмаётганига энди тушунди. – Сиз аларнинг гапларига ишонманг!

– Ишонмадим... – унинг думалоқ кўзлари хайронлиқдан янаям катталаши. – Лек пошионинг сарбозлар уйимизни олиб қўйишиди-ку?! Тогаларимни ҳам зин-донга солишиди...

– Худо хоҳласа тогаларингиз эрта-индин чиқиб қолишадур, – ўғлининг бошини силади Салима бону. – Бундин-да гўзал уйлар олурмиз...

– Алишер оғам бирлан келинига ҳам оламизму?

Салима бонунинг эсига яна Руқия Султон бегим тушиб, кўнгли бузилди, кипригига инган ёшни ўғлига қўрсатмаслик учун боши билан “ҳа” ишорасини қилди-да, ҳовлига чиқди...

* * *

Санжар мирзо қатл этилганини эшитган ота-бола-шаҳзодалар Алоуддавла мирзо билан Муҳаммад Султон Иброҳим мирzonинг хурраси учиб, Абусаид мирзонинг зафар нишонли лашкари домидан қочиб кутулмоқ умидида отлари бошини Сабзвор томон буришди. Амиру беклари ҳам лашкарларини эргаштирганларича, такомиший, яъни, таъкиб қилиб бормоқ тарзда кетларидан тушган Абусаид мирзонинг амирлари Али Форсий ва амир Сайид Асилларлар бошлиқ душман суворийларига осонгина луқма бўлмаслик илинжида қири ўр, тоғу сўқмоқ оралаб, ўлган-тирилганларига қарамасдан отларини қамчиласди. Душман суворийларининг қораси иккинчи кун сийраклашиб, пешинларда кўринмай қолди. Хавфдан кутулганига амин бўлган Алоуддавла мирзо Мазийонон мавзесига яқин каттагина булоқ ёқасида дам олишга изн берди. Бир ярим кунни от устида чопа-чопу таҳлика билан ўтказган навкарлар отларидан тушар-тушмас, ўзларини сувга уришди. Кейинги тўрт йилини қоронгу зинданда ўтказган ва бу қадар узун муҳлат от чоптириб қўрмаган шаҳзода Султон Иброҳимнинг бўлари бўлган эди. Очлик ва сувсизликдан тинкаси қўриб, лаблари тарс-тарс ёрилган шаҳзоданинг гапирмоққа ҳам мадори қолмаган, тўхташмаганида йўлдаёқ ағанаб тушарди. Ажриқлар устига тўшалган гиламчага ўзини ташлаганича, юзтубан ётиб олган Султон Иброҳим мирзонинг бутун бадани от устида силкинаверганидан уриб пўла қилинган каби қақшар, устигаустак, қалин тўшанчи солинганига қарамасдан эгар икки бутини шилиб юборган эди.

– Шаҳзодам... Қалайсиз... – яраси ачишиб, жони бўғзига келаётган шаҳзода Султон Иброҳим қиблагоҳининг овозини эшитиб, бошини шарт кўтарди.

– Кўриб турганингиз киби ер парчинмен! Нияtingизга етганингиздин хурсандмусиз? – унинг чарчоқдан косасига ботган кўзлари чақчайди. – Шуни истаган эрдингизму?

Қошу киприкларидан тортиб, соқол-мўйлабигача чанг босган Алоуддавла мирзо чолга ўхшаб қолганди. Ўша қунги жанжалдан кейин яқиндагина ярашган ўғлининг иддаоли гапларидан ҳайрон бўлиб, киприкларини пирпиратди. Хос навкарига табиби чакиришни буюрганича, ўғлининг ёнига чўқди.

– Табибнинг кераги йўқ, мен ўламен... Бул дунё сизга қоладур! – Султон Иброҳим мирзонинг эндингина майсалар бўйи ўсан соқолли энгаклари жаҳлдан титраб, қийшайди. – Сиз тахтни жуда хоҳлаган эрдингиз! Бир умр орзулаган эрдингиз! Энди орзунгизга етурсиз! Битта мен ортиқчалик қилдим сизга! Битта мени билу дунёга сифдирмадингиз! Сиз... Сиз...

Сараҳсдаги жангнинг муваффақиятсиз тугашидан тушкунликка тушган Султон Иброҳим мирzonинг зинданда ортирган асаб касали хуруж қилиб, руҳияти бузила бошлаган эди. Унинг қўллари чангак бўлганича, оғриқнинг азобидан думалар, ёнига келганин тепар, оғзига келганини қайтармасди.

– Э, э, билу шаҳзода деганимиз гирт жинни-ку! – деди унинг оғзидан чиқаётган сўзларни эшитган амир Қосим тархон, кўлидаги қамчисини ҳафсаласи пир бўлганича, қўнжига тиқаркан. – Шул сўтакка эргашиб юрибмизму ҳали? Қиблагоҳига айттаётган гапларини қаранг, илон пўст ташлайдур! Шўрлик Алоуддавла мирзо эрса миқ этмасдин эшитаётир. Анинг ўрнинда мен бўлганимда, ул мирzonинг оғзини йиртар эрдим!

– Раҳматли Симноний ҳазратларининг гапларига кириб, анинг қўшунига ўтган эрдик-да! – унинг гапини маъқуллади ёнидаги Нозим тархон. – Анинг феълини ким билибдур?! Алоуддавла мирзога ўхшаган деб ўйлабмиз. Бундин кўра Шоҳ Махмуд мирзо бъальмироқ ва қўли очикроқ эрди.

– Шўрлик Симнонийнинг ўзлари эрса, шаҳид кетди, бечора... Вақт боринда биз ҳам этакни ёпмогимиз керакмикин?... – гап ташлади чап энгагини қилич ялаб ўтган Ҳаким қўнғирот. У ярасининг ўрнида соқол ўсмаганлиги учун ўнг энгагини ҳам қиртишлаб юради.

– Яъни... – Ҳаким қўнғиротнинг гапи қай маънода айтилганига ақли етган бўлса ҳам унга саволомуз тикилди Қосим тархон.

– Шул дейман... – унинг важоҳатини кўриб, нафаси ичга тушиб кетган Ҳаким қўнғирот гапни айлантириди. – Бекорига ўлиб кета бермасдин ақлни ишлатмоғимиз керакмикин дейман-да!

– Хўп, ақлни ишлатдик, кейин-чи? – ижикилади Қосим тархон.

– Тақдирга тан бериб, Абусаид мирzonинг... – у чайналиб, гапининг давомини айтмади, тиртигини силаганича, бошқа ёққа бурди. – Бизга така бўлсун сут берсун, шундай эрмасму?

– Қани, қиличимни суғурмасимдин туёғингни шиқиллат-чи, тиртиқ! – деди кўзлари ола-кула бўлган Қосим тархон. – Ажалингдин бурун ўлдириб қўймай!

– Мен ҳам гапингизнинг келувига қараб, сизни бир синаб кўрдим-да, тархон! – деди ўзини оқламоқчи бўлиб Ҳаким қўнғирот. – Менинг кимлигимни ҳеч ким билмаса ҳам сиз биласиз-ку?!

Жаҳли чиққан Қосим тархон индамай ўрнидан туриб кетди.

Табиб шаҳзода Султон Иброҳимнинг шилинган бутларини кўриб, аробага олмоқни тавсия қилди.

– Мен сизни бошқа кўришни истамаймен! – аробага чиқатуриб ҳам отасига бақирди Султон Иброҳим мирзо. – Кўргали келманг! Менинг қиблагоҳим ҳам во-лидам ҳам йўқ! Ё, Оллоҳ, ким киму волидам ҳам мендин тонди-я?! Аларга ҳам ўғлон эрмас, тахти, саройлари бор хукмдор керак! Йўқса, менинг жон жигаримни, ёлғизгина синглимни, Руқия Султон бегимдай гўзал малакни, ўзидин қанча ёш катта, бунинг устига, менга, “Қизимни берамен”, деб алдаган, доғда қолдирган

Шаҳодат ИСАХОНОВА

душманимга, ўшал жаллодга раво кўурр эрдиму? Шундай, мен ота-онасиз ердин чиққан қўзиқоринмен! Эсинги заму, “Сендай фарзандим йўқ”, деган эрдингиз. Чунки сизга ҳам фарзанд эрмас, тахт керак! Шул боис, мени йўққа чиқардингиз... Тўғри, бундай омадсиз ва баҳтсиз банда ҳатто Худога ҳам керак эрмас!

Алоуддавла мирзо узоқлашиб бораётган аробага термилганича, тилига келган сўзларни ичига ютиб, жим қолди. Ҳаёт, одамлар, ҳатто пушти камаридан бўлган фарзанд ҳам бунчалик шафқатсиз бўлишини тасавурига сифдиролмай, беихтиёр, кўзларига ёш қалқди. Шунча йилларини азобда, сарсон-саргардонликда ўтказган шаҳзода киндик қони тўкилган тупроққа умид билан қайтганди. Таниш-билишларнинг уйида чақирилмаган меҳмон каби яшаганини, укаси Абулқосим Бобур мираннинг қаҳридан қўрқан қариндошлари арзимас нарсаларини баҳона қилиб, кўчага ҳайдаганларини, баъзан оч-наҳор қолиб, дарвешу қаландарларга ошно бўлганини ҳамма-ҳаммасини унумоқчи, фарзандлари, оиласи бағрида баҳтли яшамоқчи эди. Лекин умидлари сароб бўлиб чиқди. Ёлғизгина ўғлони ҳам тахт баҳонасида у билан алоқани узил-кесил узди. Хотинларидан фақат Бегика бегимгина ўғлони ва қизи борлиги учунми ёки ёши катталигини ҳисобга олибми, кетмаган, қолган хотинларининг ҳаммаси, “Эр-хотин бирга яшамаса, олти ойдан сўнг талоқ тушади”, деган гапни қулоқларига сирға қилиб илишганича, хайр-маъзурни насия этишган эди. Шаҳзода шуларни ўйларкан, чоҳга тушиб қолган одамдай сезмоқда эди ўзини. Ҳозир қўл узатса, чоҳдан тортадиган қўл, овоз берса эшитадиган қулоқ йўқ эди. Унга “Хайбаракалла” қилиб, ортидан юришган амиру бекларнинг эса хаёли чўнтағига тушадиган ақчада, сармояси тугаса улар ҳам қуённинг расмини чизиб кетишлари аниқ эди. Уни тушунадиган, уни қўллайдиган биргина Гавҳаршод бегим эса узокда, бунинг устига таъқибда, маликага борадиган йўлларнинг ҳаммасига банд солинган эди. Бошига қора кун келгандан бери у ҳамиша Гавҳаршод бегимни эслар ва маликанинг ўйтлари, насиҳатлари ёдига тушиб, йўл қўйган хатоларини надомат билан тан оларди. Ҳа, давлат, мансаб, бойлик инсоннинг оёғини ердан узиб, ўзини осмонларда ҳаволатишини у билмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Англаган пайти эса жуда кеч бўлди, энди бошини уриб ёрса ҳам ўнглана ол-маслигини тушунди. Малика бибисининг айтганларига қулоқ осмасдан саркашлик қилгани унинг хатоси эди. Йўқса, хоқони саиддай ақлли, доно ҳукмдор ҳам оила икир-чикиридин тортиб, салтанат юмушларига оид масалаларда ҳам Гавҳаршод бегим билан маслаҳатлашар ва аксарият ҳолларда маҳди улённинг фикри ўнг чиқарди. Шоҳрух мирзо вафотидан кейин тахтга ўтирган шаҳзода Алоуддавла мираннинг биринчи ва катта хатоси Улуғбек мирзо билан низолашуви бўлган эди. Йўқса, ўшанда Гавҳаршод бегим уни бир эмас, бир неча маротаба бу низодан қайтаришига уринган, ҳатто ўйламай қилинаётган бу ишнинг ниҳояси қандай тугашигача, башорат қилган эди.

Улуғбек мирзо ўғли шаҳзода Абдулатиф мираннинг шаҳзода Алоуддавла мирзо томонидан хибс қилинганини эшитгач, унинг хузурига мавлоно Низомуддин Мирак Махмуд Садрни юборди. Низомуддин Миракнинг қўлида Улуғбек мираннинг Гавҳаршод бегимга ёзган мактуби ҳам бор эди. Мактубда Улуғбек мирзо ўғли Абдулатиф мираннинг бу ишидан ҳайратга тушганини ва ғазабланганини ёзиб, фарзанди учун волидасидан узр сўраган ва шаҳзодалар ўртасидаги муносабатларга ҳакамлик қилишини сўраган эди.

– Ҳукмдорлар учун энг яхши имконият сулҳидир! Сулҳ вақтинчалик бўлса-да, душманни дўст мақоминда ушлайдур, – деди Гавҳаршод бегим ўша куни Низомуддин Мирак билан сухбатдан сўнг, Алоуддавла мирзога.

Малика бибисининг юзларига тикилиб қолган Алоуддавла мираннинг нигоҳларидаги ифодадан Шоҳрух мирзо тахтига ўтирган мирзо аллақачон ўзини

эркин сеза бошлаганини зийрак Гавҳаршод бегим англаган эди. Бўйдор, чехраси Бойсунгир мизога тортган Алоуддавла мирзо оппоқ қўйлак устидан инжули безак берилган яшил баркут қабо кийиб олган, белидаги олмос тошли камари Шоҳрух мирзоники эди. Алоуддавла мирзо гарчи хоқони сайд номини ҳар жума намозида хутбага қўшиб ўқитса-да, Гавҳаршод бегим билан маслаҳатлашни анча камайтирган, машварату қабуллар баҳонасида йўқламас, маликанинг ўзи бирор-бир юмуш борасида чорлатса ҳам келмасди. Ҳозир ҳам Улуғбек мирзонинг хатини маликанинг ўз қўлига топширмоқни истаган Низомуддин Миракнинг сўзини икки қилолмагани боис, бибисини саройга чорлатган, лекин кўнглида, “Малика бибим менга эрмас, ўғли Улуғбек мирзога ён босаётир”, деган фикр чарх урганича, унинг сўzlарини лоқайдлик билан тангларди.

– Менинг маслаҳатимга кирсангиз, Улуғбек мирзонинг таклифини қабул этиб, салтанатингиз чегараларини белгилаб олинг ва Абдулатиф мирзони хибсдин озод этинг! – деди Гавҳаршод бегим қўлларини орқага чалиштирганича, маликани зимдан кузатаётган Алоуддавла мирзога.

– Маҳди улё бибим... – Алоуддавла мирзо малика бибисининг сўzlаридан ҳайратланганини, ҳатто газаби қўзиганини яшириб ўтирамди. Кўзлари олайиб, овози товланди. – Сизни... Кимсан маҳди улё маликани, ўз бибисини хибс этган ул номардни озод этмоғимни сўраётимусиз?

– “Отангни ўлдирганга онагни бер”, деб бежиз айтишмаган, шаҳзодам. Ҳукмдорликнинг таомили ҳам шундай, баъзан вазият тақозоси бирлан кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олмоғингиз зарур бўладур. – босиқлик билан тушунтириди Гавҳаршод бегим. – Ҳаёт ҳам ҳандаса каби ўлчовни яхши кўрадур. Ўлчовдан адашсангиз бой берурсиз.

– Лек анинг феълини билурсиз, маҳди улё... – рад оҳангода жавоб берди бибисининг сўzlари ёқмаган Алоуддавла мирзо. – Бугун ани ҳибсдин озод этиб, Балх ҳокимлигини берсак, эртага кўнгли бошқа нарсани тусаб қоладур!

– Эртанинг масаласини эрта ҳал қиласурд... – деди сўзида катъий туриб Гавҳаршод бегим. – Эртага Худо пошшодур деб бежиз айтишмаган! Сиз бугунингизни мустаҳкамлаб олинг. Инингиз Бобур мирзо Жомдаги соқчи қўшинларингизни тарқатиб юборган эрмуш, деб эшитдим, демак, анинг ҳам бир дарди бор...

– Ҳирот тахтидин бошқа не дарди бўлур эрди анинг, ҳаммасининг дарди шул! – эгаси қотди Алоуддавла мирзонинг. – Хоқони сайд бобомиз ҳам соҳибқирон киби ишни халта-хуржун қилиб ташлаб кетдилар! Мени тахтга қоим қилсалар шул ғалвалар йўқ эрди. Азроил ёқасидин олганда ҳам тахтни ўйлаган бўлсалар керак?!

– Ўлганларни маломат қилманг, ўтган ишга салавот! – оғринди Гавҳаршод бегим.

– Лекин қолганлар жойинда қоришиш... – афсус чекиб, иддао қилди Алоуддавла мирзо.

– Шул боис, сиз етти ўлчаб бир кесинг... – Гавҳаршод бегим шундай деганича, қўлидаги рўмолчани очиб, ичидан ниманидир олди-да, Алоуддавла мирзога узатди.

– Энди бул муҳрнинг менга кераги йўқ, – овози титраб кетди Гавҳаршод бегимнинг. – Энди Хурросон мамлакатининг эгаси сизсиз, шаҳзодам. Мен сизни ҳамиша бул тахтга лойик кўрганмен ва муносиб бўлуб қолинг...

Алоуддавла мирзо чарм филофни дарров таниди. Бу Шоҳрух мирзо томонидан Гавҳаршод бегимга берилган муҳрнинг филофи эди. Муҳр тўқ яшил моҳитоб тошидан (нефрит) бодомча шаклида ишланган бўлиб, арабча сулс ёзуви услубида, “Гавҳаршод бегим Фиёсиддин Тархон қизи”, деган сўз ўйиб нақшланган эди. Алоуддавла мирзо муҳрни биринчи бор ўсмирлик чоғи укаси Султон Муҳаммад ми-

Шаҳодат ИСАХОНОВА

зонинг кўлида кўрган эди. Ўшандада Султон Муҳаммад мирзо филоф ва муҳр билан биргаликда бир варак қоғозни кўтартганича, йиғлаб Гавҳаршод бегимнинг ҳузурига келганди.

– Малика бибим, мени ўлдиришмоқчи... – деди ҳиқиллаб Султон Муҳаммад мирзо кўлидаги қоғозни силкитиб. – Мана, олий фармонга сизнинг муҳрингиз қўйилган!

– Астағфируллоҳ! – кўркиб кетган Гавҳаршод бегим жон ҳолатда Султон Муҳаммаднинг кўлидаги муҳр ва қоғозга узанди. – Каердин ва кимдин олдингиз ани?

– Инимиз Абулқосим Бобур мирзодин... – кўзёшларини артди Султон Муҳаммад мирзо.

– Абулқосим Бобур мирзо қаердин олибдур? – қовоқларини уйганича, муҳрни филофига солди ва қоғодаги сўзларни ўқишга тутунди малика.

– Биз Абулқосим Бобур бирлан қиличбозлик машқини бажараётган эрдик. Қиличим бехосдин анинг қиличини учирив юборди. Ул эрса, “Бул ҳалол эрмас”, деб мени тепди. Мен ҳам қараб ўтирамдим, жавоб қайтардим. Шундин сўнг, ул сизнинг хос хонангизга кириб кетмиш-да, муҳрингиз бирлан кўлингиздаги мана шул фармони олийни олиб чиқмиш. “Энди сени жаллод олиб кетадур”, деди мени сенсираб. Шул гап ростму, малика бибим? Жаллод мени энди ўлдирадирму? Ахир менинг гуноҳим йўқ-ку, тепиши ӯзи бошлади-ку?!

– Кани, фармони олийни менга ҳам беринг-чи, малика бибим! – деди укасининг дийдиёсини эшишиб, фармонни ўқигиси келиб қолган Алоуддавла мирзо ҳам қоғозга узаниб.

– Сиз ҳақингизда ҳам ёзилган, оға! – энди Алоуддавла мирзога ўгирилди Муҳаммад Султон мирзо. – Инимиз сизни ҳам ёмон кўрадур, менинг ўзимга айтган. Ана, фармонда ҳам, “Алоуддавланинг кўзларига мил тортилсун”, дейилган, ўқиб кўрингда! Сиз ани отдин йиқитган эркансиз!

– Отдин мен йиқитган эрмасмен! – жаҳли чиқиб кетди Алоуддавла мирzonинг, – Анинг оти менинг отимдин хуркиб, орқасига қайрилган, устози ҳам кўриб турган эрди!

– Билмадим, лекин фармонда кўзингизга мил тортиш ҳақинда амр этилган, ишонмасангиз, ана ўзингиз ўқиб кўринг, тўғриму малика бибим?!

Лекин Гавҳаршод бегим Муҳаммад Султонинг гапига индамади ва қоғозни ҳам Алоуддавла мирзога бермади.

– Оға-инилар бир-бирларини ёмонламасликлари керак... – деди Гавҳаршод бегим уларнинг меҳрсизлигидан кўнгли чўкиб.

– Лек ул мирzonинг ӯзи ҳар доим Абдулатиф мирзо бирлан Алоуддавла оғамни ёмонлайдур! Ўзимга ҳам неча маротаба айтган. Чақмачақарлик ёмон одат деганингиз учун сизга сўйламаган эрдим. Тахтларни ҳам ҳалитдан бўлишиб олишган. Самарқанд таҳтига Абдулатиф мирзо, Ҳирот таҳтига Абулқосим мирзо ўлтиришар эрмуш. Қолган шаҳзодаларни эрса... – Муҳаммад Султон мирзо қўлини бўғизга кўйиб, қиличдай сермади. – Асфаласофилин дейишмиш...

– Астағфируллоҳ... Кимда-ким ӯз оға-инисига душманлик қилса, аларнинг қаршиисига Оллоҳ чиқишини билсун! Кимда-ким оға-инисидин қизғанса, Оллоҳ андин қизғанишини ҳам англасун! – деди Муҳаммад Султоннинг гапларидан юраги зирқираб кетган Гавҳаршод бегим. – Бул туришда сизни душманлар эрмас, ўз-ӯзингиз еб битиурсиз... Лек бул сўзларимни ҳозир эрмас, кеч бўлгач, англаб етурсиз...

Чиндан ҳам ҳаммаси Гавҳаршод бегим айтганидай бўлмоқда эди. Абулқосим Бобур мирзо ӯшандада ӯзи битган фармони олийда қайд этгани каби оғаси Муҳаммад

Султон мирзони қатл эттириб, катта оғаси Алоуддавла мирзонинг кўзига мил тортириди. Лекин ўзи ҳам кўп яшамади. “Демақ, алар бир-бирларига эрмас, Оллоҳга душман чиқишиган эркан-да...” хаёлидан ўтди Алоуддавла мирzonинг. Энг ёмони, малика бибиси ўз муҳрини унинг кўлига берган ўша кун ҳам маликанинг дилини оғритган эди.

– Мехнатларингиз зое кетмаган эрканму, маҳди улё? – деди Алоуддавла мирзо қўлидаги муҳрнинг орқа-олдини синчковлик билан кўраркан, шаъма билан.

Гавҳаршод бегим унинг шаъмасини ва нимага ишора этаётганини дарров фаҳмлади. Ўшанда мамлакатда ичкилик ичиш, айниқса, сарой аҳли орасида расмга айланиб бораётган пайт эди. Воизлар раҳбари мавлоно Абдулжалил ал-Қоиний билан мухтасиблар ифтихори Сайид Муртазо Саҳҳофлар арзидан сўнг, Шоҳруҳ мирзо бу ишга олий фармон бериб, чек кўйган бўлса-да, шаҳзодалару шотирлари шаробхўрликни ҳамон яширинча давом эттиришмоқда, уларнинг хурмача киликларини ошкор этишга ҳеч кимнинг журъати етмас эди. Айниқса, Бойсунғур мирzonинг ўлимидан кейин тили куйган Гавҳаршод бегим бу иллатга қарши ўзи жонбозлик кўрсатмоққа бел боғлаган эди. Махфийлари орқали Жўкий мирзо билан Алоуддавла мирзоларнинг ҳам шаробга ружу кўйганини эшитгач, бутунлай оромидан айрилди. Мамлакатнинг номдор ва шариф уламолари томонидан расмий шикоят хати тайёрлатиб, уни Шоҳруҳ мирзо ҳукмига ҳавола эттириди ва хоқони сайдни шаҳзодаларнинг Сепалақдаги яширинча шаробхонасига бормоққа ундаdi.

Гўзал табиати, боғу роглари, унумли ерлари-ю, Хизр суви оқувчи анҳорлари билан машхур Сепалак мавзесининг таровати олдида Эрам боғи уялиб қолар, турли туман райхону чечаклари бўйидан мушк-анбар иси гўё ҳидсиздай туюларди. Юзлаб таноб ерлар узумзорларга айлантирилган, шаробу май тайёрланадиган ўнлаб узум навларининг занги осилган ишкомларда солланиб турган олтинранг шода бошлар кўзни қамаштиради. Богнинг ўртасида қурилган сарой сифат иморат кичик бўлса ҳам Ҳиротдаги саройлардан қолишмасди. Унинг ертўласи шаробхона учун маҳсус ихтисослаштирилган бўлиб, хумдонлар сақланадиган хоналар доимо салқин ва мўътадил ҳароратда туриши учун деворлари ҳарсанѓтошлардан баланд килиб кўтарилган эди. Етилган мевалар эзib суви олингач, шарбатлари тандирдай-тандирдай улкан хумларга солинар ва тайёр бўлиш муддатлари қайд этиб қўйилар эди.

Хали саройга кирмаслариданоқ димоқларига яқиндагина очилган шаробнинг бироз ачғимтил, лекин хушбўй ҳиди урилиб, хаёлларни сергак тортириди. Орқароқда келаётган қўриқчи навқралар бир-бирларига маъноли қараганларича, кўзларини сармаст одамларниkidай сузишиб, ҳаводан ютоқиб ҳидлашиди.

– Оҳ, оҳ, бўйингдан аканг! – деди новча қўриқчи сўлагини қултиллатиб ютаркан, шеригига шивирлаб. – Ҳаммаси увол бўладур-а, энди?

– Увол эрмас, савоб бўладур! – унга эътиroz билдириди шериги, қорача йигит.

– Узум навдаларини чопиб ташлашни айтиётирмен! – дарров хушёр тортганича, гапни бурди новча қўриқчи ҳамон шароб ҳиди уфуриб турган ҳавога узун, беўхшов бурнини тутаркан.

– Маҳди улё тўғри қилаётir! – деди қорача йигит. – Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Шаҳзодалар эрса, суиистеъмол қилишаётir. Бул ахволда не бўлишини билансуму? Бойсунғур мирзодай...

– Билганимдин не фойда? – деди новча қўриқчи, лекин ичида, “Менга деса, ўлиб кетмайдирму, битта шаҳзода камайса камайибдурда, ёмон қовуннинг уруғи кўп бўлганидай, буларнинг ҳам уруғи сероб-ку, хўқ урмайдур...”, деди сўкиниб. – Хоқони сайддай ҳукмдорнинг гапи-ю олий фармонига амал қилмаган шаҳзодаларингиз менинг гапимга қулоқ осар эрдиму? Оллоҳ аларга ҳам калла бер-

Шаҳодат ИСАХОНОВА

ган, қовоқ эрмас, қуруғига күтариб юрмай, ишлатсун! Лекин алар бошқаларнинг калласидин фойдаланишига ўрганиб қолишиган!

Уларнинг келиши хақида шовур эшитмаган шаҳзодалар додга қолишиди. Узокдан қорасини туйган қоровулнинг “хай-хўй”ини эшитган боғбону дехқон, ишчи-ю хизматчи вақт борида орқа эшикдан куённинг суратини чизганича, қочиб улгуришиди. Кайфи ошиб, ухлаб қолган Жукий мирзо билан Алоуддавла мирзони уйғотиб бўлмади. Шотирлари қочишларини ҳам, қолишлиарини ҳам билмай, ноилож, тақдирга тан берганларича, дарбозадан кираётган Шоҳруҳ мирзони кутиб олиш учун сарой ҳовлисига чиқишиди.

– Шаҳзодаларингизнинг шул дамдаги турқи-тароватини кўрсам, жазом қандай бўлишини билурсиз! – деди ғазаби қўзиган Шоҳруҳ мирзо Гавҳаршод бегимга на-доматли овозда. – Алар бирлан сиз гаплашинг, мен кўриқчи навкарлар бирлан хумдаги шаробларни йўқ қиласен! Узумзорларни эрса, Алибек тархоннинг йигитлари бузиб ташлашадур!

Ертўладаги хоналарнинг ҳар бирида ўндан ошиқ сополдан ясалган баҳайбат хумлар бор эди. Шоҳруҳ мирзо диндор бўлганлиги учун эмас, балки, болалигидан майу шароб ичганларни хушламас, ўзи эса мутлақо оғзига олмас эди. Шундай ҳукмдорнинг салтанатида шаробхўрлик шу қадар томир ёйганига ҳозир ўзи ҳам ёқа ушламоқда эди.

– Алибек тархон! – деди ҳоқони сайд навкарлар бошлигини ёнига чорлаб, ғазабдан унинг юзларига қон урилиб, қизарди. – Шаҳзодалару шотирларини қўл-оёқларини боғлаб, Ихтиёриддин қальясиндаги зиндонга ташланг! Олий фармонда кўрсатилган мухлат бўйинча, барча жазо турларини қўллашни амр этамен! Кимдаким аларга маҳбуслар эрмас, шаҳзодалар сифатинда қараса, ўзи ҳам жазога тортилишини эслатиб кўйунг!

Навкарлар хумларни синдиришни осон билишиб, дастлаб уни болталарда уриб кўришиди. Болталар зарби унчалик кор қилмагач, чўқморларни ишга солишиди. Хумлар ниҳоятда пишиқ эди.

Ертўланинг ичи майу шаробнинг бўйига тўлди. Хумларга ишлатилган сополлар шунчалик қалин ва пишиқ эдики, чўқмор теккан жойи учгани билан парчалашиб кетмас, уни қаричма-қарич синдиришга тўғри келарди. Шаробнинг хидидан ҳоқони сайднинг қўнгли айниди, шекилли, бурнини бекитганича, ташқарига чиқиб кетди. Ҳоқони сайднинг йўқлиги майхўр навкарлар учун айни муддао бўлди, новча кўриқчи ҳам йўлда гапига эътироz билдирган шеригининг қўзини шамғалат қилиб, синдириш баҳонасида шаробдан яхшигина татиб олди.

– Шаҳзодалар ҳам анойи эрмас, нимани еб, нимани ичишни биладур! – деди бу сафар ўзига ўхшаб, бир чеккада, ярим синган хумдаги қип-қизил шаробни ҳидлаб кўраётган норғил навкарнинг ёнига бориб, секингина. – Май жониворни ҳидлаб ўлтирадиму, энгashiб, симир-да кўй!

Норғил навкар новча кўриқчининг овозини эшитиб, чўчиб тушди. Ертўла нимкоронгулиги учун унинг келганини сезмай қолганди.

– Бир хўплам тотаманму йўқму жўра, бир ой қалтакнинг остинда ўлмай! – деди норғил навкар ҳам паст овозда, новча кўриқчини “қулоқ” масмикин деган ўй хаёлидан ўтиб. – Ҳидидин яхшига ўхшаётир...

– Қани татиб кўрайлик-чи, бунисининг таъми қандай эркан? – новча кўриқчи шундай деганича, лаппардай қўлларини хумга ботирди-да, ҳовучини тўлдириб сипқорди. – Оҳ, оҳ, шундай нарса нобуд бўлди-я?!

Кўнгли хотиржам тортган норғил навкар ҳам ҳовучини хумга тиқди...

Волидасининг овозини эшитган Жўкий мирзо олдин “Туш кўраётирмен, шекилли”, деб ўйлаб, кўзларини эринибгина, хиёл очди. Тепасида турган волидаси-

ни кўргач, гап нимадалигига ақли етиб, худди ёш боладай жон ҳолатда кўзларини шарт юмиб олди-да, шу бўйи ўзини мастиликка солганича, қайта очмади.

Алоуддавла мирзо сал хушёрроқ экан. Маликанинг овозини эшитиши билан ётган жойидан ирғиб турди.

– Келинг, маҳди улё маликам, тинчликму? – деди ҳалиям кайфи тарқамаган шаҳзода тилига келган гапни қайтармай.

– Бизда тинчлик... – деди киноя билан Гавҳаршод бегим. – Лекин сизда ахвол чатоққа ўхшайдур-ку, шаҳзодам?! Бул не ахвол? Ўзингизни ойнага солиб, туриштурмушингизга бир қарасангиз бўлур эрди! Эсиз, энди ўзингиздин кўруурсиз! Олий фармонни бузиш неларга олиб келишини оддий фуқаро билмаса ҳам сизнинг ақлингиз етиши керак эрди?

– Биз... Жўкий мирзо амакимиз бирлан... Амакимиз кеча бизникига меҳмонга келган эрдилар. Биз алар бирлан бирга овга кетаётиб... – “Олий фармон” сўзини эшитиб, хурраси учганича, беихтиёр, бошини ушлаган шаҳзода бошяланглигини энди пайқади, шоша-пиша ёстиги ёнидачувалашиб ётган салласини олганича, маликанинг шаъмасини англамагандай, гапни айлантиришга тушди. – Қарасак... Жуда чиройли манзара, узундан-узоқ узумзор боғлар, гулларга кўзингиз тушдиму, маликам, баъзиларини ҳатто биринчи бор кўришим. Хуллас, жаннатдин фарқи йўқ эркан, сизга ҳам ёқдиму?

– Гуллар манзараси менга ҳам ёқди, лек бошқа манзаралар бобонгизга ёқармикин? – деди Гавҳаршод бегим узумзор ва шаробхонага шаъма қилиб.

– Хоқони сайд ҳам келдиларму? – деди кўзлари хонасидан отилиб чиққудай бўлиб кўркиб кетган Алоуддавла мирзо кўйлаги устидан қабосини кияркан.

– Бир дунё навкарлар бирлан келганлар, хумлардаги шаробларни тўкишаётир... – деди Гавҳаршод бегим Алоуддавла мирзонинг юзидағи ифодани кузатганича, – Бул боғу шаробхонанинг эгаси ким эркан, билмадингизму?

– Шаробхона ҳам бор эрканму? – деди Алоуддавла мирzonинг камар тақаётган кўллари титраб.

– Шароб келтирганлар ертўлада шаробхона борлигини сизларга билдиришмадиму? – кинояли кулди Гавҳаршод бегим.

– Биз бир пас дам олиб кетмоқчи эрдик, холос... Шул боис, сўрамабмиз ҳам... – ҳамон ўзини оқлашга уринарди шаҳзода.

– Эсиз, берган тарбиям... Эсиз, ишончим... – бош чайқади Гавҳаршод бегим. – Меҳнатларим зое кетмаса эрди кошки...

Алоуддавла мирзо ҳозир ўша воқеани эсларкан, малика бибиси муҳрини унга берган кун ва унинг Гавҳаршод бегимга иддао билан айтган гаплари ҳам ёдига тушиб, уятдан ерга киргудай бўлди. Лаблари беихтиёр, “Энди бул гуноҳларимни ювмоққа Оллоҳ фурсат берармикин... Ёхуд малика бибиси башорат қилганлари киби аларнинг тарбияси, меҳнатлари, ишончи зое кетармикин...” дея маҳзун шивирлади...

* * *

Руқия Султон бегимнинг қон бўлиб йиғлагани-ю, дийдиёсига Гавҳаршод бегимдан бошқа ҳеч ким миқ эмади. Бегика бегим қизи ҳам ўзига ўхшаб тўққизига келган сарполарни кўриб, кувонганидан индамай қолади деб ўйлаган эди. Руқия Султон бегим сарполарга қараш у ёқда турсин, кўз ташлаб ҳам қўймади. Абусаид мирzonинг тўққизидаги нарсалар шу қадар хилма-хил ва антиқа эдики, хоқони сайднинг келини-ю бир вақтлар малика бўлган Бегика бегим ҳам бу нарсаларнинг ўндан бирини киймаган ва тақмаган, тақиши ўзига турсин ҳатто, кўрмаган ҳам эди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Биргина олмос кўзли тиллақош ва зебигардоннинг ўзидан ўн жуфтдан эди. Туркманларнинг олмос тошлар нақшланган билагузугининг ҳар бири ярим қаричча келлар, Бухоро ва Қашқарнинг дур қадалган балдоклари, хиндларнинг зумраду лаъл кўзли сирға-ю узуклари, боғдоду чиннинг жавоҳирли мунҷоқлари оловдай товланиб, кўзни камаштирарди. Бегика бегим икки сандиқча тўла бу жавоҳирларни мушук боласини асррагандай, ҳали ётоқхонасига, ҳали меҳмонхонага, ҳали хос хонасига бели узулгудай бўлиб кўттарганича, инқилаб-синқилаб ўтказар, лекин эртаси куниёқ қўйган жойи кўзига хавотирли кўриниб, уни бошқа жойга кўчирарди.

Руқия Султон бегимнинг ётоғи ёнидан ўтиб кетаётган маҳди улё унинг ноласига бардош беролмади.

– Ҳай, қаҳринг шунчалик қаттиқму? – деди атиргул буталарининг олдида куймаланаётган Бегика бегимга. – Бирор нарса деб овутсанг-чи?!

– Қиз меники! – деди шу заҳоти маликанинг оғзига уриб Бегика бегим. У куёв сарпонинг тугунига худди ўзлари юборгандай қилиб, атиргул солиб жўнатмоқ учун гул узаётган эди. Маликага қарайман деб атиргулнинг тиканлари қўлини тилиб кетди, жони бўғзига келган бегимнинг баттар жазаваси тутди. – Уни ўзим туққанмен, ўзим боққанмен... Ўзим биламен!

– Туқкану боққан она бўлавермайдур! – бу сафар зардали гапирди Гавҳаршод бегим. – Анга меҳр ҳам бермоқ керак!

– Э, э, ана, янгилик, мен ҳали меҳрсиз эрканманму? – қонаётган бармоғини беихтиёр, оғзига соганича шанғиллади Бегика бегим. – Унда ана, бориб сиз меҳр беринг, сиз овутинг, маликам, катта бувисиз-ку! Менинг берган меҳрим шул!

Уларнинг овозини эшишиб, югуриб чиққан Нури бека ошпаз дарров қайнона-келиннинг ўртасида пасанги бўлмоқка уринди.

– Қиз боланинг аҳволи шул, маликам, эрга теккунича йиғлайдур. Теккач, йиғлаганига пушаймон бўладур, – деди Нури бека Гавҳаршод бегимга ва ўзича Бегика бегимга қайишиб, унга меҳрибонлик кўрсатган бўлди. – Кўпам, ўзингизга олаберманг, бегим, кечагидай хушдин кетиб қолманг, яна! Тўйнинг ўзи бўлмайдур, соғ бўлиб туринг энди...

“Бечорани сўйсанг, ботмон мой қиласи” деганларида, мусичаи беозор, Гавҳаршод бегим ўн гапирганида бир марта, “ҳа” ёки “йўқ” деб қўядиган ва ошхонадан бери келмайдиган Нури беканинг кейинги кунларда тили чиқиб, қоқиниб қолганига малика ҳайрон бўлиб юрган эди. Совчиларнинг сулигарчиси, бунинг устига саройдаги “келди-кетди”дан тортиб, икир-чикирларгача “оқизмайтомизмай” амир Шерҳожига етказувчи “кулок” шу бека эканлигини эшишиб, ёқа ушлади. “Ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг, маҳди улё... – деди канизак қиз Ойпопук.– Ҳозир ошпазимиз Бегика бегимнинг думига айланган. Бўш қолди дегунча ёнига югурадур. Бегим ану куни қизлари Руқия Султон бегимнинг ёнинда хушидан кетгани ҳам ёлғон. Нури бека бирлан Бегика бегим табибни қўлга олишганини ўз қулоқларим бирлан эшиздим. Руқия Султон бегимни шу йўл бирлан қўритишиб, тўй бўлишга кўндиришмоқчи эркан. Яна бир гап, Нури беканинг амир Шерҳожи бирлан ҳам тили бирга ўхшайдур. Амир кеча унга чиройли, ичи ёрилгудай бўлиб қаппайган ҳамён узатганини кўрдим. Лек ичиндаги тангалари кумишу ёхуд олтинму билолмадим. Ким-киму шул Нури бекадан “кулок” чиқиши етти ухлаб тушимга кирмаган эркан, ё тавба?!” “Ўларму!.. деди ҳайрону лол қолган Гавҳаршод бегим ишонгиси келмай. Чунки неча йиллардан бери хонадонида сидқидилдан хизмат этиб келаётган Нури бека худди ўзининг синглисидај яқин бўлиб қолган эди. Нури беканинг камонкаш эри жангда вафот этгач, отасиз қолган қизи билан ўзини Гавҳаршод бегим қарамоғига олган ва уни ўз қизидай узатиб, уйли-жойли қилган эди. Малика шундай одамни ўзига хиёнат қилишига ишонгиси келмас, ақлига сиғдиролмасди.

– Сиз бемалол бориб, дам олаберинг, маҳди улё маликам, – деди Нури бека Гавҳаршод бегимга, Бегика бегимнинг афтини бужмайтирганича, “Ёнингдагини йўқот” дегандай ишорасини илғаб. – Мен ҳозир бориб, эрка бегимни ўзим овутамен! Сиз қиз боланинг йифисига ишона берманг, маҳди улё маликам, ҳаммаси шайтон йиги!

Гавҳаршод бегим индамади, бошини ҳайратомуз чайқаганича, Руқия Султон бегимнинг хонаси томон юрди. Нури бека елка қисганича, Бегика бегимга қаради.

– Айнитмайдиларму, ишқилиб? – деди хамирли овқат еяберганидан ўзининг ҳам танаси ошган хамирдай кўпчиган Нури бека Шерҳожи бераётган “кўл ҳақига” шинникиб қолганидан битиб турган иши бузилса бозори касод бўлишидан хавотирланиб.

– Айнитиб кўрсинглар-чи, нима қиласар эрканмен... – деди олампаноҳга қайнона бўлаётганидан бери оғзига эрк бера бошлаган Бегика бегим олти дона атиргулни белбоққа ўраб, гулзордан чиқаркан.

Гавҳаршод бегим келганида Руқия Султон бегимнинг эшиги берк эди. Канизак қиз малика бибиси келганини айтгач, у эшикни қия очди. Унинг кўзлари йифидан шишиб кетган, овози ҳам хаста каби хириллаб чиқарди. Эшик очилиши билан ичкарига урилган эпкин, хонтахта устидаги қофозларни ҳар томонга сочди.

– Халал бермадимму? – деди Гавҳаршод бегим қофозлардан бирини қўлига оларкан, Руқия Султон бегим ҳозир жон ҳолатда қофозга ёпишади деган хаёлда. – Шеър ёзаётган эрдингизму?

Руқия Султон бегим индамасдан бошини ирғади.

– Ўқисам бўладирму? – деди Гавҳаршод бегим унинг қархисига чўкаркан, кўнглидан “Алишербекка мактуб ёзаётирмикин” деган гумон ўтиб, қофоздаги ёзувларни кўз қири билан назардан ўтказганича, уларни мактуб эмаслигига ишонч хосил қилгач.

– Майли... – деди Руқия Султон бегим ва қолган қофозларни ўзи териб олди.

“Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақогинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин оёгинг яхши...”

Навоий

Бу рубоийни Гавҳаршод бегим ўшанда ўқиган эди. Рубоийдан кейин эса “Пайванд” сўзи ёзилган эди. Малика пайвандни Руқия Султон бегим ёздиму деган хаёлда, энди овоз чиқариб ўқий бошлади.

“Хоҳ ўзни-ю, хоҳ қиласа паришион бизни,
Хоҳ ўйнаса сочингда тарогинг яхши,
Ўйнашса кўзинг оқи қароги бирлан,
Парвонани ўйнатса чарогинг яхши.
Гул фасли висолинг дедирур “МашаОллоҳ”,
Булбул куйида дарду фирогинг яхши.
Куйдирдингу келсанг, кетишинг йиғлатгай.
Гоҳ-гоҳ яқининг яхши – йирогинг яхши.
Кезмоққа Навоий била, Диллашмоққа,
Ишқинг күйию, назмига богинг яхши...”

Дилором

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Гавҳаршод бегим “Дилором” сўзини ўқигач, “Демак, муаллиф бошқа эркан...” деган фикрга келди, лекин Дилором деган ижодкорнинг номи қулогига чалинганини эслолмади. Сўзлар эса уни шу қадар маҳлиё қилиб қўйган эдики, беихтиёр, яна қоғозга тикилди.

*“Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ,
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,
Бедил эканим бўйла аён айлади ишқ...”*

Навоий

*Рост эрди алифдек бўйи, ўқдек назари,
Дол руҳми, қаддимни камон айлади ишқ,
Маҳзуну забуну лолу зор, хору гариб,
Бир сўзила айтсам кўп ёмон айлади ишқ.
Мен – хас тани, куйида эзилдим ёрнинг,
Мен хастани машҳури жаҳон айлади ишқ,
Гул унди, Навоий қўлима сунди қалам,
Дил ишқини ё Дилни баён айлади ишқ...*

Дилором

– Дилором ким? – деди ҳар бир сатри вужудига титроқ солган Гавҳаршод бегим қоғоздан базўр бош кўтариб. Малика ҳозир бошқа бир дунёга тушиб қолгандай сезмоқда эди ўзини. Шеър унинг кўнглига кўчган, хаёлида Дилором эмас, ўзи ёзгандай эди бу пайвандларни...

Маликанинг фикрини билмоқ умидида ҳар бир бандни нафас олмай эшитаётган Руқия Султон бегимнинг изтироб тўла кўзлари маликанинг юзидағи ҳайратни илғамай қолмади.

– Пайвандлар ёқдиму? – деди маликанинг саволига савол билан жавоб қайтараркан.

– Ким битган бўлса ҳам аъло ёзибдур! – деди мақтов оҳангига гапириб Гавҳаршод бегим. – Алишербек бирлан баҳс бойлашмоққа ҳар кимнинг ҳам курби етмас. Лутфий ҳазратларидек маликул қаломнинг тан бермоги нени англатишини биласизму? Алишербек Оллоҳ томонидин элга берилган тухфадур! Анинг панжасига панжа урмоқ ҳар кимнинг ҳам қўлидин келмас... Лек бул пайвандлар муаллифи бул юмушни уддалабдур. Дилором... Исми ҳам жуда гўзал эркан. Раҳматли Мехринисонинг набирасиники эрмасму?

– Билмадим, топинг-чи! – маликанинг баҳосини эшишиб, Руқия Султон бегимнинг юраги ҳаяжондан ҳаприқди, ҷарос кўзларидан юлдузлар сачрагандай чақнади, узун киприклари пирпираб, лаблари титради. – Сизнингча, Дилором ким бўлиши мумкин, маликам?!

– Дилором... – жиддий ўйланиб қолди Гавҳаршод бегим. – Бизнинг давримиздаги шоиралар ҳозир йўқ. Алардин кейингиларнинг даражаси эрса бул қадар эрмас. Лек, ҳозирги ёшлардин бўлса тополмаслигим ҳам мумкин...

– Шаҳар берсангиз, айтишим мумкин... – деда маликанинг ўзини усулини ўзига қўллади Руқия Султон бегим.

Набиралару абиралар меҳмонга келганда топишмоқ айтиб, уларнинг зийраклигини синайдиган Гавҳаршод бегим жавоб топишга қийналганларга, “Шаҳар

берсангиз нималигини айтамен”, деб шарт қўяр, улар эса ўз шаҳарларидан ёки қасабаларидан бирини “инъом”, этишиб, топишмоқнинг жавобини билиб олишарди.

– Шаҳар не, сизга дунёни берурмен, менинг гўзал ва оқила пошто қизим! – деди Гавҳаршод бегим малика бибисини кўргач, хаёли чалғиб, анча ўзига келиб қолган Руқия Султон бегимнинг юзларига маҳзун тикиларкан.

– Балки тахаллус бўлиши мумкин... – деди Руқия Султон бегим. Унинг изтиробли нигоҳларида энди ярим қувлик, ярим сирлилик акс этарди.

– Тахаллусму? Тахаллус бўлса, топишим мумкин... – деди Гавҳаршод бегим ўйга толганича ва хаёлига урилган фикрдан қувониб кетди. – Ани сизчалик ҳеч ким ёзолмас!

Руқия султон бегимнинг чехраси бирдан ёришаркан, яна шу заҳоти маҳзун тортди.

– Демак, Дилором сиз... – Гавҳаршод бегим ҳайратини яширолмай, унга қувонч балқан кўзларини тиқди. – Ох, менинг гўзалим, менинг доно ва иқтидорли пошто қизим! Сиз чиндан ҳам дилоромсиз-ку! Бул офтоб чехра, бул фаттон кўзлар, ғунчани доғда қолдирувчи бул олу ранг лаблар, ҳар бири жонга қасд этгувчи бул мужгонлар сиздин бошқа кимда бор? Фаришталарда ҳам йўқ! Бул гўзалликни ҳатто мусаввир ҳам чизолмайдур! Ё, Раб, нечун дарров ақлимга келмади... Мана қариганим энди билинмиш. Лек, жуда мос тахаллус танлабсиз, пошто қизим! Бул қадар гўзал сатрлар ана шул номга лойикдур.

– Мен танламадим, малика бибим... – Руқия Султон бегимнинг ёноқлари қизариб, пешонасига тер қалқди. – Алишербек оғам... Ёдингиздаму, сўйлаган эрдим, Ҳусайн Бойқаро мирзонинг тўйлариндаги гурунгни. Ўшал гурунгда ғазалларига ёзган муҳаммасимни эшитгач, алар шул тахаллусни бериб эдилар! Сиз ҳам ўқиб кўринг-чи...

Гавҳаршод бегим “Навоий ғазалига муҳаммас” деб ёзилган қофозни қўлига олгач, Руқия Султон бегимнинг ўзига қайтариб берди.

– Бул сафар ўзингиз ўқунг... Сўзлар муаллифнинг тилинда бошқача янграйдур, пошто қизим... – деди Гавҳаршод бегим ва беихтиёр, ёдига Абусаид мирзо тушиб, вужуди жунжукди.

*Сен паноҳ ўлдинг манго то мен фано бўлдим санго,
Сен манго бўлмасмисен ё, Раббано, бўлдим санго,
Ҳам муножот, ҳам дуо, ҳамду сано бўлдим санго,
Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдим санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санго.*

*Ишқ бўлсин ўртада: сандин-бало, мандин-қўнгул,
Узмади ҳаргиз умидин урмади қандин кўнгул,
Банду банд этсанг қўлингга тутса ҳар бандин кўнгул,
Ҳар неча дедимки кун-кундин узай сандин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин ортиқ мубтало бўлдим санго.*

*Кўзни ўт, киприкни ўқу қошлиларингни ёйладинг,
Догида ўртанди жоним, юзларингни ойладинг,
Икки аждарни белингга қасд биланму бойладинг,
Мен қачон дедим: “Вафо қилгил” – менга зулм айладинг,
Сен қачон дединг: “Фидо бўлгил, манго” – бўлдим санго.*

Шаҳодат ИСАХОНОВА

*Эй кўзим, роҳатласин ёр, ёнида фаввора бўл,
То борар ёнингга кўнгул сўргали, тобора бўл,
Эй сўзим, “Дугоҳ” у гоҳ “Сегоҳ”, “Баёт”, “Сувора” бўл,
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдим санго.*

*Қайга дийдоринг ғамида чопмадим ушишоқ аро,
Лаҳза гафлатга кўзимни ётмадим ушишоқ аро,
Қайси бир босган изингни ўтмадим ушишоқ аро,
Ғусса чангидин навое топмадим ушишоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдим санго.*

Чиндан ҳам Руқия Султон бегимнинг ҳазин ва сирли овози сўзлар тилсимини очиб, иккисининг ҳам шусиз пора бўлаётган юракларини баттар ўрттар, хотиралари қатида яшириниб ётган туйғуларини жунбушга келтирмоқда эди. Малика баҳти-ёрликда ва Шоҳруҳ мирзо баҳш этган муҳаббат оғушида кечган умрини ўйларкан, эндингина юрагида муҳаббат гуллаган Руқия Султон бегимнинг бундан кейинги ҳаётини тасаввур этганича, ич-ичидан йигларди. Гавҳаршод бегим севги азобини, хижрон изтиробини юрак-юракдан хис этиб, Руқия Султон бегимга қайишмоқни истаса-да, ҳозир бегимга на сўзда, на амалда ёрдам беришга ожиз эди. Куруқ насиҳату ўйтлари эса унинг шусиз ҳам тилка-пора бўлаётган юрагига малҳам эмас, тиф бўлиб қадалишини сезиб турарди. Маҳди улё бибисининг чехрасидаги ифодадан “Осмон узок, ер қаттиқ” лигини англаған Руқия Султон бегим чорасиз бошини маликанинг елкасига қўйганича, юрагини ўртаётган ишқ зардбларини юлдузлар сочувчи шахло кўзларидан абри найсонлар каби тўкарди...

* * *

Жалолуддин Шоҳ Маҳмудни тополмай, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтган ва ҳувуллаган мадрасада ёлғиз ўзи қолган Алишербек карvonбоши келтирган мактубни кўриб, қувониб кетди. Хат волидасидан эди. Волидаси ҳатида Гавҳаршод бегимнинг ёрдами ҳакида гапирган, лекин унинг тафсилоти борасида тўхталмаган, шунчаки, “Уй олишимизга қарашгани яхши бўлди” деб эътироф этган эди. Кейин тогаларидан аниқ ҳабар йўқлиги, қиблагоҳи эса ҳамон Сабзавордан келолмаётганини қисқача баён этиб, охирида Руқия Султон бегимнинг Абусаид мирзога унаштирилгани ҳақида қайғуриб ёзган эди. “Кўзимнинг оқу қораси, менинг шунқор ўғлоним! Мен сиз учун изтироб чекдим, лек, сиз, ўзингизга олманг... Ул бегимнинг аҳволини кўриб, қизга ҳам осон эрмаслигини англағадим ва ҳаётнинг бул қадар чалкашликларидин ҳайратга тушдим. Демак, бул тақдир... Сиз ҳали ёшсиз, йўлингизда Руқия Султон бегим киби ақлли, гўзал қизлар ҳали кўп учрайдур...”

Алишербек ҳатнинг давомини ўқиёлмади. Кўз ўнгидаги Руқия Султон бонунинг чехраси пайдо бўлиб, узун киприклари остидан юлдузчалар тўкилаётган маъсум нигоҳлари жонланди. “Оҳ, волидам... Бул ҳабар ёлғон... Бўлиши мумкин эрмас...” Алишербекнинг бўғзига аччиқ нарса қадалиб, юрагини нимадир чангллади. “Нечун... Нечун...” дея қайта-қайта шивирларкан, бул ҳабарнинг ёлғон чиқишини истар, волидаси янгилиш эшитган бўлиши мумкин деб хаёл қиларди. Алишербек ҳаётининг мазмунига айлана бошлаган бул орзусидан мосуво бўлиш унинг учун қанчалар оғир эканлигини ўзи ҳам сезиб турар, лекин юраги унинг ҳақиқат эканлигини англашни истамасди.

Қанча вақт ўтганини билмайди, хаёли ойдинлашганда, тун ҳам ўтган, тонгдан хабар берувчи хўрзларнинг қичқириги саҳар сокинлигини бузмоқда эди. У атрофга кўз ташлади, қўрпача устида волидасининг хати ва Руқия Султон бегимнинг ғазаллари сочилиб ётарди. Ғазалларни ўқимоқ учун ёққан шами ўчай деб қолган, эриган мумга ботган пиликнинг калта тиллари базур липилларди. У нимкоронги хонада уст-боши билан деворга суюнганича, ухлаб қолганини англади. Шу зайлда бир лаҳза қаққайиб тургач, “Кетиш керак...” деди ўзига-ўзи қатъий. Лекин қаерга кетиши кераклигини ҳатто тахмин ҳам қилолмади. Мадрасалар ёпилган, талаба дўстлари уй-уйларига кетишган, Ҳирот ва Сабзворга бориш ҳавфли, Машҳаддаги таниш-билишлари эса у билан Ҳусайн Бойқаро мирзо ҳақида орқаворатдан ҳар хил гап-сўзлар эшитганлари учун унинг боришини қандай қабул қилишлари ҳамномаълум эди. Бирдан хаёлига зовалик дарвешлар тушди ва бу фикридан ўзи ҳаменгил тортгандай бўлди.

У йўлда кетатуриб, Носир дарвешга ҳирқа ваъда берганини эслади ва бозорга тушиб, хуржунининг икки кўзини тўлдириб, ҳирқа сотиб олди. Зовага етгач, “ҳайдария” жамоаси жойлашган такяни сўроқлади. Асиргача уни тополмаса, кун ботмай ортга қайтмоқни мўлжаллади. Кичиккина шаҳарнинг шимолида жойлашган такя бир қаватли, ҳовлиси кенг, орқа томонидаги боғчаси ҳам каттагина экан. Ҳовлидаги чинорнинг тагида соялаб ўтирган зовалик мошгуруч соқолли дарвеш Алишербекни узоқданоқ таниган бўлса ҳам кўзларига ишонмай, унинг яқинлашишини кутди, сўнг, ўрнидан сакраб турганича, олдин такядагиларга овоз берди:

– Эй, ахли ҳайдария, азиз меҳмонимиз зиёратга келаётирлар! Хонала созланиб, дастурхонлар ёзилсун! – деди-да, сўнг, Алишербекка пешвоз юрди. – О, шоири замоним! Биз ғарибларни ҳам излар киши бор эркан-а, дунёда! – у ҳассасини ҳаволатганича, самандан тушаётган Алишербекка қучогини очди.

– Ваъда вафоси бирлан қимматлидур! – деди Алишербек ёнига югуриб келган озғингина дарвешга оти жиловини бераркан ва мошгуруч соқолли дарвешнинг исмини билмаганидан хижолат чекди.

– Лек... Мен кўнглимиз учун мулозамат қилдингиз деб ўйлабмен! – деди мошгуруч соқолли дарвешнинг кўзлари қувончдан порлаб.

– Эҳ, шоири замон, қаранг, бул сафар ҳам ҳирқадин куруқ қолдим... – деди ичкаридан чиқаркан Носир чилим. – Ҳаммалари “Алишербек сарой шоири бўлса, қандай қилиб бизнинг кулбай вайронага келадур?!” дейишиб эрди, мен эрса, “Кўнглим сезаётир, келадур!” дедим. Гаровга бул сафар ўзим ҳирқа кўйган эрдим, ўзлари номардлик қилишиб, ўйиндин бўйин товлашмиш, тўғриму, Бобо дарвеш?

– Барибир ҳирқалик бўлдингиз! – деди Алишербек мошгуруч соқолли дарвешнинг исмини билиб олганидан хурсанд бўлиб ва хуржунининг икки кўзидағи ўроғлик тугунларга ишора қилди. – Ичинда йигирма дона ҳирқа бор, кимга сифса, кийсун! Етмаганларга кейинги сафар яна келтирамен!

– О, о, оғарин! Яна бир рамазон тухфаси! Менга сифмаса ҳам киямен! – деди Носир чилимнинг орқасидаги қора қош дарвеш. – Шоири замонники табаррук бўладур!

Алишербекнинг келганиям бир бўлди, ҳирқа келтирганиям бир бўлди. Меҳмон бир четда қолиб, чинорнинг таги ҳирқа бозор бўлиб кетди. Дарвешлар ҳирқаларни бири олиб-бири кўйиб, кийиб кўршар, баъзилари тор ва калта келган бўлса ҳам ечмасди. Бечора бўйи узун ва хўппа семиз Холдор дарвешнинг омади келмади. Ўзи сифса, қўли сифмади, қўли тўғри келса елкаси энламади. Хуллас, Холдор дарвешга ҳирқаларнинг бирортасиям насиб қилмади.

– Ҳай, уят-андиша борму сизларда? – охири мошгуруч соқолли Бобо дареш хижолат чекканича, ҳассасини ҳаволатиб, танбех берган бўлди. – Меҳмонни ичкари-

Шаҳодат ИСАХОНОВА

га таклиф қилиш ўрнига, бул не бозор? Ҳирқа кўрмаганмусизлар?!

– Йўқ, йўқ, ҳалал берманг, Бобо дарвеш! – деди Алишербек дарвешларнинг болаларча ҳаракатини кузатаркан. – Мен ҳирқа эрмас, қувонч келтирганимдин харсанд бўлаётирмен!

– Бирингизга минг, мингингизга туман берсун! – дейишди Бобо дарвешнинг гапидан сўнг, хушёр тортган дарвешлар эгнидаги ҳирқалари учун миннатдорлик билдиришганича, сўнг, ўзларини дувва ичкарига уришди. Алишербек семиз Ҳолдор дарвешни тўхтатиб, кўнглини олган бўлди.

– Бичимингизни берсангиз, кейинги сафар сизга ҳам олиб келамен!

– Менга тўғри келадигани бозорда ҳам топилмайдур, – деди қорникини булкиллатиб қуларкан семиз дарвеш.

– Бичимингизни бераверинг, бозорда бўлмаса, тикувчимиз бор, – деди Алишербек.

– Оллоҳ сиздин рози бўлсун! – деди семиз дарвеш ва ўзини четга олиб, Алишербекни ичкарига ундали. – Қани марҳамат, кирсунлар! Бошимиз устинда ерингиз бор!

Такя ташқаридан қараганда пастаккина кўринса ҳам ичкариси кенг, шифтлари баланд, бунинг устига салқингина экан. Мошгуруч соқолли Бобо дарвешнинг “Хоналар созлансун” деган гапини эшитгандаёқ Алишербекнинг хаёлидан эркаклар яшайдиган жой супуриксиз, тўзиб ётгандай туюлган эди. Йўқ, ҳамма ёқ озода, ўртага тўшалган кўрпачалар ҳам яп-янги эди.

– Рамазон тухфаси! – деди Носир чилим Алишербекнинг кўрпачаларга қараб қолганини илгаб. – Лек бул ҳам сизнинг шарофатингиз бирлан, худди келишингизни билишгандай, боягина ташлаб кетишиб эрди.

Кандир дастурхон ёзилгач, дарвешлар ўз халталаридан қанд, курс, ҳалво-ю пащмак, ҳар хил ширинилклар, хурмо-ю майиз каби қуруқ мевалардан келтириб, ўртани тўлдириб ташлашди. Яна кимдир мошгуруч соқолли Бобо дарвешнинг имоси билан ташқарига югурди.

– Алишербек, зова шўрвасидин осайму ёхуд туркманларнинг қора шўрвасиданму?

– деди қора қош дарвеш. Унинг лаҳжасида туркманча сўзлар аралаш эди.

– Мен учун овора бўлишнинг ҳожати йўқ, – деди Алишербек хижолат тортиб. – Мен йўл-йўлакай овқатланиб келганмен!

– Хўп деяверинг, шоири замон, сизнинг баҳонангизда бизнинг курсоқлар ҳам бир яйрасун! – деди Ҳолдор дарвеш қорникини силаб.

– Сен бечора шўрва кўрмагансен-да! – танбех берган бўлди мошгуруч соқолли Бобо дарвеш унинг қорнига ҳассасини нуқиб.

– Нима қиласай, сув ичсан ҳам семирамен! – деди Ҳолдор дарвеш унинг гапини кўнглига олмай. – Йўқса, еганим зогара нон бирлан бир бош пиёз, қачон шўрва ичибмен?

– Бўпти, зованинг шўрвасидин қиласай! – деди қора қош дарвеш таом ҳақида меҳмон қолиб дарвешлар баҳслashiб кетишиганидан хижолат тортиб. – Бизнинг шўрвани шоири замон ичиб кўрмаган бўлсалар керак?!

– Маъқул, маъқул! – деди Алишербек ҳам ниҳоят.

– Носир чилим, – деди мошгуруч соқолли Бобо дарвеш. – Шўрвамиз пишгунича, Алишербекнинг газалига басталаган қўшиғингни айтиб бер, шоири замонимизга!

– Бир оғиз сўзингиз, устоз! – қуллук қилганича, қаршидаги хонага ўтди Носир дарвеш ва бир пас ўтмай, қўлида иккита тамбур билан чиқди. – Қўшиқни Ҳирот тамбуринда айтайму ёхуд Боғдод тамбуриндаму?

– Шоири замондин сўра! – деди мошгуруч соқолли Бобо дарвеш Алишербек томонга имо қилиб.

– Ўзингизга қай бири ёқса, бизга ҳам ўшал соз маъқул. Лек, жуда гўзал созлар эркан, қани, менга беринг-чи... – деди Алишербек созларни кўргач, кўзи кувониб ва Боғдод танбурига узанди, унинг торларини созлаганича, чертиб кўрди.

– Шоири замонсиз десам, созандалиқдин ҳам хабарингиз бор эркан-да! – деди Носир дарвеш Алишербекнинг қўл ҳаракатлари-ю чартмасидан яхшигина соз устаси эканлигини англаб.

– Алишербек устоз санъаткор Чангий ҳазратларига набира бўладур! – деди Бобо дарвеш фаҳр билан. – Тоғойилари Мирсаид Кобулий ҳам қиблагоҳлари киби чангу уднинг пири ҳисобланадур.

– Мирсаид Кобулийнинг яхши биламен, шоирлигидин ҳам хабарим бор! – яйраб кетди Носир дарвеш. – Аларнинг шеърларини қўпчилик ёд биладур. Айтиб беришим мумкин.

*“Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,
Гул адoқинда хуморе ёзасиз,
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига,
Куштаи бир шўх эрур деб ёзасиз...”*

– Тўғриму? – деди дарвешларга бир-бир қараб.

– Тўғри, – деди Алишербек ҳам.

– Бўлди, менга жўр бўласиз, шоири замон! – деди тамбурининг қулоғини яна бир бор бураб кўрган Носир дарвеш.

– Ҳаракат қиласен... – деди Алишербек бош ирғаб. – Усулингизга тушолмасам, айб этмайсиз.

– Майли, нима бўлса бўлсун... Бир бошга бир ўлум! – деди мошгуруч соқолли Бобо дарвеш оёқларини қовуштирганича, ўрнашиб ўтириб оларкан. – Бугунча дарвешликни хуржунга солиб туурмиз... Ашулани “Қоши ёсунми дейин...”дин бошлила!

– Бормусиз, устоз? – деди Носир дарвеш кайфияти кўтарилиб ва Алишербекка юзланди. – Сиз ҳам созни баландроқ пардаларга кўтариб олинг, шоир!

Тамбурнинг сокин ва ҳазин саси юртидан, оиласидан узилган дарбадар дарвешларнинг ғамнок юрагининг изҳори каби хона бўйлаб ёйилди.

*– Қоши ёсињму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглима ҳар бирининг дардуду балосинму дейин?!?*

Носир дарвешнинг нолали овози тамбурнинг момақалдириқдай гулдураб баланд пардаларга кўтарилаётган сасига қўшилиб, мисраларнинг қудратини янаем оширмоқда эди. Алишербекнинг юраги баттар ўртаниб, нохун тутган қўллари титрар, бўғзига тиқилаётган йифи лаблари орасидан чиқишига йўл тополмай, баҳор найсонлари каби киприкларига инарди.

Дарвешлар куйу қўшиққа маст бўлғанларича, кўзлари юмук, бошларини соллантирганлари кўйи оҳиста тебраниб ўтиришар, биргина мошгуруч соқолли Бобо дарвешнинг зийрак нигоҳлари Алишербекда эди. У Алишербекни кўргандай ўнинг ботинида кечаетган ғалаённи илгаган, шоири замоннинг ташрифи бежиз эмаслигини ҳис қилаётган эди. Чунки Алишербекнинг юзлари кулиб турган бўлса-да, нигоҳининг туб-тубига чўккан изтироб дарвешнинг назаридан қочиб ултурмаган эди. Бобо дарвеш ўзини ҳам шул қуйларга солган дарднинг рангини, бўйини, озорини Алишербекдан ҳам кўра яхшироқ билар. “Табиб табибмас, бошдан ўтказган табиб” деганлари каби у ишқ аталмиш кўзга кўринмас ул тотли,

Шаҳодат ИСАХОНОВА

лек азобли ҳилқатнинг йўлларида юрган, сўқмоқларида адашган, жабрини тортган, сочу соқоли унинг андухларида, хижронларида оқарган, бул фоний дунёниг дабдабаси-ю бор завқу шавқидан кечдириган эди.

Давра қизигандан қизир, тамбурлар садоси гоҳ булбул навосидай, гоҳ тошқин сойлардай шаркираб авжига чиқар, куйу кўшиқнинг завқидан чаппакка зўр бераётган дарвешларнинг хаёлига таомланиш келмас, ошхона билан давра ўртасида зир югураётган қора қош дарвеш эса зова шўрваси пишганини уч марта эълон қилиб, оловини уч марта ўчириб, ёқса ҳам бирортаси қимир этмасди.

Нихоят, қора қош дарвешнинг зова шўрваси сузилганда қош корая бошлаган эди. Созлару Носир дарвешнинг нола-ю афғонидан сўнг, ғамга ботган юраклар андухларни унудиб, тилларнинг тугунлари ечила бошлади.

– Бобо дарвеш, мени ҳам жамоангизга қабул этинг! – дедиnihоят Алишербек Бобо дарвешга қўнглини очиб.

Даб-дурустдан айтилган бу гапдан дарвешларнинг эси оғиб қолай деди. Ҳаммалари кўзларини катта-катта очганича, бир-бирига ялт этиб қарашди. Но-сир дарвеш билан қора қош дарвеш суюнганидан ҳатто чапак чалиб юборишиди. Холдор дарвеш Бобо дарвешга ўтирилганича, маъноли томоқ қирди. Бобо дарвеш қовоқларини уйганича, пинагини бузмай, ўтирап, бургутқараш нигоҳи билан нималарнидир чамаларди.

– Ҳалқа келтирайликму, устоз? – деди сабри чидамаган Носир дарвеш билагидаги ҳалқасига имо қилганича, Бобо дарвешнинг жимлигидан бетоқатланиб.

– Қани ҳамма ўз такҳонасига, бир пас дам олинг! – дедиnihоят Бобо дарвеш мошгуруч соқолини силаб. – Керак бўлсангиз, чақирамен!

– Энди бир бошдин гапиринг! – деди Бобо дарвеш холи қолишгач, Алишербек томон ўтирилиб.

– Ҳеч... Ўзим... Мадрасалар ёпилганидин хабарингиз бордур... – Алишербек гапиришга гапириб қўйиб, энди дилидагиларни айтишини ҳам айтмаслигини ҳам билмай, каловланди.

– Хабарим бор... – Бобо дарвешнинг бургут кўзлари Алишербекнинг нигоҳидаги изтиробни уқмоқчидай, қаттиқ тикилди. – Хўш, яна...

– Тоғойиларим ҳибсада... Қиблағоҳимиз ҳам суриштирувда эрканлар...

– Эшитдим... Яна... – Бобо дарвеш “Булар сабаб бўлолмайдур...” дегандай, бошини чайқади.

– Уй-жойларимизу мол-мулкимизни мусодара этишибдур... – Алишербекнинг боши янаям қуйирок этилди.

– Алардин ҳам хабарим бор. Яна... – деди Бобо дарвеш ва Алишербек индамагач, ўзи давом этди. – Аларнинг барчаси ҳаётнинг синовлари дур. Ани тақдири азал ҳам дейдилар, андин қочмоқликнинг ҳам, кечмоқликнинг ҳам йўли йўқ, шоири замон! Мен сизга айтсам, бул бошимга не савдолар тушмади ва бул кўзим неларни кўрмади... Шундай, инсон зоти борки, бошга тушганини кўрмай иложи йўқ эркан. Лек, ҳамма гап бул синовлардин зиёнсиз, заҳматсиз ўта билишда. Менинг имоним комилки, иншооллоҳ, сиз, бул синовларни матонат бирлан енга олурсиз. Бул учун сизда акл, фаросат, матонат ва энг асосийси, билим бор.

– Ташаккур, Бобо дарвеш... – Алишербек қўлини қўксига қўйиб, миннатдорчилик билдириди. – Лек... – у яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин фикридан қайтди.

– Жамоага қабул қилиш масаласига келсак... Билурсиз, бизнинг жамоада уйланиш, аёллар ҳақинда гапириш, ҳатто, ҳаёл суриш ҳам маън қилинган. Тақилган ҳалқаларнинг боиси ҳам шундин. Сиз эрса, ҳали ёш, навқирон йигитсиз...

– Мен учун ҳам энди ҳаётнинг маъноси қолмаганга ўхшаётир... – деди Али-

шербек қизариб-бўзариб ва ён чўнтағидан бир даста қоғоз чиқариб Бобо дарвешга узатди.

Бобо дарвеш қоғозлар катида бир синоат яширинганини ҳис қилиб, уни авайлаб очди, шеър сўнгидаги “Дилором” сўзига қўзи тушгач, Алишербекда юз берган тушкунликнинг боисини англағандай бўлди.

*Ёр бордур ҳар дуони эсласам,
Ҳар сўзим, ҳар бир навони эсласам,
Менга дерларки, “Худони эслагил!”
Ё унутдимму Худони эсласам.
Эслатур гоҳ қўзи, гоҳи қошини,
“Чоргоҳ” ё “Қоши ё...”ни эсласам.
Йиглатур ёр ёди ёхуд ёди дин,
Ёдидин мен мосувони эсласам.
Эсламам ҳеч шоҳни ул Султондек,
Уйғонур рашиким гадони эсласам.
Дил хаёлидин нечук бўлгай жудо,
Анда васли бор – қазони эсласам...*

– Ул нисо шоираму? – деди Бобо дарвеш шеърни ўқиб бўлгач, чукур “ух” тортиб. – Истеъоди ниҳоятда юксакда эркан...

– Ҳа, ўзи ҳам юксак эрди... – деди Алишербекнинг овози титраб.

– Носир чилим, Холдор дарвешни чорла! – деди Бобо дарвеш.

– Ҷақирилдингизму, устоз? – деди Холдор дарвеш яқин келгач жиддий тортиб, хавотир аралаш овозда.

– Ўтири, Холдор дарвеш, – деди Бобо дарвеш меҳрибонлик билан. – Ҳозир бизга ибрат дарсидин сабоқ берурсен, сен бизга ҳаётингни ҳикоя қилиб бер!

– Э, э, устоз? – деди бирдан хижолат тортиб, Холдор дарвеш. Унинг семизликдан осилиб кетган сийрак соқолли юzlари қизарди. – Қандай бўларкин, шоири замонимиз салтанат кишиси бўлсалар... Менинг ҳаётим...

– Қўрқма, Алишербек ўзимизнинг одам, ошкор этиш йўқ. Сен ҳақингда ҳикоят ёзмоқчилар, холос.

– Үндай бўлса, майли-куя... – Холдор дарвеш хотиржам тортгандай бўлди-ю, лекин юzlарида ҳамон хавотир излари кўриниб турарди. – Энди одам бўлганимда... Бирортаси эшитиб, дегандай...

– Айтабер, дарвеш, мен кафилман! – деди Бобо дарвеш Холдор дарвешнинг мулоҳаза ва хавотирини англағач, қатъий қилиб.

– Ҳўш... Айтсам айтибмен-да... – дея сўзни индаллодан бошлади Холдор дарвеш Алишербекнинг қаршисидаги кўрпачага тиззалақ чўқаркан, хижолатлик билан. – Мени болалигимда ўғирлаб кетишган эркан... Ёшим кичик бўлса керакки, на ота-онамни, на туғилган уйимни, ҳеч бирини эслолмаймен. Ақлимни танигандан кейингина от ўғриларнинг ичидаги ўсаётганимни билдим. Улар олти кишидан иборат гуруҳ эрди. Мени кўпроқ уларнинг ўғрибошиси Асқар жуз уйига олиб кетар эрди. Асқар жуз оиласилик бўлса ҳам бола-чақаси билан яшамас, топган-тутганидан насиба ташларди-да, ёлғиз яшаётган қари отасининг ёнига кетарди. Менинг ягона машғулотим сайисхоналарнинг девори остидан лаҳим ковлаш эрди. Лаҳимни шу қадар тез ва чукур ковлардимки, бу ишни шерикларимдан бирортаси ҳам мен киби бажара олишмас эрди. Мен ишимни битириб бўлгач, яшаш манзилимга кетар эрдим. Қолган ишларни эса ўzlари бажаришар эрди. Кейинчалик мен семириб, лаҳим ковлашга қийналиб қолганимдин сўнг, бошқа бир ишни юклашди. Бу ўғирланган

Шаҳодат ИСАХОНОВА

отларнинг бирор еридаги белгисини, мисол учун, пешонасингдаги қашқасиниму ёки туёғиндаги оқ ёки сариқ жуниниму олдин паки ёки устара бирлан қириб, кейин қайноқ сув қуиб, парт қилиб тўкиш вазифаси эди. Тўғриси, олдин тақдиримга тан берип, ҳаётга лоқайд караган бўлсан, шул юмишдин кейин ўғри шерикларимнинг қилмишини тарозига солиб кўра бошладим. Буни менга тили йўқ, жаги йўқ отлар ўргатди. Қашқасига қайноқ сув қуийлган отларнинг азобланишини бир кўрсангиз эрди, куйган ерларининг жуни сидирилиб, териси илвираб қолган шўрлик отлар то янги тук чиққунига қадар, одамлар каби бақирав, инграр ва кўзларидан ёш оқизиб, йиглар эрди. Шундагина шерикларимнинг нақадар ваҳший эрканлигига имоним комил бўлди ва бул даргоҳдин қочишни ўйлай бошладим. Бахтимга бир куни от бозорда Бобо дарвешни кўриб қолдим ва юрагимни очдим. Оллоҳ аларнинг қалбига мурувват хиссини солиб, мени мана шул даргоҳга етаклаб келдилар... Менинг қисқача ҳаётим мана шулардин иборат, шоири замон, лек анинг ибратлик томони йўқ...

– Ибратни ҳар ким ўзича тушунадур ва ўзига керагини оладур! – деди Бобо дарвеш Холдор дарвешга. – Сенга ташаккур, энди дам олишинг мумкин.

– Тушунарли... – деди Холдор дарвешнинг ҳикоясини жимгина тинглаган Алишербек.

– Шундай, ҳали ҳаммаси олдинда... – деди Бобо дарвеш Холдор дарвеш ўз хонасига кириб кетгач, насиҳат оҳангиди. – Сизнинг елкангизга юклантган юмушлар жуда залворлидур, шоири замон. Ғазалларингиздин бир нарсани англадимки, сиз илми қолдин, яъни, дунёвий билимлардин яхшигина боҳабарсиз, ҳатто, ўзиб кетган жойларингиз ҳам бор. Боз устига Ҳақ субҳонуху ва таъюлонинг инояти бирлан қалбингизга илми ҳол, илми ладуний, яъни, илоҳий илмлар жо этилмишдур. Оллоҳ зувалангиз ва қалбингизга ўз нури тажаллисидин қўшганига заррача шубҳам йўқдур. Демак, сизнинг йўлингиз тариқат ва сулук йўлидур. Ани ҳис қилганим ва истеъодингиз қудратини ўлчай олганим боис, арқонни узун ташламогингизни риҷо этурмен. Илоҳий ишқ ҳар кимга ҳам насиб этмайдур. Аслинда бул неъмат сизнинг кўриқчингиздур... Сизга Самарқанд сори бормоғингизни, ул даргоҳда Шайх Ҳожа Файзуллоҳ Абулайс ҳазратларидин сабоқ олмоғингизни ва Нақшбандий ҳазратларига кўл бериб, шогирд тушган мавлоно Якуб Чархийнинг халифаси Ҳожа Убайдуллоҳ Ахорори Валийга мурид бўлмоғингизни тавсия этурмен. Ҳожа Ахорори Валий ҳазратлари ҳақинда билгиларингиз борму?

– Ул ҳазратнинг “Рисолаи Волидайн” қасидаларини ўқиганмен. – деди Алишербек бош иргаб.

– Алар Шайх ан-Таҳур ва Қаффол Шошийлар сулоласининг авлоди саналадур. Боболари Шаҳобиддин Шоший, қиблагоҳлари Ҳожа Маҳмуд ҳам замонасининг улуғларидин эрдилар. Ҳабарингиз бўлса керак, ҳозир алар олампаноҳ Абусаид мирзонинг ўғлонлари Султон Аҳмад мирzonинг муршиidlари ҳисобланадур. Баъзи ғаламислар аларни “мадраса кўрмаган” дея маломат этсаларда, олампаноҳ аларни ўзларига пир санаганлар... – Бобо дарвеш бир лаҳза сукут қилиб, Алишербекнинг юзига “Сўзларим қандай таъсир қилаётir” деган маънода тикилиб турди. – Аслинда, Оллоҳ ўз инояти бирлан кишининг қалбига нури тажаллисидин зарра қўшса, ул зотга мадраса ёхуд дорулғунунда сабоқ олмоқ шарт эрмас. Идрис алайиссаломда, ҳазрати Масихи руҳиллода, ҳазрати Рисолат соллолоҳу алайхи вассаломда, Жунайд Боғдодий жанобларида, Ҳожаи Бузруг-Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларида ва Шоҳи Машраб каби улуғ зотларда ҳам ушбу фазилат борлигини нақл қилишадур. Шул боис, аларнинг қутлуг останаларига бош уриб кўрунг... Бул даргоҳга келмоқ эрса қочиб кетмайдур... Сиз учун ҳамиша бошимиз устинда жой бор!

Алишербек Бобо дарвешнинг нима демоқчи эканлигини англаркан, беихтиёр,

болалигига волидаси билан бўлиб ўтган бир сухбат эсига тушди. Ўшанда у энди беш ёшга тўлган бола эди. Волидаси Салима бонунинг қўлида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини кўриб қолади ва қизиқиб, қўлёзмани кўришга интилади. Волидаси китобни ўпиб, сўнгра, Алишербекка узатади ва ўғлидан ҳам китобга шундай муносабатда бўлишини сўрайди. Алишербек ҳам волидасининг айтганини қилиб, китобни ўпиб, сўнгра уни тез-тез вараклай бошлайди.

– Неларни кўраётисиз? – сўрайди волидаси Алишербекдан.

– Ҳарфларни... – жавоб беради волидасининг сирли сўроғидаги муддаога уччалик тушунмаган Алишербек.

– Шундайму... – дейди волидаси унга меҳрли кўзларини тикканича ва жиддий оҳангда давом этади. – Унда менинг сўзларимни тингланг ва мавлоно Румий ҳазратлари сўйлаган мана бул калималарни доимо ёдингизда сақланг. “Китобга кўзингиз бирлан боқсангиз куруқ ҳарфларни кўурурсиз. Анга ақлингиз ила қарасангиз ундаги илмни кўурурсиз ва анинг маънолари хазинасидин баҳраманд бўлурсиз. Анга қалбингиз ила боқсангиз ул сизни ишққа ошно этадур. Ани руҳингиз бирлан уқсангиз, Яратган Роббингизни топурсиз...”

Ўқишу ёзишни яхшигина ўрганиб олган Алишербек ўшанда волидасининг ёрдами билан “Мантиқ ут-тайр”ни ўқишини бошлаган ва ҳатто ёд ҳам олган эди. Сўфиёна рух ва мазмунга эга бу асар унга қаттиқ таъсири қилганиданми Алишербек бир қанча вақт касал бўлиб қолган ва бундан изтиробга тушган волидаси унга бу китобни ўқишини маън этган эди. Лекин асар унга ўз таъсирини ўтказиб бўлган, яъни, гўдак қалбига инсонлик моҳиятидан дарс бериб ултурган, камолот кушандаси хисобланмиш жисм, нафс ва дунёни мазаммат қилишни ўргатган, дилига нақшлаган эди. Ундаги бул хислатларни эса Бобо дарвеш илғаб туради...

ХОТИМА

Гавҳаршод бегим уйғонганида қечагина келинчакнинг камон қошидай ингичка бўлиб кўринган янги ой бугун ҳам гўзаллигини кўз-кўз қилмоқчидай нақ тепада, қорамтири осмонни хирагина ёритганича, нур сочарди. Унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, узоқ-узоқдан мўралаётган юлдузларнинг кўзлари ҳавас билан чақнаради. Ҳилол саройнинг ўнг бурчидаги куббага энганида канизак қиз Ойпопук маликани саҳарликка чақиради. Унгача эса ҳали анча вақт бор эди. Кейинги пайтларда куш уйку бўлиб қолган малика чарчоқ кўзларини қайта юматуриб, беихтиёр, ҳозиргина кўраётган тушларини эслади. Учинчи кун ҳам тушида бир хил, ўша воқеалар тақрорланаётган эди. Биринчи кун, “Рухлар рамазон кунлари мендан умидвор бўлишаётир”, деб ўйлаб, хайри садака улашган эди. Иккинчи кун ҳам такрорлангач, “Кўнгиллари тўлмади”, деган хаёлда мол сўйдириб, қон чиқартириди. Бугунгисини эса нимага йўйишни билмай, хайрон бўлди. “Алар нечун ҳар куни тушимга киршаётир? Яна бирор фалокатдин хабар беришаётирму? Бул не сир, синоат? Яратган Эгам, энди кўтаролмаймен... Энди кучим етмайдур... Ундин кўра ўзимнинг жонимни ол... Фақат авлодларимнинг куйигини кўрсатма, Оллоҳим! Аларни ўзинг тўгри йўлга бошла! Не қиласки, менинг сўзларимга қулоқ осиш маётири... Ҳар бири ўзига хон кўланкаси майдон бўлганича, “Бул ҳаётга фақат ҳукмронлик қилишга келганмен”, деб ўйлашаётир... Алар давлату мулк, “Оллоҳ ўз мулкини хоҳлаган кишисига берадур ва ўз мадади бирлан кўллайдур...” ояти тақозоси бирлан насиб этишини хаёлларига келтиришмаётир. Алар давлат ва дин қутби ҳазрат сохибқиран Амир Темур ҳазратлари ва хоқони сайд тахтини даъво қилсалар-да, ул хумоюнсифат зотларнинг подшоҳона лутфу марҳаматларини, ино-

Шаҳодат ИСАХОНОВА

ятларини ҳисобга олишмаётир. Ул мукаррам зотларнинг шарофатли даргоҳи Эрону Турон, Сеистону Мозандарондин Омужа сувига қадар ястанган Хурросон ўлжаси улуғларининг саждагоҳига айланган эрди. Алар жаҳонкушолик низомларига, фармонраволик расм-руссумларига амал қилур эрдилар. Алар “Дунё ишларинда давлат арбоблари бирлан маслаҳатлашинг” оятинда келган амр тақозосига кўра машварат куръасини ўртага ташлар. Шаҳзодалар-чи...

Шаҳзодаларни ўйласа Гавҳаршод бегимнинг фигони фалакка ўрлаб, юраги сиқиларди. Улар на соҳибқиронга, на хоқони сайдга ўхшаши. Ҳатто, аёл боши билан салтанат пасангисини кирқ йилдан ошиқ Шоҳруҳ мирзо билан бирга тутишган Гавҳаршод бегимга ҳам тортишмади. Ҳали болалик чоғларида раҳматли қиблаҳоҳи Фиёсиддин Тархон қўлида қилич ўйнатиб, от чоптирадиган Гавҳаршод бегимни ўғлонларига ўрнак қилиб кўрсатарди.

– Эгачингиз қиз бола бўлса ҳам анда улуғ бобомиз Кучлукхоннинг сиёғи бор! Саманини қандай бошқаришини кўрдингизму?! Ҳақиқий найман баҳодирлари тулпорни ана шундай елдирадурлар! Қаранг, тулпор тамоман анинг итоатинда! Чунки отга ёшнинг фарқи йўқ, ул жонивор учун чавандознинг салоҳияти қадрли. Салоҳиятли чавандозлар отини ҳам, ўзини ҳам асрайдур. Отини ҳам, ўзини ҳам асрой билган одамгина, дунё тизгинини қўлда тута биладур! Агар эгачингиз ўғлон бўлиб тугилганинда эрди... Улуғ бобомиз киби найманларнинг сардори бўлурди! Найманлар ўр, жангари эса-да, мард, адолатли, жасоратли, энг асосийси, бир сўзли қавмдур. Алар сотилмайдур, хиёнат қилмайдур, ор-номус учун ўлимга тик борадур! Аларни Чингизхон ҳам енга олмаган. Йўқса, найманларнинг саксон фоиз элини мўғиллар қириб ташлашган. Барibir бўйсундира олишмаган. Шундин сўнг, Чингизхон аларнинг жасурлигига қойил қолиб, ўзига эш қилган, салтанатининг ноини бўлишган ва аларни маҳсус “Тархон” унвони бирлан сийлаган... – ҳаяжонланиб найманларнинг “Тархон” унвони-ю унинг даражаси, ҳатто ўлимга хукм қилинган тақдирда ҳам неча маротаба кечирилиши ҳакида фаҳрланиб, қайта-қайта сўйларди Фиёсиддин Тархон.

Фиёсиддин Тархон башорат қилганидек, Гавҳаршод бегим “сардор” бўлмаса-да, Яратганинг инояти билан унга маликалик насиб этди. Ҳукмдорнинг завжаларидан бири ёки шунчаки ёстиқдоши эмас, балки унинг машақкатли ҳаёт йўлидаги содик йўлдоши, кўшканоти бўлди...

Саҳарликдан кейин ҳам уч кундан бери такрорланаётган тушининг таъбируни ўйлаганича, чарчаб ухлаб қолган Гавҳаршод бегим ташқаридан келаётган баландпаст овозларни эшишиб, чўчиб уғонди. Нима гаплигини билиш учун канизак қизни чақирди. Ойпопукдан жавоб бўлмагач, хавотирланиб, секин ҳовлига чиқди. Дарбоза кия очилган, эшик оғаси куличини керганича, ичкарига кирмоқчи бўлаётган баланд бўйли, ҳар елкаси бир кулоч, юзлари баркашдай қоп-қора навкарга нимадир демоқда эди.

– Узр, маҳди улёдин рухсат сўрамай, сизларни ичкарига кирита олмаймен! – деди эшик оғаси очиқ табақани ёпишга уриниб.

– Нима гап тинчликму? – деди ҳайрон бўлган Гавҳаршод бегим ўша томон юаркан.

– Олампаноҳ Абусаид мирзонинг хос навкари Фарруҳ баходур эрмуш, маҳди улё! – эшик оғаси маликани кўриб, унга юзланганича, ёнидаги барзанги навкарга ишора қилди. – Фарруҳ баҳодирнинг ўзларига рухсат бериб эрдим, қарасам, барчалари ёпирилиб киришаётир!

Барзанги навкар орқасидаги шерикларига нимадир деди-да, сўнг, жилмайганича, Гавҳаршод бегимга таъзим қилган бўлди. Унинг совуқ башараси кулганда мулоҳимлашиш ўрнига дағаллашиб, қалин лаблари беўхшов тортилди, ўккиникига

ўхшаш думалоқ кўзлари ғалати ялтираганича, қаршисида малика эмас, гаройиб бир мавжудот тургандай Гавҳаршод бегимга бошдан-оёқ қизиқсиниб тикилди. Қолган навкарларнинг ҳам юзидағи ифода уникidan қолишмасди. Ҳаммасининг сергак нигоҳи маликага қаратилган, Гавҳаршод бегим гуёки бир кушу учиб кетиш эҳтимоли бордай, уни тутиб қолмокқа шай туришарди. Маликанинг кўнгли нохушликни сезиб, эти сесканди:

– Хуш келибсиз, марҳабо! – деди жиддий оҳангда.

– Олампаноҳимиз Абусайд мирзонинг фармони олийларига биноан... – барзани навкар ёд олган сўзларини худди қасамёд қилаётган навкардай дона-дона ифода этмоққа тутунди. – Маҳди улё малика Гавҳаршод бегим, сизни, Бони Зоғондаги қароргоҳларига етказмогимиз амр этилган!

– Мен нарсаманму, етказурсиз? – кулди Гавҳаршод бегим, – Чорлаган эрсалар хузурларига ўзим борурмен!

– Фармони олийга биноан, сизни, олий даргоҳга навкарлар етагида олиб бормогим амр этилган! – деди Фарруҳ баҳодир бажараётган хизмати ўта муҳимлигини тъвидлаб.

– Фармони олийда мақомим “жиноятчи” деб қайд этилмаганму, мабодо? – деди хос навкарнинг сўзларидан аллақандай ўйин бошланганини илғаган Гавҳаршод бегим энди ўзини босишга ҳаракат қилиб.

– Мен ўзимга тегишли юмушни бажараётирмен, маликам, – деди маликанинг мичинги Фарруҳ баҳодирга оғир ботиб ва қовоғигача тушган бароқ қошларини чи-мирди. – Қолгани менга қоронгу! Боргач, ҳаммасини билиб олурсиз!

Малика бошқа ҳеч нарса демади. “Яхши, кийиниб чиқай...” деди-да, орқасига қайтди.

– Маҳди улё маликам... – ичкарида уни кутиб ўтирган канизак қиз Ойпопук маликага пешвоз чиқаркан, йиглаб юборди. Унинг ранглари оқариб кетган, гапи-ролмай, қалт-қалт титрарди. – Кўрқиб кетаётирмен... Навкарларни кўргач, сизни безовта қилмайин деб Бегика бегимнинг ёнларига югуриб бориб эрдим, навкарлар келганини айтиб, чорласам ҳам “Чиқмаймен” дедилар... Бегимда гап кўпга ўхшаётир... Ишқилиб... Сизга зарап беришмаса эрди...

– Кўрқма... – Гавҳаршод бегим унга таскин берган бўлиб, кийиниҳ хонаси томон юрди. Лекин хаёлларичувалашиб кетганидан нимага кирганини ҳам унуди. – Бошга тушганни кўз кўрадур...

– Алар кетишдими? – кўрқа-писа сўради Ойпопук.

– Йўқ... – канизак кизнинг гапидан кейин кийинишига киргани эсига тушган Гавҳаршод бегим ечина бошлади. – Оқ лиbosларимни ол...

Малика саман отларга кўшилган усти ёпик, ёпинчиқлари барқут, тахтиравонли аробага чиққач, ичкарида ҳангомалашиб ўтирган девдай хайбатли икки навкар тахтиравоннинг олд томонига ўтишиб, юзларини ўгириб олишди. Йигитларнинг форсча сўзлари кулоғига чалинган Гавҳаршод бегим уларни самарқандлик навкарлардан эканлигини фаҳмлади. Уларнинг кўриниши, қалин қошлари-ю, қирғий бурни, бургут қарашли ўтқир кўзлари эрониларники каби эди.

Ароба янгилиги сабаб ҳали ранг берилмаган, ундан қуриб улгурмаган қайрағоч дарахтининг ҳиди келарди. Улар йўлга тушганда, күёш кўтарилиб, кун исий бошлаган, саратоннинг қиздирувчи, ёқимсиз ҳавоси эрталабки майин эпкинни бир пасда ютмоқда эди. Ёллари узун, болдиrlари бақувват саманлар аравакашнинг буйруғига итоат этишиб, йўргалашга тушишди. Туёклардан бир маромда чиқаётган дўпирга қайроқ тош ётқизилган йўлда айланана бошлаган ароба ғилдиракларининг овози кўшилди.

– Қари эркан... – деди самарқандлик серсақол навкар йигит ўз тилида, бўлинib

Шаҳодат ИСАХОНОВА

қолган сұхбатларини давом эттиаркан. – Вахима қилишганига мен ёшроқ малика деб ўйлабмен. Бул бечоранинг бир оёғи эрмас, икки оёғи ҳам гүрда-ю?!

– Саксондин ошган дейишаётур, лекин ўхшамайдур! – эътиroz билдириди шериги.

– Саксондин ошган?! МаашОллох!!

– Аробага ўзи чиқди, кўрдингму? Қўл узатсам ўзини кўрмаганга олаётур.

– Ҳа, ориятли эркан.

– Йўқ, иродаси кучли эркан. – серсоқол йигитнинг гапига қўшимча қилди шериги. – Бошқа аёл булганинда йиғлаб юртни бузар эрди.

– Ҳа, ҳатто Фаррух баҳодирнинг келбати-ю салобати ҳам иш бермади, – кулди серсоқол йигит.

– Фаррух баҳодирнинг важоҳатидин ҳатто амиру беклар ҳам Азроилдин кўрқандай хайиқишурун эрди. – Бош иргади шериги, – Маликанинг бир тукиям қилт этмади, қара! Малика найман-да! Найманлар ҳақинданга мақолни эшитганмисен? “Билсанг, найманмен, билмасанг ҳайвонмен”, дейишадур алар ҳақинда...

Гавҳаршод бегимнинг фикри-зикри ҳозир чорловдалиги боис, йигитларнинг гаплари қулогига кирмаётган эди. “Найман” сўзини эшитгач, улар томон ялт этиб қаради, маликанинг нигоҳини пайқаган навкарлар бирдан жим бўлиб қолишиди. Гавҳаршод бегимнинг хаёли яна Абусаид мирзога кетди. Мирзонинг бу чорловини у нимага йўйишни ҳам, нима деб тахмин қилишни ҳам билмасди. Бир вақтлари набираси Абдулатиф мирзо ҳам худди шундай, дафъатан ҳузурига чорлаб, “Хе йўқ, бе йўқ”, ҳибсга олган эди. Бирдан шу фикр хаёлига урилиб, маликанинг эсига Нишопурнинг Фос қалъасидаги тор, тўшаклари кирқ ямоқ, сичқон хиди анқиб турган хона тушди. “Ё, Оллох! Демак, мирзо ҳам... Нима учун...” деган савол берди ўзига-ўзи малика, лекин жўяли жавоб тополмади.

Узоқдан келаётган ғала-ғовурни эшитган йигитлар сергак тортишганича, аравакашга нимадир дейишиди. Аравакаш отлар жиловини тортиб, йўлнинг четига ўтди. Овозлар тобора яқинлашмоқда эди. Ўроғу паншаха, пойтеша-ю ойболта кўтарган бир гурух оломон сарбозлар етагида келаётган тахтиравонли аробани ҳукмдорники деб ўйлашибди, шекилли шовқин кўтарганларича, йўлларини тўсмоқ учун улар томон бурилишибди. Фаррух баҳодир навкарларга, “Шайланинг!” деди. Отлик сарбозлар тезда аробани ўраб олишганича, қиличларини яланғочлашиб, шай туришди.

Хаёли бўлинган Гавҳаршод бегим барқут ёпинчиқни қия қилиб, ташқарига мўралади.

– Олампаноҳга арзимиз бор, бизни эшитсун! – деди олдиндаги ойболтали қария. Унинг ориққина жуссаси ойболтанинг оғирлигидан бир ёнга энгашиб келарди. Устидаги яктаги ювилаверганидан ранги униқиб кетган, бунинг устига кирқ ямоқ эди.

– Гапингни менга айтабер! – деди Фаррух баҳодир бақувват елкаларини керганича, беписанд сенсираб. – Олампаноҳга ўзим етказамен!

– Сенга ўхшаганларнинг кўпини кўрганмуз! – деди қариянинг ёнидаги бўйлари баланд, паҳлавон келбатли йигит. Унинг қўлидаги чўқмори нақ икки пуд келарди. Фаррух баҳодирнинг қарияга сенсираб гапиргани унинг ҳамиятига теккан эди. – Ҳаммаси ваъдани қуюқ беришадур-да, сўнг, қуён бўлишадур!

– Тўғри! Тўғри! Гапимизни олампаноҳ эшитсунлар! – гуриллаб шовқин кўтарди оламон.

Уларнинг ҳам кўриниши бир ахволда эди. Кўпчилигининг эгнидаги устбошлари ҳатто дасмол латта қилишга ҳам ярамасди. Кўйлак қилинган мато бечора идраб кетганидан киндигу тўшларидаги жунлари яккол кўриниб турарди.

– Бул не ҳаёт? Инсоф деган нарса борму ўзи сизларда? Сарошумор бирлан

лашкар ҳақини бир йилда неча маротаба тўлаймуз? Шоҳ Махмуд мираннинг худраъй ва золим муҳассиллари йиққан солиқлар етмагандай, уч ой ҳам ўтмасдин, Султон Иброҳим мираннинг одамлари сарошуморга доругагона солиги бирлан яна лашкар ҳақини ҳам қўшдилар! Колган буд-шудимизни энди Абусаид мираннинг ясокийлари қоқлаётир! Бул горату торож қачон тугайдур? Шахзодаларнинг таҳт талоши қачонгача давом этадур? Бул миранлар бошимизга битган бало бўлди-ку!

– Ночор қолган эрларимиз бизни ва болаларини ташлаб, қочиб кетмоқдалар? – деди орқа тарафдан отилиб чиққан бошяланг аёл қўлидаги ўроғини навкарлар томон ўқталиб. Унинг ҳам суяклари саналиб қолган, пуфласа учиб кетадиган алпозда эди. – Бизни энди ким бокадур? Ёхуд қизларимиз бирлан ўғлонларимизни сотиб кун кўрайликум?

– Рўмолингни ўраб ол, уятсиз хотун! – дея дўқ урди Фаррух баҳодир аёлни ҳам сенсираганича, кўзларини олайтириб.

– Рўмолим бўлса ўрайманму? Рўмолимгача олиб бўлдиларинг-ку, ҳеч нарсам колмади! – янайм баландрок бакирди аёл ва жаҳл билан лозимини ушлаб кўрсатди. – Бул турища эртага мана шул зорманда матоҳимга ҳам навбат келадур!

– Сендай беномус хотинни ташлаб қочиб, эринг тўғри қилган! – Фаррух баҳодир ҳам қиличини аёлга караб, сермади. – Менга ўхшаган одам сендай хотинни чопиб ташлар эрди!

– Чопиб ташла! Савобга қоласен! Мен ҳам ҳаммасидин биратўла кутуламен! – аёл қўлидаги ўроғини бўғзига қадади. – Бундай яшаш жонимга тегди!

– Бечора аёл тўғрисини айтиётир, гапни айлантирма! – аёлнинг ёнини олди пахлавон келбат йигит чўқморини ерга бир уриб. – Яхиси, олампаноҳга сўйла, аробадан тушиб, бизнинг арзимизни тингласун!

– Тўғри! Бизни тингласун! Йўкса, аробадин ўзимиз туширамуз! – йигитнинг гапи таъсир қилиб яна қий-чув кўтарди оломон.

Орқадагилар ҳам бирин-кетин олд томонга ўта бошлашди. Барчаларининг юзи бу дунёнинг фамларидан тўйган одамники каби гезарib кетган, соққасига ботган кўзлари қонга тўлган, ҳаракатларида тифдан тоймас хўқизнинг шашти бор эди.

– Оға, йўқ ердин ишқал чиқмасун... – шивирлади Фаррух баҳодирнинг ёнидаги навкар. – Яхиси, “Отанг яхши-онанг яхши” қилиб, кутулайлук, бул бебошлардин. Аларнинг тиригидин ўлиги қиммат! Олампаноҳнинг қулоқларига етса, душманларимизга кўл келадур...

Фаррух баҳодир одамлар сонини чамалаб кўриб, навкар огоҳлантирганидай, паст тушишга қарор қилди.

– Аробадаги олампаноҳ эрмас, маҳди улё малика Гавҳаршод бегим... – деди бу сафар сокин овозда Фаррух баҳодир.

– Гапинг ростму-ёлғонму кўришимиз керак? – деди ойболтали чол ароба томон юраркан.

– Ё, Оллоҳ! Муборак сояли, баланд мартабали маҳди улё маликамизни кўрмоқ насиб этган бўлса, бир тавоф этай! Хоқони сайднинг даврлари қандай омон-омон замонлар эрди! Энди шундай дориламон кунлар келармикин? – афсус билан бош чайқаганича, чолнинг орқасидан эргашди аёл.

Маликага кузи тушган чол саломлашгач, тахтиравон ёпинчигини тушириб, орқасига қайтди. Аёлнинг, “Ростдин ҳам маҳди улё эрканларму”, деган саволига бош иргаб жавоб берди.

– Оҳ, олийхиммат,adolatparvar Robia сифатлик маҳди улё маликам! – аёл ёпинчикини кўтариб, маликага таъзим қилди. – Худога шукрки, тирик эркансиз! Бизнинг қулоқларимизга эрса, айрича хабарлар етиб эрди. Яъни, Адолат нигористонига соябон бўлмиш сиздай бону ҳақинда “Захарлаб ўлдирилган... хонумони

Шаҳодат ИСАХОНОВА

горати омга учраб, талафот шамоли бор-йүгини совурган”, деб айтишган эрди.

Аёлнинг гапларидан ҳаяжонланган маликанинг кўзларига ёш қалқди. Маликанинг юзларидаги изтироб ва қайгуни ўзига ҳамдардлик деб тушунган аёл эса изиллаб йиглаб юборди.

– Махди улё маликам, бизни дуо қилинг... – деди аёл ҳиқиллаб ва кўлидаги ўроғини ерга ташлаганича, кафтини дуога очди. – Биз бечора мазлумларни золимлар ва муфсидлар зулмидин, жабридин, тирикликтининг бул киби машақкату хорлик жафосидин Ўзи қутқарсан! Оллоҳим юртимизга яна адлу эхсон нурларини ёғдирсун!

Аёл маликадан дуо сўраган бўлса-да, унга гал бермай, ўзи тинмай сўзлар, кўзларидан дувуллаб ёш оқизганича, юрагида йигилиб ётган дард-ҳасратларини биратўла тўкиб-соларди. Бетоқатланган Фаррух баҳодир, ёнидаги навкарга йўлтўсарларнинг исми шарифини нома-ном қайд қилишини ва яшайдиган мавзесини билиб олишини тайинлаб, оти бошини аёл томон бурди.

– Бўлар энди, чеча! – деди Фаррух баҳодир ўзининг лаҳжасида аёлга мулоҳимлик билан. – Биз кечикаётимиз, сизларнинг талабингизни эрса, шикоятлар дафтариға ёзиб олдик. Ҳозироқ олампаноҳга етказурмиз, бир ҳафтага қолмай, жавоб олурсиз!

Аёл маликадан дуо сўрагани ҳам эсидан чиқиб, алқаб-алқаб хайрлашди. Унинг кайфияти кўтарилиган, кўнглида умид уйғонган эди. Худди эртагаёқ олампаноҳ уларга мурувват дастурхонини очади-ю, бадар кетган эри ҳам қайтиб келиб, болаларига эгалик қиласигандай, рўзгорини яна қўлига оладигандай катта бир ишонч пайдо бўлган эди. Навкарларнинг қораси йўқолгунича ҳаммалари аробанинг ортидан термилиб қолишиди.

– Маликани аробада, кўриқчилар қуршовида олиб кетишлари тек эрмас! – деди қария кўлидаги ойболтасини ёнидаги шеригига узатаркан, билакларини уқалаб, – Болта эрмас бало берибсан-у, оғайни! Қўлим узилиб тушишига бир баҳя қолди-я?!

– Пойтеша-ю болтамдин бошқа асбобим йўқ дедим-ку, сизга, оқсоқол! – кулди шериги. – Ҳалиям пойтешани бермадим, уни олганингизда қўлингиз аниқ узилар эрди!

– Нега малика ҳақинда ундей деётирсиз? – қариянинг гапидан ҳайрон бўлган аёл унга яқинроқ келди. – Малика ҳамиша навкарлари бирлан юрар эрди-ку?!

– Бул ерда бошқа гап бор! – деди қария сирли қилиб.

Ҳеч нарса қилиша олишмаганидан ҳафсаласи пир бўлган одамлар норозиланганича, вазиятни таҳлил қилишга тушиб кетишиди.

– Саройга бориш керак эрди! – деди паҳлавон келбатли йигит ёнидаги шеригига. – Устознинг гаплари бирлан аробани бекор тўсдик “Олампаноҳ бул аробада эрмас”, деб айтдим-ку, сизларга! Ҳозирги шароитда, ҳар қадамда тўс-тўполонлар кўпид турган бир паллада Абусаид мирзо ўн чоғлигина сарбозлар бирлан юрмаслигини ёш бола ҳам биладур!

– Майли, сарой бўлса, саройга ҳам борурмиз! – уни тинчлантирмокқа уринди шериги. – Ҳалиги барзангি бошлиқнинг гапи бирлан арзимизни хат-хужжат қилиб олишди-ку, натижасини кутайлук!

– Ҳай, биродарлар, устознинг гапларини эшитинглар, қизиқ... – Уларнинг гапини бўлди ёнларидаги шериклари.

– Мен ёпинчикни кўтарганимда, малика йиглаётган эрди. – Қария худди эртак айтаётган каби берилиб гапиради. – Мени кўриб, бечора ҳатто қўрқиб кетди. Кўзёшларини шоша-пиша артганича, саломлашди. Авзори ғалати эрди. Ҳолатидин хаёли ўзида эрмаслигини бир қараашдаёқ сездим. Демак, бечорани ё ҳибс қилишадур, ёхуд... воллоҳу аълам, ҳар қалай яхшиликка эрмас!

– Шундай маликани-я?! – аёлнинг кўзлари ғазабдан олайди. – Оғзингиздин шамол учирсин-ай! Яхши ният қилинг!

– Ияқ қоқиб ўлтирган кампирнинг нимасини ҳибс қилишадур? – эътиroz билдириди қариянинг ёнида кетмонига суюниб турган йигит. – Саксондин ошган эрмишку?!

– Тепадагиларнинг айтишича, саксондин ошгани бирлан шахзодаларни бошқараётган одам ҳам ана шул малика эрмуш! – деди қария ҳамма гапдан хабардордай кўрсаткич бармоғини ароба кетган томонга нукиб.

– Ҳаммаси душманларнинг миши-миши! Мен сизларга айтсан, юзта шахзода ҳам битта маҳди улё маликачалик бўйлолмайдур! – деди аёл юзларида ҳавасга ўхшаш викорли бир ифода ўйнаб. – Раҳматли хоқони саиддин сўнг, малика қурдирган иморатлардай мухташам биноларни бирорта шахзода тиклата олдиму? Машҳади муқаддасдаги масжиди жоменинг маҳовати тилларда дастон бўлиб эрди. Ўзимизнинг Байтулмағфира мадрасамизни айтинг! Менинг ўғлимга ўхшаган қанча йўқсил талабалар мадрасага вақф қилинган ерлар ҳосили хисобидин сабок олаётир!

– Мадрасалар ҳозир бекитилган! Бечора талабаларнинг думи тугилган! – орқадан гап қўшиди кимдир.

– Албатта-да! – аёлнинг баттар фифони чиқди. – Чунки тахт бошига келаётганларни кўраётирумуз, факат олишу юлишни билишаётир! Бул Оллоҳдин қўрқмаслар вақф қилиб берилган масжиду мадраса, хонақоҳу мақбара, қаландархона-ю такя киби даргоҳларнинг ерларидин чиққан мискину фақрларнинг тегиши, ҳакқи бўлмиш маҳсулотларгача ҳазар қилишмаётир! Шул боис, аларга текин томоқ талабанинг кераги йўқ, ҳатто, ўқиб осмондаги ойни олиб беришса ҳам!

– Тўғри, тўғри, – яна гапга қўшилди кимдир. – Маҳди улё маликамиз қанча йўллар солиб, қанча ариқлар қаздирганини ҳеч ким билмаса ҳам биз билурмиз!

– Худди шундай, мана шул йўлни солдирган ҳам, – аёл қўлидаги ўроғини оёғи остидаги тошга уриб кўрсатди. – Мана бул қайроқтошларни тўшатган ҳам маҳди улё бўладур! Шунгача қайроқтошли йўлни кўрган эрдингизму?

Қариянинг набираси суҳбатни бузди.

– Изламаган жойим қолмади, бобо! – оломон орасида бобосини кўрган бола қариянинг ёнига келганича, ҳовлиқиб гапира бошлади. – Бувим кўзғолонга кўшилганингизни эшитиб йиғлаб ўлтирибдурлар. “Бобонг ажалидин олдин ўладиргон бўлибдур!” деб. Энди сизни ўлдиришадурму, бобо?

– Бувинг ваҳимачи, гапларига ишонма! – кария неварасини қучогига олганича, ҳамроҳлари билан хайрлашган бўлди. – Олампаноҳдин бир ҳафта хабар беклайдирмуз, кейин яна маслаҳат қилурмиз...

Иссиқ тафти пасайиб, салқин шабада эпкини эсиши билан, азалдан зоғларнинг макони бўлмиш ҳайбатли чинорларнинг баланд шоҳларида күшлар бозори бошланган эди. Турли оҳангда чуғурлаётган күшлар овози қулогига урилган малика Боги Зоғонга етиб келишганини пайқаб, аробанинг соясига қаради. Вақт намози асрга якинлашиб қолган эди. Саройда одамлар гавжум, ошхона томондан пиширилангаётган овқатларнинг ҳиди келар, оқсочу хизматкорлар зир югуришганича, ифторлик дастурхонини тузатиш билан банд эди. Бир гуруҳ амирлар гулзорга туташ кўшқда суҳбатлашиб ўтиришар, бальзилари жуфт-жуфт бўлғанларича, боғча айланишарди. Гавҳаршод бегим саройга охирги марта Бобур мирзонинг қирқида келган эди. Саройга кираверишдаги йўлакка соя солиб турган арғувонлар қирқилиб, ўрнига нина баргли оқиши арчалар экилган, гулзордаги гуллару буталарнинг ҳам жойи ўзгарган, тўқайларда ўсадиган тўронги бутаси қийғос гулга кирган эди.

Дарбозадан Фарруҳ баҳодир билан кираётган Гавҳаршод бегимга кўзи тушган

Шаҳодат ИСАХОНОВА

кўшқдаги амирлар бирдан жим бўлиб қолишиди. Малика оппоқ либосда, худди фаришталардай, ҳавода муллақ сузиб келаётганга ўхшарди. Тўрда ўтириб гуринг беряётган амир Низомуддин Аҳмадёр шарт ўрнидан турганича, сарой томон кетди. Бошқалар гўё маликанни кўрмагандай ўгирилиб олишиди. Богча айланганича, шу томон юраётган меҳмонлар ҳам маликанни таниб, илкис тўхташди. Уч кишининг ўртасида кўлларини бигиз қилганича, гап бериб келаётган мўғил бащараги даванг амир Мазид ҳатто гапидан адашиб, уйқудан шишган кўзларини пирпиратганича, дўрдоқ лабли оғзини ланг очиб, аграйди. Сўнг, ҳамроҳларига имо қилганича, йўлини бошқа тарафга солди.

– Ё, Оллоҳ... Ёмонларга йўлдош қилма... – деди амир Мазиднинг ўнида кетаётган мавлоно Қутбиддин табиб гапининг давомини ичига ютиб. Унинг қулоғига маликанинг саройига кетган навкарлар хабари етгани боис, беихтиёр, Гавҳаршод бегимга ҳозир ичи ачиған, лекин ёнида амир Маҳмуд Мусока билан амир Мазидлар борлиги эсига тушиб, тилига келган, “Шундай маликан-я...” деган гапини “Ёмонларга йўлдош қилма...”га буриб юборган эди.

Малика йўл-йўлакай ўйлаб келаётган гумону тахминлари тўғри чиқаётганини хис қилиб, вужуди сесканди.

Гавҳаршод бегимнинг келгани ҳақидаги хабар Абусайд мирзонинг қулоғига этиши билан сарой айёнлари-ю меҳмонларнинг патагига курт тушиб, уяси бузилган арилардай тўзиб қолишиди. Худди қизиқ томоша бўладигандай ҳамма айрича бир қизиқиши билан ўзини боғчадаги кўшк томон урди.

Боги Зогон саройи шаҳзода Бойсунгир мирзога инъом этилгач, устунлари куббали ва шифтлари нақшинкор баланд бу кўшкнинг тархини ўғлининг ўзи чизиб берган ва самарқандлик усталарга қурдирган эди. Унинг саҳни бошқа боғлардаги кўшкларга нисбатан жуда кенг, эни бўйига тенг олинган эди. Абусайд мирзо кўшкнинг тўрида, худди куёвлардай ясаниб олган, кумушранг қабода эди. Салласи ҳам кумушранг, алоқаси қошининг устига тушиб турарди. Оппоқ кўйлагининг ёқалари ҳошияланган, енги сидирға, саҳтиён этигининг учлари қайрилма ханжарнинг уидай гажак қилинган эди.

Абусайдни кўрган заҳоти Гавҳаршод бегим беихтиёр, тўй хабари қулоғига етгандан бери ҳар куни йиғлаб хунибийрон бўлаётган Руқия Султон бегимни эслаб, юраги ачишиди. Уч кун илгари Абусайд мирzonинг бош маликаси Малак Буга бегим Гавҳаршод бегимнинг зиёратига келган кун ҳам Руқия Султон бегим маликанинг хузурида, кўзёшларини тўкиб ўтиради. Гавҳаршод бегим абирасига Малак Буга бегимнинг кимлигини айтишга улгурмай, Руқия Султон бегим уни танимагани учун кўзёшларини артганича, бегим билан илиқ сўрашди. Бош маликанинг нигоҳидаги қизғанч аралаш аламзадаликни пайқамади. Гавҳаршод бегимни зиёрат қилиш учун келган Малак Буга бегим шу баҳонада эрининг ақли-ҳушини олиб қўйган бўлажак кундошини кўрмоқчи ва ўзини бироз бўлса ҳам совутмоқчи эди. Лекин келганига пушаймон бўлди. Қизнинг гўзаллиги қайтага Малак Буга бегимнинг юрагидаги рашқ ўтини баттар алганга олдириди...

Малак Буга бегимнинг келгани ҳақидаги хабарни эшитган Бегика бегим эса шайтонлаб қолай деди.

– Ану, қари мегажин келган эрмушму? – деди Гавҳаршод бегимнинг хузурига ҳовликиб кирган Бегика бегим кўзлари ғазабдан олайиб. – Қизимни кўриш баҳонасинда иссиқ-совуғу гирди-балолар қилиб келгандур-да? Нарсалари қаерда?

– Тилингга эҳтиёт бўл! – деди Гавҳаршод бегим кундан-кунга ҳаддидан ошиб, ҳаволанаётган келинига насиҳат оҳангиди – “Тилим-тилим тилимдур, бошга етган тилимдур”, деган нақл бор. “Қари мегажин эрмас”, маликаи олия келди! Иннайкеин, ҳеч қандай нарса келтиргани йўқ!

– Маликаи олияму, бошқасиму нега сўроқсиз-истаксиз келадур, менинг

даргоҳимга? – оғзидан тупук сачратиб, бобиллади Бегика бегим. – Яхши ниятда келган деб ўйлайсизму!

– Аввало, бул даргоҳ энди сенинг эрмас, балки, аниң ҳам даргоҳидур...

– Даргоҳиму йўқму, қизим шул ерда яшар эркан, энди остоғанизга қадам босмасун! – Гавҳаршод бегимнинг гапини охиригача эшитишга Бегика бегимнинг сабри чидамади. – Руқия Султон бирор нарса едирмадиму, ишилиб?

– Хаёлинг дарров ёмон томонга кетмасун, гумон имондин айирадур! – унга эътиroz билдири Гавҳаршод бегим. – Малак Буға бегим келди-ю кетди, дастурхонга ҳам қарагани йўқ. Иннайкейин, қизинг бирлан гаплашмади ҳам. Менимча, ота-онаси бирлан қадрдонлигимиз боис, мени кўргани келган.

– Сизни кўргани кўзи учидирму?! – жаҳли чиққанидан оғзига келганини қайтармади Бегика бегим. – Сизни кўриш бир баҳона, холос, кундошларнинг феълини билмагандай гапирасиз-а?! Ёмонидин Худонинг ўзи асрасун! Адаш қайнонам Бегика бегим кундошига заҳар бергани эсингиздин чиқдиму?

– Бирорга тухмат қилма! – жеркиб ташлади Гавҳаршод бегим Бойсунгир мирзонинг бош хотини Бегика бегимни эсларкан.

– Тухмат қилаётганим йўқ, ўзлари айтганлар, “Менинг ҳаётимни заҳарлаганларнинг ҳаммасини заҳарлаймен, ҳаммасини ўлдирамен. Ўшал жодугарни ҳам ўзим йўқ қилганмен”, деганлар!

...Маликанинг хаёлини навкарнинг, “Кўшкка чиқурсиз”, деган сўзи бўлди. Малика зина томон буриларкан, нигоҳи беихтиёр, Абусайд мирзонинг кўзлари билан тўқнашди. Абусайд мирzonинг ҳаяжонланаётгани қараашларидан, тахт поясини ушлаётган қўларининг харакатларидан сезилиб турарди. У дам-бадам лабларини ялаб кўяр, икки ёнида тик турган амир Аҳмадёр ва амир Шерҳожига нималарнидир тасдиқлатиб оларди.

Абусайд мирзо ҳам зиналардан ҳарсиллаб қўтарилаётган Гавҳаршод бегими кўргач, хаёлида Руқия Султон бегимнинг гўзал чехраси гавдаланиб, энтиқди. Гавҳаршод бегимнинг зиёратига изнисиз борганини баҳона қилиб, бош маликасинан ҳам кутулиб олди.

– Жавобимни беринг, мен кетамен! – деди осмондан келаётган эрига гап уқтиrolmasligiga ақли етган Малак Буға бегим охири аламини кўзёшдан олиб. – Сиз хотинбоз эркакларга Худонинг ўзи бас келмаса, бандаси бас келомлас эркан!

– Қовоқ каллангдан ажралмай десанг, тилингни тий! – деди Абусайд мирзо елкасидаги оғир юқдан осонгина кутулаётганидан ичидан севиниб. – Валиаҳдимнинг волидаси бўлганлигинг учун чидаётирмен, сабримни синама, семиртириб сўямен!

Шерҳожининг томоқ қиришидан хаёли бўлинганд Абусайд мирзо Гавҳаршод бегим ўзи учун ҳозирланган ўриндиққа бориб ўтираётганини кўрди. Малика айни иссиқ маҳал рўздор ҳолида ёпик аробада келганлиги учун чарчаб қолган, кўриниши ҳам ҳорғин, лекин тақдирга тан бергандай, ўзини босиб олган эди.

– Хуш келдингиз маликам! – деди Абусайд мирзо унга ярим нигоҳ ташлаб.

– Хушвакт бўлинг, мирзом! – деди малика ҳорғингина овозда.

– Аввало таъзиямизни қабул этинг! – деди Абусайд мирзо. Малика “Олампаноҳ” сўзи ўрнига атай “Мирзо”ни ишлаттандай туюлиб, жаҳли чиққанидан бурун катаклари керилди, муйлаблари учди. – Бандалик эркан!

Даб-дурустдан айтилган бу хабардан бошига қайноқ сув куйилгандай чўчиб тушган Гавҳаршод бегим нима дейишини билмай, тошдай қотиб қолди. Нафас олиши тезлашиб, икки ёноғи тарам-тарам қизарди. Таъзиядан юраги безиллаган малика, “Ким”, деб сўрашга ҳам журъати етмади.

– Шаҳаншоҳлик даъвосинда ўзини ўту чўққа урган шаҳзодаи жувонбахт Аҳмад мирzonинг ёшгина жони бой бериш тузогига илиниб...

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Малика Абусайд мирзонинг бошқа сўзларни эшитмади. Кўз олдидан энди ўн етти ёшга кирган Аҳмад мирзонинг ўспирин чехраси ўтиб, вужуди музлаганича, қулоқлари остида Ҳусн Нигор бегимнинг, “Тузимизни еб тузлиғимизга тупурган ул кас ҳамма нарсамизга эга чиққани етмагандай, энди авлодларимизга кўз тикаётир, нечун инилари оёқланишмасун, анинг хунини жигарлари олмаса, етти ёт бегоналар сўрайдурму? деган сўzlари қайта жаранглади. “Ох, бечора, шахзодаларим...”

Гавҳаршод бегимни кузатиб ўтирган Шерҳожи навкарга, “Сув келтир”, дегандай имо қилди. Навкар югуриб, ташқарига чиқиб кетди. Ўтирганлар ҳам маликанинг ҳолатини илғашиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишиди. Шайхзода Пир Қавомнинг раҳми келди, шекилли, ерга қараб олди.

– Мушкулимизни ўzlари осон қиладилар-ов... – деди амир Шерҳожи амир Аҳмадёрнинг қулогига энгашиб, ярим масхара оҳангиди, секингина. – Юралари дош бермайдургонга ўхшайдур...

– Малика осонгина ўладиганлар хилидан эрмас... Суюнманг... – жавоб қайтарди амир Аҳмадёр ҳам шивирлаб.

Сув олиб келган навкар қўлидаги пиёлани маликага тутди. Малика худди уйқудан чўчиб уйғонгандай одамдай, сесканиб атрофга бирров кўз юргутириди-да, “Рўздормен...” дегандай иссиқ ва сувсизликдан ёрилабошлаган лабларини кафти билан ёпиб, сувни рад этди.

– Мен нима дедим, сизга?! – деди амир Аҳмадёр амир Шерҳожига маъноли қош учириб. – Малика ҳали жуда бакувват, найманларнинг жони савил қолган деб бежиз айтишмайдур!

– Шундайга ўхшаётир-куя... Лек гумаштасини кўргач... – деди Шерҳожи боғ этағидаги чинорлар томон шаъмали ишора қилиб. – Ўлмасалар ҳам ўлимчи бўладур...

Чинорлар тагида осилган қирқ қулоқли дошқозон ичида нимадир қайнарди. Икки киши навбатма-навбат тагига ўтин қалар, лекин кўринишларидан ошпазларга ўхшамасди.

– Мирзомизнинг муборак қулоқлари, “Вақт ўтгандин сўнг қурол-аслаҳа ҳам ёрдам беролмайдур”, деган нақлни туймаганлар шекилли, ёхуд жаҳондорлик васвасаси устун келдиму ҳар қалай ўз жонларига жабр қилибдурлар! – гапида давом этди Абусайд мирзо ва сув келтирган навкарни чорлаб, чинор томонга имо қилганича, “Олиб келишсун”, деди.

Чинорга боғлаб ташланган маҳбусга маликанинг кўзи энди тушди. Лекин масофа узоклиги учун уни танимади. Қўриқлаб турган тўрт навкар арқонини ечиб, маҳбусни кўшк томон етаклашгач, малика уни шахзодаларидан бирортаси деб ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетди. Навкарлар етагида келаётган маҳбус яқинлашгач, хос навкари Турконшоҳ эканини унинг сурмаранг қабоси ва салласидан таниди. Турконшоҳнинг кўллари орқасига боғланган, оёқлари кишанда эди. Аёвсиз калтаклашганидан унинг қиличдай танаси, кўл-оёқлари дўмбирадай шишиб кетган, қабосининг енглари сифмаганидан қўлтиғининг тагигача йиртилган ёки торлигидан ўzlари сўкиб қўйишиганди. Таниб бўлмас ҳолга келган юзининг моматалоқ бўлмаган ери қолмаган, базур юрар, лекин қадди тик, боши эгилмаган эди.

– Таниётимусиз, маҳди улё? – деди маликанинг юзига қалқан изтиробни пайқаган Абусайд мирзо пичинг оҳангиди.

Турконшоҳнинг афтодаҳол аҳволини кўриб, юраги ачишганидан бўғзига аччиқ алам қадалган Гавҳаршод бегим йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлади. Калтакларга бўйин эгмаган хос навкарининг мағрур ва тик боши маликанинг ву-

жудига қувват бағишлангандай бирдан тетикланди. “Демак, шүрлик Аҳмад мирзосининг қазосини айтмоқчи бўлиб келгану Абусаид мирзо юборган навкарларга йўлиқкан...”

Турконшоҳ чиндан ҳам Абусаид мирзонинг айғоқчилари томонидан Балхда ўлдирилган Аҳмад мирzonинг ўлими хабарини Гавҳаршод бегимга етказиш учун эрталаб Боги Сафидга келган ва навкарларга дуч бўлган эди.

– Танидим... – деди малика буқчайиб қолган елкаларини тиклаб оларкан, лекин кўзларидағи ёш тинмасди. Аҳмад мирzonинг ўлими хақидаги хабар унинг юрагини ўртамоқда эди. – Бул йигит фарзандларим қаторинда даргоҳимда ўсган ва менинг хос навкарим Турконшоҳдур! Яхши инсонларнинг кўриниши ўзгарса-да, руҳи ўзгармайдур, мирзом! Мунофиқларнинг башарасини эрса, таниб бўлмайдур ва шул боис, инсон адашадур...

Абусаид мирзо бу гапларни малика ўзига қаратса айтиётганини англаб, гезарид кетди. Лаблари титраб, ўнг қўли беихтиёр, қиличи дастасига узанди.

– Норасида шаҳзодаларингизни аслинда, ким ўлдираётганини англаётирмусиз? – деди кўзларидан нафрлатли учқунлар сачратиб Абусаид мирзо.

– Ҳа, аларни сиз ўлдираётисиз, мирзом... – деди ичидаги нафрат сиртига қалқкан Гавҳаршод бегим тилига келган калимани қайтармай.

– Нима? – маликадан бундай жавоб кутмаган Абусаид мирзо ҳатто шошиб қолди. Қаҳри келиб, юзлари қизарди, аъёнлар олдида мулзам тортганидан гапидан адашди. – Адашаётисиз... Аслинда аларни ўзингиз ўлдираётисиз, маликам! Сизнинг таълимотингиз бирлан менга қилич қайрашаётир алар!

Абусаид мирzonинг ҳайқирикли овози худди шернинг ўкиригидай қулоқларга ваҳшат солиб янгради. Абусаид мирзо атрофида қалдирғочлардай тизилиб, кўшкни тўлдириб ўтиришган амиру бекларнинг нафаси ичига тушиб кетди, унга яқин турган Амир Аҳмадёр билан билан амир Шерҳожилар ҳатто, ўзларини беихтиёр орқага олишди.

– Мен... – Гавҳаршод бегимнинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди. Туҳмат тоши унинг бутун вужудини тилкалаб, ёноқларини қонталаш қилди. – Астағифурulloҳ!

– Астағифурulloҳ демак, тугул қасам ичсангиз ҳам ишонмаймен, сизнинг сўзларингизга! – Абусаид мирзо кўшкка яқинлашаётган Турконшоҳ томонга ишопра қилди. – Ана гувоҳ келаётир, анинг сўзларини қандай инкор этурсиз, билмадим!

Малика ҳайратдан қотиб қолди. “Турконшоҳ гувоҳ? Бўлиши мумкин эрмас! Ўз фарзанди киби тарбиялаган одами-я?!“ Гавҳаршод бегим “Ўз фарзанди...“ калимасини айтишга айтди-ю, лекин шу заҳоти хаёлига урилган фикрдан бутун танаси зирқираб кетди. “Оҳ, Яратган Эгам, ахир Улугбегимни ҳам қатл эттирган ўз фарзанди эрди-ку... Оҳ, меҳрибоним... Кўзларимни кўр, қулоқларимни кар қил, ани кўришни ҳам, ёлғон сўзларини эшитишни истамаймен! Ёлғон-яшиқларни эшитганимдин кўра ўлганим яхшироқ эрди... Мен нечун яшаётирмен, нечун менга ўлимни раво кўрмайтирансен, меҳрибоним, ёхуд тириклигим ҳам мен учун жазойингму?

– Хўш, Турконшоҳ миризом... – Абусаид мирзо оёғида базур турган хос навкарга қараб, заҳархандалик билан кулди. – Маҳди улё сени фарзандларим қаторинда ўстирганмен дегани боис, “миризом” дёётирмен, тўғри сўйладимму?

– Олампаноҳ... – Турконшоҳ лабларидан сизиб чиқаётган қонли сўлакни намо-йишкорона ёнига туфлади. – Ота-онам қўйган ном мен учун шарафлидур! – деди хириллаган буғиқ овозда.

– Шундайму... – унинг жавоби Абусаид миризога ёқмай, амир Шерҳожига

Шаҳодат ИСАХОНОВА

қаради.

Турконшоҳнинг важоҳатидан бир нарсани бошлишини сезиб турган амир Шерҳожи сергакланиб, Турконшоҳнинг ёнига ўтди.

– Майли, амир Турконшоҳ, сенингча бўлақолсун, гапни айлантирмай, эрталаб сўйлаган гапларингни маҳди улёга ҳам тақрорла! – деди амир Шерҳожи, “Мен ўргатган нарсаларни сўйламасанг яна ейсан”, деган шаъма билан.

– Мен амир эрмас, хос навкармен! – деди яна қайсарлик билан Турконшоҳ. Унинг шишган қовоқлари орасидан қонталаш кўзлари базўр кўриниб турарди.

– Э, э! – истеҳзоли кулди амир Шерҳожи. – Мирзо бўлмаганингга яраша, амир ҳам эрмасмусен? Демак, шунча хизмат қилсанг ҳам итнинг кейинги оёғи бўлиб юрган эркансен-да, қизик??!

– Олампаноҳга айтган сўзимни сизга ҳам тақрорлаймен... – Турконшоҳнинг овози хириллаб, йутал аралаш чиқди. – Менга бирорларнинг насаби ҳам, увони ҳам керак эрмас! Мен маҳди улёга фарзанд мақомидамен...

Турконшоҳ ҳакида ҳар хил гумонга бораётган Гавҳаршод бегим нигоҳи у билан тўқнашмаслиги учун ерга қараб олган эди, унинг охирги сўзларини эшитиб, бошини кўтарди.

– Кечаги гапларни қайтар, эй, ҳайвон! – деди бу сафар очиқласига ҳакоратга ўтган амир Шерҳожи қони қайнаб.

– Кеча ҳам айтганмен... – Турконшоҳнинг дўрдайиб ёрилган лабларидан яна қон сизиб, гапиришга қийналди. – Маҳди улё маликам ҳамиша шахзодаларга насиҳат қилиб, аларни бул йўлларидин қайтарганлар, Оллоҳ гувоҳ! Ўзим воситачи бўлганиммен...

– Воситачи бўлганингни тан олганинг яхши, энди боя сўйлаган гапларингни қайтар! – деди бу сафар Абусаид мирзонинг ўзи сўрокни давом эттириб.

– Мен ҳеч нарса сўйламаганмен... – Турконшоҳ шундай дея Шерҳожи томонга қаради. – Демак, сизга шотирларингиз ёлғон маълумот бершибдур..

– Менга-я? Менга ким ёлғон сўзлай оладур? – деди жони чиққудай бўлиб Абусаид мирзо.

– Ҳаммаси, ҳаммаси ёлғон сўзлашадур, алдашадур... Алдоқчиларнинг, мунофиқларнинг энг каттаси ёнингизда ўлтирибдур! – Турконшоҳ гапи яхшироқ эшитилиши учун овозига зўр берган эди, йутал тутиб қолди.

– Демак, бошқа ҳеч нарса сўзламайсен, шундайму? – деди Абусаид мирзодан олдинроқ Шерҳожи, хириллаб базўр нафас олаётган Турконшоҳга. – Ёхуд маҳди улёни сотмоқдин кўра ўлимни афзал кўрдингму?

– Ёлғон гувоҳлик берганимдин кўра, ўлим афзалроқ ва шарафлироқдур!

– Унда ўзингдин кўр, қозонга ташланасен! – деди унга нафратли нигоҳини қадаб Абусаид мирзо.

– Берган тузингизга рози бўлинг, маҳди улё волидам... – деди Турконшоҳ Гавҳаршод бегимга, Абусаид мирzonинг сўзларини жавобсиз қолдириб ва навкарлар етагида ортига қайтди.

Ўчиққа қаланган ўтиналарлардан кўтарилаётган аланга борган сари кучайиб, кирқ кулоқли дошқозонда қайнаётган сувнинг шовури кўшкка ҳам эшитила бошлиди.

– Ноҳақ зулмнинг товони қаттиқ бўладур, мирзом! – деди беихтиёр, йифлаб юборган Гавҳаршод бегим уни бу жазодан қайтармоқ илинжида.

– Менинг боболарим бирлан момоларим ҳам ноҳақ зулмнинг курбони бўлишган,

эсингиздаму?! – деди шаъма билан Абусайд мирзо қозон томонга кўз ташлаб қўяркан. – Лекин ҳеч ким алар учун товон тўламаган... Шўрлик боболаримни алардин сўнг қирқ йилдин ошиқ давру даврон сурган хоқони сайд ўлдиртирганини сиз, адолатпеша малика инкор қиласангиз керак! Шул боис, менга ноҳақлиқдин ваъз сўйламанг! Ҳақ-ноҳақ нелигини сиздин кўра яхшироқ биламен! Товон ҳақиндаги гапингизга келсақ, мана, товон тўлаш навбати энди сизларга ҳам етди! Боя тўғри сўйладингиз, шахзодаларингизни мен ўлдиртиридим ва бундин пушаймон эрмасмен! Мен аждодларим қассосини олмоқдамен! Ал қассосул минал ҳақ!

– Тахтга қассос учун ўлтирилмайдур, мирзом! – деди Абусид мирзонинг важоҳатини кўргач, кўзёшлирини артиб, қаддини ростлади Гавҳаршод бегим. – Тахтга юрт қурмоқ учун, элу улуснинг корига ярамоқ учун ўлтириладур! Қассос учун тахтга ўлтирган хукмдорнинг ўзи ҳам ўшал қассоснинг қурбони бўладур! Балки бир йил, балки ўн йил ўтар... Ундин ошиқ эрмас... Авлодларингиз сўзимнинг гувоҳи бўлишадур... Номингиз эрса тарихда юртбоши подшоҳ сифатинда эрмас, қонхўр ва телба жаллод сифатинда қоладур!

– Жаллод! – деди ҳақоратлардан жазаваси қўзиган Абусайд мирзо беихтиёр, маликани сенсираб ва ўрнидан сапчиб турарганича, ўзи ҳам қиличини қинидан суғирди. – Менга деса номимни қора сиёҳ бирлан тошларга ўйиб ёзишсун! Жаллод! Жаҳондорлик васвасаси уя қурган мана бул қовоқ каллани узиб ташлаб, Ҳирот дарбозасига ос!

– Олампаноҳим... – ҳар панжаси паншахадай, бўйлари баланд, елкалари бир кулоч, ниқобли жаллод Абусайд мирзога саросималаниб тикилди. – Бугун рамазонинг еттинчи куни... Бул улуг кунларда... Ҳатто чумолини ўлдирмоқ ҳам гуноҳи кабир...

Жаллод елкасига урилган қилич зарбидан гапини ҳам тугатолмай гурсиллаб ийқилди. Тиф теккан ердан отилган қон худди фаввора мисоли ҳар томон сачради. Ўтирганлар даҳшат ичиди қотиб қолищди. Шайхзода Пир Қавом ўзини кўшқдан пастга отди. Абусайд мирzonинг важоҳатини кўрган Шерҳожи қиличини суғурганича, намойишкорона шаҳд билан Гавҳаршод бегим томон юрди ва...

– Демак, тушларимда аён берилган эркан... Ҳа, тақдирга тадбир йўқ... – дея пи-чиirlади маликанинг лаблари ва “Калимаи шаҳодат”ни ёдга олди...

Чиндан ҳам Абусайд мирзо тақдирга тадбир қилганида ўзининг устози, тузини ичган валенеъмати, олам илм аҳлининг сардори, Улугбек мирзодай хукмдорнинг волидаси, замона тождори, Жамшид қудратли Шоҳруҳ мирзодек саховатпеша хоқони сайд салтанатининг бош маликаси, гўзал хулқли, муборак сояли, баланд мартабали, олий хислатли, иноят нигоҳли, илм ва маърифатни ўзига фарзи айн ва айни фарз деб билган маҳди улё маликани ҳарб дунёсининг баҳодирлари, илм оламининг сарафrozлари, хирад аҳлининг пешволари қаршисида бу қадар хўрламаган, унинг муборак бошига фитна тўзонини ёғдирмаган, қиёмат фавфоси-ю маҳшар куни ғулгуласини солмаган, авлодларидан тортиб хонумонигача йўқлик бўронида со-вурмаган, аксинча, риоятлар билан эъзозлаган, унинг баргоҳи тупроғини кўзларига сурма каби тортган бўлур эди. Ва ўзининг ҳам толеи Гавҳаршод бегим башорат килганидек, ўн йилдан сўнг, маликанинг abiраси Ёдгор мирзо кўлида якун топмас эди. Воллоҳиаълам...

**Романинг тўлиқ матни билан “Шарқ юлдузи” журналининг сайтида
танишишингиз мумкин.**



Тўлепберген Қаипбергенов – моҳир публицист

**ЮСУФ
ҲАМДАМОВ**

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби Тўлепберген Қаипбергенев ҳозирги замон қорақалпоқ миллий насли асосчиси сифатида тан олинади. Ажойиб асарлари билан минглаб ўкувчилар қалбидан жой олган адебнинг серкирра ижоди ҳакида кўплаб монография ва китоблар ёзилган. Унинг “Гумроҳлар”, “Кўз корачиги”, “Қорақалпоқ кизи”, “Бахтсизлар”, “Бобомга хатлар”, “Маманбий афсонаси”, “Раҳмат, ўқитувчи”, “Қорақалпокнома”, “Сўнгги ҳужум”, “Совук бир томчи” каби асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган. Адаб ижоди дунёнинг машҳур ёзувчи-шоирлари ва таниқли адабиётшунослари томонидан юқори эътироф этилган.

Шу билан бирга Тўлепберген Қаипбергенов қалами ўткир публицист ҳамdir. У ўз мақола, интервью ҳамда очеркларида қорақалпоқ халқи тарихи, урф-одат, анъаналарини ёркин ифода эта олган, улар ҳаётидаги муаммоларни ўзига хос тарзда акс эттирган.

1955 йил Қорақалпоғистон давлат педагогика институтини тутатгач, илк ижодини Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг “Амударё” адабий-бадиий журналида адабий ходим, 1959 – 1960 йилларда эса қорақалпоқ ўшлари марказий нашри – “Жас лениншы” газетасида бош мухаррир вазифасида ишлаган Тўлепберган Қаипбергенов раҳбарлик вазифасини олиб бориш билан бирга журналист сифатида ҳам кўплаб репортаж, очерклар ёзган.

Адаб публицистикасида табиатни асраш, атроф-муҳит муҳофазаси муҳим ўрин тутади. Собиқ иттилоғ давридаги марказий газеталар сахифаларидан ҳам жой олган аксарият мақолаларида экология мавзуси кенг ва атрофлича ёритилган. Чунки 1970 йиллардан кейин Орол дengизининг қурий бошлиши ва оқибатда унинг атрофида

Юсуф ҲАМДАМОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1954 йилда туғилган. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Республика ва хориж матбуотларида журналистика назарияси муаммоларига оид кўплаб мақолалари босилган. “Замон ва мезон”, “Тараққиёт мезони” монографиялари чоп этилган.

истиқомат қилаёттган ақолининг аянчли ахволи шу масканда истиқомат қилиб, бу ердаги шарт-шароит ақоли турмуш тарзини бошқалардан күра күпроқ биладиган Тұлепберган Қаипбергеновни бефарқ қолдирмайды. У ўз маколаларыда табиат, атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши фикрлар билан чиқиб, табиатни севиши, уни асраб-авайлаш, миллат мәхнатини қадрлаш муаммоларини дадил күтариб чиққан фаол журналистлардан бири саналади.

Ёзувчининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий мавзуулардаги долзарб муаммоларга бағищланған мақолалари “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Правда Востока”, “Нурлы жол”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ёзувчи”, “Ватан”, “Тошкент оқшоми”, “Маҳалла”, “Учитель Узбекистана”, “Совет Каракалпакстаны”, “Советская Каракалпакия”, “Вести Каракалпакстана”, “Еркин Каракалпакстан”, “Қарақалпакстан жаслары”, “Аму тонги”, “Устаз жолы” газеталари, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Амударё”, “Мулоқот” журналларидан ташкари миллионлаб кўпмиллатли ўқувчилирига эга, ўз даврининг энг нуфузли нашрларидан бўлган “Правда”, “Известия”, “Литературная газета”, “Советская культура”, “Неделя”, “Книжное обозрение”, “Литературная Россия”, “Егемен Казакстан”, “Азия”, “Культура Кыргызстана”, “Советский Крым” газеталари, “Дружба народов”, “Литературное обозрение”, “Вопросы литературы”, “Огонёк”, “Природа и человек”, “Крестьянка”, “Детская литература” сингари журналларда ҳам тез-тез чоп этиб борилган.

Нафақат долзарблиги, балки мазмунан ва гоявий бойлиги, муаммонинг қўйилиши, инсонпарварлик хусусиятлари билан хозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган мақолаларидан “Река должна впадать в море” (“Правда”, 1984 г, 10 февраль), “Считаю своим долгом” (“Литературная газета”, 1986, 12 сентябрь), “Арал наша общая боль” (“Известия”, 1989, 25 марта), “Язык мой – враг мой?...”, (“Советская культура”, 1991, 27 апрель), “Ответственность перед миром” (“Правда Востока”, 1989, 2 июнь), “Ўз элимнинг мирзосиман” (“Мулоқот”, 1991, №5), “Ҳақ гапни барадла айтайин” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1994, 16 сентябрь), “Маъносига етганлар, ерга қўяр буркини” (“Халқ сўзи”, 1995, 21 ноябрь), “Мустақиллик инсонни қадрлашдир” (“Аму тонги”, 1997, 15 август) да публицистнинг узокни кўра олиш хусусияти яққол кўзга ташланади. Буларнинг барчаси унинг ўз халқи моддий ва маънавий эҳтиёжларини айни пайтдаги давридан ташкари келажақда юзага келадиган жиҳатларини ҳам чукур хис кила олганини билдиради. Тұлепберган Қаипбергенев ижодий фаолияти бўйича тадқиқот олиб борган олим А.Абдимуратовнинг таъбири билан айтганда, “Т.Қаипбергеновнинг публицистикаси қорақалпоқларга халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас бир қисми бўлган миллат, халқ эканлигини тушунишга ёрдам берди. Муаллифнинг бадиий асарларида ўзига хос услуг намоён бўлади, журналистик ишларида эса ёзувчи нуқтаи назаридан кўра билиш, гояларни таҳлил қилиш ва ифодалаб бера олиш яққол кўриниб туради”. (Абдимуратов А.У. Публицистика Тулепбергена Каипбергенова: специфика, тематика, жанрово – стилистические особенности. Автореф. дисс. на соиск. канд. филол. н. – Т., 1997. – С. 5.)

Тұлепберган Қаипбергенов ўз чиқишлирида шўро истибоди давридаги мавжуд бошқарув усулининг яроқсизлиги, мамлакат агарар хўжалигининг узоқ йиллар давомида режасиз юритилгани боис, Орол денгизи атрофида экологик бўхрон юзага келганлигини қаттиқ танқид қилди. Паҳта яккаҳокимлиги натижасида ишдан чиққан тупроқ, мўл ҳосил олиш илинжида ерга солинаёттган турли заарарли кимёвий дорилар маҳаллий ақоли саломатлигига нечоғли жиiddий хавф туғдираётганини матбуотдаги ўткир чиқишлири орқали дадил айтиб, жамоатчилик эътиборини тортади.

Юсуф ҲАМДАМОВ

Масалан, “Литературная газета”да босилиб чиққан “Беда наша общая” (“Дардларимиз муштарак”) мақоласида шундай ёзади: “Орол бўйи минтақаси болалар ўлими бўйича энг олдинги худудлардан. Республиканиң қатор туманларида тиббиёт ходимлари чакалоқларни она сути билан боқиши маън этишмоқда. Она сути заҳарланган. Ақл бовар қилмайдиган ҳол. Бундан ҳам даҳшатлироқ фожия бўлиши мумкинми?” (Каипбергенов Т. Беда наша общая // Литературная газета. 1989, 19 апрель.)

Тўлепберган Каипбергеновнинг “Бир пиёла сут”, “Орол – Ернинг кўзи”, “Мусибат” каби публицистик асарлари ўз ижтимоий маъно салмоғига кўра кўтарилигани масаланинг долзарблигидан ташқари барчага маънавий-рухий таъсир кўрсатиш кувватига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Адибнинг матбуотдаги ҳар бир чиқишилари ёки нутқида ўткир публицистик руҳ сезилиб турган. Унинг собиқ СССР Ёзувчилари ва Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмалари мажлислари ёки Марказий Осиё мамлакатлари, хорижий давлатлардаги турли тадбир, анжуманлар, давра сухбатларида ҳам муҳим, глобал аҳамиятга эга муаммоларни кўтариб чиққанлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Тўлепберган Каипбергеновнинг “Ҳақ гапни баралла айтайин” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1994, 16 сентябрь) сарлавҳаси остидаги интервьюсида юраги қатидаги дил сўзлари ифодаланган. Адиб ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг муштарак тарихи, абадий дўстлиги, Ўзбекистон мустақиллигининг икки халқни янада яқинлаштиришдаги истиқлол берган имкониятлар ҳакидаги мулоҳазаларини баён этаркан, Туркистон ўлкасининг узок тарихи ҳақида сўз юритиб, юртимиз қадим-қадимдан Марказий Осиёнинг фақат жуғрофий, айни пайтда маънавий, маърифий, иқтисодий жиҳатдан ҳам маркази бўлиб келгани ҳақида гууруланиб таъкидлади. Ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий мерослар, уларнинг аҳамияти ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтади.

“Ҳақ гапни баралла айтайин” интервьюсида мустақиллик аслида ёзувчилар, ижодкорларнинг энг катта орзуси бўлгани, истиқлолга эришгач, ижодкорлар уни баралла мадҳ этаётганлари ҳакида қатор мисоллар келтиаркан, “Ўтган даврларда озми-кўпми ютуқларга эришдик, энди шу эришилган даражадан пастга тушмаслигимиз керак”, дейди. Шунингдек Тошкентда Марказий Осиё республикаларининг Адабиёт институтини ташкил этиш таклифини илгари суреб, туркий халқлар адабиёти, маданиятларини муштарак ҳолда тараққий эттириш учун ёш ижодкорларнинг асосий ва катта сабоқни Шарқ маданияти ва шеъриягини ўрганишдан бошлиш кераклигига ургу беради. Асарлари дунё миқёсида энг кўп севилиб ўқиладиган таникли адиб, Чингиз Айтматовнинг “Византия маданият ва маърифати славян халқларига нечоғлик таъсир кўрсатган бўлса, Ўзбекистон, ўзбек маданияти ҳам барча туркий халқларга шундай ижобий таъсир кўрсатиб келган”, деган ажойиб сўзларини келтиаркан, интервьюнинг янада мазмунли ва қизиқарли бўлишини таъминлаган. Ўзбекистон, ўзбек маданиятининг туркий халқлар маънавий ҳаётидаги ижобий таъсири тўғрисида “Ўзбекистон бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий тараққиётда худди ана шу тарихий йўлидан бормоқда. Шу маънода Марказий Осиё халқларининг Ўзбекистон атрофида, муштарак қадимий маданиятимиз асосида бирлашуви янада жозибали бўлишига ишонаман. Тошкент туркий халқларнинг ўзига хос “Макка”си бўлиши лозим”, деган фикрни илгари сурган.

Миллат ва унинг шуури, маънавияти самараси ҳисобланмиш адабиётнининг умуминсоний, умумбашарий тушунча сифатида талқин этган Тўлепберган Каипбергенов турли даврларда ёзилган публицистик мақолаларида ҳам адабиётнинг халқлар дўстлигини мустаҳкамлайдиган омил эканлигини алоҳида уқтириб ўтган.

Адибнинг “Литературная газета”да босилиб чиққан “Соловей пустыни” (“Сахро

булбули” – “Литературная газета”. 1988, 27 январь) мақоласи қорақалпоқларнинг машхур шоири Бердак ҳаёти ва ижодига бағишлиланган. Мақола бошида Жиян Жирав, Ажинияз, Кунхўжа, Умар ва Оташ каби номдор қорақалпоқ шоирлари бирма-бир санаб ўтилиб, ҳар бирининг қорақалпоқ адабиётидаги ўрни, аҳамиятли томонлари атрофлича күрсатыб берилган, улар шеърияты Бердах ижоди билан киёсланган. Бердак шеърларининг халқона, ўзига хос томонларини зукколик билан таҳлил этиш асносида, унинг рус адеблари Некрасов, Толстой, Чернишевский билан замондош, тенгдошлигини айтиб ўтаркан, “Мен Бердақни рус ёзувчилари билан қиёсламоқчи эмасман, чунки икки халқнинг тарихи, маданияти турлича, Бердақнинг дунёқараашлари Низомий, Фузулий, Навой, Махтумкулилар билан ҳамоҳангдир, зеро, улар ўз ижодларида озодлик, халқчиллик, инсонийлик ғояларини энг муҳим деб билғанлар”, дейди.

Айникса, Бердақ ижодида халқнинг урф-одат, анъана, қадриятлари мөхирона акс этгани ҳақида ёзаркан, шоирнинг “Шажара” поэмасида қорақалпоқ халқи тарихи, ҳаёти, турмуш тарзи жуда ажайиб усууллар билан акс эттирилганини эътироф этади. “Бердақнинг асарларида Хива хонлиги саройининг котиблари қўллэзмаларидан ҳам кўпроқ тарихий ҳақиқат акс этган”, дейди. Мазкур мақолада шоир Бердақ шеърларидаги хусусиятлардан яна бири – халқнинг азоб-уқубатда, ҳўрлик ва ҳақоратда кун кечириши ҳақида ҳам эҳтирос билан ёзилган. Муаллиф шоир ҳәётини акс эттирар экан, Бердақнинг камбағал балиқчи оиласида туғилгани, ёшлигидан етим қолиб, мадрасада ўқигани, илм, маданият, маърифат марказлари бўлган Бухоро, Хивада бўлганлиги ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Бердақнинг билимдонлиги, унинг шеърхонлик, айтишувларда қўп бора ғолиб бўлгани, бойлар, муллалар, ҳатто хон билан баҳслашиб, шеърлари орқали уларни ҳеч аямасдан савлагани, шу боис, уни турмага ташлашгани ҳақида ҳам таъсирчан ёзилган.

“Яна бир жиҳат – Бердақнинг донолиги, узокни кўра олишига бир мисол, у шеърлари орқали халқига озодликка эришиш учун юксак маънавиятга эга бўлиш лозимлигини ҳам уқтирган”, дейди Тұлепберген Қаипбергенев. Бу каби кенг қамровли далиллар ўқувчидаги қорақалпоқларнинг фахри бўлган Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ ҳақида тўлақонли таассурот қолдириши табиий.

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори Е.П.Прохоровга кўра, “Агар журналистика матбуотнинг бутун фаолиятини ижтимоий институт сифатида ўзиди мужассам этса, публицистика эса ижтимоий-сиёсий фикр ва кундалик сиёсий амалиётнинг тезкор татбиғини ёзма тарзда ифода этиб, оммавий даврий идораларнинг мазмунин асосини тўлдиради”. (Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. – М.:Аспект Пресс, 2011. – С.48.)

Шу маънода Тұлепберген Қаипбергенев ҳам ўз ҳаётий тажрибаларини мужассам этиб, давр руҳини ҳис этиб, ижтимоий аҳамиятга молик мақолалар ёзиш билан бирга публицист ва унинг масъулияти ҳақида шундай дейди: “Публицист бўлиш учун алоҳида салоҳиятга эга бўлиш лозим. Чинакам публицистик асар яратиш учун ҳалоллик, қўйилган муаммо олдида масъулият ва жасорат сувдек зарур”. (Слово, идущее в атаку // Из юрты – в мир. – С.48-49. СССР Ёзувчилари уюшмасининг публицистика ва очерк кенгаши мажлисидаги нутқ.1986, 11 февраль).

Тұлепберген Қаипбергенев ҳар қандай қўйилган муаммони масъулият ва жасорат билан ёрита олган публицист сифатида миллионлаб ўқувчиларига эга бўлди. Уни Орол ва Орол бўйининг экологик ва иқтисодий муаммоларига бағишлиланган қатор чиқишилари янада машхур қилди. Халқнинг орзу умидлари, юрагидаги дарди, муаммоларини баралла айта олган ва унинг эътирофига сазовор бўлган Тұлепберген Қаипбергенев, ҳеч шубҳасиз, ўқувчилари хотирасида чинакамига баҳтли инсон ва адид сифатида абадий қолади.



Ўзбек шеъриятининг юксак бадиий тақомили

**Ойбарчин
АБДУЛҲАҚИМОВА**

Феноменал ижодкор Абдулла Орипов эстетик қарашларининг адабий-тариҳий омиллари ўзбек адабиётининг асл сарчашмаларига бориб тақалади. Шу боис шоир янги замон ўзбек шеъриятини бадиий-эстетик тафаккурнинг етиб бўлмас уфқларига қадар юксалтира олди. Ўз салафларини нафақат ижодда, балки маслак ва яшаш тарзида ҳам устоз деб билди. Уларнинг номини чукур хурмат ва эҳтиром билан тилга оларкан, ҳар бирини ҳақиқат, мардлик, курашувчанлик ва одамийлик тимсоли сифатида кўрди. Улар адабий меросини қунт билан ўрганар экан, айнан шу ижодкорлар анъаналари таъсирида қолиб кетмади, балки уларни янгилади, тақомилга етказди.

Абдулла Орипов Чўлпон, Ойбек ва Миртемирдан, Эркин Воҳидов ва Рауф Парфигача бўлган даврдошлари ижодий анъаналарини чукур ўрганганди. Шу боис асарларида миллий поэтик тафаккурда ўзигача эришилган ютуқларни синтез қилиш заруратини истисно этмайди.

Ўзбек миллий шеъриятини янгилаган шоирлардан Чўлпон ижодини юқори баҳолаган Абдулла Орипов унинг поэтик анъаналарини Чўлпон қисматига ишора қилиб ёзилган “Адолат кўзгуси” шеърида ҳам ифодалайди:

*Гарчи барчамизга тақдир ҳукмрон,
Гарчи тенг қошида чинордир, ҳасдир,
Пушкин атамагай ҳар битта қурбон,
Ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир...*

Айни бир шеърда икки ижодкор номи орқали Абдулла Орипов мумтоз шеъриятга хос талмех санъати имкониятидан маҳорат билан фойдаланади. Бири

Ойбарчин АБДУЛҲАҚИМОВА – 1993 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультетини битирган. “Бадиий тил ва тасвир”, “Эпик тасвир қурралари” каби китоблари, шунингдек, республикамиз ва хорижий давлатларнинг нуфузли журналларида 20 дан зиёд илмий мақолалари нашр этилган.

Ўзбек шеъриятининг юксак бадиий такомили

рус шеъриятининг атоқли намояндаси Пушкин бўлса, иккинчиси ўзбекнинг улуғ шоири Чўлпондир. Шоир тақдир мезонини айни шу икки буюк ижодкор номи билан боғлиқ ҳолда талқин этаркан, ҳар икки шоирнинг фожеий қисматига ишора килиш орқали башарият бадиий-эстетик тафаккури такомилида уларнинг ўрни бекиёс эканини санъаткорона ифода этади.

Шоирнинг “Оломонга” шеърида “Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?” деган мисра бор. Ижодкор асарларининг истиқоллгача бўлган нашрларида бу сатрда Чўлпон ўрнида испан шоири Лорка исми бўлган. Абдулла Орипов бунинг сабабларини қўйидаги изохлади: “Дастлабки нашрларда “Лорка отилганда қаёқда эдинг?” деган жумла бор эди. Куппа-кундуз куни буни ўзим ўша жойга туфлаб ёпишириб қўйганман. Чунки у ерда Чўлпоннинг номи ўтмаган ва бу оломончилик битта халқа боғланиб қолмасин, у бутун ер юзида бор, дейишган. Шундан кейин Испаниянинг Лоркасини ўша жойга қўйганман. Аслида, бу ерда гап оломон ҳақида кетяпти ва Ўзбекистон мисолида. Шундай экан, бу ерда Лоркага нима бор? Шунинг учун Чўлпон ўзининг жойига қайтиб келди... Мен бу ерда улуғ халқимга танбех бериш ниятида эмасман, бундай даражага ҳеч ким чиқсан эмас. Мен ҳам бунга ҳеч қачон даъво қилмайман. Лекин шу халқнинг обрўсини тўқадиган оломончиликнинг олдини олиш керак, деб ўйлаганман”.

Абдулла Орипов шеърларида миллатпарвар шоир Чўлпонни бу қадар эҳтиром билан тилга олиши унинг ижодини теран билиши натижасидир. Чўлпон: “Халқ дengизdir, xalқ tўlқindir, xalқ kuchdir”, дега халқ қудратини ўзига хос бадиий талқин этган бўлса, Абдулла Орипов сиёсий қатағонлар, мағкуравий тазиқлар натижасида шаклланган оломончилик руҳиятидан изтироб чеккан ва оломоннинг халқ бўлишини орзу қилган эди. Чўлпон эрклик юлдузи ҳақида ёзиб, уни “Тутқун эллар учун само кундузи”, дега таърифлаган. Гўристондай қоронги, зим-зиё бўшлиқда адашган йўлчи тимсолида истибодод зулматида йўлсиз қолган она Туркистонни тасвирлаб, уч-тўртта юлдузнинг ўчмасдан ярқираб нур сочиб туришини кутулиш тонгидан мужда, дега қабул қилган ҳамда миллий озодлик орзусини бадиий талқин этган эди. Абдулла Орипов эса бу образга кўп мурожаат этиши омилларини: “Жанубда, булутсиз коп-кора осмонда юлдузлар чараклаб кўринади. Бутун руҳимни, қалбимни мафтун қилган ўша манзаралар. Юлдузларнинг ўзи ҳамиша, ҳамма халқларда поэзиянинг асосий қаҳрамони, образи бўлган”, дега изохлаган. Шоирнинг кўқдаги юлдузларни Улугбек кўзидағи ёшга менгзагани замирида ҳам теран моҳият мужассам. Алқисса, икки улуғ шоир ижодида бир-бирини мутлак тақрорламайдиган бундай параллелизмлар кўплиги замирида Абдулла Ориповнинг Чўлпон ижод лабораториясини нақадар синчиклаб ўргангани ҳолда янги бадиий кашфиётлар қилганини англаш мумкин.

Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашлари такомилида ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ижоди ҳам ўзига хос ўринга эга. Шоирнинг “Абдулла Қодирий хотирасига”, “Абдулла Қодирийнинг сўнгти сабоги”, “Қодирий” шеърлари бунинг яққол далилидир. “Абдулла Қодирий хотирасига” шеърида шоир, жумладан, мана бундай ёзади:

*Азалий ҳақ гапни яширмоқ нечун,
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.
Агарда коинот тегирмон бўлиб,
Оlamни янчса ҳам қолгай у бутун.*

Бадиий ижоднинг асоси асл истеъдод экани ҳақидаги адабий-эстетик концепция шеърнинг моҳиятини ташкил этади. Асл истеъдод учун завол йўқлигини шоир

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА

теран ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш орқали асослайди. Яъни шоир наздида, коинот тегирмон бўлиб оламни янчганда ҳам асл истеъдод бутун қолади, у завол билмайди. “Абдулла Қодирийнинг сўнгги сабоги” шеърида:

*Бирингиз Отабек, бирингиз Кумуш,
Доим яшинаб турсин севингиз боги.
Ҳақиқий муҳаббат билмасин сўлиши,
Устоз Қодирийнинг бу илк сабоги –*

каби мисраларни ёзар экан, шоир “Ўткан кунлар” романидаги Отабек ва Кумуш образлари мисолида севги боғи доим яшинаб туриши, ҳақиқий муҳаббат сўлиш билмаслиги зарурат экани ҳақидаги ҳаёт фалсафасини бетакрор бадиий талқин этади. Ушбу ҳаёт фалсафаси Қодирийнинг сўнгги сабоги эканига ургу беради. Умуман, фалсафий тафаккурни образлар воситасида ифодалаш ва ўз навбатида, поэтик образни ҳаёт фалсафаси билан мутаносиб тасвирлаш Абдулла Орипов шеърияти асосини ташкил этади.

Абдулла Орипов XX аср ўзбек адабиётининг яна бир забардаст намояндасиFaфур Ғулом ижодидан ҳам илҳом олган. Шоирнинг “Алвидо, устоз” ва “Нутқ” каби шеърлари ушбу фикрни тасдиқлади. Бундан ташқари, шоир “Ўзбекистон”, “Баҳор” ҳамда Ҳамид Олимжонга бағишлиб ёзган шеърларида ҳам Faфур Ғуломни ҳурмат билан ёдга олади. Жумладан, “Алвидо, устоз” номли шеърида:

*Сўқир ёвуз ўлим, минг дод дастингдан,
Зулматдай кирдингми шеър майдонига.
Ажал, сен найзангни санчдингми чиндан
Ўзбек шеъриятин паҳлавонига –*

дэя, устозининг ўлими адабиёт учун катта йўқотиш бўлганини, у яшаб ўтган давр мураккаб эканини образли тасвирлайди. “Сўқир ёвуз ўлим” – бу ўринда кўлланган сифатловчи ва сифатланмиш шоир кўнглидаги изтироб кучини тўлақонли ифодалаган. “Шеър майдони”, “ажал найзаси”, “шеърият паҳлавони” каби истиоралар фикрнинг бадиий-эстетик кувватини таъминлаш баробарида муаллиф ижодий ниятининг таъсири талқинига хизмат қилган.

Абдулла Орипов “Ўзбекнинг ўз шоири” мақоласида: “Faфур Ғулом чиндан ҳам улуғ заковат эгаси эди. Бунинг исботи шоирнинг жўшқин ва доно шеърияти, бунинг исботи – Faфур Ғуломнинг туғма тафаккур соҳиби эканлиги, бунинг исботи Faфур Ғуломнинг ҳеч бир адабникига ўхшамайдиган чинакам миллий халқчил прозаси – насрой асарлариридир”, дэя адабнинг серқирра ижодкор эканлиги, жўшқинлиги ва донолиги билан бошқалардан ажralиб туришини таъкидлайди.

Икки буюк шоир фалсафий тафаккуридаги бир-бирини такрорламайдиган уйғунлик вақт фалсафаси талқинида, айниқса, якқол кузатилади. Faфур Ғулом:

*“Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдери лаҳзаларда ҳал.
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Кудратли қўл билан қўйиллик ҳайкал” –*

дэя вақтни лаҳза билан ўлчаб, уни мазмунли ўтказишга доир кўламли фалсафий фикрни юксак бадиият билан ифода этган бўлса, Абдулла Орипов:

Ўзбек шеъриятининг юксак бадиий такомили

*“Пайт келар, ваъданинг қиммати қолмас,
Муҳлат бермас у дам тўлган паймона.
Ўтган бир онингни қайтара олмас,
На кўзёши, на афсус ва на баҳона”*

тарзида умрнинг ҳар бир онини ғанимат билиш заруратини оҳорли поэтик хулоса даражасига қўтарилиди. Бундай мисоллар Абдулла Орипов тафаккури салафлари ижод булоғидан сув ичган бўлса-да, улар анъаналарини тақрорламаган тарзда, ўзига хос поэтик юксакликка эришгани далилиди.

Абдулла Орипов ижодий салоҳияти такомилида латиф лирик асарлар муаллифи Ҳамид Олимжон адабий меросининг ҳам ўрни алоҳида. Шоирнинг устозига бағишлиб ёзган “Ҳамид Олимжон хотирасига” шеъри ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Етимтов бағридан чиққан навқирон,
Сиз бу – шеъримизнинг энг жаранг саси.
Сизнинг сатрингизда қурмиши оишён
Учирма қуши каби шеър илоҳаси.*

Шоир Ҳамид Олимжонни шеъриятнинг “жарангдор овозига”, шеърларини эса “Ватан қурган қушга” ўхшатади. Устоз ижодкорни нурга қиёслаган шоир шеъриятнинг яшаб келаётгани сабабини унинг бадиий кашфиётлари билан боғлайди:

*Ахир қанча қадим бўлмасин дунё
Бағрида нур борки қаримас қуёши.*

Абдулла Орипов “Мафтункор шеърият” мақоласида Ҳамид Олимжон ижодига қуйидагича баҳо беради: “Ҳамид Олимжоннинг оташин шеърияти ўзининг нозик ва инжа рухи, тоза ва бегубор тил бойлиги билан муҳташам назм кошонасини бугун ҳам безаб турибди. Бу гўзал шеърият ҳақида ўйлаганимизда кўз олдимиздан бетакрор ташбиҳлар, латиф туйғуларга йўғрилган қўйма сатрлар ўта бошлайди”. Бу фикрлар Абдулла Ориповнинг Ҳамид Олимжон шеъриятини нечоғлиқ чукур ўргангани, шоир лирикасидаги нозик ва инжа рухни юракдан ҳис этганини билдиради. Шоир назмидаги бетакрор ташбиҳлару латиф туйғуларга йўғрилган қўйма сатрлардан илҳом олганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Абдулла Орипов “Ўзбекистон” қасидасида:

*“Кўкламингдан олиб сурурни,
Довруқ солди устоз Олимжон” –*

дея, улуғ салафининг пейзаж тасвири борасидаги юксак маҳоратига ишора қиласи. “Ўзбекистон” шеъридаги: “Чор атрофда ёйганда гилам. Асло йўқдир бундайин қўклам” сингари қўйма сатрларини назарда тутиб, шоирнинг назмий салоҳиятини юксак даражада эътироф этади. Абдулла Орипов: “Ҳамид Олимжон лирикаси бошқа бирорта шоирнинг лирикасига асло ўшамайди. Бу лирика мармар каби тиник, лекин совуқ эмас”, деб ёзар экан, устозининг индивидуал ижодий тафаккурини муносиб баҳолайди. Ижодда ўзигагина хос йўл очганини бадиий бўёқларда кўрсатади.

Абдулла Орипов Ҳамид Олимжоннинг латиф шеъриятидан кўп сабоқ олган бўлса-да, ижодда уни тақрорлаган эмас. Биргина қиёс: Ҳамид Олимжоннинг

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА

“Ўзбекистон” шеърида она Ватан мадҳи унинг ўхшали йўқ табиати, бекиёс кўклами орқали васф этилган бўлса, Абдулла Ориповнинг шу номдаги қасидасида халқимизнинг қадимий ва бой тарихи буюк сиймолари образи, мозий воқелигининг поэтик тасвири воситасида бутун мураккаблиги, бор миқёси билан уйғунликда тасвирланади. Бошқача айтганда, Абдулла Орипов Ҳамид Олимжон ижодий тажрибаларини давом эттириб, уни янги бадиий кашфиёт даражасига юксалтириди.

Абдулла Орипов “ХХ аср ўзбек адабиётига чақмоқдек кириб келган” дея таърифланувчи шоир Усмон Носир хотирасига атаб ёзган “Армон” шеърида ҳаётдан бевақт кўз юмган Усмон Носирнинг кўпчилик дийдорига тўймаганини айтади:

*Нимайди у? Майсум туйғунинг
Оромига сололган гавго?
Не бўлса ҳам болакай унинг
Дийдорига тўймади асло.*

Шоир “Эҳтиёж фарзанди” китобида Усмон Носир ҳақида қўйидагиларни ёзади: “Усмон Носир шундай истеъдод эгасики, бамисоли теккан жойини кўйдиргувчи оловдир. Шоирнинг ғоят қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга толиши шубҳасиздир. Чунки бу чақмоқдек умрда бениҳоя катта имкониятлар ёниб кетганлигини кўриб ва ҳис қилиб турасиз. Усмон Носир улуғ ва абадий шеъриятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, у ҳали қаҳқаҳага айланмай лабларимизда мангуга қотиб қолган нимтабассумдир”. Бу фикрлар Усмон Носир ижоди Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашларида муносиб ўрин тутиши исботидир. Лирик шеърларида Усмон Носир образи ёркин ва таъсирчан ифодаланган, мақолаларида шоир асарларининг теран таҳлил этилгани Абдулла Ориповнинг адабиётимизда чақмоқдай нурли из қолдирган бу ижодкорга бўлган эҳтиромини ва бадиий-эстетик қарашлари такомилида унинг ижодий анъаналаридан истифода этганини тасдиқлади.

Абдулла Орипов миллий адабиётимизнинг ўзигача бўлган деярли барча шоиру адиблари ижодий ютуқларини қунт билан ўрганганди. Улар ижодидаги бадиият сирларидан ўзи учун зарур хуласаларни чиқарган. Асарларида улар эришган муваффақиятларни янги поэтик кашфиётлар билан бойитган. Шоир устози Миртемир ҳақида, унинг ўйтлари хусусида “Устоз Миртемир сабоқлари” номли шеърида, жумладан, қўйидагича ёзади:

*– Ишланг, – дерди Устоз, – шеър бўлсин равон,
Мехнатдан қочмасин ижодкор ҳалқи.
Лекин камситмасди бизни ҳеч қачон,
Устоз шунинг учун Устоздир балки.*

Шоир бу панду насиҳатларни асло унутмайди. Устозидан унга меҳнаткашлик гўзал анъана бўлиб ўтган. Чунки сўзни қадрлаган, ижодда миллий рух ва юксак бадиият уйғунлигини мезон деб билган шоир бундан ўзгача йўл тутиши мумкин эмас. Миртемир устозлиқ мақомининг энг аҳамиятли жиҳати шогирдларга хурмат билан қарashi ва сўзга масъулият бобида уларга ўрнак бўла олганидир. Миртемирнинг заҳматдан ҳаловат топган ижодкор эканини Абдулла Орипов “Шоир табассуми” мақоласида чуқур мантиқ асосида далиллайди: “Миртемир домланинг энг ибратли фазилатларидан бири унинг камтарлиги билан бир қаторда, ниҳоятда меҳнаткашлиги десам, янглишмаган бўлур эдим. Ижод мاشақкатидан озми-кўпми

Ўзбек шеъриятининг юксак бадиий такомили

хабардор бўлган ҳар бир одам Миртемир шеърларини ўқиётиб, унинг ҳар бир сатр устида қанчалик тер тўkkанини тасаввур қилиши қийин эмас”. Бу хусусда Қозоқбой Йўлдошев ҳам шундай фикрларни билдиради: “Миртемир олам ходисалари ва одам руҳиятини ҳеч ким пайқамайдиган йўсинда кўради, бошқаларга ўхшамаган алфозда таъсирлайди, ўзгача бир мантиқ билан изоҳлайди, ҳеч ким қилолмайдиган шаклда тасвир этади”.

Абдулла Орипов устозининг хотирасига бағишлиланган “Карвон” шеърида:

*Шеърингиз учқуру ўзингиз карвон,
Манзилга шошилмай келар эдингиз –*

деб Миртемир ижодиётига юксак баҳо беради ва уни “карвон”га ўхшатиб, шогирдлари изидан келаётганига ишора қиласди.

Ундаги истеъдоднинг бошқа ижодкорлардан нечоғлиқ баланд эканини ҳис этган Миртемирнинг ўзи Абдулла Ориповга мана бундай баҳо берган эди: “Абдулла Орипов. Шоир! Шоир бўлганда ҳам анов-мановлардан эмас. Худо бутун қилиб берганлардан. Зўр!”

Абдулла Орипов замондоши Эркин Воҳидов тўғрисида “Арслон чорлаганди”, “Эркин Воҳидов хотирасига” шеърларини битган. Эркин Воҳидов қайсиdir маънода Абдулла Орипов билан туйгулари ўхшаш ижодкор эди. Абдулла Орипов ўзи ва Эркин Воҳидов ҳаётига назар ташлаб, ҳаётда ўз фикрдошларини топа олмай қийналган Эркин Воҳидов ва ўз қисматига муносабатини мана бу тарзда ифодалаган эди:

*Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардои.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардои.*

Бу ўринда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шахсий ҳаёти, босиб ўтган умр ўйлидан хабардор бўлган ўқувчи шоир нимани назарда туваётганини яхши англайди. Зеро, бу ҳаётда арслонсифатлардан кўра қумурсқамонандлар кўпроқ. Юқоридаги сатрларда бу икки нодир истеъдод эгаларининг ижодий юксалишига тўғаноқ бўлишга интилган, улар салоҳиятининг юзага чиқмаслиги учун қўлидан келган барча ҳаракатни қилган ана шундай тоифаларга образли муносабат ифодаланган. Шеърнинг кейинги бандида шоир ижодий сафдошини қумурсқамонандлардан келиши мумкин бўлган хатардан мана бу тарзда огоҳлантиради:

*Жами тирикликка таниши шу хатар,
Кумурсқа яралган ёпта таларга.
Дўстим, алам қилар, арслон бехабар,
Ем бўлиб кетсак шу қумурсқаларга.*

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов ўзбек шеъриятини янги образ ва ташбеҳлар, бадиий кашфиётлар ва янгича талқинлар билан бойитган, миллат адабий-эстетик тафаккурини мислсиз даражада юксалтириб, ўзига хос поэтик мактаб яратган улуғ ижодкордир.



Минорлар эмас бу – фалакка қасам

Яшар ҚОСИМ

XX аср ўзбек адабиётини Абдулла Ориповнинг ҳайратомуз ва бетакрор шеъриятилиз тасаввур этиш маҳол. Чунки жадид адабиёти вакиллари, айниқса, Фитрат, Чўлпон ва Қодирийларнинг бадиий қашфиётлари каби, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллардан бошланган иккинчи адабий тўлқин бевосита Абдулла Орипов ва у мансуб адабий муҳит вакилларининг ижодий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Абдулла Орипов шеъриятдаги дастлабки қадамлариданоқ беназир устозлар назарига тушган чексиз баҳтиёр қаламкашлардан. Ойбек,Faфур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳхор, Миртемир каби улуғ адаб ва шоирлар унинг истеъоди ва бадиий салоҳияти тенгсизлигини эътироф этганлар. Абдулла Ориповнинг ёниқ миллий рух, жафокаш халқимизга бекиёс севги билан йўғрилган ўтли шеърияти устоз мунаққидлар томонидан ҳам юксак баҳоланганд.

Ҳассос ва исёнкор шоир шеърлари Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тоҷикистону Озарбайжонда ҳам катта эътибор қозонган. Унинг шеърларини рус тилига таржима қилган Ярослав Смеляков, Сергей Баруздин, Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский, Римма Казакова сингари таниқли шоир ва таржимонлар бу шеъриятнинг фавқулодда табиий ва улуғворлигини тан олганлар. Расул Ҳамзатов, Расул Ризо, Қайсин Қулиев, Давид Қўғилтинов, Мустай Карим, Баҳтиёр Ваҳобзода,

Яшар ҚОСИМ – филология фанлари доктори. 1955 йилда туғилган. Боку давлат университети ва Тошкент давлат университети филология факультетини тамомлаган. Ўзбек адабиётига доир юздан ортиқ адабий-танқидий мақолалар муаллифи. “Сўз нури”, “Ўйгонии садолари”, “Сеҳрли дараҳтлар”, “Озарбайжон эртаклари”, “Илк лириканинг жозибаси”, “Миллий уйгонии ва ўзликни англиши лирикаси”, “Янги ўзбек шеърияти поэтикаси” (Тошкент) каби оригинал ва таржисима китоблар муаллифи. Ўзбек адабиётининг қатор намуналарини озар тилига ўғирган.

Ўлжас Сулайманов сингари улуф шоирларнинг Абдулла Орипов ҳақида айтган дил сўзлари, ҳатто унинг илк шеърларини, биринчى адабий чиқишиларини ўқиб билдириган башоратлари эса шоирнинг нафақат ўз она Ватани, балки узок диёру мамлакатларда ҳам тан олиниб, қадр ва эъзоз топганини исботлайди. Бундай эътироф эса камдан-кам, жудаям ноёб истеъодларгагина насиб этади.

Абдулла Ориповнинг илк бор чоп этилган “Митти юлдуз” тўплами эса орадан неча йиллар ўтганига қарамай ҳамон илхомнинг илохий сехри, истеъоддинг турфа хил қирраларини тўла намойиш этишда давом этиб қолмоқда.

Ҳар бир қаламкаш ижодида доимий ҳаракатда бўлган мутлақ ва объектив вақт ўзига хос мазмун, нисбий ва субъектив из қолдиради. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Чўлпон Эргаш ва бошқалар ҳам ўз даврининг ростгўй ва юксак, нисбатан мукаммал бадиий-эстетик инъикосини намоён эта олган иқтидор эгалари ҳисобланади.

Чинакам бадиий истеъод табиатан ранг-баранг ва ўзига хос бўлганидан унинг рўёбга чиқиши жараёни ҳам турли тарзда кечади. Аслида бу истеъод қандайлиги ва нималарга қодирлигининг муҳим ҳамда бирламчи белгиларидандир. Ҳақикий истеъоддинг туғилиши, ижоднинг илк бор ёруғлик кўриши қи什ки осмон она ерга ҳадя этган биринчи баёз аргумондай, дунёни оппок уйқусидан уйғотган дастлабки баҳорги чақиндай бекиёс ва унтилмасдир. Зотан, буюк шеъриятнинг ҳар гал янгидан пайдо бўлиши бу – дунёнинг саккизинчи мўъжизаси, умримизнинг янги фасли демакдир.

Абдулла Орипов ҳам сўз дунёсига яшин тезлигида кириб келган шоир. Дастлабки асарлари биланоқ ҳалқ қалбида муҳаббат уйғота олгани эса, умуман, адабиёт тарихида камдан-кам учрайдиган воқеликдир.

Синчиклаб назар ташланса, 1964-1969 йиллар Абдулла Орипов ижодида алоҳида ва бетакор бир босқич эканлигини кузатишингиз мумкин. Шоирнинг миллий-ижтимоий фикрни уйғотган, бадиий тафаккур оқимини кескин буриб юборган ўнлаб мумтоз асарлари, унинг адабиётимиздаги ўрнини узил-кесил белгилаган ижод дурданалари айни ана шу даврда ёзилган. Бу асарлар қадим ва кўп асрли сўз санъатимизнинг олтин хазинасидан ўрин олган, миллий-маънавий бойлигимиз ва ифтихоримизга айланган. Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Юзма-юз”, “Милтирайди митти юлдуз”, “Аёл”, “Жаннат”, “Тилла балиқча”, “Авлодларга мактуб”, “Онажон”, “Сароб”, “Бахор”, “Созим”, “Бахор қунларида кузнинг ҳавоси”, “Совға”, “Шоир”, “Ёзажакман”, “Алишер”, “Биринчи муҳаббатим”, “Минораи калон тепасидаги лайлак”, “Бул ажаб...”, “Бу кун”, “Кетганлар ёди бу”, “Хотирот”, “Юртим шамоли”, “Саратон”, “Руҳим”, “Она сайёра”, “Оҳу”, “Ўзбекистон” каби қатор бебаҳо, бир-биридан гўзал лирика намуналари деярли бирин-кетин, яъни 1964-1969-йилларда қоғозга тушган эдн.

Севимли шоиримизнинг ёшлиқ лирикаси нафақат бу кун, балки мазкур асарлар битилган, эндиғина ёруғлик кўрган олтмишинчи йилларнинг ўзидаёқ адабий жамоатчиликда теран таажжуб ва чексиз бир ҳайрат уйғотганди. Шоир номи Абдулла Қаххор, Миртемир, Зулфия, Шухрат, Аскад Мухтор, Шукрулло, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров каби устоз адаблар қатори қайта-қайта тилга олинган. 60-80-йилларда Иззат Султон, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов, Умарали Норматов, Ботирхон Акрамов, Норбой Худойберганов, Наим Каримов, Иброҳим

Яшар ҚОСИМ

Ғафуров, Бахтиёр Назаров, Нўймон Раҳимжонов, Иброҳим Ҳаққулов, Сувон Мелиев сингари таниқли мунаққидлар Абдулла Орипов шеъриятининг бетакрор ва ўзига хослигини маҳсус таъкидлаган эдилар. Устоз Озод Шарафиддинов 70-йилларда ёзилган “Шеърият – қалб ёлқини” мақоласида Абдулла Орипов ижодий қиёфаси, жумладан, шоирнинг адабиётга кириб келиш тарихини ҳаққоний гавдалантирган: “Абдулла Орипов ўзбек шеъриятига 60-йилларнинг бошида кириб келди. Унинг “Митти юлдуз” деб аталган биринчи тўплами 1965 йилда чиқкан эди. Абдулла илк шеърлари билан юнинг китобхонага ўзгача дунё, теран фикрлар ва эҳтиросли ҳисларга йўғрилган янги бир поэтик олам мавжуд эди”.

Шунингдек ёш шоирнинг жасоратли ва дадил бадиий кашфиётлари XX аср туркий забон шеъриятнинг забардаст намояндалари томонидан ҳам тан олинган. Қайсин Кулиев ва Давид Кўғилтиновлар Абдулла Орипов шеърларининг сатрий таржималари билан танишгач, ўз ҳайратларини яширмаганлар. Қайсин Кулиев, “Мен ўзбек адабиётини навбатдаги буюк бир истеъдод билан табриклайман” деган бўлса, Давид Кўғилтинов эса, “Адабиёт тарихида қолиш учун мана шу шеърларнинг ўзиёқ етарлидир”, дея башорат қилганди.

Ҳақиқатан ҳам ёш Абдулла Ориповнинг ўтли кўнгил нидолари биргина Ўзбекистон эмас, балки ўша пайтдаги иттифоқ миқёсида катта шов-шув уйғотиши, адабий доиралар ва китобхонлар томонидан қизғин кутиб олиниши унинг ижоди, умуман, ўша давр маънавий-маданий ҳаётида чукур из қолдирган адабий-бадиий ҳодисалардан бири эканлигига далолат этади.

“Бу орада, – деб ёзади профессор Озод Шарафиддинов, – унинг шеърлари рус тилига ҳам таржима қилина бошланди. Аввал улар “Литературная газета”, “Дружба народов”, “Новый мир” каби газета ва журналларда босилди. Кейинроқ эса Ташкентда “Родник”, Москвада “Ветер родины” номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Бу китоблар Абдуллани бутуниттифоқ шеърият орбитасига олиб чиқди. Ёш ёзувчиларнинг бешинчи кенгашида шеърият семинарига раҳбарлик килган атоқли шоир Қайсин Кулиев семинар ишининг якунлари ҳақида “Литературная газета”да эълон қилинган мақоласида Абдулла Орипов билан учрашув ўзи учун чинакам шеърият байрами бўлгани ҳақида ёзади. 1973 йилнинг бўсағасида “Совет Ўзбекистони” газетасида босилган мақоласида эса Абдулла Ориповни ҳозирги ёш шоирлар орасида энг истеъдодлилардан бири сифатида баҳолайди”.

Дарҳақиқат, Абдулла Ориповнинг миллат ва Ватан дардларидан туғилган, бекиёс ёшлиқ шиддати билан битилган ўтли шеърлари, ўзининг эмоционал эстетик мазмуни ва улуғвор кўламига кўра олашумул бадиий кашфиётлари нафақат жонажон ва қадрдан ҳалқи, балки барча олис-яқин кўнгилларда, чин ва самимий сўзга ошно бўлган хушёр ва сезгир қалбларда ҳамон акс садо берив, муттасил янграб келмоқда.

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси, устоз Одил Ёқубов: “Агар мен янглишмасам, ёшлигида Абдулла шеърхонлардагина эмас, ҳатто кўпни кўрган адibu олимларда ҳам ўз ёшига нисбатан ғоятда навқирондек таассурот қолдирган,

ҳатто айтиш мумкинки, ўқиши баҳонасида куни кечакишидан чиқиб келган бўш-баёв, соддадил, жуда беғубор бир ўсмирни эслатар эди. Сиз унга қараб туриб, қорачадан келган шу маъсум ва беозор йигит бу қадар теран ҳаётий кузатишларга қобиллигига ишонгингиз келмас, аслида бу кузатишлар ҳосиласи фавқулодда фалсафий қарашлар унинг тафаккурида қат-қат бўлиб ётар; озғингина шу йигитнинг жимит юрагига бир дунё дарду алам, жон томирлари туташ шу заминга, мушфиқ-муштипар элига, унинг кечмишига бунчалар буюк муҳаббат, том маънодаги элу юрт қайғуси жо бўлғанлигини, исёнкор бу қалбда гоҳи-гоҳида акл бовар қилмас даражада тўфонлар кўпишини, руҳи самоларга шунча юксалиб, закоси мўъжизавор инжулар яратишини тасаввур этиш кийин эди: “Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи, Менинг ҳам тупроғим топталганди хор. Менинг ҳам руҳимда аждодлар охи, Менинг ҳам қонимда қилич занги бор. Минорлар эмас бу – фалакка қасам, Қасоскор боболар кетмишлар санчиб. Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам, Ўлик фираъвнлар кетарлар сапчиб.” Дардчил ва тирик бу сатрларни тасбиҳ тизимчасидаги дурлардай чизганида бутун бошли бир ҳалқ ва унинг кечмиши, чеккан кулфат ва аламлари, армону ҳасратлари ҳақида шунчалар ҳазин, шунчалар теран тасаввур туғдирганида Абдулла атиги 25–26 ёшда эди. Унинг одатдан ташқари сифатлашлари ҳар бир ташбиҳига абадият муҳридай сингиб кетган. “Минорлар эмас, бу фалакка қасам, Қасоскор боболар кетмишлар санчиб...”. Ҳаёлнинг бундай мўъжизавор шакл касб этиши кишини лол қолдиради”, дея эътироф этган.

Абдулла Орипов ёшлик лирикасида бамисли Пушкин армони, Лермонтов висолидай, энг гўзал туш сингари, энг гўзал хаёл каби сехрлили ва фавқулоддалик бор. Буюк ва исёнкор Чўлпоннинг 1919–1924 йилларда илоҳий бир қудрат ва бекиёс бир шиддат билан битилган озодлик қўшиқларига оҳангдошлиқ, монандлик сингиганди ўша оташин шеърларга. Илк ва эрта машқлари биланоқ кўхна Туркияни титратган ўсмир Нозимнинг довруғига уйқашлик, ўхшашлик бор эди.

Унинг ҳалқчил ва беҳад дардчил дил нолаларида асримиз бошларида мустамлака зулми остида ингранаётган азобкаш Озарбайжоннинг атиги беш йиллик (1906–1911) собир қувончи, илинжиға менгзанган умидворлик балқиб, ярқираганди.

Абдулла Ориповнинг: “Маконинг бўлибди тоғлар ораси Сенсан гўззаликнинг асли, сараси. Маъюс юрагинда ишқнинг яраси, Сен ҳам ошиқмисан ёки охужон. Дарапар қўйнида нени истарсан, Нечун доим ғамгин, доим мустарсан. Латиф шижоатинг қайга қистарсан. Сен ҳам ошиқмисан ёки охужон” каби сатрларини ўқиркансиз, бу дилкаш шеъриятдаги ниҳоят даражада теран самимият, ҳалқ қўшиқларидаги каби ҳадсиз соддалик худди нондайин, сувдайин, илоҳий оддийлик, одамни ҳайрон қолдирадиган қадрдонлик ва туғишганлик, шу билан бирга ёки шуларнинг умумий акс садоси бўлиб, қалбингизга сингиган чексиз муҳаббатни ҳис этасиз. Бу бир-биридан жозибадор қалб дурдоналарини барча товланишлари билан ҳис қилиш, тушуниш, тахлилу тавсифлаш, нонни, сувни, тупрокни таърифлашдай мушкул...

Миллийлик бадиий ижоднинг зарурий маънавий-эстетик сифатларидан саналади. Маълум ҳақиқатки, миллий руҳдан озиқланмаган, миллийлик жавҳари жонида бўлмаган ижодкорнинг жиддий ва чинакам истеъдод деб тан олиниши

Яшар ҚОСИМ

ва қабул қилиниши амримаҳол. Яъни миллат ҳаёти ва турмуш тарзини, онгу дунёқарашини, орзу ва армонларини, қувончу шодликларини, дард ва аламларини тасвиrlашдан тортиб, она тилининг сон-саноқсиз товланишларини нозик кўз-кўз этишгача, миллий психология ва характерни, миллат ўтмиш ва тарихини, муҳабbat ва нафратини, миллий ғалаба ва мағлубиятларни, миллатнинг бу куни ва эртасини, Ватан тақдирини, хуллас миллий ўзига хосликларни ҳаққоний ва юксак бадиий маҳорат билан ифодалашгача бўлган ҳамма-ҳаммаси миллийлик деган кенг тушунча остида умумлашади.

Чинакам “миллий ижодкор” номини олиш учун эса юқоридаги миллий эстетик тушунчалардан атиги биттасини бадиийлаштиришнинг ўзиёқ етарлидир. Шундай бўлгач, табиийки, барча қаламкашлар ижодида миллийлик бир хил савия ёки тенг даражада акс этмайди. Муайян бир сўз санъаткорига нисбатан “жудаям миллий шоир” ёки “ғоят теран миллий ёзувчи” дея маҳсус таъкидлаб айтилиши эса унинг асарларида миллийлик кенг қамровда, теранроқ ва кўламдор акс этганини билдиради. Айтайлик, Пушкин рус шеъриятида “энг миллий шоир” сифатида баҳоланиши бу – бошқа рус шоирлари номиллий дегани эмас, албатта. Ёки Абдулла Қодирийнинг XX аср ўзбек адабиётида “Энг миллий ёзувчи” деб тан олиниши бошқа ўзбек ёзувчилари миллий эмас, деган маънони англатмайди. Балки бошқа қаламкашларга нисбатан Пушкин ва Қодирий асарларида миллийлик компонентлари янада чуқурроқ ва батафсилроқ инъикосига эга эканлигини кўрсатади.

Хўщ, XX аср ўзбек шеъриятига айни шу мезон билан ёндашсак, қандай манзара билан юзлашамиз? Айниқса, устоз шоирларимиздан қай бирлари ижодида миллийлик ёрқинроқ ва бўртиброк рўёбга чиққан? Баъзи бир мунаққид дўстларимдан олдиндан узр сўраган ҳолда, “ҳакамона дахлсиз хукуқ билан” эмас, мутлақо оддий ва камсуқум бир қаламкаш сифатида Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон,Faур Ғулом, Миртемир, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи ва бошқалар каби устоз Абдулла Орипов ҳам шундай камёб миллий шоирларимиздан бири эканлигини айта оламан.

Чунки Абдулла Орипов лирикасининг бирламчи хусусияти ҳам айнан миллийлиkdir. Унинг шеъриятидаги тенгсиз гўзаллик ва кўнгилга яқинлик, ўзига хос фусункорлик кўпинча шу билан изоҳланади. Бу хислат Абдулла Ориповнинг образлар оламига, ташбех ва истиораларининг қон-қонига шунчалар сингиганки, ихтиёrsиз ёд бўлиб кетган байтларни ўқиб туриб, худди ўз қалбингизнинг маҳрам таржимонига айланган сирдош сартларни айта туриб, бу шеъриятнинг атиги бир неча ўн йилдан буён мавжуд бўлганига ишонгингиз келмайди. Бу жозибадор лирика гўёки неча-неча асрлардан бери яшаб келаётгандек тасаввур уйғотади. Гўёки, тилимиз бу шеърларни айтаётib чиққан, кўзимиз, дидимиз унинг минг бир сирру асрорга лиммо-лим тўла жодугар оҳанглари таъсиридан жилоланган. Гўёки, ақлимиз киргандан, эсимизни танигандан уни таниганмиз, уни билганмиз. Халқимизнинг санъатга муҳаббатидай қадимиийлик бор бу шеъриятда! Худди мана шу сирли қадимиийлик, сўз билан тушунтириб бўлмайдиган қадрдонлик ва туғишганлик, маънавий-рухий бирлик ва яқдиллик Абдулла Орипов лирикаси миллийлиги билан узвий боғлик, кўш ва эш бўлган ёрқин бадиий-эстетик фазилатлар шаклида намоён этади ўзини...

Абдулла Ориповнинг “Баҳор”и мен учун жудаям сирли ва фавқулодда жозибадор шеър бўлгани учун уни, эҳтимол, минг бор ўқигандирман. Бирок сирларига тушунмай, гўзалликларига хаёлим етмай, ундаги туйғу ва кечинмаларнинг гаройиб-ажойиб товланишларини кўнгилдагидай сеза олмай ҳадсиз ўксиганман. Мен бу шеърниңг остонасига бош қўйиб неча тонглар орттирганман. Лекин қандайдир илоҳий бир сир ва дониш пардаси кўнгил кўзини мудом тўсиб турган. Худди кадрдон куёшга тик қараб бўлмаганидай – бу шеърга ҳам ақл кўзи билан тикилиш иложсиз... Келинг, азиз шеърхон яна бир гал – энди минг биринчи бор, бу шеър чексизликларига сингиб кетайлик, унинг муnis ва бокира оҳангларида оқайлик. Зора, бу гал кўнгил ушбу сеҳркор ва хуснкор шеър мулкидан ненидир сезса, илгаса, излаб топса:

“Яна баҳор келди. Яна оламда ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт. Мен сени қутлайман шу улуг дамда. Азиз елкадошим, музaffer ҳаёт! Ташбех ахтармангиз ушбу ғазалдан. Накд жойда насия не керак асли. Аён бир ҳислатинг бордир азалдан. Сени атамишлар уйгониш фасли!”

Камалакдай сержило дилрабо ва оҳанрабо оҳанглар оқимини бир зумга тўхтатамиз. Лекин ўшандагина бунинг иложсизлигини савқи табиий орқали тумиз ва айни шу туйғу бизга бир нималарни айтиётгандай бўлади: шеърдаги мисраларнинг баҳорий тўлқинлардай тизгинсизлигини, тифизлигини ва уларни бир-биридан айириб-ажратиб бўлмаслигини бутун вужудингиз билан сезиб ажабланасиз. Ёник қалб ҳарорати ва ҳаяжонидан туғилган бу ажиб сўз тизимлари қандайдир сирли алфозда бир-бирига туташиб кетган, кўнгилни энтиқтирувчи чўккилар силсиласини эслатади. Ва илк қарашда қадимий-кўхна лирика табиати-ю анъана сига унчалик мос тушмайдиган бу узун ва улкан шеър қандай қилиб бир зарб билан, бир нафасда, ғоят яхлит ва бутун шаклу шамойилда қофозга тушганига ҳайратлангандан хайратланаверасиз. Яна сизни лирик достонга ярашгулик поэтик маконда донишманд Хайём рубойларига хос пишиқлик, пухталик ва ёмбиликнинг рўёбга чиқиши, Навоий ва Фузулий мумтоз ғазалиётидаги лирик кайфиятнинг бир бутунлиги ва мукаммал изчиллигига монандлик хайрон қолдиради.

Шоирона нигоҳнинг серқирралиги ва беҳад қамровдорлигини айтмайсизми?.. Шеърда ҳаёт, борлиқ, абадият ҳақидаги фалсафий ўйлардан баҳор келиши, она табиат уйгониши, ҳатто бу уйгонишнинг кўз илгамас, фақат шоирона назарга кўриниш берадиган дастлабки нишоналари ва белгилари тасвирига ўтилиши мафтункор маҳорат намунасиdir... Худди совуқдан, аёздан музлаган кафтини ишқалаётгандай туолган ерларнинг уйгониши, бобо кўёшнинг юксалиши, қишининг оппоқ юкини ташлаб тогларнинг кифтини кўтариши, еллар уйғотган, баҳор насимига қувониб бош силкитаётган безавол майсанинг беғубор ҳолатидан тарнов бўғзидаги қўркам лолагача, яшил пўпанакдан қанот бойлаб худи учишга шайланаётган чирик хазонгача... барча- барчаси ҳассос шоир нигоҳида акс этади. Бундаги муҳим жиҳат биргина бадиий тасвирнинг ниҳоятда аниқ ва нағислигидагина эмас, балки шоир кузатишларининг ҳаққонийлиги билан бирга, айни чоғда жудаям миллийлигидадир.

Юқорида тилга олинган бири-биридан таъсирчан, ҳиссиётчан мисраларда абадийлашган гўзал ва ранг-баранг ҳаётий ҳолатларни, жонли ва жозибали табиий манзараларни, табиат уйгонишининг турфа нозик кўринишларини, назаримда,

Яшар ҚОСИМ

фақат ўзбек шоиригина кўра ва кузата олиши мумкиндай туюлади менга. Ва гап фақат:

“Тарновлар бўғезида лола ҳам кўркам”

Ёки:

*“Ҳаттоказ туйғусиз, чирик ҳазон ҳам
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот”*

каби сатрлардаги фоят нозик ва беҳад бўртиб ифодаланган миллий назарнинг очик-равшан, ўчмас изларида гина эмас, ҳатто ушбу босиқ бадиий фалсафий мисра

“Терак учларида изгир мавжудом”

ҳам ёрқин ва беназир миллий нигоҳнинг тажассумидай таассурот қолдиради...

Поэтик бўёқларнинг бунчалар қуюқлиги ва бош эстетик ниятга уйғунилиги миллий кечинма ва кайфиятнинг бу даражада аниқ ва бетакрор бадиий тимсоллардаги инъикоси, назмий ифода имкониятларига сифмайдиган тасвир бемалоллиги ва эркинлиги, умуман, шеърий тажрибада камдан-кам учрайдиган адабий намуналар тоифасига мансубдир, десак, асло адашмаймиз. Абдулла Орипов лирикасида эса бадиий тарих ва тажрибаларни бойитадиган бу каби мисоллар кўнглингиз тусаганча топилади.

Мен Абдулла Орипов қаламига мансуб аксарият шеърларнинг, айниқса, “Баҳор”нинг ҳатто қадим ва бой дунё тилларига ҳам таржимасини тасаввур этишга қийналаман. Соф миллий ёндашув ҳосиласи бўлган, миллий нигоҳни ўзида мужассамлаштирган, миллий рух ва кайфият таратувчи сўз ва образларни, қон-қонимизга сингган соф ўзбекона истиора ва ибораларни, ташбеҳ ва ўхшатишларни қанақасига – қандай қилиб, қайтадан бошқа бирон тилда яратиш – янгратиш мумкинлигига ақлим етмайди:

“Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор”

Ёки

“Баҳор тетапоя гўдакдай ширин...”

Ушбу мисраларни ўгиришнинг иложи бормикан? Биргина “ивирсир” феълининг маънавий-эстетик кўламини, бу сўз қўзгаган ассоциатив ҳолатларни қамраб олишини айтмайсизми?

Ёки “Баҳор тетапоя гўдакдай ширин” истиорасининг маъно қатларига эътибор беринг. Эрта баҳор ва тетапоя гўдак! Нақадар табиий ва ҳаётний, фоят фалсафий ўхшатиш! Табиат ва инсоннинг болалиқ, атак-чечак чоғлари... Ўхшатиш замиридаги мукаммал мантиқий уйғунлик ва идеал оҳангдошлиқ ақлни лол қолдиради. Айни

пайтда беҳад ўзбекона қиёс бу! Эҳтимол, бир амаллаб бу каби доҳиёно миллий бадиий қашфларни ўзга тилларда тиклаш мумкиндири, бироқ уларнинг аслиятдаги маънолар қўлами ва жозибасини қайта тиклаш амримаҳол!

Жаҳон лирикасида баҳорга бағишланган ўнлаб бетакрор ва бетимсол намуналар бор. Уларнинг анча-мунчасини севиб, ардоқлаб ўқиганман. Лекин ўша ўзича гўзал ва ўзига хос шеърларнинг биронтасидан фақат ва фақат ўзбек шоирининггина ҳассос нигоҳи илғаши мумкин бўлган ушбу муnis ва бокира, беҳад азиз ва қадрдон лаҳзаларни тополмайсиз:

*Дилбар келинчакнинг кўксидагулув
Зардоли шохига ташлар кўз қириш.
Барг аро шуълалар кафтлармикан у...
Баҳор тетапоя гўдакдай шириш...*

Хар бир мисрада миллий дид барқ ургани ва ҳатто ҳар сўзда миллий кайфият товлангани, миллий сезим ва қараш жилвалангани боис бутунликда шеър миллий “мен”лик ва маънавиятнинг узвий бўлагига айланган. Ва мутолаа жараёнида беихтиёр қалбингизда шириш ва масъуд дамлар билан боғлиқ азиз хотиралар, қадрдон ва эзгу ҳиссиётлар оқими, миллий хотиротнинг ҳатто теран ва олис ҳатлари жонланишига, уйғонишига туртки беради: “Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё. Жилмайиб қўяди барчага масрур. Темурбек гумбазин қўйинини гўё ёритгани каби бир лаҳзалик нур”.

Абдулла Орипов лирикасида миллийликнинг рўёбга чиқиш хусусиятлари ва ўзига хос кўринишлари тўғрисида гап борар экан, ўзи ҳам замонасининг энг миллий санъаткорларидан бири каби машҳур бўлган Александр Твардовскийнинг “Пушкин ҳақида сўз” нутқидаги мазкур сатрларни ёдга олиш жоиздир: “Ўз вақтида Тургенев босиқлик билан, сал тагдор қилиб, Пушкинни миллий шоир деб атаб, айни пайтда, мазкур тушунчанинг ҳалқ шоири тушунчасидан фарқини таъкидлаб ўтганди. Нақадар буюк шоир, – деган эди у, – ҳатто содда ҳалқ томонидан ҳам севиб ўқилади. Олмонларнинг оддий ҳалқи Гётени ўқишмайди, французларники Мольерни, ҳатто оддий инглизлар Шекспирни ўқимайдилар”.

Буюк Пушкин ҳақида айтилган ушбу беҳад самимий адабий ўй ва фикрлар улуғ шоиримиз Абдулла Орипов лирикасига ҳам айнан мувофиқ келади. Буни ушбу дилбар ва фусункор шеъриятнинг элимиз орасида ҳайратомуз даражада машҳурлиги, закий китобхонлардан тортиб оддий одамлар, содда ҳалқ тарафидан севиб ўқилиши, юқори баҳоланиши ва қадрланиши ҳам тасдиқлайди.

Бу бўстон саҳнига



**Раҳми келиб, қўнди
соғимга қор, сиздан
хабар йўқ.**

**Хосият
БОБОМУРОДОВА**

Мунаввар бўлса

Сен яшаган кўнгил мунаввар бўлса,
Қайтиб чиқолмасанг, мудаввар бўлса.

Мехрингни аямай сочсанг йўлига,
Мехрибонинг қадди санобар бўлса.

Соғинчдан жимгина тугар чоғингда,
Холингни билгувчи пайямбар бўлса.

Шерик бўлса ёмон, яхши кунингга,
Сен деб хуррам, сен деб мукаддар бўлса.

Сўзи чақин чақса, сўзи дил ёқса,
Кўнгилга сўз отгич камондор бўлса.

Хосият гулханда ёнса ловуллаб,
Ўтдан омон чиққан самандар бўлса.

Хосият БОБОМУРОДОВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1950 ийлда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида (Хозирги ТДПУ) ўқиган. Шоиранинг “Дарёдан қатра” “Оқ ўйл турналар”, “Самарқандга мактублар”, “Мен узган гуллар”, “Бормисан, ўзбек”, “Жонимнинг эгаси”, “Ватан ягонадир”, “Келин салом”, “Магрурлик сабоги”, “Қизилқум маликалари”, “Самарқанд санамлари”, “Қирқ ўғлон қиссаси”, “Саҳродағи жсаннат”, “Сенсиз”, “Гул ёмғири” “Ўқувчи одоблари” китоблари чоп этилган.

Жазони ўзимга бер

Жаллодимга осойиш, жазони ўзимга бер,
Асра жафокоримни, низони ўзимга бер.

Магарким, азроилга ошиқ жони керакдур,
Раддияни унгаю ризони ўзимга бер.

Хижрон ўти баландтур, жаҳаннамнинг ўтидан,
Ҳар икки дўзахда ҳам “маза”ни ўзимга бер.

Унга қулсин бу олам, менга бўлсин аламлар,
Инграйки, токи танҳо, сазони ўзимга бер.

Ул юрт аро эркиндур, мен ишқ аро тутқунман,
Доми гар осмондадур, фазони ўзимга бер.

Жондин айрил Хосият, деса ишқ дунёсида,
Ўлсам, ишониб ўлай, қазони ўзимга бер.

Бу хаёл

Ғамлар билан никоҳингни қийдиради бу хаёл,
Ўйлар бўлсанг армонингни сүйдиради бу хаёл.

Ўзинг билмай соchlаримнинг тўлқинига бойландинг,
Энди сенга ишқдан либос кийдиради бу хаёл.

Изтироблар гирдобида ўртанасан эрта, кеч,
Азоб берар, гоҳ жонингдан тўйдиради бу хаёл.

Гоҳо висол онларини кўрармишсан ширин туш,
Ҳақиқатга айланмайин куйдиради бу хаёл.

Мен-ку сенинг хаёлингда учиб юрган оппоқ қуш,
Кечолмайсан Хосиятдан, сүйдиради бу хаёл.

Қўзим на қилди сизга

Дейсиз, кўзингдан қўрқаман, кўзим на қилди сизга,
Йўлларимни тақиқлайсиз, изим на қилди сизга.

Руҳингизга сифинмоқлик шунча бўлар-да, ахир,
Қирқ кундирки, чўкка тушдим, тизим на қилди сизга.

Қаро тунлар яноғимга нуқтасини қўйди-ку,
Сиз қўймайсиз жабрингизни, бўзим на қилди сизга.

Сиз озодсиз, мен банддаман, арзу холим сўрар ким,
Овозимни тингламайсиз, сўзим на қилди сизга.

Хосият БОБОМУРОДОВА

Хосиятни ўтга ташлаб, хотиржамсиз ўзингиз,
Бошқа хунингиз йўқмиди, ўзим на қилдим сизга.

Гул айлади

Хамдард истаб топмадим ҳеч, бир сухбати нозикни,
Топди ўзи, сўзи бирла қалбимни гул айлади.

Аввал ўзи изхор этиб дард ила ишқини ёр,
Сўнгра лутфин аяб мендан дардимни мўл айлади.

Не ажабки, бу бағримни ўтда ёққаним сари,
Икки кўзим арзи бирла ёстиқни хўл айлади.

Умид кўзин туттим мангур, мен васл бўстонига,
Ул раҳми йўқ бул чаманни қақраган чўл айлади.

Мен арзи ҳол этсам ёниб, бу хилда ташналиқдан,
Ўксима, деб ғамларимга қўшди ғам, кўл айлади.

Мен-ку васлин орзусида юлдузларни яратдим,
Ўзим кўкда ой бўлдим, ул дилимни қул айлади.

Девоналигин ташбехин сўрмангиз Хосиятдин,
Бехабарман, не айласа, шеър билан ул айлади.

Бўлса

Кувонмоққа шодликларинг, чекмоққа ғаминг бўлса,
Сени инсон деб келганга меҳру ёрдаминг бўлса.

Тойрилганни тепиб ўтган узок бормай тойрилур.
Ёнингда дўст чекса озор, кўзингда наминг бўлса.

Мудом тикан ичра яшаш қиймаласа танингни,
Юрак сиққанда яйрашга Боги Эраминг бўлса.

Тўлиб, тошиб кетса дунёнг интиласан нимага,
Чорасиз бўлмасангу лек, бир-икки каминг бўлса.

Дўст васлига интизорлик, узун хижрон ёмон дард,
Гадони шоҳ эта олгич қутлуғ қадаминг бўлса.

Гоҳи ер, гоҳи осмон қадар қалбингни элтгувчи,
Хосият, юрак мулкинг – битта одаминг бўлса.

Сиздан хабар йўқ

Мавсуми ишқда ҳамма бор, эй ёр, сиздан хабар йўқ,
Узилди инграб юракдан чил тор, сиздан хабар йўқ.

Раҳми келиб, құнди сочимга қор, сиздан хабар йүқ.

Харсанглар қасдма-қасд қулади устима бир-бир,
Тошлар ҳам ҳолимдан олди ахбор, сиздан хабар йүқ.

Қийин эркан озод бўлмоқ меҳрингиз занжиридан,
Раҳми келиб, құнди сочимга қор, сиздан хабар йүқ.

Миллатим ишқ, бегонаман ўти ўчган дилларга,
Унутилдим, бегонаю ағёр, сиздан хабар йүқ.

Хосиятга аллақачон ўзини танитди, эрк,
Тарк этди бўйини дор, сиздан хабар йүқ.

Берай сенга

Надир бир жон, жаҳонимни берай сенга,
Надир аён, ниҳонимни берай сенга.

То сени ололгайдир абад занжирлаб,
Меҳр аталмиш маржонимни берай сенга.

Ҳаётингни ўрап нурга сенга етган дам,
Шодлик бўлур, фифонимни берай сенга.

Нурсиз майса ҳоли надир, бўлдим хазонинг,
Гул эк, қалби вайронимни берай сенга.

Бирор ошиқ, бирор беишқ, бирор лоқайд,
Изоҳ айла, ҳайронимни берай сенга.

Жон на, сенсиз Хосиятга, даврон на, сенсиз,
Сен сурақол, давронимни берай сенга.

Тонг

Сенсиз бу тун бунча узун, қўзларимдан ўтади тонг,
Тоқатимга бергил тўзим, вахки, қачон отади тонг.

Қисматимдек қора ҳар ён, қўнглим каби яра ҳар ён,
Оқарсайди зора ҳар ён, қайда ухлаб ётади тонг.

Софинганим кетиб бўлди, тиг суюкка стиб бўлди,
Ҳажри жондан ўтиб бўлди, яна нени кутади тонг.

Сени мендан олди бу тун, юрак энди бўлмас бутун,
Йиғлаб ёзар бўлдим бетин, келса бўзлаб кетади тонг.

Тун бор ўқин отди бул дам, ғамлар Хосиятида жам,
Ўз ўзича келмас тонг ҳам, мени отиб, отади тонг.



Узумни жимгина кавшаб, богини сўрмоғон яхши

Анвар ОБИДЖОН

Гулмат тилидан чапани яллачилар
тўқиган ашула

Фазода Ер билан бирга учиб сайёра Гулматман,
Дили оқ яктагу кўзи калишдек қора Гулматман.

Тонгда машшоқни созига, тунда дилбарни нозига,
Кунда ётларни носига ташна дилпора Гулматман.

Қорин тўйғоч қомати нор, қорни очса мўлтайиб зор,
Гахи бойваччаю пулдор, гахи бечора Гулматман.

Ҳаёт қийногидин толсам, ёмон устимға от солса,
Магар бошим бутун қолса, баҳти фаввора Гулматман.

Омонатсан деманг Ерда, яшар номим қизиқ шеърда,
Кеча ўтди, келур эрта, бугун шу ора Гулматман.

Жаҳон майхона, э Гулмат, бурундош шодлигу ғурбат,
Овлайн деб ширин улфат ҳануз оввора Гулматман.

Юртда бир баҳши Гулматман,
Ухласам яхши Гулматман...

Анвар ОБИДЖОН – (1947 – 2020) Ўзбекистон халқ шоири. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. "Она ер", "Эй, ёргу дунё", "Оловжон ва унинг дўстлари", "Безгакшамол", "Аканг қарагай Гулмат", "Масҳаробоз бола", "Жуда қизиқ воқед", "Ерликлар", "Мешопловоннинг жанглари", "Аламазон ва Гулмат ҳангомаси", "Ажойибхона", "Олтиариқ ҳангомалари", "Одобли бўлиши осонми?", "Танланган шеърлар", "Ўғирланган паҳлавон", "Баҳромнинг ҳикояси" каби достонлар, қиссалар, шеърлар, пьесалар ва ҳажсвий ҳикоялардан иборат тўпламлар муаллифи. Унинг "Кўнгироқли ёлғончи", "Топсанг ҳай-ҳай", "Коринботир", "Тўтиқул" каби асарлари мамлакатимиз театрларида саҳнада ширилган.

ЁВВОЙИ ФАЗАЛ, РАҚАМ 1

Шоириңгни йўлга бошла, ямоқ тушган чориққинам,
Вале сарой шоиридин пешонаси ёруққинам.

Ўтиб Риштону Боғдоддин Қўқонга шом кириб борсак,
Кутиб олгай Собир малла – соч-соқоли сариққинам.

Забт этиб Яйпанни таппа ва Пунгонни олар бўлсак,
Чойхонада берурман дам, пошнаси йўқ ориққинам.

Бўлуб Қамчиқ довон ишғол, қолуб Оҳангарон ортда,
Киурмиз Шошга биз мағрут мадор берса Холиққинам.

Шошда шоирни не кутса санго ҳам шу эрур қисмат,
Э чорифим, тақдири ман – эгосига боғлиққинам.

Жангга телба ягоч отда кирғонидек, далли Гулмат –
Кутар ягоч қаламдин ризқ... Хайр, Олтиариққинам.

1985 йилда тикланди

ЁВВОЙИ ФАЗАЛ, РАҚАМ 2

Аёғинг тортмоғон ерга айланиб бормоғон яхши,
Дилинг тортса, балодин ҳам бенасиб қолмоғон яхши.

Чиқимға дуч келар эрсанг эртани тез рўкач қилғил,
Бугунги ул текин ошни кейинга сурмоғон яхши.

Зиёфатлар эса хил-хил, иштаҳангим эса карнай,
Ўзинг ялғон сипо айлаб, тортиниб турмоғон яхши.

Кўп ўйланма бу неъматлар ҳалодданму ҳаромдан деб,
Узумни жимгина кавшаб, боғини сўрмоғон яхши.

Вале як бор бериб авқот, сани ду бор талар бўлса,
Онингдек сулланинг афтин умрбод кўрмоғон яхши.

Фикр бирла яшаб Гулмат ўта ноёб ўгит айтмиш:
Бирордин олғонинг мақбул, бирорға бермоғон яхши.

1979 йилда тикланди

ЁВВОЙИ ҒАЗАЛ, РАҚАМ 3

Бешягоч бозорида юрғон эдим тинглаб ғовур,
Бир мусоғир сўрдиким қайда деб Шайхонтовур.

Ман дедим: шундин юриб, шунғо бориб, шундоғ бурил,
Учрагай бир тўп бақа булбул бўлиб турғон зовур.

Кўфригин таслим этиб ўтғоч зовурдин нарига,
Тўғри юр ҳуштакфуруш аттори бор жойга довур.

Сўнг бурил чапроқ яна сертошу туфроғ кўчадин,
Тўхтама келгунча дуч лағмон чўзиб турғон повур.

Сан онинг лағмонидин уч-тўрт қулоч ютқон бўл-у,
Аста йўл сўрсанг кейин сўйлайди ростин, ҳайтовур…

Кетди ул қуллук ила, боқсамки – чўнтак қуп-қуруқ,
Вайсатиб Гулматни, ваҳ, картмонни урди киссавур.

1981 йилда тикланди

ЁВВОЙИ ҒАЗАЛ, РАҚАМ 4

Фақат оз-моз чўтиридурман, шол эмасман, букирмасман,
Соқол оппоқ, кангул ёшдир, висолдин юз ўгирмасман.

Кечиб гоҳо саждалардан, ичиб обдастадан майни,
Санғигум ёр уйин излаб ки меҳробга югурмасман.

Азал мағрур туғилғонман, мани шердек саботим бор,
Жафо кўрсам уурман оҳ vale молдек бўкирмасман.

Фалак посангиси – танда: бу ёнда дард, у ёнда шавқ,
Бул тарафга қўшмагайман, ул тарафдин ўпирмасман.

Бўлойин мард, келиб жоно мани ўлдирса ўлдирсун,
Севгидан чанг юқибдир, бас, они дилдан супурмасман.

Буюк ишқингга, э Гулмат, у танноз туфлади кетди,
Оғизда – пулга келғон нос, шу боис ман тупурмасман.

1984 йилда тикланди

Buncha go‘zal qanoting



**Po‘lat
XUDOYBERGANOV**

Kiyikcha

Kiyikcha, hoy kiyikcha
Buncha chiroyli shoxing.
Tog‘larni yashnatadi
Chopqillab yurishlaring.

Munchoqdek ko‘zlaringga
Termilaman, boqaman.
Qachon seni sog‘insam,
Tog‘lar tomon chopaman.

Jirafa

Buncha uzundir bo‘yning,
Hayratimni oshirar.
Baxmaldek liboslaring
Dilda zavqim toshirar.

Sayyod seni ovlasa,
Ko‘zimda yoshdir jiqqa.
Uyimga kirgin desam
Sig‘maysan-da eshikka.

Po‘lat XUDOYBERGANOV – 1956 yilda tug‘ilgan. Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika institutini tugaongan. Ijodkorning “Vatan deyman”, “Muhabbatimsan”, “Oramizdagি fidoyilar” nomli kitoblari nashr qilingan.

Kapalak

Kapalak, hoy kapalak,
Buncha go'zal qanoting.
Gulzorni oralashdan
Iboratdir hayoting.

Uchishlaring ajoyib,
Jon qulog'im eshitar.
Qanotingga xol qo'yib,
Gulzorga sehr bitar.

Qaldirg'och

Mo'minginam qushcham-a,
Bahorning darakchisi.
Ayvonimga kelsang gar,
Kelar Navro'zning isi.

Qanotlaring yurtinga
Baraka yog'diradi.
Seni ko'rib momolar
Ko'p duolar qiladi.

Ey, beozor qaldirg'och,
Ayvonimda qolaqol.
Men bilan chaq-chaqlashib,
Doim birga yuraqol.

Chug'urlaydi ovozing,
Shodon qo'shiq aytasan.
Nima uchun kuz kelgach,
Darrov uchib ketasan?!

Chumchuq

– Ayt-chi do'stim Abdulla,
Chumchuq qanday sakraydi?
– Shuni ham bilmaysan-mi,
U yurmaydi, hatlaydi.

Qishin-yozin bizlardan
Ketmas sira uzoqqa.
Eh, ilohim tushmasin,
Ovchi qo'ygan tuzoqqa.

So'nggi qo'ng'iroq

Chalinadi maktabda
Bugun so'nggi qo'ng'iroq.
Bilimlarning konidan
Chiqamiz bo'lib buloq.

Qanchalar jarangdorsan,
Ovozlaring o'zgacha.
Necha yil chalingansan,
Aytgin axir bizgacha?

Chalinadi maktabda
Bugun so'nggi qo'ng'iroq.
Bilimlaring konidan
Chiqamiz bo'lib buloq.

Адабий ҳаёт

* * *

3 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Вафо Файзуллоҳнинг “Куртакда дараҳтни кўрмок” номли адабий ўйлар, эсселар ва сұхбатлардан ташкил топған янги китоби чоп этилди.

* * *

5 май. Ўзбек ва тожик адабий алоқаларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Дўстлик насими” номли адабий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ўзбекистонлик тожик шоирлари Муҳаммад Шодий, Жаъфар Муҳаммад, Юнус Имомназар ва Абдулло Субҳонга Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолик гувоҳномалари топширилди. Ўз навбатида, Тожикистонда ўзбек тилида нашр этилувчи “Шарқнома” журнали бош муҳаррири Жамшид Примов, хўжандлик шоир Ўринбой Усмонов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига фахрий аъзо этиб қабул қилинди. Тадбирда ўзбек ва тожик тилларида дўстлик мушоираси бўлиб ўтди.

* * *

10 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи мактабларга уюшма томонидан чоп этилган турли номдаги 6500 дона бадиий китоб топшириш маросими бўлиб ўтди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарёга ташрифи вақтида берилган топшириклар ижросини таъминлаш мақсадида Қарши шаҳридаги маданият саройида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан “Шеър ва қўшиқларда Ватан мадхи” мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти талабалари халқимиз севган шоирлар ва санъаткорлар билан учрашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Қарши давлат университети кутубхонасига бадиий китоблар тўплами совға қилинди.

* * *

13 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма аъзоси, ёзувчи, шоир, драматург Менглибай Муродовнинг “Умидли дунё ёхуд турфаранг туйғулар тараннуми” деб номланган китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

17 май. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 75 йиллигига бағишлиланган “Байроқдек ҳилпираб вақт келаётир...” номли адабий-маърифий кеча ҳамда шоиранинг “Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мухиддин Абдусамаднинг “Учтган киприклар” номли шеърий китоби нашрдан чиқди.

* * *

20 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Ўзбек шеърияти антологияси” икки жилдлик китобининг 1-жилди тақдимоти бўлиб ўтди. Китоб Москва шахридаги “Ладомир” нашриётида босмадан чиқди. Ундан XI–XIX асарларда яшаб ижод этган ўттиз уч нафар ўзбек шоири қаламига мансуб газал ва рубоийларнинг рус тилидаги таржимаси ўрин олган. Китобга, шунингдек, “Алпомиш”, “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Ширин ва Шакар”, “Тоҳир ва Зухра”, “Орзигул” достонларидан парчалар киритилган. Антологияга ўзбек шеъриятидан турли йилларда амалга оширилган энг яхши таржималар танлаб олинган ва янгилари билан бойитилган.

* * *

22 май. “Женима” мукофоти 2004 йил “Инсоният манфаатлари йўлида битилган улуғвор сўзнинг юксак рухи ва қудратига миннатдорлик ифодаси” сифатида ташкил этилган. “Женима” – ҳомийлик маблағларидан келиб чиқсан ҳолда маълум бир суммани ўз ичига олган пул мукофоти. У ҳар йили лауреатнинг ўз Ватанида май ойида тақдим қилинади. Хуллас, мазкур мукофотга бу йил халқаро ҳайъат аъзолари розилиги билан Марказий Осиё давлатлари ичida биринчи бўлиб ўзбекистонлик таниқли адаби Қўчқор Норқобил муносиб кўрилди.

* * *

23 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида албан-америка шоири Жек Маринай шеърларидан таркиб топган “46 саҳифа” китобининг тақдимотига бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди. Унда қатнашган ёзувчи ва шоирлар, ёш ижодкорлар ушбу тўпламнинг мазмун-моҳияти билан танишди. Тақдимотда сўзга чиқсан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Адҳамбек Алимбеков, Зухриддин Исомиддинов, Хосият Рустамова тўпламнинг таржимаси, ундан ўрин олган шеърларнинг бадиияти, умуман, мазкур адабий лойиха ҳақида батафсил сўз юритдилар.

* * *

25 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Маъсума” – янги романи тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур роман тарихимизнинг “жадидлик” деб аталган энг мураккаб даври, ота-боболаримизнинг юрт озодлиги йўлидаги фидойилиги, ибратли ишлари ҳамда биринчи ўзбек актрисаси Маъсума Кориеванинг фожиали тақдирни ҳақида хикоя қиласи.

МУНДАРИЖА	
БАРХАЁТ СИЙМОЛАР	
ФАЙРАТИЙ. Қалбимни ёритган оташ бир хиссан.	4
БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКА	
Баҳодир ҚОБУЛ. Тил давлат отининг тизгинидир.	8
НАЗМ	
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.	
...Эслаб қололмадим гулнинг ҳидини.	25
Абдураҳмон ЖЎРА. Масофа бир қадам аслида.	31
Азиз САИД. Чорлайсан қалдирғоч табассумини.	35
Барно СУЛТОН. Отамнинг уйига ўхшайсан ватан.	47
Тоҳир ҚАҲҲОР. Бирлик. Асадан парча.	62
Наср	
Наргиза УСАНБОЕВА. <i>Икки ҳикоя</i>	
Совғанинг пули.	50
Аёл сийрати.	53
Шаҳодат ИСАХОНОВА. Гавҳаршод бегим. <i>Тарихий роман.</i>	94
ТАДҚИҚОТ	
Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА.	
Шеърията миллийликнинг бадиий акси.	57
Яшар ҚОСИМ. Минорлар эмас бу – фалакка қасам.	156
ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР	
Айимхан ЭШНИЯЗОВА. Замон билан ҳамнафас жанр.	84
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Муқаддасхон ТАЙЛНОВА.	
Эртакларда ҳайвонот оламига тақлид товушлар.	89
Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА.	
Ўзбек шеъриятининг юксак бадиий такомили.	150
ЯҲШИЛАР ЁДИ	
Юсуф ҲАМДАМОВ.	
Тўлепберген Қаипбергенов – моҳир публицист.	146
БУ БЎСТОН САҲНИДА	
Хосият БОБОМУРОДОВА.	
Рахми келиб, кўнди сочимга қор, сиздан хабар йўқ.	164
ГУЛҚАЙЧИ	
Анвар ОБИДЖОН.	
Узумни жимгина кавшаб, богини сўрмоғон яхши.	168
BOLALAR DUNYOSI	
Po'lat XUDOYBERGANOV. Buncha go'zal qanoting.	171
Адабий ҳаёт.	174

Шарқ ўлдузи

2022

5-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга кайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугууланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шохқўча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:
71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишига руҳсат этилди:
24.06.2022
Қоғоз бичими 70x108 ^{1/16}
Офсет босма усулида офсет қозоғида босилди. Босма табоги 11,0.
Шартли босма табоги 15,4.
Нащриёт ҳисоб табоги 17,2.
Адади нусха 70150
Буюртма №13

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигига 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“Tipografiya Poliar” МЧЖ матбая корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани.
Ифтихор кўчаси 117-үй
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаххилар:
Дилғузा Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова
Сахифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодик Сайфуллаев
Copyright © “Шарқ ўлдузи”